


Дыягностык



С. Хусенов, У. Ражабова

63.3
X184

63 3/34/
X-84

С. ХУСЕНОВ, И. РАЖАБОВА

ЧОР БАКР

Бух. ТИП и ЛП
БИБЛИОТЕКА
№ 4/2607

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2001

М а с ъ у л м у х а р р и р:
филология фанлари доктори, профессор *Нажмиддин КОМИЛОВ*

Т а қ р и з ч и л а р:
тарих фанлари доктори, профессор *Фарҳод ҚОСИМОВ*,
тарих фанлари доктори, профессор *Сулаймон ИНОЯТОВ*

X-84

Хусенов, Самовиддин, Ражабова, Ибодат.

Чор Бакр / Масъул муҳаррир: Н. Комилов. — Т.: «Шарқ», 2001. — 144б.

I. Муаллифдош.

Ўзгаллик жамолига дарча орқали эмас, кенгликда, қуёш нурлари остида тўйиб-тўйиб қараш ўринликим, юрак илохий неъмат файзидан сув ичсин. Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Фазл, Абу Бакр Ҳомид, Абу Бакр Тархон номи билан чамбарчас боғлиқ бўлган Чор Бакр тарихига «Чор Бакр» китоби орқали назар ташлаган китобхон катта маънавий хазина эгаси бўлиши табиий. Чунки, китобда тарих, архитектура, тошбитиклару тош, девор, кошинларга безак бериш санъати каби «чорчаман» усули камалақдай жилоланиб турибди.

IX—X асрларда Чор Бакрлар ва улар авлодларининг илмий фаолияти, XVI аср меъморчилиги ҳамда Чор Бакрлар авлодининг XVI асрдан то XX асргача тарих сахнасида намоён бўлиб, жамият ҳаётида салмоқли ижобий таъсир қўрсатганликлари... Ва ниҳоят 70 йиллик мустабид тузум касофатидан Чор Бакр обидаларининг вайрона ҳолга келиб қолганликлари... «Хайриятки, қуёш абадий» шукронасининг тантанаси... Мустақиллик шарофатидан Чор Бакрлар руҳи шод бўлиб Чор Бакр обидалари иккинчи умрининг бошланганлиги. Булар ҳаммаси «Чор Бакр» китобида рангли ифодасини топган. Ўйлаймизки, китобхон муаллифларнинг меҳнатларига шукроналик баҳосини беради.

ББК 63.3(5У)л6

«... Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради...

... Халқимиз буюк аجدодларимиз мўътабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аجدодлар номини абадул-абад сақлайди...

... Элим деб, юртим деб, келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарздир...

... Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар...»

ИСЛОМ КАРИМОВ

ТИКЛАНАЁТГАН РУҲИЯТ

Бухорои шариф — халқимиз маънавий қудратини акс эттирувчи яхлит бир муаззам обидадир. Бу қудрат Бухоро фарзандларининг бемисл истеъдоди, жаҳон илм-фани, маърифату маданиятига қўшган улкан ҳиссаси орқали асрлар давомида вужудга келгандир. Шаҳарнинг ҳар гўша ва гузарида қад ростлаб турган мадрасаю масжидлар, киши ақлини лол қолдирувчи турли усул ва услубда безатилган меъморий санъат обидаларини асл бухороликлар ўз мўъжизакор қўллари билан бунёд этганлар. Фақат шаҳарнинг ичида эмас, балки унинг атроф музофотларида ҳам азизу авлиёларнинг қадамжолари, халқ эъзозлайдиган муборак масканлар бор. Агар Бухорода етишиб чиққан олим ва фозиллар, аҳлуллоҳларнинг номлари жамланса ўзи бир неча жилдлик китоб бўлади. Шу боис, Бухорони илму ҳикмат кони, илоҳий маърифат нури таралиб турган муқаддас замин деб билганлар. Улуғ шоир Абдурахмон Жомий «Тухфат ул-аҳрор» достонида Хожа Баҳовуддин Нақшбанд мадҳида сўз айтиб, бундай ёзади:

*В-он гуҳари пок на ҳар жо бувад,
Маъдани он хоки Бухоро бувад.
Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,
Навбати охир ба Бухоро заданд.*

Мазмуни: Бу покиза гавҳар (яъни Баҳовуддин Нақшбанд) ҳар жойда ҳам бўлавермайди. Бу гавҳарнинг кони Бухородир. Макка ва Мадинадан кейин муқаддаслик — шарифлик муҳрини Бухорога бердилар (урдилар).

Ҳа, Бухоро Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадан кейин Шарқнинг учинчи муқаддас шаҳри деб эътироф этилган, уни «Ислом оламининг қуббати, дин илмининг посбони» дея улуғлаганлар. Бухоро ҳар жиҳатдан бу шарафга муносиб бўлиб келган. Тарихчи Истахрийнинг гувоҳлик беришича, X асрда Бухорода 120 та мадраса бўлиб, уларда 5000 дан ортиқ толиби илмлар таҳсил олганлар. Шаҳар ва унинг атрофидаги аҳолининг сони 1,5 миллиондан зиёд бўлган. «Серҳосил боғлар, экинзорлар бири-бирига тутшиб кетар, Бухоро гўё бир жаннатдай ободдир», деб ёзади Истахрий. Муҳаммад Наршахий ва бошқа тарихчилар ҳам буни тасдиқлаганлар. Бухоронинг шухрати шунчалик баланд бўлганки, Эрон, Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Миср, Кавказ ўлкаларидан юзлаб илмталаб ёшлар бу ерга келиб, диний ва дунёвий илмлардан таҳсил олганлар. Бухоро мадрасаларидаги таълим ўзига хос эди. Бу ерда илми калом, тафсир, ҳадисшунослик, араб тили билан бирга мантиқ, тиббиёт, фалсафа, санъат, тасаввуф билан шуғулланиш расм эди. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоронинг обрў-эътибори Бағдоддан ҳам ошиб кетади. Натижада дунё адабиётининг мумтоз саҳифаларидан бири — форсий шеърият шу заминда шаклланди. Абу Абдулло Рӯдакий, Абу Шукур Балхий, Дақикий, Самарқандий ижоди гуллади.



мақбараларнинг қабатида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммаси биргаликда атрофи баланд девор билан ўраб олинган. Мажмуанинг олд қисми кенг ҳовли бўлиб, у икки қисмга ажратилган. Ташқи дарвозадан кириб, отуловни қолдириб, кейин эҳтиром билан ичкари дарвозадан мақбаралар ва масжиду мадраса жойлашган ҳовлига кирилади. Зиёратдан кейин ғарб томондаги дарвозадан чиқиб кетилади. Мажмуанинг атрофи Абдуллахон даврида боғ-роғлар билан ўралган эди.

1999 йил баҳорида Бухорога борганимда Чор Бакр зиёратига мушарраф бўлган эдим. Аммо мажмуа у пайт ачинарли аҳволда эди: мадраса пештоқлари емирилиб тушган, масжиднинг эса ярми йўқ. Девор ҳам, йўлак ва айвонлар ҳам бузилган, афтода бўлиб, гиштлари кўчириб кетилган. Қадимгилар айтгандай, бойўғли уя кўйган вайрона эди. Абу Бакр Саъд мақбараси олдиғача лой кечиборган эдик. Бироқ у ер-бу ерда қурилиш материаллари тўпланиб турар, қурувчилар ҳам асбоб-анжомларини ишга шайлар эдилар. Ўша ердаги усталар билан суҳбатлашганимизда, улар «Чор Бакрни бир йил ичида тиклаб, асл ҳолига келтирамиз, бир йилдан кейин келинг, кўрасиз», дейишди. Ростки, мен бунга ўша дамда унча ишонмагандим: бу ҳашаматли бинолар, бунча вайронани бир йилда таъмирдан чиқариш осонмикан?

Аммо мен янглишган эканман. Чор Бакр мажмуи 2000 йилнинг август ойида тўла таъмир этилиб, Истиклолнинг тўққиз йиллиги арафасида тантанали суратда зиёратчилар ихтиёрига топширилди. Камина бу тантаналарда иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Эрта саҳарда Бухоро шаҳридан ва атроф туманлардан одамлар Чор Бакрга оқиб келган эди. Вилоят ҳокимияти ташаббуси билан мажмуа ҳовлисининг кенг саҳнида йиғилганларга худойи оши сузилди, меъмор усталар, иш бошида турган мутасаддилар номи илиқ, самимий табрик сўзлари билан тилга олиниб, уларга Бухоронинг зарбоф тўни кийдирилди. Кейин таъмирдан чиққан асл ҳамда янгидан бунёд бўлгандай бўй чўзиб турган бинолар, мақбара ва хазиралар зиёрат қилинди. Мен гўё умумхалқ байрамига қатнашаётгандай хис қилардим ўзимни. Чунки ёшу қари чиройли, озода кийинган, руҳлари тоза, юзларида шодлик, фараҳ барқ урарди. Бу ободлик фақат иморат, обидалар чиройи, ҳусну жамолида эмас, балки одамлар қалбида ҳам юз берган эди. Бухороликлар ўз тарихларининг янги ҳаёт топгани, буни ўз қўллари, меҳнатлари билан амалга оширганлари, мустақил юртда ўз аجدодлари, азиз пирлари руҳини рози қилаётганларидан шод эдилар. Назаримда, улуғ пирлар руҳи халқ орасида кезиб, мамнун юргандай, қўллари ни дуога очиб, Бухоро аҳлига, Ўзбекистонга Аллоҳдан саодат тилаётгандай эди. Бу сайил, шодиёна кун бўйи давом этди, хориж юртларидан келган сайёҳлар ушбу шодиёнага шерик бўлдилар.

Дарҳақиқат, бухоролик усталар санъатига тасанно айтмай иложимиз йўқ. Улар ҳар бир гишт, ҳар бир нақшу кошин, арабий ёзув, ислимий чизиқ ва безакларни худди қадимий кўринишида янгидан яратибдилар. Чор Бакрнинг шарқий дарвозасидан кирган одамнинг кўз олдида салобатли шарқона гўзал бинолар савлат тўкиб намоён бўлади. Атроф чиннидай тоза, мақбараларга олиб борадиган йўллар тош ва гишт билан фаршланган. Вилоят ҳокими Самовиддин Хусеновнинг айтишича, бу қурилишга Бухоронинг жуда кўп ташкилотлари, оддий одамлар иштирок этганлар,

Бухоро ўзининг бу мавқеини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолди. Марказий Осиё, нарёғи Татаристон ва Уйғуристон, буёғи Афғонистон, Кашмир, Туркия шаҳарларининг аксар уламолари Бухоро мадрасаларини битирган кишилар эдилар. Бухоро олимлари ёзган турли фан соҳасига оид китоблар асосий дарслик ва қўлланма сифатида бошқа юртларда ҳам кенг фойдаланилган.

Шўролар тузуми даврида мустамлакачилик сиёсати оқибатида Бухоронинг осори-атиқалари, муҳташам обидалари қаровсиз қолди, масжид-мадрасалар ёпилди. Кўплари молхона ва омборхоналарга айлантирилди, вайрона ҳолга келди. Фақат истиқлол туфайли жаҳоншумул тарихий обидаларимиз тўла йўқ бўлиб кетишдан омон қолди. Аллоҳга беадад шукрлар деймиз. Барча қадимий шаҳарларимиз қатори Бухоро ҳам қайта қад ростлади, вайрона иморатлар, пештоқлари, деворлари кулаб тушган улкан бинолар таъмир қилиниб асл ҳолига келтирилди. Чанг босган, моғорлаган, қишда лой кечиб ўтиладиган кўчалар гиштпарчин қилиниб, одам юрса баҳри дили очиладиган, ҳаваси келадиган ҳолга келтирилди. Минг йилларнинг гувоҳи бўлган ноёб обида Исмоил Сомоний мақбараси чўкиб кетиш хавфи остида қолган, Масжиди Калон эса тўрт томони нураб тушиб, ахлатхонага айланган, ичига кириб бўлмас эди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг шахсан кўрсатмаси билан Масжиди Калон буткул қайта таъмир қилинди, унинг барча хона ва толорлари тузатилди ва намозхонлар ихтиёрига топширилди. Шу каби Исмоил Сомоний мақбараси ва бошқа ўнлаб обидалар ҳам Бухоронинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан қайта таъмир қилинди. Хуллас, бутун шаҳар янгидан жон топиб, қайта тикланди, десак хато бўлмас. Тарихий бинолар атрофидаги расталар, дўконлар, тимлар, карвонсаройлар қадимий қиёфасини кашф этиб, халққа хизмат қилмоқда. Бунга яна чароғон йўллар, мазорот ва мақбараларнинг обод этилганини ҳам қўшмасак бўлмайди. Бухоро фаҳри бўлмиш пири муршид Хожаи бузург Баҳовуддин Нақшбанд қабри ва унинг атрофида қурилган мадраса, масжид ва хонақолар мажмуи таъмирланиб, умумхалқ зиёратгоҳига айлантирилди. Ҳазрати Нақшбанд юбилейи кунлари Президентимиз ушбу муқаддас жойни зиёрат қилиб, амалга оширилган ишларни ўз кўзлари билан кўрдилар ва ободончиликни кизғин давом эттириш ҳақида яна кўрсатмалар бердилар.

Шунинг натижасидирки, Бухоро халқи руҳланиб кетди, кетма-кет Саййид Амир Кулол, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хўжа Ориф Моҳитабон ар-Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хўжа Али Ромитаний (Хўжаи Азизон), Бобойи Самосий, Сайфиддин Бохарзий ва бошқа валиларнинг мақбаралари обод этилиб, атрофи боғ қилинди. Жумладан, Бухоро шаҳри яқинидаги Сумитан қишлоғида жойлашган Чор Бакр мажмуасининг қайта тикланиб, таъмир қилиниши ҳам бухороликларнинг ўз тарихлари, маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин намунаси бўлди. Зеро, бу мажмуа Бухоро учун алоҳида мавқега эга. Бухоронинг исломдан кейинги тарихи билан боғлиқ кўп воқеалари ана шу Чор Бакрлар ва уларнинг авлодлари фаолияти билан боғланиб кетади. Бу ердаги қатор мақбаралар кўп замонлар халқ зиёратгоҳи бўлиб келган. Абдуллахон хукмронлиги даври (XVI аср)да қурилган ҳашаматли масжид ва икки қаватли мадраса



хашар йўли билан беминнат хисса қўшганлар. Халқ гўё тупрокқа беланган гавҳарини ердан кўтариб, артиб, ярқиратиб қўйгандай.

Халқнинг ана шу кайфиятидан руҳланган муаллифлар Чор Бакр хақида китоб ёзишни кўнглида тугиб, материал йиға бошладилар ва бу китоб бугун кўлингизда. Дарҳақиқат, Чор Бакр тарихини китоб қилса арзигулик. Биринчидан, муаллифлар Чор Бакр (Тўртта Абубакр)лар ким, улар нима билан шуғулланган, нега халқ уларни эъзозлайди, деган саволларга жавоб излаб, кўп манбаларни ўрганиб чиққанлар ва Бакрларнинг илмий шажарасини тиклаганлар. Энди бу китобни ўқиган киши мазкур мақбара-ларда дафн этилган зотларнинг хаёти, фаолияти билан батафсил танишиб чиқиши мумкин.

Иккинчидан шуки, Чор Бакрларнинг авлоди IX асрдан то XIX асргача, яъни минг йиллик давр мобайнида Бухоронинг илму маърифати, маънавий хаётига иштирок этиб, катта нуфузга эга бўлганлар. Бухоро амирлари ҳамиша улар билан ҳисоблашган, улардан маслаҳат олиб турган.

Учинчидан шуки, жуйборий шайхлари (Чор Бакрлар авлоди кейинчалик шундай номланган) Бухородаги сиёсий воқеаларга ҳам фаол иштирок этганлар, айниқса, Бухорони чет ҳужумлардан ҳимоя қилишда хон ва хонзодалар, аскарлар лашкарларни жипслаштириш, руҳлантиришда уларнинг ғоявий-маънавий раҳнамолиги ижобий рол ўйнаган. Натижада Бухоро вайрон бўлиб кетишдан сақлаб қолинган. Буни қатор тарихчилар таъкидлайдилар.

Буларнинг ҳаммаси китобда чиройли тил билан очиб берилган. Айтиш мумкинки, ушбу китобни ўқиган одам нафақат шайху саййидлар тарихи, балки Бухоронинг минг йиллик тарихининг кўп саҳифалари билан танишади. Бу табиий. Зеро, улуг шахслар, сулодалар тарихи мамлакатлар, шаҳарлар тарихи билан боғланиб кетган. Агар Бухоронинг ҳар бир обида-си тарихи ана шундай илмий ёритилса, демак, шу асосда Бухоронинг ва охир-оқибатда Ўзбекистоннинг кўп жилдлик маънавият ва маданият тарихи яратилишига замин ҳозирланади. Китоб гарчи илмий далиллар асосида ёзилган бўлса-да, аммо у бадиийликдан ҳам холи эмас. Жонли тил баёни ва лавҳалар, ҳикоялар тасвири асарга тароват бағишлаган. Айниқса, иккинчи қисмда саховатпеша инсон Хожа Ислом хақидаги ривоят ва сўфиёна кароматлар тасвири кишида яхши таассурот қолдиради. Муаллифлар Чор Бакрнинг таъмири, қайта тикланиш жараёнини ҳам хийла ҳаяжонли тилда сўзлаб берганлар.

Бундай асарлар ўқувчининг ҳам тарихий билимларини оширишга, ҳам маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади, шонли тарихимиз, улуг аждодларимизга нисбатан меҳр ва ифтихор туйғусини уйғотади. Ўйлайманки, ана шундай тарихни муҳаббат билан жонли ҳикоя қилувчи асарлар қанча кўпайса, шунча яхши. Биз шунча ўзлигимизни таниб, ўз халқимиз қалбини англаб оламиз.

*Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор*





Б и р и н ч и қ и с м

ЧОР БАКРЛАР

Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган. Сайқал топган.

Ислом КАРИМОВ

Болалик йиллари, кейин талабалик йилларимизда кўп марта Бухоронинг тарихий обидалари, мақбара-мазоротларини зиёрат қилганмиз. Аммо шўролар замонида мазоротларни обод қилиш, эъзозлашга йўл қўйилмасди. Жумладан, Бухоро шахрининг четида жойлашган Чор Бакр мажмуи ҳам вайрона ҳолига келиб қолган, мадраса ва масжиднинг юқори қисмлари тўкилиб тушган, мажмуанинг ўзи эса қаровсиз бир ҳолда эди. Кўрган кишининг қалби эзиларди. Атрофдаги ерлар ўзлаштирилиб, мадраса ва масжид молхонага айлантирилган, мақбаралар лой ва чанг ичига кўмилиб кетган эди. Зиёратга келган одамлар тизза бўйи тупроқ ва лой кечиби Абу Бакрлар қабрларини зўрға топар, бир илож қилиб дуою фотиҳа ўқир ва дили гаш ҳолда орқасига қайтарди.

Иккинчи томондан, шўро мафкураси Жўйбор шайхларини бадном этиш, уларни халқни талаган фирибгар кишилар сифатида кўрсатишни қанда қилмас, ёшлар тарихий ҳақиқатларни билишдан маҳрум этилган эди. Буларнинг ҳаммаси юракка оғир дард бўлиб чўкарди.

Аммо ёлғон гап барибир галаба қилмас экан. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, тарихимиз, аждодларимиз меросига муносабат тубдан ўзгарди. Энг аввало муқаддас қадамжолар, мақбараю ёдгорликларни обод қилиш кенг йўлга қўйилди. Бухоронинг ўзида ҳам ўнлаб муаззам ва мухташам обидалар қайта таъмирланди. Ва ниҳоят, Чор Бакр мажмуи ҳам қайта таъмирланиб, кўз кўрса қувонадиган, дилни яйратадиган ҳолга келтирилди. Бу муқаддас гўша нафақат Ўзбекистон фуқароларининг, балки узоқ-яқиндан келган тўда-тўда сайёҳларнинг ҳам зиёратгоҳига айланиб қолди. Бу ерга қадам қўйган одамнинг дили яйрайди, руҳи кўтарилади, қалби нурурга тўлади. Дарҳақиқат, қуёшнинг нури лойга тушгани билан булғанмайди, қудуққа тушгани билан чўкиб кетмайди. Чор Бакр тарих гирдобиди гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай келди. Энди эса у яна савлат тўкиб турибди. Қуръоннинг «Фотир» сурасида айтилганидай: «Оллоҳ одамлар учун не бир раҳматни очиб қўйса, бас, уни ушлаб, тўсиб қолувчи бўлмас».

Хўш, нега Чор Бакрлар ёки Жўйбор хожалари деб номланади бу нури силсила? Аввал гапни шундан бошлайлик. Тарихий ривоятларга

кўра, Жўйбор хожаларининг асл илдизлари Муҳаммад пайғамбарга бориб тақалади. Пайғамбарнинг қизлари — Биби Фотиманинг фарзанди имом Ҳусайннинг ўғилларидан туғилган хожалар фақат Бухорода илдиз отиб яшнадилар. Уларнинг Бухоройи шарифга келиб қолиш тарихлари жуда ажойиб. «Ғиёс ул-луғот» китобининг маълумот беришича, Умар разияллоху анху Эрон шоҳи Язди Журд I билан ғазот қилганида шоҳнинг Шаҳрбону исмли қизи асирга тушади. Ғазотда ғозий бўлиб қатнашган Имом Ҳусайн (пайғамбарнинг невараси) Шаҳрбонуни ўз никоҳига олади. Ундан ўғил кўради. Жўйбор хожалари имом Ҳусайннинг ана шу Шаҳрбону исмли аёлидан туғилган ўғилнинг ўғил, невара, чевара ва эвараларидирлар.

Хожазодаларнинг Бухорога келиб қолиш тарихларини Муҳаммад ан-Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» китобида қуйидагича ҳикоя қилади: «Амир ибн Лайс кучайиб, Хуросоннинг баъзи жойларини олди. Амирлик қилиб турган Али ибн ал-Ҳусайн Гузғониён амири бўлмиш Аҳмаддан ёрдам сўраган эди, яхши жавоб ололмади ва Жайхундан Бухорога — амир Исмоил олдига келди (Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний — С.Ҳ.). Амир Исмоил хурсанд бўлиб, сипоҳлари билан унинг истиқболига чиқди, иззат-икром билан уни Бухорога олиб кириб, кўп тухфалар тақдим этди. Али ибн ал-Ҳусайн Фаробга бориб, ўн уч ой шу ерда бўлди. Амир Исмоил унга доим ҳадялар юбориб турди ва яхши муносабатда бўлди» («Бухоро тарихи». «Фан» нашриёти, 1966 йил, 77-бет).

Масала ойдинлашди. Маълум бўладики, бу воқеа 899 йилда бўлиб ўтган. Бундан анча йиллар олдин Алининг невараси Хуросон шаҳрида амир бўлган. Тўртинчи имом ҳисобланмиш Жаъфарнинг ўғиллари ҳам имом Ҳусайннинг бошқа неваралари қатори Али ибн ал-Ҳусайн дарборида турли мансабларда хизмат қилардилар. Али ибн ал-Ҳусайн Хуросондан Бухорога келгандан кейин у билан бирга ўша машҳур Чор Бакрлар — Абу Бакр Саъд Яманий, Абу Бакр Тархон, Абу Бакр Фазл ибн Жаъфар, Абу Бакр Ҳомидлар ҳам бу қуёшли юртга ташриф буюриб, бир умр шу ерда қолиб кетдилар. Жаъфар ва Али авлодидан бўлмиш Чор Бакрлар Бухоро шоҳи атрофида жипслашиб илм-урфоннинг тарғиботига катта хисса қўшадилар. Айниқса, Қуръони Карим тафсирида Чор Бакрларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Соҳибкаромат Хожа Саъд (имом Ҳусайн невараси) Бухоро хукмдорининг ҳар бир ҳарбий юришида унга маънавий мадад бериб, қўллаб турган. Жумладан, Али ибн ал-Ҳусайннинг рақиби бўлмиш Амир ибн Лайс Бухорога турли хийлалар битилган хат юбориб, ўзига бўйсиндиришга мажбур қилмоқчи бўлганида халқни озодлик, мустақиллик ғазотига чорлаган ҳам Чор Бакрлар бўлган. Шундан кейин Бухоро амири элчилар орқали мана бундай мазмунда нома юборади: «Менинг сенга жавобим — қилич. Мен билан унинг (Амир ибн Лайс) ўртасида урушдан бошқа нарса йўқ. Қайтиб бориб унга айт, уруш асбобини созласин» (*Ан-Наршахий. «Бухоро тарихи», 77-бет*). Шундай қилиб, бу урушда Чор Бакрларнинг кароматли нафаслари билан амир Исмоил ғалаба қилиб, катта ўлжа, мол-мулкни қўлга киритади. Амир ибн Лайс эса кўп аскарлар билан асир тушади. Бухороликлар мардлик ва шафқат кўрсатиб, асир тушган амирга сув ўрнида гулоб тутиб, 13 ой эъзозлайдилар. Хуросондан халифа Муътазиддан «сўров хати» келганида банди амирни бутун бойлиги билан карвон





тузиб, халифа ҳузурига юборишади. Асир аскарларга озиқ-овқат берилди, сарпо кийдирилади, улар ўз юртларига қайтарилади. Лашкарбошилар: «Булар бизга қарши уруш қилган эдилар. Сен уларни асир олганингдан кейин ҳаммаларига сарпо кийгизиб, қайтариб юбординг», деганларида Исмоил Сомоний: «Бу бечоралардан нима талаб қиласиз, қўйинг, улар ўз юртига борсинлар. Улар энди ҳеч қачон сизга қарши урушга келмайдилар ва бошқаларнинг дилларини ҳам урушдан қайтарадилар» деб жавоб қилди. Илм-урфон аҳли қуршовида шох кўп хайрли ишлар бошини тутди. Мамлакат пойтахти Бухорога олим, шоир, ёзувчи, тарихчию илоҳиётчиларни чорлайди. Натижада илм, фан, ҳунармандчилик ривожланади, халқ тинч, осойишта ҳаёт кечиради.

Энди Чор Бакрларнинг «Жўйборийлар» номини олишлари ҳақида тўхталсак. Тасодиф доим тарихнинг дуру жавоҳир тўла этагини янада файзлироқ қилиб турган. Дейдиларки, шох Бухоро Арки деворининг шинакларидан бирига чиқиб, бутун Шахристонни томоша қилиб турганида ҳаёлига Чор Бакрлар келади. «Ахир уларга уй-жой, ер бериш керак-ку» дея кўнглидан ўтказади подшо. Амирнинг кўзи шаҳарнинг жануб томонидаги ҳосилдор боғ-роғлар, катта ариқнинг атрофидаги ерларга тушади. Бу ерлар Қутайба даврида арабларнинг Банни Саъд, Банни Асад қабилаларига берилган эди. Энди бўлса мазкур мавзеъ халифа ал-Мустаъиннинг лашкарбошиси Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толут қўлида эди. Ан-Наршахий бу ҳақда мана бундай маълумот беради: «Барқад — қадимий ва катта қишлоқ. Бир катта кўҳандизга эга. Бу қишлоқни Барқад Алавиён — Али авлодининг Барқад, дейдилар. Бунга сабаб шулки, амир Исмоил бу қишлоқни сотиб олган ва олти бўлакка бўлиб, ундан икки бўлагини Али ва Жаъфар авлодига, икки бўлагини дарвишларга ва икки бўлагини ўз меросхўрларига вақф қилди» («Бухоро тарихи», 23-бет).

Наршахийнинг фикридан шу нарса ойдинлашдиким, амир Исмоил Али ва Жаъфар авлоди учун Шахристондан жануб томонда, Кампиракдевордан ичкарида махсус ерлар ажратган. Унинг Барқад Алавиён дейишига сабаб шуки, «... бу ерлар Бухоронинг барча ерларидан кўра қимматлироқ, яхшироқ ва хушхаворқдир», деб пайғамбарзодаларга тухфа этган. «Бу ерларни Исмоил Сомоний Ҳасан ибн Муҳаммад Толутдан 10 минг дирамга сотиб олди», деб шарҳ беради ан-Наршахий. Бундан чиқадики, Али ибн ал-Ҳусайн билан келган Али ва Жаъфар авлодининг Бухоро шоҳи ҳузурда хос меҳнатлари туфайли ҳурмат ва шуҳратлари мислсиз бўлган. Бу — пайғамбарзода, имомзодаларни Мовароуннаҳрнинг амири ўз фарзандлари билан тенг кўриб, меросий ер сотиб олиб бергани ҳам ана шу ҳақиқатнинг асл тимсолидир. Илтифотлардан кўриниб турибдики, Али ва Жаъфар авлодининг Бухоро шаҳристонининг жануб томонида жойлашиб, ерли-жойли бўлиб, илдиз отиб кетганлари тарихий ҳақиқат экан.

Чор Бакрларнинг «Жўйборий хожалар» номини олганликлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, узок ўтмишга мурожаат қилишга тўғри келади. Ан-Наршахий «Бухоро тарихи» китобида «Фаровиз ул-улиё» деб қаламга олган ариқ шаҳарнинг Али ва Жаъфар авлодлари учун тақсимлаб берилган ернинг ёнгинасидан ўтган. Ариқни араблар Бухорони босиб олганларидан кейин «Фаровиз ул-улиё» деб номлаганлар. Маъноси «Шахристоннинг у ёғидан оқиб ўтувчи ариқ» дегани. Наршахий анҳорнинг сўғдча

номини қаламга олмаган. То амир Исмоил ҳукмронлиги давригача анҳор ўша араблар номлаган исм билан тилга олинган. Хусайн ибн Муҳаммад ибн Толутдан сотиб олинган ерларга мавлавийлар (озод этилган қуллар) жойлашгандан кейин ариқ Жўйи Мавлиён деб номланди. Халқ орасида эса бу «Жўйи Мўлиён» номи билан машҳур. Бу қадимий анҳор ҳақида Рўдакийнинг «Бўйи Жўйи Мўлиён ояд ҳаме» қасидаси ҳам бор:

*Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме
Ёди ёри меҳрибон ояд ҳаме
Реги Ому бо дуруштиҳои роҳ
Зери но чун парниён ояд ҳаме
Оби Ому бо ҳама паҳноварӣ
Ҳинги моро то миён ояд ҳаме
Эй Бухоро шод бошу шод зӣ
Шоҳ сўяд меҳмон ояд ҳаме
Шоҳ моҳ асту Бухоро осмон
Моҳ сўи осмон ояд ҳаме
Шоҳ сарв асту Бухоро бўстон
Сарв сўи бўстон ояд ҳаме.*


Таржимаси:

*Мўлиён аригин ҳиди келаётир
Меҳрибон ёр ёди келаётир.
Аму йўлин қумлари бир оз дағалу
Лек оёғ остига пар мисол келаётир.
Аму суви сертошқин бўлгани билан
Саманимиз белигача келаётир.
Эй Бухоро, шод бўлу шод яша
Сен томон Шоҳ меҳмон келаётир.
Шоҳ ойдиру Бухоро осмон
Ой Бухоро томон келаётир.
Шоҳ сарвдиру Бухоро бўстон
Сарв бўстон томон келаётир.*

Рўдакий мазкур қасидани Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида ёзган. Бу — Чор Бакрларнинг сомонийлар подшоҳлиги даврида фаолият кўрсатган йилларига тўғри келади. Жўйбор — тожикча сўз бўлиб, катта оқар ариқ маъносини беради. Чор Бакрлар Жўйи Мўлиён атрофида ўрнашиб олиб, шу ерда яшаб қолганлари сабабли Бухоро халқи уларни Жўйборий хожалар (Хожайи Жўйбориён) деб атаганлар.

Исмоил Сомоний ҳукмронлигининг илк йилларида Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абу Ҳафс Сағир шайхулислом бўлган. Абу Ҳафс Сағир вафотидан кейин бу масъулиятли вазифа Абу Бакр Саъд зиммасига юклатилган. Аҳмад ибн Исмоил, Абул Ҳасан ибн Аҳмад, Нух ибн Наср, Абдумалик ибн Нух, Абусолиҳ Мансур ибн Наср, Абул Қосим Нух ибн Мансургача бўлган давр, яъни 999 йилгача Чор Бакрлар Бухоро амирлари — сомонийларга хизмат қилганлар. Тарихчилар «Чор Бакрлар Бухорода ислом динининг тарғибот ва равнақи учун келиб, шу ерда қолиб кетганлар», деб маълумот берадилар. Бир томондан, шундай. Иккинчи томондан эса дунёвий илмлар ва фалсафий адабиётнинг ривожига ҳам Чор Бакрларнинг қўшган ҳиссаларини айтиб ўтиш ўринли. Бухоронинг кейинги хонлари ҳам Жўйбор пайғамбарзодаларининг фатволарига амал қилингани ҳолда масжид, мадраса, сарой, сардобалар қурдилар. Йирик, донғи кетган олим-





ларнинг Бухорода тўпланишларида катта имконият яратиб беришди. Шунга кўра ўша йиллари архитектура ва фалакиёт, ҳуқуқ илми ривожланди. Яна бир мисол: дунёга машҳур Исмоил Сомоний мақбараси лойиҳасини Чор Бакрларнинг замондошлари Аҳмад ал-Фарғоний билан ал-Хоразмийлар чизган.

Энди Чор Бакрларнинг ҳар бири хақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

ХОЖА САЪД

Хожа Саъд имом Ҳусайннинг Зайнулобиддин исмли ўғлидан туғилган. Бухорога Али ибн ал-Ҳусайн лашкарлари билан бирга келган. 13 ой Фароб қалъасида тургандан кейин Бухорога чорлаб келинган. Амирнинг юксак ҳурмати қозонган. Унинг дарборида хизматда бўлган. Соҳибқаромат Хожа ҳарб илмини пухта эгаллаган. У Амир Исмоилнинг ҳарбий юришларида маънавий мадад бериб турган. Жўйи Мўлиён ерларига вақф ерларига эга бўлгандан кейин боғ-чорбоғ билан бирга тим, ҳаммом, бозорча қурган. Улардан келадиган фойдадан хайру худойи қилиб турган. Ерли аҳоли учун Хожа Саъднинг тегирмонларидан фойдаланиш текин бўлган. Ерларидан даромади бироз кўпайганидан кейин Бухоронинг қуёшботар, навобод томонларидан ер сотиб олиб, деҳқончилик билан шуғулланган. Жумладан, Сумитан қишлоғидан катта, сердаромад ер харид қилиб, бу ерда боғ, чорбоғ, экин майдонлари, сарҳовуз, сардоба, тегирмон қурган. Тарихий китобларда «Ер сотиб олиб чоракорларни ишлатган», деган ибора мавжуд. Хожа Саъд Қуръон таълимоти билан тўла маънода қуролланган инсон эди. Шу сабабли ҳам у деҳқонлардан ер сотиб олиб, яна ўзига қайтариб берарди. Деҳқон билан Хожа Саъд ўртасида битта шарт ҳукмрон эди: бу ҳам бўлса етиштирилган ҳосилнинг уч қисми ерда ишлаган деҳқон ҳақи бўлиб қолган, бир қисми Хожа Саъдга тегишли бўлган. Хожа Саъднинг ана шундай ер ва чорбоғлари жуда кўп бўлиб, улар Қоракўл тумани билан Сумитан қишлоғигача бўлган кенгликни ташкил қилган. Бу ерлар халқ тилида Қиблазамин (яъни қибла томонда жойлашган ерлар) деб номланган. Ана шу йўл билан Хожа Саъд деҳқонларнинг чоракорлик ерларидан манфаатдорлигини оширишда муносиб ҳисса қўшганлар сирасига киради.

Хожа Саъд Сумитан қишлоғидаги ерларини хуш кўрарди. Шаҳристонга яқин, ҳам табиий булоғи бор хушҳаво маскан. Бу ерда Хожа ўзи ва оиласи учун саройга ўхшаш қаср ҳам қурдирган. Арабистондан келган юртдошлари албатта саховатли Хожа чорбоғида қўним топиб, унинг азиз меҳмони бўлиб, сўнгра Бухоро зиёрати томон ошиққанлар.

Сумитан... Бу ўта қадимий қишлоқ. «Ғиёс ул-луғот»да Сумитан сўзига «жундан мато тўқувчилар маскани», деб шарҳ берилган. Бундан чиқадики, Сумитан қишлоғида жундан мато тўқувчи хунармандлар кўп бўлиб, шухратлари қадимий Занданадай хориж юртлар эътиборини қозонишга мушарраф бўлган. Йиллар ўтиб Хожа Саъд вафот этганида унинг жасади, васиятига кўра, Сумитан қишлоғидаги қадимий қабристонда қўмилган. Кейинчалик бу жой Жўйборий пайғамбарзодаларнинг мангу хобгоҳлари бўлиб қолган.

АБУ БАКР АҲМАД ИБН САЪД

Айрим тарихчи олимлар Хожа Саъд билан унинг ўгли Абу Бакр Аҳмад ибн Саъдни битта одам деб ёзадилар. Бу нарса саҳвликка олиб келади. Имом Хусайн шажарасида Хожа Саъд ибн Хожа Зайнулобиддин ва Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Хожа Саъд деб ёзилган. Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд Бухорода туғилган. Хожа Саъднинг меросхўри. Шох Исмоил Сомонийнинг хос амири, олим, фозил, зоҳид Абдулла Сапедмунийдан таълим олган. Соҳибкаронат хожазодалар сирасига киради. «Машхур имом» номига сазовор бўлган ўша даврнинг олимларидан. Унинг шахсий «фиқҳ» мактаби бўлган. Кўпгина олиму шайх-авлиёларга устозлик қилган. Абу Бакр Фазл қизига уйланган. Ундан Хожа Заҳириддин туғилган. Тарихий фактлари жуда аниқ «Муллазода» китобида, жумладан, Имом Абу Бакр Аҳмад тўғрисида шундай жумлалар иншо этилган: «Дигар дар жониби қиблаи мозори мунаввари марқади муттаҳари Шайхул Зоҳиди олим, омил, ам-соҳиби аҳвол ва мақомот ва молики валаёт-вал-каронат Хожа Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд аст. Қаддаса... Ва ҳазрати ў аз зикри фазоил ва маноқиб мустағний аст. Вафоти ў дар санаи ситтии ва салосаниа (360) будааст. Манқул аст, ки ҳазрати ўро бу вужуди илму амал ва зухди комилахвол ва мавоҳид ғолиб буд. Гул буд ба сабза ороиш шуд...»

Таржимаси: Мозорнинг қибла томонида шайх зоҳид, олим, мақомот, каромот, валаёт соҳиби Хожа Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъднинг мунаввар қабри мавжуд. Ҳазрат 360 (ҳижрий) йилда вафот этган. Маълумки, ҳазратда илмига амал қилиш билан бирга мавоҳид (шогирд тарбиялаб авлиёлик даражасига етказтирувчи) ҳам эди. Гул эди. Майсалар билан янада кўркамлилиқ касб этди.

Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд китобат эгаси бўлган. Лекин Чингизхон босқини пайтида у ёзган китоблар куйдириб юборилган.

АБУ БАКР ФАЗЛ

Алломанинг тўлиқ исми Абу Бакр Мухаммад ибн ал-Фазл бин Жаъфар ал-Бухорий бўлиб, тарихий китобларда «ал-шайх, ал-ислом, зоҳид», деб сифат берилган. Шайх Абу Бакр Алининг сафдоши Имом Жаъфар авлодидан бўлиб, Бухорога сомонийлар даврида келиб, шу ерда яшаб қолган. Алломанинг қабри Бухорода — Шохмалик ва хонақоҳ кўчалари орасидаги қабристонда. Унинг қабри устига туғ кўтарилгани пайғамбарзодалигига ишорадир. Авлод-аждоди хали ҳам Бухорода яшайптилар. Жумладан, Гиждувонда Жаъфар қишлоғи бор. Бундан аниқки, Абу Бакр Фазлнинг иқъто ерлари ана шу мавзеларда ҳам бўлган.

Энди Абу Бакр Фазлнинг олим, зоҳид, донишмандлик овозаси хусусида. «Тарихи Ғунжорий» ва бошқа китоблар маълумотича, у шунчалик зоҳид одам бўлганки, Куръон таълимоти амалларидан бир нафас бўлсин ўзини холи тутмаган. «Муллазода» китобида Бакр Фазл ҳақида шундай ёзилган: «Ҳазрати олиму омил ва раъ Имом Абу Бакр ибн Фазл ибни





Жаъфарий Бухорист. Вафоти ҳазрати ў дар санаи хамса ва ишрин ва Салосамий (325). Ваҳорати ў муҳаддис ва мутаҳид ва аз дин ва дунё баҳраи тамом дошта аст. Ва мазоҳиби мухталифа ба сабаби нусрати ў мардини Муҳаммадро дар Бухоро намонд. Ва гуфтаанд, ки ба вужуди зухду тақво сифати нашр ва сиёсати шаръ бар ў ғолиб буд. Манқул астқи, бузурге ўро дар хоб дид ва пурсид: «Парвардигор бар ту чӣ муомала кард?» Гуфт: «Масоили маҳфузаи маро бо дороҳими матрукаи ман вазн карданд, масоил зиёд омад. Ба воситаи он нажот ёфтам»... Маъруфу машхур астқи тарокаи у чахорсад ҳазор витрифӣ буд».

Таржимаси: «Имомлар сардори, илмига амал қилувчи Ҳазрат Абу Бакр ибн Фазл ибн Жаъфарий Бухородан. Унинг вафоти 325 йилга тўғри келади. Муҳаддис, мутаҳид, дунё ва дин нуридан тўла баҳравар бўлган инсон. Унинг муҳаддис, фатво беришда ўта моҳирлиги туфайли Бухорода Муҳаммад пайғамбар мазҳабидан ташқари бошқа мазҳаблар инкор этилган ва йўқотилган. Тақво ва шаръи қонун-қоидалари асосида фатво бериш унда устун эди. Нақл қиладиларким, замонасининг бузургларида бири (Бакри Фазл вафот этганидан кейин) уни тушида кўриб, сўрабди: Худо Сен билан қандай муомалада бўлди. Айтди: (Бакри Фазл) Мен йиғган солим ҳадислар билан тўплаган пулларимни тарозига солиб ўлчади. Йиғган муснад ҳадисларим мол-мулкимдан кўра вазни оғир келди. Шу орқали нажот топдим. Аниқ ва машхурдирким, унинг йиғган бойлиги 400 минг витрифий¹ эди.

Наршахий мазкур тангани Абу Бакри Сиддиқ халифалиги даврида Бухорода зарб этилган, дейди. Мазкур тангани динор билан ҳисоблаганда катта бойлик келиб чиқади. Бундан кўринадики, Абу Бакр Фазлнинг тўплаган муснад ҳадислари миқдори жуда кўп экан.

Исо ибн Мусо ал-Ғунжорий ўзининг «Тарихи Ғунжорий» китобида Абу Бакр Фазлнинг «Муснади Фазл» китоби жуда машхур эканлигини, солим ҳадислар устунни деб тан олинганини таъкидлайди. «Муснади Фазл» китоби Чингизхон босқини пайтида ёкиб юборилган. Масжиди Калонда босқиндан олдин катта-катта темир сандиқлар мавжуд бўлган. Унинг ичида ўта муқаддас, қиймати жуда баланд китоблар сақланган. Чингизхон келиб Бухорони харобага айлантириб, жавоҳир тўла темир сандиқлар ичидаги китобларни куйдириб, сандиқларнинг ўзини отларга охур қилган экан. Шунинг натижасида «Муснади Фазл» китобининг фақат номи қолган, холос. Ўзи эса йўқлик саҳросининг мулки бўлган.

Муҳаммад Авфий Бухорий алломанинг солиҳ амали бобида шундай хикоя келтиради: «Айтдиларки, Бухорода Абу Бакр Фазл муридларидан бири карбосфуруш эди. Шу билан бир вақтда ҳазратнинг хизматларида эди. У ўз нафси йўлига кирмай, жуда бой бўлиб кетишини истамас эди. Бу дунёда мол, бойлик тўплаш йўлига кирмаган банд эди. Унинг бир ўғли бўлиб, иш кўрмаган, ҳали тажрибасиз эди. Нимадир бўлиб Рамазон ойида йигитни бир қиз билан ҳоким одамлари ушлаб оладилар ва амир буйруғи билан ҳибс қиладилар. Йигитнинг отаси Бакри Фазл ҳузурига бориб, ундан ўғлини ҳибсдан озод қилишга ёрдам беришини сўрайди.

Барча сўзлар изоҳи китоб сўнггида берилади — муҳарр.




Жавобида Бакр айтди: «Бу ўта гуноҳ иш бўлиб, Рамазон ойида зино қилиш манъ этилган. Мен бу шафоатни қилолмайман ва бу менинг ҳолим лойиқи эмас». Бакр муриди бир варақ қоғозни унинг олдига келтириб, айтди: «Менга шафоат қил ва дўзах моликига ёзгинким, мени дўзах азобидан озод қилсин». Бакри Фазл айтди: «Дўзах моликига ёзган нома раво эмас. У бундай номаларни қабул қилмайди». Мурид айтди: «Эй Бакр, сен инсоф қил. Сен билан менинг суҳбатим ҳамма вақт бу жаҳон ва у жаҳон иши юзасидан эди. Агар бу дунёда сенинг ёрдамнинг тегмаса, қиёматда ҳам ундан ҳеч фойдаси йўқга ўхшайди. Бас, сенинг суҳбатингнинг менга не фойдаси бор?» Бакр бир соат сукутга кетди. Кейин айтди: «Сен рост гапни айтдинг. Бу дунёда ўз ҳуқуқингни тилаяпсан. Уни мен албатта адо қилишим керак». Бакри Фазл суворага миниб Хуросон амири ҳузурига борди. У эркак ва ўғли воқеасини амирга баён қилди. Муридининг ўғлига шафоат қилишни сўради. Амир кулиб, йигитни ҳибсдан озод қилди. Бакри Фазл Бухорога қайтди. Киши юбориб, ўша қизни йигитга хутба ўқиб, никоҳлаб берди» («Жавомеъ ул-хикоя», 19-боб, 2-қисм).

Бакри Фазл ҳақидаги Муҳаммад Авфий Бухорий ёзган ҳикоянинг жуда оддий ва катта тарбиявий аҳамияти бор. Қуръони Карим таълим берадики, «Солиҳ амалларга буюрингиз. Бир-бирини қўллаганни мен қўллагайман», деб. Яна бир ақида: «У дунёда қилиб билмайдиган яхшилигингни бу дунёда қил». Бакри Фазл ўзининг муснад ҳадислари ва солиҳ амаллари орқали ана шу нарсага тўла эришган фозил инсон эди. Шу сабабли ҳам бухороликлар ҳар бир ишда Бакри Фазл фатволарига амал қилганлар. Бакри Фазлнинг берган фатволари орқали қурилган масжид, мадраса, ҳаммом, йўл ва сардобалар халқ хизматида бўлган. Дунё барибир дунё-да. У ҳеч кимга вафо қилган эмас. Бакри Фазл 936 хижрий йили Бухорода қазо қилган. Бу сомонийларнинг Нух ибн Наср ҳукмронлиги йилларига тўғри келади. Демак, Бакри Фазл амир Исмоилдан тортиб Аҳмад, Абу Ҳасан, Нух ибн Наср подшоҳлиги йилларигача дарборда яшаб, олиму фозиллар билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб, Бухоро илму урфони-нинг янада ёруғроқ нур таратишида катта улуш қўшган зоҳидлардан.

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ҲОМИД

Шайх, олим, сўфий, жаъфарийзода Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид катта нуфузга эга шахслардан бўлган. Ўша давр олимлари орасида Қуръон тафсирида унга тенг келадигани бўлмаган. Кўплаб илмий, диний китобларнинг ёзилишида унинг маслаҳат, кўрсатмаларидан фойдаланилган. Нуфузининг баландлиги учун у «Шайхи олам» унвонини олишга эришган. Тарихий китобларда Бакри Ҳомиднинг улуғ шайх, олим, ҳадисшунослиги иншо этилган. Лекин, ундан ижодий мерос қолган ё қолмаганлиги борасида маълумот деярли учрамайди. Жумладан, «Муллазода» китобида Бакри Ҳомиднинг вафот этган йили, қабрининг қаерда эканлиги маълум. Масалан, «Хувал шайхи олам илм ва амал соҳиби вал оят ва каромат саховат ва мурувват аҳлидан, илму хилмда олий даражада бўлган. Унинг фазоил ва маноқиби, яхши ишлар ва маърифати ҳисоб-



сиз, вафоти 325-ҳижрий йилдадир», — дейилади. Демак, Абу Бакр Фазл билан Абу Бакр Ҳомид бир йилда (936) қазо қилганлар. Иккала шайхнинг қабрлари ҳам бир жойда. Кароматпеша Абу Бакр Ҳомиднинг фикҳ, ҳадисшунослик, Қуръон тафсиридаги хизматини улуғлаб тарихий китоблар соҳиблари унинг шахсияти зикрида боб ажратганлар.

ИМОМ АБУ БАКР ТАРХОН

«Тархон» сўзи туркча бўлиб, «Ғиёс ул-луғот» китобида шундай шарҳ берилган: «Подшоҳ олдида катта хизматлари учун божу хирождан озод этилган шахс». Тархон номини олган шахс қандай гуноҳ қилишидан қатъий назар, кечирилган. Бундан чиқадики, «Тархон» сўзи Абу Бакр учун бизнингча унвондир. Сомонийлар ҳукмронлиги йилларида илм-маърифатга ва Қуръону ҳадис таълимоти юзасидан қонун чиқаришда кўмак берганлиги учун у ана шундай катта тақдирлашга сазовор бўлган. Абу Бакр Тархон жаъфарийзодалардан бўлиб, Кораки Алавиён, халқ тили билан айтганда, Шергирон дарвозаси томонда яшаган. Подшоҳликдан вақф этилган ерларда деҳқончилик қилиб, хаёт кечирган. Тарихий китобларда фозил, зоҳид, соҳибкаромат эканлиги ҳақида маълумот мавжуд.

«Муллазода» китобида Абу Бакр Тархон тўғрисида жуда ибратли мисол келтирилган: «Имоми олими зоҳиди мужоҳид² — Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон. Соҳиби «Жомеъ вал-муснад». Рўзе Тархон фармуд; сй сол аст, орзуи он дорам, ки ангурро бар ток бинам. Яке аз мутакидон гуфт, ки боге дорам, бар шумо бахшидан. Тархон гуфт: Баъд аз 30 сол аз худованд шарм медорам, ки ба муроди нафс қадам занам». *Таржимаси*: «Имом, олим, зоҳид, мужоҳид Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон «Жомеъ вал-муснад» китобининг соҳиби (Устун, солим ҳадислар тўплами — С. Ҳ.). Бир куни Тархон айтдики, 30 йилдан бери узумни токда кўришни орзу қиламан. (Бу гапни эшитиб) Шогирди айтди: — Менинг узумзорим бор. Ўшани сизга бағишладим. Тархон (бу марҳаматни кўриб) айтди: — Ўттиз йилдан кейин нафсим йўлида (ўша боғ томон) қадам ташлаб боришда худодан уёламан».

Бу ҳолатни ҳалоллик йўлидаги ҳақиқий парҳезкорлик деса, бўлади.

АБУЛ ҲАСАН АЛИ

Абул Ҳасан Али имом Абу Бакр Аҳмад ибн Саъднинг қизидан туғилган невараси. Унинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Олим 301-ҳижрий йилда Бухорода туғилган. Замонасининг буюк алломаларидан таълим олиб, ҳадис айтиш санъатида жуда машҳур бўлган. Ўзидан катта илмий мерос қолдирган. Исо ибн Мусо ал-Фунжорийнинг «Тарихи Фунжорий» китобида имомзода ҳақида фикр билдирилган. Абул Ҳасан Али иншо этган китоблар қуйидагилардир: «Таф-

сир», «Хадис», «Баёни тариқат», «Зот ул-музакирин», «Такмилат ул-латоиф», «Ахоир ул-захоир», «Ободбу тасауф», «Ашорат ва ишрин», «Арбаин», «Қиссаи Юсуф», «Молжа ул-музакирин», «Китоби ёдгор», «Девони арабий», «Девони форсий». Мазкур китобларнинг Мовароуннахр илму урфони ривожига қўшган ҳиссаси жуда катта бўлган.





Иккинчи қисм

НУР ИЗИНИ НУР БОСАР

Бухоро томон пайғамбарзодаларнинг келишлари, ўрнашиб олиб, илму Куръон таълимоти билан машҳур бўлганликларига оид фикрларимизни тарихий китобларнинг берган маълумотларига асосланиб баён этганимиз ўринли. Жўйборий хожалар Жўйи Мўлиён ён томонларидан вақф ерлар олиб, оилали бўлиб, кейинчалик Бухоро халқи уларни эъзозлаб Хожайи Жўйбориён деганлари ҳам ўз исботини топди. Энди яна бир нарса: Абу Бакр Саъд шажараси — ўғил, невара, чеваралар ҳаётлари, жамиятда тутган мавқелари ва уларнинг Бухорога келтирган беқиёс хизматлари хусусида аниқлик киритиш лозим.

ЖўЙБОР ХОЖАЛАРИ ШАЖАРАСИ

Биз пайғамбарзодалар шажарасини қаламга олишдан олдин яна иккита фактга мурожаат қиламиз. Чор Бакрлар шажарасининг ҳақиқийлигини, яъни уларнинг келиб чиқишлари Муҳаммад пайғамбарга дахлдор эканлигини иккита мисол тасдиқлайди. Саид Мансур Олимий ўзининг «Бухоро — Туркистон бешиги» рисоласида манғитийларнинг ҳукмронлик шажарасига оид фикр юритиб, жумладан, мана бу фактни келтириб, уларнинг пайғамбарнинг қизлари Фотима-Зухродан тарқалганликларини исботлайди. Масалан, Олимий ёзади: «Бу сатрлар муаллифнинг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлган марҳум Мирзо Муқим асарида ёзилган сўзларни азиз ўқувчилар диққатига ҳавола этаман.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Тубандаги номи пок зотлар номидан ибтидо қиламан:

1. Ҳазрат Саййиддино ва Мавлоно Муҳаммад Салилуллоҳ олийа вассалам.
2. Ҳазрат Сиёдат онсиёт Фотима-Зухро.
3. Ҳазрат Саййид имом Али бин ал-Шаҳид Ҳусайн.
4. Розияоллоҳ — ҳазрат Саййид имом Муҳаммад Боқир бин Саййид имом Али.
5. Ҳазрат Саййид имом Жаъфар Содик бин Саййид имом Муҳаммад Боқир.
6. Ҳазрат Саййид имом Мусо Козим бин Саййид имом Жаъфар Содик.
7. Ҳазрат имом Али Мусо Ризо бин Саййид имом Мусо Козим.




8. Ҳазрат Саййид имом Муҳаммад Нақш бин Саййид Мусо Ризо.
9. Саййид имом Али Нақш бин Саййид имом Муҳаммад Тақи.
10. Саййид имом Ҳусайн Аскарӣ бин Саййид имом Али Тақи.
11. Саййид амир Абу Муҳаммад бин Саййид имом Ҳусайн Аскарӣ.
12. Саййид амир Жалолиддин Муҳаммад бин Саййид Амир Абу Муҳаммад.
13. Саййид амир Нуриддин бин Саййид Жалолиддин Муҳаммад.
14. Саййид амир Ҳидоятullo бин Саййид Нуриддин Муҳаммад.
15. Саййид амир Муҳаммад Муъйин бин Саййид Ҳидоятullo.
16. Саййид амир Абу Содиқ бин Саййид Муҳаммад Муъин.
17. Саййид амир Муҳаммад Тақи бин Саййид Амир Абу Солиҳ.
18. Саййид амир Али Ризо бин Саййид Амир Муҳаммад Тақи.
19. Саййид амир Муҳсин бин Саййид Али Ризо.
20. Саййид амир Жаъфар бин Саййид Амир Муҳсин.
21. Саййид амир Муҳаммад Амин бин Саййид Жаъфар.
22. Саййид Мирзо Абу Толиб Баъди Замон бин Саййид Муҳаммад Амин.
23. Саййид Шаҳрбону банд Баъди Замон.
24. Саййид амир Нодирмуҳаммад бин Шаҳрбону.
25. Саййид амир Субҳонқулихон бин Саид Нодирмуҳаммадхон.
26. Саййид амир Убайдуллохон бин Саййид Субҳонқулихон.
27. Саййид амир Абулфайзхон бин Саййид Амир Убайдуллохон.
28. Шамсиябону бинт Саййид Абулфайзхон.
29. Саййид амир Ҳайдар бинт Шамсиябону (китобда «бинт» сўзи ўринсиз ишлатилган, Шамсиябону амир Ҳайдарнинг ўғли эмас, қизи). Тарихдан маълумки, Абулфайзхон Убайдуллохоннинг укаси, шажарада таъкидланган «отаси» сўзи нотўғри.
30. Саййид амир Насруллохон бин Саййид Амир Ҳайдархон.
31. Саййид амир Музаффархон бин Саййид амир Насруллохон.
32. Саййид амир Абд ул-Аҳадхон бин Саййид Музаффархон.
33. Саййид амир Олимхон бин Саййид Абд ул-Аҳадхон».

Манғит подшоҳларининг келиб чиқиши, шажарада кўрсатилганидек, Али ва Фотима-Зухроларга бориб боғланди. Баъзилар манғит султонларини Чингизхон авлодидан деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр ҳақиқатдан йироқдир.

Мансур Олимий мазкур китобда яна бир диққатга сазовор фактни қаламга олган. У ёзади: «Бухоро подшоҳи Саййид Абд ул-Аҳадхон Туркия султони Абд ул-Ҳомид Усмоний даврида Маккаи мукаррамада бир работ барпо қилиб, унинг дарвозаси устига ўз номини ёздирмоқчи бўлди. Маккаи мукаррама уламо, фузалолари Бухоро подшоҳининг истагини қабул қилмадилар. Шунда Бухоро уламолари ҳукмронликни Али Розия Оллох аҳли айёмлари ва Фотима алийҳамо ал-ислом авлодларига нисбат бериб, араб уламоларига мактуб жўнатдилар. Араб уламолари работ масаласидаги таклифни тўғри деб топиб, улардан 3 нафари буни тасдиқлади. Ва султон Абд ул-Ҳомидхон Усмоний ҳукмига ҳавола қилдилар. Султон уни тасдиқлаб муҳр босгандан сўнг, Амир Саййид Абд ул-Аҳад номини работ дарвозаси тепасига ёзиб қўйдилар. Бу ёзув ҳозир ҳам бор».

Бу икки фактдан тўла ишонч ҳосил қилиш ўринликим, Чор Бакрлар



авлод-аждоди Муҳаммад пайғамбар фарзандларидан тарқалган. Улар Бухорода ҳукмронлик қилганлар. Аммо манғитларни бу силсилага қўшиш хато, зеро, саййидлар араблардирлар, манғитлар эса турк қавмидан.

Энди Абу Бакр Саъд шажарасига мурожаат қиламиз:

1. Али ибн Абу Толиб.
2. Имом Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб.
3. Хожа Зайнулобиддин ибн имом Хусайн.
4. Хожа Саъд ибн Хожа Зайнулобиддин.
5. Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Хожа Саъд.
6. Хожа Заҳириддин ибн имом Абу Бакр Аҳмад.
7. Хожа Мужиддин ибн Хожа Заҳириддин.
8. Хожа Алоуддин ибн Хожа Мужиддин.
9. Хожа Музаффар ибн Хожа Алоуддин.
10. Хожа Тоҳир ибн Хожа Музаффар.
11. Хожа Муҳаммад Ислом ибн Хожа Тоҳир.
12. Хожа Яхё ибн Хожа Муҳаммад Ислом.
13. Аҳмад Хожа ибн Хожа Яхё.
14. Хожа Фаҳриддин Ислом ибн Аҳмад Хожа (Хожа Ислом).
15. Хожа Носириддин ибн Хожа Ислом (Хожа Саъд Калонхожа).

Мазкур шажара Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-Ризвон ва ҳадиқат ал-Филмон» асаридан олинди.

ХОЖА АБУ БАКР САЪД ВА УНИНГ АВЛОДИ

«Равзат ар-Ризвон» китобидан келтирилган шажарада Абу Бакр Саъддан то Хожа Саъдгача бўлган сулола силласида 15 нафар хожазода номи қаламга олинган. Тарих саҳифаларида улардан 4—5 нафари ўчмас из қолдирганлар. Сомонийлардан кейин ҳукмронлик тахтига ўтирган қоракхонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, аштаркхонийлар ва ниҳоят манғитийлар давригача улар гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолдилар. Манғитийлар даврида улар сулоласининг энг йирик вакили бўлмиш Хожа Фаҳриддин Муҳаммад Ислом ибн Аҳмад тарих саҳифасида ярқ этиб кўзга кўриниб қолди.

ФАХРИДДИН ХОЖА МУҲАММАД ИСЛОМ

Хожа Ислом шахсияти, фаолияти-ю Бухоро ақобирлари ўртасида тулган ўрни борасида жуда кўп фактлар мавжуд. У 1493 йилда Бухоронинг Солорҳаж дарвозаси ҳудудида жойлашган Жўйбори Берун мавзесида тутилган. Унинг отаси Хожа Аҳмад катта мол-мулк, чорва ҳамда бозор, ҳаммом, сардоба, тегирмонлар эгаси бўлган. Хожа Исломнинг боболари Хожа Яхё саводли, пархезкор, ўз замонасининг авлиёи калонларидан бўлиб, невараси ана шу муҳит таъсирида тарбияланди. Хожа Ислом 4 ёшга етганида унда кундан-кун ажойиб ва ғаройиб ҳолатлар зоҳир бўла бошлаган.




Ҳасан ас-Сарахсийнинг «Маноқиби Саъдийа» китобида бу ҳақда ғаройиб факт келтирилган: «Амир Кулолнинг ўғиллари Амир Ҳамзанинг хожаларидан бўлмиш Ҳазрат Хожа Яхё Хожа Исломнинг боболари Хожа Яхёнинг мулозаматларида кўп келиб турган. Яна бир сафар келиб, суҳбат қилиб турганларида ажойиб ҳолат юз беради. Хожа Ислом иккала авлиё даражасига етган, замон алломалари ҳузури муборакларига кириб, салом беради. Шу пайт хожазоданинг кўзи боболари ковушига тушади. Ковуш лой ва чанг эди. Хожа Ислом ковушни ердан олиб, тили билан ялаб, тозалаб жойига кўяди. Бу — тарбиятнинг ажиб белгиси эди. Иккала зоҳид хожалар бу ҳолга ҳайратланиб қараб: «Хожанинг бу хизмати мукофотга лойиқ. Мукофотни ё Сиз, ё биз берайлик» дейдилар. Сўнгра ҳақоикдан сўйлайдилар. Шу аснода Хожа Яхё дедиларки, азизлардан эшитганмизки, киши агар фалон дуони бир неча бор ўқиб, Худодан ҳар нарсани тиласа, худои таоло унга ўша нарсани берар экан. Шунда Хожа Ислом сўрадилар: «Одамлар Худодан нега Худони тиламайдилар. Бошқа нарсани сўрайдилар». Ҳазрат Хожа Яхё дедилар: «Битта эди, иккита бўлди. Дарҳол унга мукофот бериш лозим». Сўнгра ҳазрат Хожа Исломни ўз елкаларига кўтариб, у кишига «хў» зикрини талқин этдилар ва ҳақларига дуои хайр қилдилар» («Маноқиби Саъдийа», 12-бет).

«Хў» зикрини талқин қилиш — бирон-бир авлиё томонидан катта ҳикмат бўлиб, ўша одам соҳибкаромат эгаси бўлар экан. Хожа Исломга ана шу «хў» зикрини тушида ҳазрат Али ҳам талқин қилиб ва ниҳоясида «хў» зикри «зикри хос-ал-хос»дир деган экан. Хожа Исломнинг тариқат силсиласи Муҳаммад Пайғамбардан бошланиб, Язид Бистомий (вафоти 875 йил), Хожа Юсуф Ҳамадоний (вафоти 1140 йил), Хожа Баҳовуддин Нақшбанд (вафоти 1389 йил), Хожа Убайдулло Аҳрор (вафоти 1490 йил) гача боради. Нақшбандия (наҳши Худо дар дил банд) тариқати пирларининг таълимотини пухта ўрганган Хожа Ислом ана шу тариқатни кенг тарғиб қилишда кейинчалик катта ҳисса кўшганлиги учун «Пири Шастий» унвонига ҳам сазовор бўлган. Пирлар мадади, «хў» зикрининг авлиёлар томонидан хожазодага талқин этилиши ва авваломбор Оллоҳ инояти-ю назари ила Хожа Исломга соҳибкароматлилик хусусияти зоҳир бўлади. Ва у ана шу соҳибкароматлиги, тасаввуф илмини сув қилиб ичиб, тариқат йўлидаги пархезкорлиги-ю халқ, ватани Бухорони севганлиги учун катта ҳурмат, мавқе ва эъзоз эгаси бўлади.

Хожа Исломнинг тарих саҳнасига келиши ва давлат, жамият ишларида аралашishi Махдуми Аъзам вафотидан кейин кенг қамровлик касб этди. Махдуми Аъзам муридларидан бўлмиш шайбонийхонлар Пир вафотидан кейин Хожа Ислом этагини тутдилар. Ҳар бир амалда унинг маслаҳат, кўрсатма ҳамда башоратлари асосида иш тутадиган бўлдилар.

Хожа Ислом 17 ёшида қозоқлар юртига бориб қолади. Қозоқлар хони Қосимхон уни «пирзодамиз», деб эъзозлайди. Қизини Убайдуллохонга никоҳлаб бераётган пайтда хожазодадан маслаҳат сўраб, жумладан, шундай дейди: «Сиз бизнинг пирзодамизсиз, ўз фарзандимизни сизнинг вилоятингизга юборяпмиз. Иноят ва каромат кўргузиб, унинг ҳолидан хабар олиб туринг». Хожа Ислом Қосимхонга берган ваъдасига бир умр содик қолди. Убайдуллохон аёли бўлмиш қозоқ қизидан вақти-вақти билан дарборга келиб, хабар олиб турди. Уни ўз туғишгани қаторида кўрди. Хон



аёли фарзанд кўриб, ўғли тахт эгаси бўлганда унга раҳнамолик қилиб, давлат ишларида кўмакдоши бўлди. Жангу жадаллардан уни эмин сақлаб, шу йўл орқали Бухорога кўп талафот етиши олдини олди.

Муҳаммад Хожа Ислом вужудида фақирларга нисбатан шафқат, ён босиш, улар ҳуқуқини етти фарсанг масофа орасида бўлса ҳам ҳимоя қилиш устун турарди ва бу устунлик унинг таълимоти-ю фаолиятида бир умрга муҳрланиб қолди. Зотан, бу бебаҳо одат унга бобоси, пири, тарбиячиси Хожа Яхёдан юққан хайрли хислат эди. Ҳазрат Хожа Яхёнинг ажойиб бир хислати бор эди. Ҳар эрталаб бомдод намозидан кейин нонвойхонасида пиширилаётган иссиқ нонларни олиб, катта қатнов йўлига бориб ўтирар, тонг пайти қишлоқлардан ўтин, янтоқ олиб келаётган хоркашларга иккитадан бепул иссиқ нон тарқатиб, сўнгра уйига қайтарди. Уйга қайтар маҳали хожазода бир гапни такрорларкан: «Бул жамоатнинг юзини кўриш муборақдур. Чунки, улар сахар турадилар ва субҳда бедордурлар. Еганлари ҳам ҳалолдир». Бу таълимот Нақшбандия тариқатининг қон томири бўлиб, бободан неvara — Хожа Исломга ўтган эди. Шу сабабли ҳам ҳар бир амалида мазкур ақидага содиқ қолгани ҳолда зохирлик баён этар эди. Яна бир нарса: Хожа Ислом соҳибқаромат, пири шастий, муридлари бисёр пешво бўлганлиги билан бирга Қуръон тиловатида ҳофиз ҳам эди. Унинг тиловатини жон қулоқлари билан тинглаш учун муридлари илҳақ бўлиб турар эдилар. Фатво беришда Хожа Ислом ҳеч қачон хатоликка бормаган. Унинг фатволари фақат эл манфаатини ҳимоялашда хизмат қилган.

Хожа Ислом ўз қариндоши, аниқроғи шажарадоши Ҳусайн Бойқаронинг Амир ул-Умароларидан бўлмиш Муҳаммад Туман манғит қизига уйланади. Қайнотаси Муҳаммад Туман манғит ўша давр удумига кўра қизига катта ер, сув, мол-мулкни мерос қилиб беради. Муҳаммад Исломнинг биринчи фарзанди ўғил бўлади. Ўша пайтда у ҳазрат Убайдуллоҳон хизматида бўлиб, бир юмуш билан Миёнколга, Искандархон ҳузурига боради. Бу ҳақда унинг ўзи шундай нақл қилган экан: «Ҳазрат Искандархоннинг мажлиси шарифларида ўтирган эдик. Ҳазрати Хонга Худо саодатманд ўғил берганлиги тўғрисида маҳрам хабар келтирди. Бу хабар бизни ҳам қувонтирди. Шу кунларда биз ҳам ўғил кўрган эдик. Бир неча кундан сўнг эшитдикки, Искандархоннинг янги туғилган фарзанди — Ҳазрат Абдуллахон дардга чалинмиш. Шунда бизнинг бошимиздан шундай фикр ўтди: агар у кишининг ҳаёти хатар остида бўлса, биз ўз фарзандимизни у кишига фидо қилдик. Муддат ўтиб, фарзандимиз оламдан ўтди ва Ҳазрати Абдуллахон шифо топдилар. Бир йил ўтгач, Худо бизга Ҳазрат Хожа Калонни берди. Хотирамизга етдики, Худо бизга Хожа Калонни фидо этган фарзандимиз эвазига берди. У кишининг дин, дунё ва охиратда саодатманд бўлишларига умид қиламиз... Шу мақсадда фарзандимизни ўз маҳдумимиз Маҳдуми Аъзам Хожа Косоний ҳузурларига олиб бордик. У киши иноят қилиб фарзандимизни икки елкасидан ушлаб, ўз бошлари узра кўтардилар ва дедилар: Умид қиламизки, Хожа Калон Калон бўлинг, таҳаллус қўйиш важдан бу киши дунё ва охиратда Хожа Калондир. Аммо асл исм шарифлари Хожа Саъд бўлади. Ҳазрат Хожа Калон томонидан Ҳазрат Хонга нисбатан кўрсатилган муҳаббат ва Ҳазрат Хон тарафидан жаноби Ҳазрати Хожа Калонга нисбатан бўлган ақида ва иродат Амир Темур замонларидан то ҳозиргача подшоҳлар ва машойихлар тўғрисидаги

бирор-бир рисолада зохир бўлмайдуру ва ёзилмайдуру» (*Ҳасан ас-Сарахсий*. «Маноқиби Саъдийа», 20-бет).

Хожа Ислом бир суҳбатда айтган эканки, «Биз агар шайхлик қилсак, шайхларнинг холи танг бўлади. Бизга бошқа нарса амр қилинган». Ҳақиқатан ҳам унга бошқа нарса амр қилинган эди. У ҳам бўлса соҳибкароматлилик, пирлар руҳининг мадади, илми ғайба тўла донишмандлик, уни Оллоҳ билан фикр орқали мулоқотда бўлиш йўлини очиб берди. Бу ноёб хислатнинг ёрқин мисоли юқоридаги «икрорнома» бўлиб, хоннинг касалманд ўғлини ўлимдан қайтарди. Унинг қазоси йўлини ўз ўғлига, жону жигарига йўналтирди. Бу ерда иккита мақсад ётади. Биринчидан, Искандархоннинг ёши ўтган. Узоқ йил фарзанд кўрмай энди унинг дийдорига эришган эди. Агар бу ҳам ўлса, у бутунлай зурриётсиз бўларди. Иккинчидан, Хожа Ислом Абдуллахон тақдирида Бухоро келажагини илохий қувваи хофизаси орқали кўриб билиб «қурбонлик қилиш» усулини тутди. Унинг кўзлагани амалга ошди. Кейинчалик Хожа Ислом Абдуллахонни муридликка қабул қилди. Унга бир умр ўз фарзандидай кўз-қулок бўлиб турди. Шу йўл орқали у катта муваффақиятга эришди. Хожа Исломнинг мақсади Бухоро амирлигида узоқ йиллар тинчлик, осойишталик, тўкин-сочинлигу дину диёнатнинг барқарор бўлиши эди. Абдуллахон Карманадан эди. У Бухорода кўп иморатлар бино қилди, раиятни зулмдан, ноҳақликлардан ҳимоя қилди. Жумладан, унга арз қилдиларки, Амударёнинг у ёғида қизилбош-авбошлар Бухородан Макка, Мадина зиёратига бораётган зиёратчиларга зарар етказаяптилар. Хон ғазот тадоригини кўриб, Хожа Ислом ҳузурига келганида Ҳазрат зўр илтифот ила футасини белидан ечиб, Абдуллахоннинг белига боғлаб қўйди ва мана бундай башорат қилди: «Искандарнишон хон Абдулғозий Абдулла Баҳодирхон Бухорони ўзига қаратиб, салтанат ва ҳашамат тахтига ўтиради. Адл зийнатий билан жаҳонни беаб, фитна ва зулм эшигини олам ва одам болалари тоифаси учун ёпади».

Хофиз Таниш ал-Бухорийнинг маълумот беришича, 20 йилдан кейин бу башорат ҳақиқатга айланди. Абдуллахон Кармана амири, Бухорода эса Убайдуллохон, унинг қазосидан кейин ўғли Абд ул-Лазизхон шох бўлди. Самарқанд, Тошкент подшоҳлари Бухоро хонининг ёш, тажрибасизлигидан фойдаланиб, унинг тахт-тожини эгалламоқчи бўлиб, қўшин тортиб келдилар. Бир қанча қишлоқларни талаб, деҳқонларни ўлдириб, мол-мулкларини ўлжага олдилар. Ва ниҳоят, Бухоро қалъаси атрофини ўраб, уни камал қилдилар. Ўша пайтда Хожа Ислом Жўйбори Берундаги ўзининг боғида эди. Хон одамлари унинг ҳузурига бориб, Хожадан мадад сўрадилар. Хон фақат Хожа Ислом кароматига суяниб турганини етказдилар. Хожа Ислом оқ отга миниб, душманлар қасдига отланди. «Маноқиби Саъдийа» китобида бу «азм» қилиш мана бундай тасвирланади: «...Онхазрат савор бўлиб, Хожа Абу Ҳафс Кабир дарвозаси томонга етиб келдилар. Шаҳар ичкарасидаги барча баҳодирлар шижоат ва дағдаға қилишар эди. Онхазрат дарвоза олдида отдан тушиб, уларга хушомад ва ниёзмандлик қилдилар ҳамда мадад, ҳиммат тилаб, дарвозадан чиқиб кетдилар. Онхазрат қалъа девори устига чикдилар ва бир муборак оёқларини унинг бир томонига, иккинчисини эса иккинчи томонига ташлаб ўтирдилар» (Ўша китоб, 15-бет).





Пирнинг шахристон қалъа девори устига чиқиб, деворни отдай миниб ўтиришида каромат бор эди. Пайғамбарзода «хў» зикрини тиловат қилиб, Худодан бухороликларнинг ғалаба қилишларини, душманнинг эса мағлуб бўлишини тилаб, илтижо қилди. Дам солиб, душман томонга ҳар бир «суфффф» деганида Бухоро лашкари ғалабага эришиб, душман орқага чекинарди. Самарқанд, Тошкент хонлари кўрдиларки, Хожа Ислом қалъа девори устида ўтириб, улар томонга қараб дуо ўқиб, дам соляптилар. Улар ўлим яқинлашганлиги белгисини аниқ кўриб, жуфтакни ўз шаҳарлари томон ростладилар. Ҳасан ас-Сарахсий бу «жуфтак ростлашлар»ни қуйидагича тасвирлайди: «Бир лаҳза ўтмай ҳар иккала тарафдан баҳодирлар бир-бирларига рўбарў бўлишди ва ул жамоа зафарга юзлашиб (муҳолифни) ўз чодиригача қувиб борди ҳамда чодири билан бирга бурдалаб ташлади. Вазир ва амирлардан бир нечасини тирик келтиришди. Шундан сўнг (мағлублар) ўз вилоятларига қайтиб кетишди. Онҳазрат мажлисларда очик айтдиларки, Бухоро хожалар оролидир. Агар улар истамасалар бирор киши унга тасарруф қўлини чўзолмайди ва уни ололмайди. Бухоронинг соҳиби бошқадир».

Тарихий фактларга асосланган ҳолда фахр билан бир нарсани қаламга олиш ўринли. Бу ҳам бўлса, Хожа Исломнинг ўзига хос бетимсол кароматларидир. Хожанинг фаолияти бошидан то ўлими кунигача Бухоро учун қанча жангу жадаллар бўлса, унинг соҳибкаромат иродаси билан бу «лашкар тортишлар» Бухоро халқи ғалабаси билан яқунланган.

Пири Шастий мукамал дин пешвоси эди. У «Каҳф» сурасининг 110-оятини ўзининг бир умрлик шиори қилиб олган ва бу шиорга содиқ қолган: «Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин)».

Ҳазрат бу ақидани муридлари қалбида ҳам барқарор қилган Пири Комил эди. Юқоридаги оятнинг риоясини ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар нафас қиларди. У «Оллоҳ тўрт нарсани тўрт нарсада пинҳон этган» дерди:

1. Ўз дўстларини халойиқ орасида пинҳон этган. Шу сабабли ҳам ҳар бир инсон билан хоксорона муомалада бўлиш лозим.

2. Қадр кечасини барча кечалар ичида пинҳон этган. Тоқим Толиб ҳамма кечани бедор ўтказиб, қадр кечасини топсин.

3. Ўз ғазабини фисқу фужурда яширибдур. Тоқим инсонлар гуноҳдан узоқ юрсин.

4. Ўз раҳмати ва иноятини тоат ва ибодатда пинҳон ва махфий этган.

«Ўз ғазабини фисқу фужурда яширибдур. Тоқим инсон гуноҳдан узоқ юрсин» ақидасига кўпинча шайбонийхонлардан саналмиш Бурхон Султон амал қилмасди. Убайдуллохоннинг ўғли ўлиб, Ёрмуҳаммад подшоҳ бўлганидан кейин Бурхон Султон Бухорога келиб, Ёрмуҳаммадни Арк ичида ўлдириб, ўзи шоҳ бўлиб олди. Шунга кўнмай яна фириб-найранг йўлига ўтди. Унинг бу қилмишлари Пири Шастийнинг ғашини келтирар эди. Абдуллахон Балхга кетган маҳал Наврўз Аҳмадхон Бухорога келиб, уни Бурхон Султон қўлидан олиб, Султон Саидга бермоқчи эди. Бухоро Наврўз Аҳмадхон томонидан уч ой қамал қилинди. Чорасиз қолган Бурхон Султон Балхга, Абдуллахонга Валижон Мирзо орқали нома юборди. Мактуб

мазмунни шундай эди: «Мен кулинг ва хизматкорингман. Ва ниҳоя хайрхох бўлганимдан сенинг итоаткорингман. Қутли сифат ҳазратдан илтимос шулким, (энди) кулфатга тушиб қолган (биз) бечораларни илтифот сояларига олсалар. Машаққат қалъасига тушиб қолган биз шўрликларни чексиз меҳрибончиликларнинг барокати билан ҳалокат гирдобидан ҳалос қилсинлар. Тоқим, Ҳазрат хоннинг илтифотлари туфайли шу балодан қутулсак. Бунинг эвазига Бухорони Сизга бериб, иродали бошимни итоат ҳалқасига қўяман. От боғлайдиган жойга ҳам қаноат қилиб, умримни бандаликда ўтказаман».

Мактубга биноан Абдуллахон ёрдамга келди. Қалъани қамалдан озод қилди. Бухорони олиб, Бурхон Султонни Қоракўл қалъасига амир этиб юборди. Оз фурсат ўтмай, Бурхон Султон яна аҳдини бузди. Абдуллахонга қараб лашкар тортиб келди. Урушда яна енгилиб, Ромитан қалъасига яширинди. Нима бўлди-ю, Абдуллахоннинг хоотири озор топди. Яна Балхга қараб кетди. Бу орада Бурхон Султон унинг отаси тасарруфидаги шаҳарларга қайтиб, урушга чоғланди. Бу хабарни Абдуллахон эшитиб, Балхдан Бухорога қараб келди. Шаҳарни қамал қилди. Ана шу орада Хожа Исломо то шаҳар қамал бўлгунга қадар Бухорода йўқ эди. Кейин келди. Бурхон Султон яна унинг мададига суянди. Хожа Исломо ва Мир Абул Бақо (Махдуми Аъзамнинг невараси)ни Абдуллахон ҳузурига юборди. Хожа Исломо тақрибан сўзни «Бақара» сурасининг 157-оятини билан бошлади: «Ва ким ўз ихтиёри-ла яхшиликни ният қилса, бас, албатта, Оллоҳ шукр қилгувчи ва билгувчидир». Ва яна «Кечирмоғингиз тақвога яқиндир» оятини такрор қилиб, хонни сулҳ тузишга ва Бухорони яна талафот кўришдан асради. Абдуллахон билан Хожа Исломо ўртасида суҳбат кизиди. Хожа Абдуллахонга шундай деди: «Бу жамоанинг тўғри қадамлари сабот ўрнидан тойибдур. Ҳозир узр сўрашаёткидилар: қилмишларига пушаймон бўлдилар. Илтимос шулки, (энди) уларнинг хатоларини кечириб, бу борада илоҳи олийнинг (Тангрининг) қонун-қоидаларига риоя қилинса. Тангри (ўзининг) қудрати ва улуғлиги билан бандаларининг гуноҳ ва бебошликларидан воқиф бўлиб қолса, уларни азоблашнинг олдини олади. (Бандалар) ҳар вақт тавба қилиб, узр сўрасалар, (Тангри) уларнинг узрларини қабул қилади» (*Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдулланом»*. Биринчи китоб, 147 – 148-бетлар).

Натижада сулҳ орқали Бурхон Султон гуноҳи кечирилди. Лекин унинг бу фирромлиги Хожа Исломо қалбида қаттиқ ботганлиги учун Мирзо Ақабий ўғлига руҳан таъсир ўтказиб, бир кечада Бурхон Султон бошини кестирди. Чунки, шундай қилинмаса, у очкўз хон Бухоро бошига яна кўп кулфат келтириши равшан эди.

Уч йил ўтгач, Абдуллахон юрагида Чоржўйни ўзига бўйсундириш хаёли тушди. Чоржўй Марви Шоҳи Жаҳон подшоҳи Поянда Муҳаммад тасарруфида бўлиб, Поянда Муҳаммад Абдуллахон талабини рад этди. Шунда хон Чоржўйни уруш билан тортиб олиш ниятига тушди. Бу навбатдаги кирғинбарот Қарши чўлларида сайр қилиб юрган Хожа Исломо кўнглида аён бўлди. У ўша ердан туриб хонга одам юборди: «Биз киши юборамиз ва Чоржўйни ундан оламиз». Хожа Исломо ўзининг хос одамини Марви Шоҳи Жаҳонга, Поянда Муҳаммад Султон ҳузурига юборди ва шундай деб буюрди: «Поянда Муҳаммад Султон ҳузурига бориб айтасанки, Чор-





жўйни бизга назр тариқасида берсин». Хожа одами Шайх Муҳаммад олди-га кириб, ҳазратнинг хоҳишини баён этди. Марв ихтиёри Шайх Муҳаммадда эди. Шайх Муҳаммад Чоржўйнинг нишонини Поянда Муҳаммад ва Абу ал-Муҳаммадхондан олиб, Хожа Ислом вакилига топширди. Воқеа ривожига қараб ҳайратдан ёқа ушлайди киши. Хожа Исломнинг хос каромати ва узоқни кўзлаб йўл тутишини қарангки, Чоржўй назр сифатида муридларидан Пирга, Пирдан Бухорога берилди.

Пири Шастий том маънода Бухоронинг хос фарзанди эди. У ҳар куни намози бомдоддан кейин нонвойхоналаридан бева, бечора, мусофирларга минг бир дона нон бепул тарқатилишидан хабар олиб, сўнгра шаҳар айланишга чиқарди. У гоҳ отда, гоҳ оқ хачирда айланиб юриб тушликгача ҳамма гузарларни томоша қилиб чиқишга улгурарди. Шаҳарнинг қайси гузарида норасоликлар бўлаётган бўлса, уни бартараф этишга қўл чўзарди. Бир куни сайр қилиб юриш вақтида йўли Регистонга тушди. Регистонда Пирмуҳаммадхоннинг умароларидан бири зулм ўтказиб, бир шахсга азоб берар эди. Ҳазрати Хожа унга яқинлашиб, бу ножўя ҳаракатларини тўхтатишни айтди. Шоҳ умароси унинг гапини эътиборга олмади. Шунда Хожа «Қўлларинг шол ва ногирон бўлишига умид қиламиз» деб йўлига равона бўлди. Фурсат ўтмай бутун Регистон аҳли кўзи олдида ўша умаронинг қўли калта ва шол бўлиб қолди. У одам арқонни бўйнига боғлаб, ҳазрати Хожа ҳузурига чопиб бориб, оёқларига йиқилди. Узр сўраганидан кейингина у кечирилди. Бу манзара оддий гапдай кўринади. Лекин, ўша давр муҳити учун катта тарбия ҳам эди. Хожа Ислом учун Бухоронинг ҳар бир эшик, девор, дарахту йўлакчалари, ариғу марзалари кўзга суртгудек азиз, оятдай муқаддас бўлиб қолган эди. У ажойиб табиатли инсонлар сирасига кирарди. Бозорчаи Мавлоно Қози ёнидан оқиб ўтувчи ариқ бўйида йўл томонга эгилиб, қийшайиб турган тут дарахти бўлган. Қийшайиб қолган дарахт бозор томон ўтиб қайтувчилар учун қийинчилик туғдирган. Ҳазрати Хожа Бозорчаи Мавлоно Қозига бориб қийшайиб турган дарахт ўтиб қайтувчилардан озор, хижолат тортяпти деб каромат кўрсатиб, дарахт қоматини ростлаб, йўл устидан кўтартириб қўйдилар, дейишади ўша замон китобларида. Ҳазрат Саид Ато авлодидан бўлган Темурхожа номли олийнасаб шахсга кўрсатган ибратли каромати ҳам тарбиявий аҳамиятга молик. Темирхожа ҳар куни шайхлар олдига бориб, қасам ичар ва шайх кароматини синаш учун шароб ичиб мастлик қилар эди.

Темирхожа бир куни Хожа Ислом кароматини ҳам синамоқчи бўлди ва Хожа ҳузурига кирди. «Менга қасам ичиринг, қайтиб шароб ичмай» деди. Эшон деди: «Бу ерда тавба қилмоқ бошқа жойда тавба қилмоқдек эмас, қатъий тавба қилиш лозим». Темирхожа сўз берди. Чунки, у бундан бир неча кун бурун бир шайх ҳузурида тавба қилиб, яна шароб ичиб, яланғоч отга миниб, авратини ҳаммага кўрсатиб Бухоронинг Чорсу майдони олдидан ўтиб, Тоқи Саррафонгача келганида ҳам ҳеч нима бўлмаган эди. Темирхожа Хожа Ислом ҳузуридан чиқиб, эшон кароматларини синаш учун шаробнинг бир неча йиллигидан ичиб, маст бўлиб яна ўша ҳолатни такрорлаб шаҳар томонга келаверди. Рўпарасидан сигир подаси чиқди. Подадан бир қора сигир ажралиб маст Темирхожани шунчалик қувдики, у илож топмай дон қудуғига тушиб кетиб омонлик топди. Ғалла қудуғидан чиқиб, тўғри ҳазрати Эшон ҳузурларига кириб келганида Хожа Ислом-



нинг кўзлари саййидга тушиб: «Саййид, қора сигирдан қўркқандирсиз» деди, холос. Бу ҳолат ва кароматпешалик қудрати ўша замоннинг айрим ўзидан кетган саййидлари учун ҳам тарбия, ҳам чегара эди.

Абдуллахон Бухоро хони бўлди-ю, бир қанча фурсат ўтмай қизилбош-авбошлар билан уруш ихтиёр этди. Бунинг учун мамлакат ҳудудини кенгайтириш ва Балхни ҳам қўшиб олиши лозим эди. Лекин, Балх Пирмухаммадхон (хотини Маҳв Авлиё Султонимнинг бобоси) қўлида эди. У Хожа Ислонга маслаҳат солмай Бухорони Балхга алмаштириш фикрини қилди. Бунга Пирмухаммадхон рози бўлди. Ўша вақтда Балх ҳудудига Тоҳаристон, Самангон, Бақлон, Сарой, Толиқон, Андхуд, Шибирғон, Сом, Чоруғ, Фазна, Бомиён, Қобул, Ҳирот, Лангар, Чечактут ва Мурғоб кирарди. Шартга кўра Пирмухаммадхон Бухорога, Абдуллахон эса Балхга кўчди. Бу хабар Хожа Ислонга, Қарши чўлларида айланиб юрган кезларида, етказилди. Хожа Ислоннинг сафардоши бу хабарни эшитиб, «Ҳайф, Бухоро» деб афсус чекканида Хожа унга шундай деб таскин берди: «Агар (бирор) шахс (бирор) кишининг саройига расман борса, оё ул сарой ва хона соҳибининг рухсатисиз кира оладими? Бухоронинг (ўз) соҳиби бор. Бухоронинг соҳиби (эса) бундай амрга рози эмас. Сиз хотирингиз кўзини гирён этманг». Ҳазрати Хожа Қарши чўлида туриб «хў» зикрини талқин қилиб, иккала подшоҳ фикрига (ғойибдан) ўзгариш қилдира билди. Бу ҳолда, уч кун ўтди. Тўртинчи куни Ҳазрат Хожа Бухорога қайтиб Жўйбор тарафга кетди. Ўзи қурдирган боғчага кириб бир оз айланди. Бир гулбутта пойига келиб ўтириб, зикр қилди: «Худовандо, пайғамбарлар ва авлиёлар, аброрлар ва нақиблар ҳиммати билан Бухорони Балхга алмаштиришга ижозат бермайман». Бу манзара ниҳояси «Маноқиб Садийа» китобида тубандагича тасвирланган: «Ўша куни шундай ўтди. Иккинчи кун чопқир суворий етиб келиб деди: Ҳазрат Хон ўз дағдаға ва орзуларидан қайтдилар ҳамда Бухоро томонга отланиб шаҳарга етдилар. Шундан сўнг онҳазратга ором ва осойишталик келди».

Хожа Ислон Бухоро ва унинг атроф қишлоқларининг ободончилиги, сув билан таъминланиши учун қайғурарди, қандай бўлмасин бу амалга Хон диққатини жалб этиб, ерли аҳоли оғирини енгил қиларди. Ҳазрат отда сайр қилиб юриб, Харбун (Жондор) ҳудудидаги Сомончуқ ва Тали маҳси мавзеларига бориб қолиб, бу ерда сув камчил ва деҳқонлар қийнаётганликларини кўриб (Абдуллахон Бухорога подшоҳ бўлганидан кейин), қишлоқлар ерларини сотиб олади. Катта ариқ чиқариб, сув таъминотини кўнгилдагидек бажарганидан кейингина сувли ерларни деҳқонларга бўлиб берганининг ўзи ҳам катта ғамхўрлик ва сўфиёна ҳиммат натижаси эди.

Абдуллахон ҳурмат-эътибори Ҳазрат Хожага шу қадар баланд эдики, Хожа Ислон ўзи учун манъ қилган нарсани албатта Абдуллахонга ҳам манъ қиларди. Бир оғиз сўз билан айтганда, Бухоро, унинг ёрқин келажиги учун муносиб шоҳ Абдуллахонни тарбиялаб, хон даражасига етказиб, уни шухрат эгаси, тарихда «Қутли қадам хон» қилиб қўйган ҳам Хожа Ислон Жўйборий эди. Хожа умрининг охириги йилларида касал бўлиб қолди. Бемор кўришга келган хонга у сўнгги марта мана бундай насиҳат қилди: «...борди-ю сенинг зотинг «Парвардигорим адаб берди» (ҳадиси) тақозосича, адаб бериш билан сенинг огоҳлик ойнангда Тангрининг ил-



хомлари нури тобланган бўлса, шуларнинг ҳаммасидан сенинг тўғрингда ғоятда шафқатим бўлганидан, «Тангри хоҳлаган кишисини ёруғликка бошлайди» (ояти) бўйича момақалдиروقдан бир ярақлашдек (бўлган) раъйи ва тадбиридан сенинг қошингга бир машъала ўрнатаман, токи унинг ёруғида мақсадингга (етиш учун) осон йўл топасан. Энди (сенга) шу лозимки, раъийят билан муомалада адл байровини жуда баланд кўтаргин; давлатнинг бақолик ҳамда неъматнинг вафолик бўлиши учун латиф унсурларинг (билан) бечора ҳамда мазлумларнинг ранжиши ва оҳи ўқиға нишона қилмагин» (*Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдуллонома»*. Биринчи китоб, 172 — 173-бетлар).

Хожа Ислом етмиш йил умр кўрди. 68 ёшида нимадир бўлди-ю, сил касалига чалинди ва шу хасталик билан икки йил азият чекди. 1562 йилнинг кузида Боғи Даштга хазонрезгини ўтказиш учун борган Хожа Исломга ғойибдан нидо келди: «Ҳазрат Хожазода, Сиз мархабо қилиб, ўн икки кундан кейин Оллоҳ дийдорига эришасиз». Ғойибдан келган нидони Хожа Ислом Куръоннинг «Огоҳ бўл, албатта тангрига яқин бўлганларга ўлимдан кўркиш ва на хафа бўлиш йўқдир» муқаддас ояти билан қарши олди ва ўн икки кун ана шу кайфиятда юрди. Онҳазрат фоний дунёдан боқий дунёга кўчиш хабарини аҳли аёли, меросхўрлари — Хожа Саъд, Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ҳамда Хожа Қосимларга етказди. Бемор кўришга келган муриду мухлисларга васият тариқасида шундай дейди: «Биздан икки нарса ёдгор қолди. Биринчиси Хожа Калон зоҳирлик ва ботинликда мартабага етиб, ақл ва фосихлик топди. Иккинчиси Абдуллахон...»

1563 йилнинг 20 октябрида, душанба куни Хожа Ислом (қазо қилишига беш кун қолганда) ота-боболари қабри бошига, Сумитан қишлоғига келди. Боболари имом Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Яҳё, Абу Бакр Аҳмад ибн Яҳё қабри бошида узоқ тиловат қилгандан сўнг имом Абу Бакр Саъд қабрининг қибла томонидан ўзи учун боқий маскан қовлашни буюрди. Қабр қовлашни шундай тайинлади: Хожанинг боши буюк Имом кўкрагига тўғри келиши шарт. Унинг айтганлари боридан ҳам ортиқ адо этилди. Сўнгра ўғли Калонхожани чақириб, жанозахат ёзиб, ҳаммани жума куни бўладиган жаноза маросимига чорлашни тайинлади. Жанозахат ўша куннинг ўзида ёзилди. Мана ўша мактуб: «Қандай бўлмасин, панжшанба куни Ромитон³ деган жойга борсинлар, токи (Тангрининг) раҳмати мукофотини ва яхши жанозанинг савобини топсинлар» (*Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдуллонома»*. Биринчи китоб, 173-бет). Жанозахат чопарлар орқали Бухоро, Миёнкол, Самарқанд, Тошкент, Саврон, Туркистон, Ахсикат, Насаф, Ҳисор, Термиз, Қубодиён, Балх, Бадахшон, Ҳирот, Марви Шоҳи Жаҳон, Мурғоб, Моҳон, Машҳад, Андхудгача юборилди.

Сешанба куни Хожа Ислом бобоси қабри бошидан Абдуллахон қурдираётган хонақоҳга кириб, бутун кун ва тунни хаёл дарёсида ғарқ бўлиб, сукутда ўтказди. Чоршанба куни касали хуруж қилиб, хушидан кетди. Ҳар бир ўзига келганида «Эй, нафс, (сендан) парвардигор рози бўлганда ва (Тангрини ўзингдан) рози қилинган ҳолда ўзига қайт» оятини такрорларди. Пайшанба куни васиятини қилиб, боши устида ўтирган ўғлидан тангри исмини баланд овоз билан тиловат қилиб туришни сўради. Кун

бўйи шу ҳолат давом этди. Жума куни тонг билан Ҳазратнинг қонсиз лаблари охирги марта «Эй, нафс, (сендан) парвардигор рози бўлганда ва (Тангрини ўзингдан) рози қилинган ҳолда ўзига қайт» оятини такрорлаб Калимаи шаҳодат қайтарди. Ўғли Хожа Саъд Оллоҳ номини овоз чиқариб зикр қилиб турганида ўғлига бир миннатдор қараб, беозор «Шифо» деди-ю, жони узилди. Жони узилар-узилмас, юзини бир умрлик саждагоҳи — қибла томонга қайтарди. Бу 1563 йил октябрь ойининг 25-куни, жума тонги эди.

Абдуллахон шу кунлари Қоракўлда овда эди. Жанозахатни олди-ю, ҳеч нарсага қарамай Сумитанга қараб от сурди. Пири бузруквори билан сўнги марта кафанлашдан олдин хайрлашиб, жанозани хонақоҳ ёнидаги намозгоҳда ўқишни ҳукм қилди. Мазкур манзара баёни «Абдуллонома» китобида қуйидагича тасвирланган: «... (Хоқоннинг) ўзи ҳазрат маҳдумзодаи аъзам (Хожа Саъд) билан биргаликда гавҳар ёғдирувчи тилини қайтишга илтижо қилиш калимаси, яъни «бизлар Тангриники ва унинг томонига борувчилармиз» (ояти) билан очди. (Ҳазрат Хожа Ислоом) шариат расми билан ювиб-тараб кафанланди ва тобутга солинди. Уни Искандар нишонли хоқон (ўз) давлатининг арбоблари, улуғ амирлар ва зодагонлари билан елкаларига кўтардилар ва жаноза ўталгач, (уни) муаттар мазорга элтдилар ва маърифат дарёсининг гавҳарини тупроқ садафига топширдилар» (Ўша китоб, 174-бет).

Ҳазрат вафотида Абдуллахон уч кун мотам либосини кийиб, бошқаларни ҳам шунга ундади. Таъзия кунлари ўтгач, раҳматлининг руҳини шод қилиш мақсадида хатмлар қилинди. Фақир, ғариб ва бошқа муҳтожларга кўп садақалар берилди. Тўртинчи куни от, ҳўкиз, қўйлар сўйилиб элга ош берилди. Ош бериш маросимига келганларга янги сарпо берилди. Бунинг маъноси шу эди: «Хожа Ислоом бутун солих амаллари орқали эсон-омон Худо дийдорига эришди. Бу дийдорлашув унинг мухлислари учун байрам тантанаси бўлди».

Ош бериш маросимида Абдуллахон барча тўпланган ашрофу акобирлар даврасида Хожа Ислоом ўғли Калонхожани давра тўрига ўтқазиб ўзи пойгакка келиб ўтирди. Бу манзара Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» китобида жуда ажиб тасвирланган: «Аъло ҳазрат барча улуғлар ва уламолар билан тўла бўлган ўша йиғилишда жаноб мағфиратпаноҳнинг содиқ халафларини ихлос ва эътиқод билан мажлисининг тўрига ўтқазиб, мамлакат ва (тамом) атрофдан келган барча улуғлардан юқорига ўтказдилар. Ўзи (эса) азадорларнинг ёнига келиб ўтирди; (жон) фидойилик камарини белига боғлади ва ўша мажлисда тик туриб ҳазрат хожазодани мусибат либосидан чиқариб, фахрли либос кийгизди» (Биринчи китоб, 174—175-бетлар).

Мазкур даврада Хожа Ислоом ўрнига унинг катта ўғли Хожа Калонхожа «қойим мақом» деб эълон қилинди. Таъзия даврасида қатнашаётган барча шайх, акобир, олим, шоирлар қатори «Абдуллонома» китобининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам бор эди. У ҳазратнинг вафотларига бағишлаб ёзган марсиясини ўқиб, хондан кўп тухфа олди. Мана ўша марсия матни:





Эй кўнгил, жаҳон аҳлининг биноти (у қадар)
мустаҳкам эмасдир.

Фалакнинг беш кунлик меҳрининг эътибори
йўқдир.

Жаҳон уйига ишониб (асло) оёқ қўйма,
Чунки асоси чириган бу хона мустаҳкам эмасдир.

Фалакнинг муҳрига етарли нақшлар ўйилиб ёзилган.
Жаҳон вайронаси турадиган жой эмасдир.

Бу хатарли водий турар жой эмасдир.
(Шунинг учун) қазо ўз муддаосига мувофиқ
амал қилди.

Бу масалада кишининг музтарликдан бошқа
(иложи) йўқдир.

Ўлим ҳақ ва ажал ҳаммани йўқ қилувчи бўлганидан,
Дил замон хавфининг фироқида (мутлақо)
чидамсиздир.

Афсуски, (энди) ер ва осмоннинг муқтадоси
қолмади.

Карам дарёси, умматлар имоми жаҳонда
қолмади.

У жаҳоннинг комили камол оламидан ўтди.
Замоннинг қутби кетиб, жаҳоннинг улуги қолмади.
Йўл топишни талаб қилиш ундан бош тортди,
Толибларнинг матлуби ва муришларнинг
бошлиғи кетди.

Шараф сандиғи иқбол гавҳаридан бўшаб қолди,
Бахт бурчидан қирон эгаси юлдуз қолмади,
Жаҳоннинг қулоғи гавҳар зирагидан ажралиб
(қолди).

(Энди) фазл қони ва дарёсига гавҳар сочувчи
лаб қолмади.

Умр ариғидан унинг сарви қомати узоқлашиб кетди.
У (энди) жаннат бўстонидан Кавсар лабидан
жой олди.

Қани (энди) у мақсадларнинг ниҳоятига етиш?
(Ва) дил кўзи билан мақсуд маҳбубини кўриш.

Қани у филнинг вақтга ваҳшат
солувчиларидан ҳурқиш?

(Ва) азал жамолининг жилваси билан ором олиш?
Қани у (мақсудга) етиши орқасида талаб ипига уланиш?

Дилни ўкситиш ва тўсиқлардан ўтиш.

Қани (энди) ҳиммат майдонига қадр отини суриш?

Ва (унинг) узангисидан саодат элчисининг чопиши.

Ҳарам тарафидан хонақоҳ томон кетиш (қани?)

Ва ҳар тарафдан маҳбубларнинг дуосини эшитиш.

Во ҳасрато, камол аҳлининг қибласи кетди.

Умматлар гавси, ҳол аҳлларининг мумтози кетди.

Бу воқеа қиёмат кунидан бир аломатдир.

Шундай бузрукворнинг ўлиши қиёмат нишонасидир.

У шарият устуни бақо уйига жўнагандан сўнг,

Бошқа умр биноти истиқоматдан холидир.

Асҳобларга муносиб жон таслим бўлди.

Бу ғамдан саломат киши маломат топади.

Ислому устунининг умр хати қисқа бўлди.

Хулоса шулки, дунё турадиган жой эмасдир.

Фаришта хулқли (хожа) жаҳондан кўчдики,

Ундан машриқу мағриб каромат нақш билан тўлган эди.



Ажал уйқуси кўп кўзларни беркитган бўлса ҳам,
 (Лекин) ҳеч ким бундан мушкулроқ воқеани кўрган эмас.
 Яқин йўлда унингдек бирор муришид йўқ эди.
 У кетди ва унинг юксак ўрни тубанда қолди.
 Унинг сўзига киши қандай эътироз билдиради?
 Агар ҳақ лутфи ер юзини ўз муҳри остида тутса,
 (Ул жаноб) маърифатга тушган замонда,
 Ҳамма нозик нарсаларни текширувчилар
 жаннат томонга равон бўлдилар.
 Дин султони Муҳаммад Ислом қуббат
 ул-исломдан жаннат томонга равона бўлганда,
 Мен фақирнинг фикрича, унинг вафот этган йили тарихи,
 Подшоҳи кишвари Исломга тўғри келади.
 Эшикларнинг кушойиши Туби дарахти
 соясига келганда,
 Унга «бундай (ҳолатда дунёдан) ўтиш қандай
 яхши», деган хитоб келди.
 Эй Парвардигор, (у) буюк садрларнинг
 боғбони бўлсин.
 Жойи доруссалом боғининг тўридан бўлсин.
 Агар (у) доруссурур томонга таширф
 қилган бўлса,
 (Тангри) унинг қадр ва шараф натижасини
 доимий қил (син).
 (А) Бубакр Саъд замон имоми, даврнинг фаҳри,
 Иззат авжида, шараф буржида доимий бўлсин.
 Уни мақташ ва таърифлашда мен паришонҳолга
 Унинг лутфи эртаю кеч мададкор бўлсин.
 Ожизликдан ўзимни унинг хоки ҳисобладим.
 Бу жаҳонда (у) менга эҳтиромнинг сабаби бўлсин
 Унинг ҳақида сўзим дуо билан тугади.
 Дуодан бошқа қўлимдан нима (ҳам) келарди.

Марсиянинг форс тилидаги асл нусхаси нафису суфталикда «манман» деган марсияларни ортда қолдиради. Фикримиз исботи учун марсиянинг асл нусхасидан 24 мисрани диққатингизга ҳавола қилишни лозим топдик:

Эй дил бинои аҳди жаҳон устувор нест
 Бар панж рўза умри фалак эътибор нест.
 Аз эътимод пой ба дари фано манех
 К-ин хона и фарсудабино пойдор нест,
 Бар хотами сипеҳр баче нақши сабат ёфт
 Тир аз бақо, ки хонаи рўзгор нест.
 Вайронаи жаҳон на саройи иқомат аст
 Ин водийи хотир маҳалли қарор нест.
 Бар давойи хеш қазо мекунад амал
 К-аст, то дар ин қазийя бажуз изтирор нест.
 Ба онки марги ҳаққу ажал моҳи гул аст
 Дил дар фироқи фавти замон бетаҳаммул аст.
 Дардо, ки муқтадои замину замон намонд
 Фаҳри карам имоми умам дар жаҳон намонд
 Он комили жаҳон зи чаҳон камол шуд.
 Қутби замона рафту бузурги замон намонд
 Кори талаб бар шараф аз ў мекашид сар
 Матлуби толибону пири муришонд намонд
 Даржи шараф зи гавҳари иқбол шуд тижй
 Дар буржи саъд ахтари соҳибқирон намонд

*Гўши жаҳон бимонд зи овизаи гуҳар (жудо)
Кони баҳри фазлро лаби гавҳарафшон намонд.
Аз жўйбори умри жўсарўши гарон гирифт
Дар боғи хулд, бар лаби Кавсар макон гирифт.*

Марсиядаги «Дар боғи хулд, бар лаби Кавсар макон гирифт» мисрасида Хожа Ислом вафот этган йил яширинган.


ХОЖА ИСЛОМНИНГ МОЛ-МУЛК ВА ЕРЛАРИ

Хожа Ислом жуда бой одам эди. Шу билан бирга ўта очикқўл, очик кўнгил ва саховатли ҳам эди. Унга ота-бобоси ҳамда бадавлат қайнотасидан катта ер, мол-мулк мерос қолганди. Бундан ташқари ҳукмдорлар олдида кароматпешаликлари туфайли қилинган хизматлари учун ҳукмдорлар уни ер, мол-мулк билан сийлаб турганлар. Ҳазратнинг Бухоро, Самарқанд, Қарши, Марв ва бошқа вилоятларда 2500 гектар ери, 7 та тегирмони, 700 бош оти, 104 та хунармандчилик ва савдо дўкони, 500 бош туяси, 10 минг бош қўйи, шунингдек, кўплаб ҳаммом, сардоба ва кутубхоналари бўлган. Гавкушон ҳамда Жўйбор мадрасаларида жойлашган кутубхонасида 8 минг жилддан ортиқ китоблари сақланган. У сардоба, мадраса, масжид, ҳаммом, тегирмон, бозорчалар қуриб, халқнинг текин фойдаланиши учун вақф ерлари даромадидан кўп сармоя ажратган. Шу сабабли ҳам Бухоро халқи уни эъзозлаб, «Қут буғавс» (Мададкор қутб) деб атаган.

ХОЖА САЪДИДИН — КАЛОНХОЖА

Хожа Исломнинг катта ўғли. 1531 йилда туғилган. Фозил, кароматпеша, ўта камтар инсон бўлган. Унинг муомаласи бою камбағаллар билан бир поғонада эди. Отаси вафотидан кейин Абдуллахон II дарборида шайх ул-ислом лавозимига эга бўлди. Калонхожа отаси изидан бориб фақат дунёда яхшилик қилиш йўлини тутди. Абдуллахон II билан қайнотаси Дин Мухаммадхонни сулҳ йўли орқали яраштиришда ҳам катта ҳисса қўшган Хожа Саъд бўлган. Унинг учта ўғли — Тожиддин Ҳасан, Абдурахим Хожа, Абду Хожалар ҳам хон дарборида юқори лавозимларда хизмат қилганлар. Хожа Саъдга отасидан катта ер, мол-мулк мерос қолган. У Абдуллахон II ҳурматини шунчалик қозонган эдики, бунга қуйидаги воқеа гувоҳлик беради. Янги очилган ери учун ариқ қазиш вақтида бир деҳқон ерига озгина зарар етказилган. Зарар кўрган деҳқон подшоҳга Хожа Саъд устидан арз қилиб келганида подшоҳ чора кўриш ўрнига: «Агар Хожа Саъд менинг икки қошим ўртасидан ариқ чиқармоқчи бўлганида ҳам мен монелик қилмаган бўлур эдим», деб жавоб қайтарган.

Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланом» асарида Хожа Носириддин Саъд тўғрисида алоҳида эътибор билан сўз юритилган. Биз қуйида қўлёзмадан нусха олиб, форс тилидаги матни ўзбек тилига ўгиришга ҳаракат қилдик. Бундан мақсад шуки, ўқувчи асл нусха орқали Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг ижодий маҳорати билан ошно бўлиб, ўша давр назмий асарлари қай даражада эътибор билан ёзилганлигини ҳам чуқур тушуниб етади.



Чор Бакр меъморий обидалар мажмуи тарҳи.

- | | |
|----------------------------------|---|
| 1. Қорихона | 14. Хожа Саъд хазираси |
| 2. Чиллахона | 15. Мастурабону Султони хазираси |
| 3. Дарсхона | 16. Пошшоойим хазираси |
| 4. Таҳоратхона | 17. Пошшоойим хазирасининг чиллахоналари |
| 5. Саъдулло Хожа хазираси | 18. Жонкелдибий боболари хазираси |
| 6. Ақобир Хожа хазираси | 19. Жонкелдибий даҳмаси |
| 7. Насриддин Хожа хазираси | 20. Жонкелдибий ёнидаги йулак-даҳма |
| 8. Абдуазиз Хожа хазираси | 21. Мазори Дароз пештоқи йулак |
| 9. Атоулло Хожа хазираси | 22. Мазори Дароз чиллахонаси |
| 10. Зайнаб Султон Хоним хазираси | 23. Абу Бакр Саъд хазирасининг пештоқи |
| 11. Пештоқ | 24. Абу Бакр Саъд хазираси ичкари пештоқи |
| 12. Имомат хазираси | 25. Мажмуанинг асосий дарвозаси |
| 13. Обид Хожа хазираси | |



Шарқ томон киравериш дарвозаси (ғарб томондан кўриниш).



Минора, масжид, ховуз (шарқ томондан кўриниши).



Чор Бакр минораси ана шундай жозибага эга.



Минора, masjid.



Хонақох пештоқи.



Чор Бакр таъмир жараёнида (шарк томондан тасвири).



Имомат хазирасининг умумий кўриниши (шимоладан).




Хазира, даҳмалар ана шундай кўринишда қад тиклаган.



Зайнаб Султон Пошша хазирасидаги тошбитиг.



Мастура Бону Султоним қабри устига қўйилган тошбитиг.




Ойпошша Биби хазираси пештоқининг безаклари.



Зайнаб Султон Пошша хазирасининг ташқари томон девори
(шимол томондан кўрinishи).



Мастура Бону Султоним хазирасидаги ёзувли мрамартош.



Зайнаб Бону Султоним хазираси деворининг парчинкори безаклари (шарқ ва жануб томон).



Мастура Бону Султоним хазирасидаги тошбитиглар
(шарк томондан кўриниши).



Хонақоҳ фасади. Таъмирдан олдинги кўриниши (жануб томондан).



Зайнаб Бону Султоним хазираси девори (ичкари қисм, жануб томон).



Хазира, даҳмаларнинг шарқ томондан тасвири.



Атоулло Хожа хазираси пештоқи.



Хонақоҳ гумбази.



Чор Бакр. Кулоҳий гумбаз.



Хонақоҳ фасади. Таъмирдан кейинги кўриниши.

شور و خروش و نایب و بی نظیر است
در این مملکت و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر

چون که در این مملکت و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر

چون که در این مملکت و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر

چون که در این مملکت و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر

چون که در این مملکت و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر

چون که در این مملکت و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر
و در هر شهر و در هر دیار و شهر



«Чун азими шаъни он сарвари раббонӣ нақобат ва ирфони олитар аз он аст, ки қалами ду забон саммаи дар авроқи баёни шарҳи сар тавонад кард. Макони он маржаи асҳоби каромат ва иқони нӯҳ даврон мартабаест, ки бутони баёни ҳиболҳои фаровон аз хазор яке ва аз бисёр андаке. Дар хайри таҳрири ту тавонад овард.

Н а з м:

*Холи гуҳаре, ки қоими аброр аст.
В-аз нури замири қошифӣ асрор аст.
Хуршедвашеки шавқи овозе —
Майдони яқин ки ҳожаи Жўйбор аст.*

Бинобар он бар сабили ижмоли баёни аҳвол он муқтадои арбоби ҳол намуда шуд. Ва бар бағали воқеоти хожастасимот он фархундасифат ихтисор кардаанд. Аммо далили возеҳ ва бурҳони лоеҳ дар улуви даража ва сумуви мартабаи он оӣ рутбаи вужуд. Файзбахши халафи бохират. Шарафи ўст. Яъне оли ҳазрати мутаолӣ, ланқабатӣ қуддусӣ футунатгардун. Мураттиби хуршиди осмони Ҳақиқат. Бадрул-афшони тариқат. Рашиди аркони дини Муҳаммадия. Бунёни сидқ ва яқин ва мазҳари анвори илоҳӣ. Мазҳари асрори номутахой. Масъуд ба саодати азалӣ. Махдуд ба хадди лам Язалӣ. Шашф-ул-анам Муҳи Маросими ислом. Дури маърифати ягона. Дури бенишони нишона. Восили ҳарати аҳадӣ. Муқарраби жаноби Самадӣ.

Н а з м:

*Шаҳаншоҳи иқлим лутфи ваши
Имом-ул-Худо Муқтадои умом.
Дури номаи қаъбаи ҳожат*

*Нутқу бас, бароварда чун Қаъба ҳожати кас
... Саъдиддин Абу Бакри Саъди машҳур ба Хожакалони...*

Н а з м:

*Ҳайбат зи он майдони тариқат
Шақоиқи чини бўстони ҳақиқат
Жаҳон дар ў каму, ў дар жаҳон кам
Ниҳон дар чашми мардум ҳамчун мардум.
Забонаш мазҳари асрори таҳқиқ
Замираш мазҳари анвори тавфиқ.
Жамоли дин музайян зи эҳтимоаш.
Тариқи шаръа возеҳ аз калом...*

Тариқаи писандида ва шеваи баргузидаи ҳазрат он аст, ки ҳамвораи умр яқазай ва интихоми ба сирӣ мебарад. Ва бар анвои риёзат ва алнофи ибодат овқати хужастасифат сарф мекунад. Ва ёди худ ин маъни пайваста дар тадбиси сол ва сатри аҳвол мекунад. Ва холи хешро аз назари ағёр мепӯшад. Расму оини ин табақаи олия нақшбандӣ аст. Ва мадори тариқаи эшон бар паи рӯи маънӣ аст.



...Аз дарун шав ошною аз берун бегонаваш
... Инчунин зеборавиш кам мебувад андар жаҳон
Васфат зуҳду тақворо з-он чӣ бояду сазад...»

Таржимаси: У олий шаън раббонийлар сарварининг нақобат ва олий ирфони ўшандандирким, икки тил шарҳини баён этадиган қалам ҳикоя қилишни аврақ (дуо қилиш)дан бошлади. Ўшал маржаи азҳоби каромат ва тўққиз даврон иқонининг макони шундай мартабадирким, бутон ҳиболлари (мафтун этувчи, асир олувчи) имкониятлари мингдан бир эмас ва кўпдан андақдир. Унинг холи баёнида шундай назм айтиш ўринли:

*Гуҳар ҳолидирким аброр қоимидир
Асрор яратувчи нурунинг жавҳаридир.
Қуёш дийдорлининг овозаси шавқи шунданким
У Жўйборий Хожалардандир.*

Шул сабаб ҳам ўшал муқтадо арбоби ҳолатини баён этишга жазм қилдик. Ўшал фархундасифат ҳолини баён этишга киришдик. Унинг мартабаси олий. Долим асосчиси, лоех бурҳони даражаси юқори. Унинг шарофи хират соҳиби, халафларга (Оллоҳга содиқлар) файз бахш этишдир. Чунки у ҳақиқат осмонининг қуёши, бадрулафшони (15 кунлик ой каби) тариқат. Муҳаммадия дини арконининг рашиди (ростадбир) яқин ва сидк бунёди. Илохий нур мазҳари. Номутахоний Мазҳарнинг асрори. Азалий саодатга масъуддир. Лам язалий ҳадди маҳдуд. Маърифат дурининг ягонаси. Ноёб дурнинг нишонаси. Аҳадий ҳазратларининг восили, Самадий жанобининг муқарраби.

Н а з м:

*Вилоят шаҳаншоҳи, лутфи бебаҳо
Имом ул-хидо, қавмлар пешвоси
Хожат Каъбасининг олтин номаси*

*Сифатлаш басдирким, у Каъба каби одамлар ҳожатини чиқарар
...Саъдиддин Абу Бакр Саъд Хожакалон номи билан машҳурдир.*

Н а з м:

*Тариқат майдонининг шукуҳи
Ҳақиқат бустонининг ораста лолазори
Унинг дунё бойлигига кўнгил боғлиқлиги камдир
Бундайлар эса дунёда камдир.*

*У одамлар кўзидаги қорочиғ кабидир.
Тили зуҳур асрорининг ҳақиқати.
Замири зуҳур муваффақиятининг нури
Дин жамоли музайяндир унинг ғамхўрликларидан
Ислом дини қоидалари каломида возеҳдир.*

Хуш кўрган тариқати ва умр шеvasи шулким, ҳамеша Оллоҳдан огоҳ ва кўнгли бедордир.

Риёзат нури, ибодат ал нофий йўлида муборак вақтини сарфлайди. У бу муборак амалига пайваста риоя қилади. Бу ҳолатини ғайр кўзидан

яширади. Бу олийнасаб табақанинг расму оини Накшбандиядир. Унинг тариқат мезони бу маънодадир (Дилда Худо билан бўл, зоҳирда бегонасифат кўрин). Бундай амаллари жуда гўзал одам жаҳонда жуда оздир. У хашиша тақво йўлида зуҳд (пархезкор) эди.

Хожа Исломга қайнотаси Муҳаммад Туман манғитнинг Хуросон томон ерларидан катта ер, сув мерос қолган эди. Мазкур меросий мулк тўғрисидаги ҳужжат Султон Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон, Музаффар Ҳусайн ва Алишер Навоий муҳрлари билан тасдиқланган. 1588 йили Хожа Саъд бу ҳужжатни Абдуллахонга кўрсатади. Абдуллахон мазкур ҳужжатни қайта тасдиқлаш учун тубандаги фармонни чиқаради: «У (Оллох) бирор-бир нарсага муҳтож эмас. Абулғозий Абдулла Баҳодирхон сўзимиз. Ушбу халифатпаноҳ хонадонга насиб қилғон барча бахту иқбол олий ҳазратлари (Хожакалоннинг) эзгу ниятлари ва мададлари туфайлигина амалга ошди. Шу важҳдан ҳам олий ҳазратларининг ушбу алоҳида ва олийҳиммат муруватларига миннатдорчилигимиз рамзида ул зотнинг барча сўзу мулоҳазаларини ўзимиз учун қонун деб биламиз. Ушбу фармон берилишидан мақсад шулким, эндиликда маълум бўлдиким, Марви Шоҳи Жаҳон вилоятида жойлашган мулк ва суюрғол тариқасидаги кишлоқлар, шаҳарлар, экинзорлар олий даражали вилоятпаноҳ ҳақиқат йўли посбонлари қавмининг сардори, улуғ авлиёларнинг зурриёти, диёнат ва олийжаноблик меваси, донишмандларнинг истикболга етказувчи Хожакалонга меросий мулкдир. Бизнинг равшан фикримиз ул олий ҳазратларининг экинзорлари ва бошқа мулклари тўғрисида қайғуриш билан банд экан, буюрамизким, мазкур кишлоқлар, нахрлар ва экинзорлар ул олий ҳазратнинг мулк ва суюрғоллари деб эълон қилиниб, молу жихот, муқарарий, ихрожат, миробона, кох, тарх, собун (сабон) ва бошқа солиқлар борасида ул зотни безовта қилмасинлар, ундан бирон нарса талаб қилмасинлар. Ул зотнинг раиятлари бошқа жойларга кўчирилмасин. Зикр этилган вилоятнинг олий мартабали амирлари, ишбилармон вазирлари, мансабдорлари, ҳокимлари, катхудолари ушбу фармонга риоя қилишлари ва ўз холича бирон-бир фаолият кўрсатмасликлари вожибдур: олий ҳазратларининг ёбисот ерларидан танобона олинмасин; ул ҳазратнинг мулклари меросий деб тан олиниб, уни дарубаст деб ҳисоблансин; ул зотнинг ерлари қайта ўлчанмасин ва у кишидан бошқа бирон-бир нарса талаб қилинмасин; ушбу фармонни вожиб деб билиб, унинг мулозимларига ғамхўрлик кўрсатилсин; ушбу қонундан четга чиқилмасин, унга амал қилиб, олий фармоннинг ҳар бир сўзига итоат қилинсин; ҳар йили фармоннинг янгиланиши талаб қилинмасин; ўзларини юклатилган мажбуриятлардан олиб қочилмасин» (Б. Аҳмедов. «Тарихдан сабоқлар», 32-бет).

Хожа Саъднинг мол-мулки 17 минг гектар ер, 1 минг йилқи, 1 минг туя, 2 та карвонсарой, 12 та ҳаммом, 1,5 минг бош қўй, 10 та сардоба, 61 та боғ ҳисобланган. Бу мулкдан Хожанинг йиллик даромади 1,5 млн. тангани ташкил этган. Сардобаларнинг оралиқ масофалари қирқ километр бўлиб, серқатнов ҳамда карвон йўлларида мусофиру йўловчи, чўпонлар фойдаланишлари учун қурдирилган. Сардобалар билан бақамти работ (дар болои рох жойи ободӣ) қуриб, текин фойдаланишга буюрганлар. Шаҳарда бунёд этилган ҳаммомларининг жойи подшоҳ ҳисобидаги ер бўлганлиги сабабли ундан даромад кўзланмаган. Хайрга хайр, дейди Хожакалон. У





отаси каби шоҳни фақат адолат йўлига йўналтириб турган. Жумладан, Бухоро Қаламравидаги Афғонистоннинг Тулкичи қабиласи аҳли солиқни вақтида тўлай олмаганлар. Солиқ йиғувчи шоҳ одами ўша қабилада бўлганида уни ранжитиб қайтарганлар. Бу ҳолни кўриб Абдуллахон бутун қабилани қатли ом қилишга қарор қилади. Ўртага Хожа Саъд киргандан кейин хон қароридан қайтиб, жумладан, Хожа Саъднинг авф этиш илтимосига шундай жавоб қайтаради: «Ҳамду сано ва илтижодан сўнг маълум бўлсинким, Наврўз ва Алимардон баҳодир сиз олий ҳазратларининг Тулкичи қабиласининг айбини кечириш ҳақидаги илтимосингизни бизга етказдилар... Бу қабила бизга кўп озор етказди, то ҳозиргача улардан ҳеч ким тегишли солиқни тўлаганича йўқ. Пирмуҳаммадхон даврида эса улар ҳар йили ошлиғ (солиғи) дан ташқари хазинага 12 минг бош қўй етказиб тургандилар. Маълумингизким, бундай ҳолларда кўчманчилар юрти устига фораг уюштирилади. Улар эса уч йилдирки, солиқ тўламайдилар ва 36 минг бош қўй қарздор бўлиб қолдилар. Аввалига уларнинг юртларини фораг қилиб, (ҳар бирини) бирма-бир қиличдан ўтказиш ниятида эдик. Аммо Назарбий арзномасидан маълум бўлдиким, солиқ тўлашдан бўйин товлашда (уларнинг) ҳаммаси эмас, балким баъзиларигина айбдор эди. Шу вазҳдан ҳам аввал айбдорларни аниқлаб, сўнгра уларни жазолашга қарор қилдик. Лекин Сиз бу халқни жазодан халос этишга жазм қилган экансиз, биз уларнинг барчаларига авфи умумий бергаймиз» (Б. Аҳмедов. «Тарихдан сабоқлар», 33-бет).

Хожа Саъд ўта хокисор, ғарибпарварлиги боис отаси, Хожа Исломга 12 кун олдин «Оллоҳ дийдорига эришиши» хабари келганидан кейин кўнгил сўрашга келган барча дийдорбинларга қуйидагича фатво берган эди: «Умидим бор(ки), жаҳон подшоҳлари унинг даргоҳига ҳамиша келди-кетди қилурлар. Унинг ҳузуридан (ва суҳбатларидан) баҳраманд бўлиб қайтурлар ва уларнинг келиб-кетишларидан унга кибру манманлик пайдо бўлмас» (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдуллонома». Биринчи китоб, 82-бет).

Тарихий манбалардан маълум бўладики, Абдуллахон Хожа Саъднинг фатвосисиз (Хожа Ислом вафотидан кейин) бирон-бир катта ишга қўл урмаган. Абдуллахон Дин Муҳаммадхоннинг қизи — Маҳв Авлиё Султонимга уйланиш учун майл билдирганида ҳам Марви Шоҳи Жаҳонга Хожа Саъд совчиликка борган. Абдуллахон қайнотаси Дин Муҳаммадхон билан Балх, Ҳисори Шодмон, Қалъаи Ҳиндувон, Бадахшон, шаҳри Банди Берунни олишда ғазот қилиб, Дин Муҳаммадхон мағлуб бўлади. Сулх орқали қутилиб қолади. Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминнинг суннат тўйи маъракасида Хожа Саъд бу иккала султонларнинг ярашишлари учун кўп уриниб, ахири мақсадига эришади.

Хожа Саъд 1589 йили вафот этган. Унинг қабри (ҳазираси) Чор Бакр қишлоғидаги ота-боболари дафн этилган қабристонда. Ундан уч ўғил ёдгор қолган. Булар Хожа Тожиддин Ҳасан, Хожа Абдурахим ва Абду Хожа. Хожа Тожиддин Ҳасан отасининг «қойим мақом»и бўлган, иккала укаси эса хон дарборида турли мансабларда хизмат қилганлар.

ХОЖА ТОЖИДДИН ҲАСАН ИБН ХОЖА САЪДИДДИН

Тожиддин Ҳасан Хожа Носириддин Хожа Саъднинг катта ўғли. Отаси вафотидан кейин унинг тариқат ишлари давомчиси сифатида танилган. Укалари Абдурахим Хожа ва Абду Хожалар ҳам хон дарборида хизматда бўлганлар. Қувонарли жойи шундаки, тарихий китоблар Тожиддин Ҳасан тўғрисида алоҳида эътибор билан маълумот беради. Бунга Тожиддин Ҳасан иқтисодий ва маънавий даражасининг юқорилиги сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Тожиддин Ҳасан табобат, меъморчилик санъати, илми ғайбдан хабардор инсон эди. Абул Аббос Муҳаммад Толиб «Матлаб ут-толибин» китобида катта-катта кишлоқларни бунёд этишда уларнинг тарҳини ўзи чизганлигини қаламга олган. Ҳар бир қурилажак иморат унинг тарҳи асосида қад тиклаганини айтиб ўтган.

Тожиддин Ҳасан катта меросий мол-мулк эгаси эди. Бобосидан отасига, отаси Хожа Саъддан қолган мол-мулк даромади ҳисобидан хайр-садақа қилар, одамларнинг шу йўл орқали оғирини енгил қиларди. У Оллоҳ иродаси билан кунда кўпаяётган мол-мулкидан «Амаллар ният биландир» ҳадисига риоя қилгани ҳолда бир умр фойдаланди. Бинолар қурди, шаҳар ва кишлоқларни обод қилишда катта ҳисса қўшди. Йўл, сардоба, ҳаммом, тегирмон, бозорча, тимлар қуриб, фойдаланишга топширди. Бу ҳақда «Матлаб ут-толибин» китобида ўқиймиз: «Оқибати кори кокои Бухорий ба он расида ки мулуки замон ва султони жаҳон рўйи ниёз бар остонаи малоикати ошиён ниҳоданд. Ва қиблагоҳи хеш сохтанд. Рамвол ва асбоби ҳазрати Эшонро чандон жамъ шудки асп, штур ва гуспанд ва рама ва гала ва сахро ва биёбонҳо шаб ва рўз мегаштанд. Дар ҳар дашт ва ҳар чўл жўйборҳо равон сохтанд, ки барои замини аз зироат сабзу хуррам гашта. Бухоро, Миёнкол, Насаф, Қорақўл, Марви Шоҳи Жаҳон мавозе 300 жуфти гов, хосси зироат гардонида. Ва даҳ ҳазор гўсфанд ва ҳафсад ас ва 500 уштур доштанд ва ҳафт ҳазор ашраф ба нияти роҳи ҳарамайни шарафайни жамъ карда буданд. Ва 300 бурда ва сад жонвор ва бозу чуғз доштанд». *Таржимаси:* «Кокои Бухорий (ҳазрати Бухорий) мавқеи шу даражага етдиким, замона аҳли дуои хайр билан у томонга қайтиб, унинг остонасига бош қўйиб, бу ошиённи ўзларининг қиблагоҳлари санадилар. Ҳазрат эшоннинг мол-мулк ва чорвалари шу даражада кўпайдиким, дашт ва сахроларда от, туя, қўйлар гала-гала, пода-пода бўлиб юрарди. Дашт ва сахролардаги экин майдонларини суғориш учун эса оқар сув ариқлари чиқардиларким, ҳосил кўп бўлсин деб. Бухоро, Миёнкол, Насаф, Қорақўл, Марви Шоҳи Жаҳон мавзеларида 300 жуфти гов (250 минг гектар экин майдонлари) мавжуд эди. 10 минг қўй, 700 бош от, 500 бош туялари бор эди. Ҳазрат Макка ва Мадина томон борар йўллар таъмири учун ҳам 7 минг ашрафий жамлаган эдилар. 300 чодир, юз жонивор, ов қушлари ҳам бор эди».

Муаллифнинг «Макка ва Мадина томон борар йўллар таъмири учун 7 минг ашрафий ҳам жамлаган эдилар» жумласи Тожиддин Ҳасан саховатпешалиги денгизидан томчидир. Сўзимиз исботсиз қолмаслиги учун яна «Матлаб ут-толибин» китобидан иқтибос келтирамиз: «...Фикри мутлақ он аст, ки дар Бухоро ва 7 тумани ў ва Миёнколот, ва Кўҳи нур ва Самарқанду





Тошканд ва Саброн ва Туркистон ва Андигон ва Ахсикент, ва Насаф ва Хисор ва Термиз ва Қубодиёну Бадахшон, ва Вахш... Балх, дорулсалтанати Хисор, ва Марви Шоҳи Жаҳон, Мурғоб ва Чаҳчаҳ ва Махна ва Чоржўй, ва Андхуд, ба Музиба инна мол аъмоли биннаёт ва ҳар қария ва болда аз ҳосилот ва зироати ғаллот. Касир ул Баракот хазина-хазина ва анбор-анбор дар вилояти Бухоро, дар чаҳор жой анбор буд: яке дар Жўйбор, Саррофон ва дигаре дар пой Минор ва яке дар қарни Сумитан ва дар ҳар яке ин анборҳо 100 хазор ман ғалла буд ба вазни бузурги Бухоро». *Таржимаси:* «Кўзимиз билан кўриб, айтар фикримиз шулким, Бухоро ва унинг етти туманида Миёнкол, Кўҳи Нур (Нурато), Самарқанд, Тошканд, Саброн, Туркистон, Андигон, Ахсикент, Насаф, Хисор, Термиз, Қубодиён, Бадахшон, Вахш, Балх, Марви Шоҳи Жаҳон, Мурғоб, Чаҳчаҳ ва Махна, Чоржўй ва Андхудда (иш ниятдан бошланади ҳадисига амал қилингани ҳолда) ҳар бир қишлоқ ва балда ғалладан баракаси билан хазина-хазина, омбор-омбор ҳосил олинди. Бухоро вилоятининг тўрт жойида — Жўйбор, Саррофон, Минора яқинида ва Сумитан қишлоғида ғалла омбори бўлиб, омборларнинг ҳар бирида юз минг ман буғдой бор эди».

Тожиддин Ҳасаннинг саховатпеша қўли ҳамиша очиқ эди. «Матлаб ут-толибин» китобининг муаллифи отасининг ибратли саховатпешалигини чиройли қилиб, қаламга олади. Қаранг: «Ғараз, аз пайдо қардани дунё эҳсон бар мардум буд» (Отамнинг мулк тўплашдан мақсади одамларга эҳсон қилиш эди). Ҳазрат ҳадис шаклидаги одатига ота-боболари изидан бориб, амал қилингани ҳолда ҳар куни нонвойхоналарида минг бир дона нони таваккалий ёпиб, уни пулсиз эҳсон қиларди. Нони таваккалий деганимиз диаметри 70—80 сантиметрли бухорий оби нонлар бўлган. Бундай нонларни катта-катта тандирларда ана шундай ҳажмда махсус нонвойлар ёрдамида ёпганлар. Бу ҳақда «Матлаб ут-толибин» китобида хабар беради: «...Ва дар лаёли ва айём. Шухур ва синин, парвона ва барот ба муҳри меҳрангиз мусаттал гардонида. Чун парҳои парвона паррон ва авроқи барги хазон аз кафи кифоят анжоми ҳазрати Эшон сўи чашми муҳтожон ва ҳожатмандон мепарид... Ал — кариму иза ва аъзо вафо. Мушоҳид менамуданд. Ва ҳар рўз хазору як нон вазифа буд ба фуқарои Жўйбор ва толиби илмони мадорис(и) шаҳар медоданд». *Таржимаси:* «Ҳазратнинг мол-мулклари ҳисобидан хайр-эҳсон, ёрдам қўлини чўзишлар кўп бўлар эди. Байрам, хайит, қадр кечалари ҳар ой ва йил бошида руҳсатномаларга меҳрангиз муҳр босдилар ва хайру эҳсон қилишлар миқдори ҳазонрезги япроқлари каби эҳтиёжманд муҳтожлар томон тўкилар эди. Ал-кариму иза ва азо вафо (сахийлар Оллоҳ олдида ваъдага вафо қиладилар). Ўз кўзлари билан кўриб, назорат қилардилар, ҳар куни вазифа эди: Бир минг бир дона нон Жўйбор фуқароларига, шаҳар мадрасаларининг толиби илмларига тарқатилар эди».

«Матлаб ут-толибин» китоби гувоҳлик берадики, отхоналарда отлар сифмай қоларди. Отбоқар отлар учун жой етишмаслигини ҳазрати Эшонга етказганида ягона илож эҳсон, тухфа қилишдир, деб энг сара, семиз, зотдор отлар ақобир, ашроф, меҳмон, муҳтож, эҳтиёжманд, бева-бечора, аёлманд, мусофирларга тарқатилар эди. Тожиддин Ҳасаннинг Бухоро мулкининг обод бўлиши учун қўшган ҳиссаси бир подшоҳниқидан кўп бўлганки, кам эмас. У қурган ҳашаматли масжид, хонақоҳ, мадрасалар ҳали ҳам

шу кунга қадар одамлар хизматида. Сўз исботи билан бўлгани чиройли. Мана ўша исботловчи аниқ фактлар: «...аз мадориси олий Эшон ва масо-жиди рофе, бунён ва қусур рашки равзаи ризвон (меомад). Карвонсарой, хаммом, 70 иморати сангин бино намуда (буданд). Аз он чумла дар вилоя-ти қуббат ул-исломи Бухоро мадрасаи хамчун кадаста дар шимоли Масжи-ди Жомеъ бино карданд. Мобайни мадраса ва масжид наҳри Бухоро жорӣ аст. Ва Масжиди Корхона, Масжиди Хайи Сари хиёбон ва хонақохи Жўйборӣ ва бинои Масжиди Калобод ва Масжиди Жўйи зар. Ва масжиди Дехнав ва Масжиди Исфара ва Масжиди Шожамин ва Масжиди Зандана ва Масжиди Қорақўл, ба дах 2 хаммом ва сардоба ба итмом расонида. Дар вилояти Насаф инчунин чанд ҳарамсарой ва чанд масжид бино карданд».

Таржимаси: Эшонимиз қурган масжид, олий мадрасаларнинг кўркем ва кўплигидан жаннат боғининг рашки келарди. Карвонсарой, хаммом ва пишиқ гиштдан қурилган 70 та иморат Ҳазрат Эшоннинг (Тождидин Ҳасан-нинг — С.Ҳ.) кўзга кўринган бинолари (эди). Шу жумладан, ислом дини гумбази ҳисобланмиш Бухоро шаҳристонида, масжиди Жомеънинг шимол томонида кўркем, баланд мадраса қурдилар. Мадраса билан масжид ўрта-сидан Бухоронинг катта оқар сув ариғи ўтган. Корхона масжиди, Кўи Сари хиёбон масжиди, Жўйбор маҳалласидаги хонақоҳ, Калобод масжиди (аслида номи Гулобод бўлган — С. Ҳ.), Жўи зар масжиди, Дехнав, Исфара, Шожамин, Зандана, Қорақўл (туманидаги) масжиди, 12 та ҳам-мом ва сардобалар қуриб битказдилар. Қарши вилоятида ҳам худди ана шундай ҳарамсарой ва бир неча масжид бино этдилар.

«Матлаб ут-толибин»да яна бир ажойиб факт бор. Эмишким, Абдулла Баҳодирхон II Тождидин Ҳасанга тухфа сифатида пул юборади. Ҳазрати Эшон бу ҳадия устига яна пул кўшиб йигирма кун ичида одамларга тарқатиб чиқади: «Рўзе Абдулла Баҳодирхон 30 ҳазор танга ба ҳазрати Эшон ниёз фиристода буд. Ҳазрати Эшон ҳазор тангаи дигар ҳамаро ҳамроҳ карда дар 20 рўз ба мардум бахш кардан». *Таржимаси:* Бир куни Абдулла Баҳодирхон (Тождидин Ҳасанга — С.Ҳ.) 30 минг танга тухфа юборди. Эшон ҳазратлари ўша заҳоти 30 минг танга устига яна минг танга кўшиб, 20 кун ичида одамларга тарқатиб берди.

Яна бир ҳақиқат. Тождидин Ҳасаннинг эшитган одамни ҳайратда қол-дирадиган солих амалларидан яна бири бу — Бухоро шаҳристонида катта «Дорушифой» дорихонасини қургани. У «Дорушифой»да дори-дармонлар тайёрлаб, шахсан ўзининг қаттиқ назорати остида эҳтиёжмандларга бепул беради. Абул Аббос Муҳаммад Толиб бу манзарани ўзининг «Матлаб ут-толибин» китобида тубандагича тасвирлайди: «Ҳазрати Эшони мо дар Бухоро «Дорушифой» сохта буданд, ки ҳар касеро аз ҳар навъ маожин ва шарбат ва равғанҳо, арақҳо даркор буд, аз саркори ҳазрати эшони мо меёфт. Ҳар сол як ниммани ба вазни Бухоро гулқанд мефармуданд. 800 шиша гулоб мекашиданд. Дигар анвои арақҳо ва доруи чашм ва ғайри он дар саркори ҳазрати эшони мо тайёр буд. Аз ҳар навъ даво ва доруҳо дар «Дорушифой» беҳаду ҳисоб буд. Худи эшони моро анвои амроз чунон ҳадоқат буд, ки аз тақрири иллат мефармуданд. Саркори Эшон доруеки ба он иллат муфид буд, медоданд». *Таржимаси:* Ҳазрат эшонимиз Бухорода «Дорушифой» қурдилар. Кимгаки, маожин (доривор), шарбат, ёғ (гул, данак, уруғ, сабзавотлар ёғи) ва арақ (гулдан тайёрланган гулоб) керак





бўлса, эшон хазратларининг иш бошқарувчиларидан сўраб оларди. Хар йил бир ярим ман ва Бухоро ўлчов бирлигида гулқанд (гул ёғи ва шакар билан тайёрланган шифобахш егулик — С. Х.) тайёрлашни буюрардилар. 800 шиша гулоб ҳам тортардилар. Арақлар (гулоб)нинг бошқа хиллари ҳам, кўз оғриқ дориси ва бошқа дорилар ҳам Эшон хазратларининг саркоридида ҳамиша тайёр турарди. «Дорушифой»да даво бўладиган дорилар хисобсиз эди. Эшонимизнинг ўзлари бемор одамга бир қараб, унинг хасталиги сабабларини айта олардилар. Шу орқали унга даво бўладиган дорини буюрардилар. Саркорлари ўша захоти беморга даво бўладиган дорини (бепул) берарди.

Тожиддин Ҳасан замонасининг ана шундай фарзанди эди. У 72 йил баракали умр кўрди. 1646 йилда дунёдан кўз юмди. Унинг жасади Сумитан кишлоғининг ўша қадимий қабристониди. Хожа Абу Бакр Саъд, Хожа Ислом хоки турбатларининг қибла томонида, пештоқли меҳробнинг орқа қисмида. Қабри устида мрамртош қўйилган. Унда ёзувлар бор. Йиллар шамоли, қуёш ва ёмғирлар таъсири остида ёзувлар хиралашиб қолган. Ёзувларни ўқиб, китобга киритишнинг иложи бўлмади.

Тожиддин Ҳасаннинг Юсуф Хожа, Муҳаммад Хожа, Тойиб Хожа ва Абул Аббос Муҳаммад Толиб исмли ўғиллари бўлган. Ўғилларининг қабри ҳам Тожиддин Ҳасаннинг қабри ёнида жойлашган. Мрамртошлар қўйилган, ёзувлари бор, аммо уларни ўқиб, таржима қилиб, азиз китобхонга етказишнинг имконияти йўқ. Ёзувлар жуда хиралашиб қолган.

АБУЛ АББОС МУҲАММАД ТОЛИБ ВА УНИНГ «МАТЛАБ УТ-ТОЛИБИН» АСАРИ

Абул Аббос Муҳаммад Толиб Тожиддин Ҳасаннинг кенжа ўғли. У хожалар оиласида туғилиб, камолга етган шахс. Замонасининг кўзга кўринган фозил, олимларидан бўлган. Абул Аббос Муҳаммад Толиб каломи бадий, мусиқа, меъморчилик санъатидан саводи бор эди. Шу билан бирга ўтқир қалам соҳиби ҳам. Ҳақ гапни тан олиб айтиш ўринли. Унинг «Матлаб ут-толибин» асари ўша вақтдан то шу кунга қадар бадий қимматини йўқотгани йўқ. Тўғри, тадқиқотчилар «Матлаб ут-толибин»га биографик (таржимаи хол) асар сифатида қарайдилар. Чунки асарда Жўйбор хожалари ҳаётининг энг нозик қирраларини ўзида тўла-тўқис акс эттирган маълумотлар жуда кўп. Яна шуниси ҳам борки, муаллиф ўз китобида бирор нарсани яшириб қўйиш йўлини тутмаган. Хайрни хайр, садақани садақа, даромадни соф даромад деб қаламга олган, холос. Асарнинг бадий хусусиятига баҳо берадиган бўлсак, «Матлаб ут-толибин»да жумлалар оддий тузилган. Жимжимадор эмас. Бошқа тарихий китобларга ўхшаб оддий халқ тушунмайдиган арабча сўзларни қалаштириб ташламаган. Фақат ҳадисларнинг арабча шаклидан ташқари арабча сўзларнинг ўша замонда истеъмолда бўлган вариантларидан фойдаланган. Шу билан бирга хар бир жумлада бадий бўёқ беришни меъёрида ишлатган. Асарнинг яна қимматли томони шундаки, ундаги фактлар аниқ, равшан ва ҳақиқат либосида. Муаллиф ўз кўзи билан кўрган, отаси оғзидан эшитган, Жўйбор



хожалари кирим-чиқимларини ёзиб борадиган дафтарларда бор маълумотларга таяниб, тарих иншо этган. У тарихий маълумотни баён этишдан олдин «Фикри мутлақи мо дар он аст, ки» (Бизнинг асосий фикримиз шулким) деб сўз бошлайди.

«Матлаб ут-толибин» китоби ўта қимматли асар. У ўтмиш фозил инсонларига нисбатан ўқувчи ҳурмат-эътиборини оширади. Асарда «Иннамол аъмолу биннийот» («Барча яхши амаллар ният билан бошланади») ҳадиси кўп учрайди.

ХОЖА ҲОШИМ ЖҲЙБОРИЙ

Хожа Ҳошим Жўйборий Носириддин Калонхожанинг чевараси, Абдурахим Хожанинг невараси бўлган. У Муҳаммад Бокир Хожадан кейин Бухорода Шайхул Ислом лавозимини эгаллаган. Ер, мол-мулки кўп бўлган. Шунга биноан авлодлари анъанасини давом эттириб, хайр-саховат қилиш, солиҳ амаллар йўлини тутиб, ҳашаматли иморатлар қуришга катта куч сарфлаган.


Чор Бакр мажмуида унга дахлдор даҳма, ҳазира ё қабрни учратмадик. Ерли аҳоли тили билан «Авлиёи Хожа Ҳошим» қабристонига боргандан кейин ҳамма нарса ойдинлашди. Нега энди Чор Бакр обидалари мажмуидаги ҳазира, даҳмалар ёнида эмас, айнан бу ердан тақрибан 200 метр шимол томонда Хожа Ҳошим қабристони жойлашган? Бизнингча, ҳашаматли обидалар мажмуида ҳазира қуриш учун Хожа Ҳошимга жой етишмаган кўринади. Хожа Ҳошим экин майдонида янги қабристон ташкил этиш азалий одатига кўра, Чор Бакр обидалари мажмуидаги қабристондан бир каф тупроқ олиб, расм-русумларини адо этиб, кейин бу ерда ҳазира қурган. Демак, ҳозирги қабристон жойи Хожа Ҳошимнинг меросий ерлари ҳисобланган. У эса ана шу ерда хоки турбат бўлиб ётибди. Ҳазира вақтида девор билан ўралган. Айни кунда деворлари бутунлай тушиб кетган. Фишталари эса олиб кетилган, фақат 4—5 та соғонали қабрлар қолган, холос. Уларнинг учтасида ёзувли мрамртош турибди. Қолганларида мрамртош йўқ. Тупроқ кўтаришлари натижасида кўмилиб қолган бўлиши эҳтимоли бор. Фақат омон қолган супали қабрлар устидаги мрамртошлар ёзувларини ўқишга мушарраф бўлдик:

Биринчи қабртош битиги (форс тилида):

Абдурахим Хожа ибни Ҳазрати эшон — Хожакалон Хожа.

Муҳаммад Сомхожа ибни Ҳазрати Эшон. Абд Эшон Муҳаммад Обид Хожа ибни Ҳазрати Эшон Муҳаммад Ҳошим Хожа Ҳазрати Фазилабону Султоним бинти Ҳазрати Ҳошим Хожа. Ҳазза маркада мунаввара.

*Дариго, Биби иффатпаноҳ ба —
Амри ҳақ бирафт аз замона.
Зи насли ҳазрати Субҳонқулихон
Асилу пок чун дурри ягона.
Бижустам аз хират риёҳи фавташ
Бо овози ҳазин ин тарона.*



Фазилабону Султоним тарих чун (дарифо) нахли қадди ў рафт аз миёна. Ифбатпаноҳ зайдун мастурот тожул Муҳаззарот аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намуданд. *Таржимаси:* Фазилабону Султоним ҳазрат Хошим Хожа қизи. Хошим Хожа эшон Муҳаммад Обид Хожа ўғли. Муҳаммад Обид Хожа Муҳаммад Сомхожа ўғли. У Абдурахим Хожа ўғли. Абдурахим Хожа ҳазрати Хожакалон ўғли.

Эй худо, бу оламдан ҳамиша поклик паноҳида юрган Биби, Сенинг амринг билан, у дунёга кетди. У ҳазрати Субҳонқулихон наслидан эди. Унинг асли пок, ноёб дурга ўхшайди. Унинг вафоти сабабини сўрасам, мен томонга жуда ғамгин бир тарона эшитилгандай бўлди. Фазилабону Султоним бу дунёдан кетди. Унинг ниҳолдек қомати... орамизда йўқ. Исмаатпаноҳ покдомонлар нурининг Мастураси эди. У яхшилар гултожи, дорулфанодан дорулбақога ўтиб кетди.

Иккинчи тошбитик ёзувлари (форс тилида):

Ифтихори ҳавоқини изом ҳазрати жаннатмакон Сайд Субҳон Қулихон Раҳим Хожа ибн Ҳазрати қут бул — ақтоби Хожакалон Хожа алайҳи раҳмат, олий ҳазрати хайрул миллати сиёдат Муҳаммад Солих Хожа ибни ҳазрати Абдурахим Хожа. Ҳазрати Ойша бону хонум бинти ҳазрати Муҳаммад Обид хожа ибн Ҳазрати... ифбатпаноҳи натижаи ҳавоқин ҳазрати эшон Муҳаммад Хошим Хожа ибн Ҳазза марқада муаттарох махфирати марҳумаҳ зайнул мастурот Осия Ойша бинти Хожа.

Қабр тошининг оёқ томонидаги ёзувлар: Зубдати олий тоҳо ва Ёсин, авлоди ҳазрати саид ул-мурсалин. Осиябону аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намуданд. Ҳазрати исмати дастгоҳ зайнул мастурот тож ул-музаҳхарот дар тарихи 16-уми шаҳри жумодул аввал санаи 1160. *Таржимаси:* Бу ёруғ ҳамда муаттар даҳма авф этилган, Оллоҳ томонидан, ифбатли, Ойша хонимники. У муқаддас Муҳаммад Хошим Хожа қизи. Хошим Хожа ҳазрат Муҳаммад Обид Хожа ўғли. Субҳонқулихон буюқ ҳоқонлар фаҳри. У жаннатдан жой олган. Унинг вафоти жумодул аввал ойи санасида бўлиб ўтди. Олиялар султони, Ойша бону хонум абадий дунёга кетди.

Қабртошдаги марсия

1. О малика, ўрнингдан тургин, сени ўлим абадий дунёга олиб кетдими?
2. Бу ёруғ дунё абадий эмас, ундан ҳамма ҳам бир кун навбати билан кетарлар.
3. Ўлим қўлидан ҳеч ким қочиб қутулолмайд.
4. Ҳамма энг яхшилар ҳам бу йўлдан қарвон мисол ўтарлар.
5. Вақтингни ёруғ дунё гулзорида бепарво ўтказмагин.
6. Бу гулзордан ҳатто булбул каби ширинсуханлар ҳам ўтдилар. Орзулар гирдобида айрилишларни қўрганларга тўзим. Оллоҳ томон кетдилар унинг жаннатига.
7. Бизнинг ота-боболаримиз ёруғ оламда бир неча кун бўлиб, обрў-этибор топиб, кейин бузруклар олдига кетдилар...

Изоҳ: Марсия мисралари узундан-узун, эътиборга молик сўзлар жуда кам. Фақат шу нарса аниқки, раҳматли жуда ёш кетган.

Хожа Хошим қабрида ёзувли мрамртошлар ҳам мавжуд. Лекин Хожа-

га тегишли қабртош йўқ. Агар хулоса қиладиган бўлсак, бу ҳазирада фақат Хожа Хошимнинг аҳли аёли, неvara, фарзандлари кўмилган. Бизнинг мақсадимиз қабртошлардаги ёзувларни таржима қилиб, шарҳу изоҳлаш эмас, ота-боболаримизнинг нечоғлик гўзаллик мафтуни эканини қаламга олишдир. Улар тирикликларида қанчалик илму урфон билан банд бўлган бўлсалар, ўлганларидан кейин ҳам ошуфталик уларни тарк этмаган. Қаранг, улар хоки турбат бўлиб ётган қабрларнинг тошбитиклари шу кунга қадар назм тилида булбулдай сайраб турибди. Битиклардаги оятларнинг бетакрорлиги, мрамртошда ўйиб ишланган безаклар, вафот этган йилни сўз билан ифодалаш ўйинлари одамни хайратга қолдирмай қўймайди.



ЖЎЙБОР ХОЖАЛАРИ БИНО ЭТГАН ИМОРАТЛАР

Жўйбор хожалари Бухоро ва унинг туманларида кўзга кўринарли иморатлар бино қилдилар. Бинолар билан бирга йўл, сардоба, кудуқ, бозорча, тегирмон, саллоҳхона, хунармандчилик дўконларини қўшиб ҳисоблаганда катта рақам келиб чиқади. Бу, бир томондан, вилоят ободончилиги йўлидаги фидойлик бўлса, иккинчи томондан, одамлар оғирини енгил қилиш йўлидаги савоб амалларнинг савобидир.

Ҳофиз Таниш ал-Бухорий шундай хабар беради: «Айниқса ул ҳазрат (Абдуллахон) замонида (ва) шу кунларда (яъни) хижрий тўққиз юз тўқсон учинчи йилда (милодий 1583 йил — С.Х). унинг ободонлиги кундан-кун ортмоқда. «Одамлар ўз подшоҳларининг динида бўладилар» (мақолининг) тақозосича, аркони давлатдан ҳар бири (Бухорода) ул ҳазратга (Абдуллахонга) мувофиқ (қилиб) кўп олий бинолар: масжидлар, работ ва кўприклар ҳамда ҳовузлар бино қилдилар. Олимлар, зоҳидлар, тақводорлар ва диёнатлиларнинг маошлари учун экинзорлар, обод жойларни вақф қилдилар. Унинг (Бухоронинг) қайси тарафига борманг, ҳар қандай сахро (ё) чўлда бирор мусофир тунаб қоладиган бўлса, (у) ташқарида қоладиган жой топмайсиз» («Абдуллонома». Биринчи китоб, 154—155-бетлар).

Ҳофиз Таниш ал-Бухорий хожаларнинг фақат бинолар тиклагани тўғрисида хабар беради. Иморатлар билан бирга боғ, чорбоғ, кўчатхона, бозори гул, ёзги кўшқлару ҳарамсаройлар шаҳристон ичкараси ва ташқарисида, туманлардаги қалъалар ичи, кенту қишлоқларда бунёд этилган. Хожа Илом тасарруфидаги боғ-чорбоғлар сони 62 та бўлган. Хожа Саъд Калонхожа бу борада ибрат оинаси бўлган. Боғ-чорбоғ, махсус гулхоналар, кўчатчилик майдонлари ташкил этиб, энг сара, ҳосилдор мевали дарахтлар сонини кўпайтиришда алоҳида эътибор қаратган. Туман, қалъа, кентлар атрофида жойлашган боғлари ёнида албатта работ, сардоба, хонақоҳ, карвонсаройи бўлган. Бухоро шаҳристонини ичкарасидаги Гавкушон гузарида Хожа Саъд Калонхожа маблағи ҳисобидан қурилган бинолар мажмуи шаҳарнинг бошқа обидаларидан хашаматдорлиги-ю, мукамаллиги билан ажралиб туради. Бу мажмуада ҳамма нарса анъанавий шаҳарсозлик қаричи билан ўлчаб, жойлаштирилган. Мавзеи Хожакалон номи билан машҳур обидалар гулдастасида ҳовуз, карвонсарой, чорбоғ, ҳаммом, хонақоҳ, минора, масжид, мадраса мавжуд. Бу бинолар шу кунга қадар ўз салобатини йўқотгани йўқ.



Ховуз. Бу ичимлик сув маҳзани гулдаста шаклидаги бинолар ўртасида жойлашган. Ихчамгина, пиллапоялари сариқ, мрамартошдан. Сувкирар йўли Нодир девонбеги ховузи сув йўли билан туташтирилган. Атрофда, қадимий чорбоғчилик анъанасига кўра, оқ балхий тутлар бор.

Минора. Хожакалон минораси Пойи Калон, Вобкент минораси ҳамда Ванғозий минорасидан кейин ҳажм ва кўркамликда 4-ўринни эгаллайди. Масжид дарвозаси ўнг қанотида. Баландлиги 18 метр. Безак учун ишлатилган ҳалқалари (шарафа билан қўшиб ҳисоблаганда) 24 та. Ҳалқаларига оби фишт кесмалари орқали безак берилган. Пиллапоялари мрамартошдан. Остоналарига гужум ёғочи ишлатилган. Бошидаги даричалари 9 та. Шарафаси⁵ жуда кўркам. Бошида кулоҳий⁶ гумбазча. Аслида у равзан⁷ вазифасини ўтаган. Минорага чиқиш йўли масжид ичкари томонидан очилган. Пештоқ дарвозасининг гулдастаси орқали томга, минорага чиқилади.

Масжид. Хожакалон обидалари мажмуида жойлашган масжид Бухоро вилояти миқёсидаги барча масжидлардан тарҳи томонидан ажралиб туради. Масжиди Пойи Калонга ўхшашлик томони бор. Ичкари саҳни жуда катта. Усти очиқ. Дарвоза икки ён томони билан толорлар қаторасига қурилган. Ўртада меҳроб. Пештоқ билан ихоталанган. Пештоқ юза қисмига вақтида нақши кундали билан безак берилган. Безаклар йиллар ўтиши билан тўкилиб кетган. Гирехлар⁸ ўрни ҳали ҳам мавжуд. Бино фарши ўртасида обрав⁹ қўйилган. Обрав ер ости тазарларига бориб қўшилади. Масжиднинг асосий пештоқи жуда ҳашаматли. Катибасида ёзувлар билан нақшлар жуда кўрк бағишлаб турган. Безак беришнинг бу бетакрор санъати бугун йўқ.

Хонақоҳ. У масжид билан рўпарама-рўпара турибди. Ховуздан шарқ томонда. Бино икки қаватли. Пештоқ қисмида тўққизта хужра ҳамда икки та гулдаста бор. Гулдасталар усти кўшксиз. Сабаби, агар хонақоҳ ёнида минора бўлса, гулдаста бош қисмида кўшк қурилмайди.

Карвонсарой. Карвонсарой хонақоҳнинг жануб томонида жойлашган. Дарвозаси пештоқли, икки қаватли. Дарвозанинг ўнг ва сўл томонлари билан хужралар қурилган. Пиллапоялари ҳали ҳам ўша қурилган пайтидагидек кўркам. Иккинчи қаватда жойлашган хужралар ичи кенг. Меҳмонхона усулида бино этилган. Олди айвонли.

Мадраса. Хожакалон мадрасаси минора билан бир қаторда турибди. Минор билан мадраса ўртасида Шохрух ариғи ва катта йўл ўтган. Мадраса олдида ихчамгина чорбоғча ҳам мавжуд. Киравериш дарвозаси ҳашаматли пештоқ билан бирга жуда кўркам кўринади. Бино тарҳи шаҳардаги бошқа мадрасаларга ўхшамайди. Пештоқ қисми икки қаватли. Қолган уч томонида хужралар қатор қилиб қурилган. Анъанага мувофиқ пештоқ безаклари гулнорий¹⁰ рангда бўлиб катибасида оят нақш этилган. Айни кунда катиба¹¹ қисмидаги безагу ёзувлар тўкилиб кетган. Парчинкорий қилинганлиги учун қолиби турибди.

Ҳаммоми кунжак. Кунжак — форсча сўз, бурчак маъносига эга. Пойи Калон мажмуининг фарб томон бурчагида жойлашганлиги учун ерли аҳоли ҳаммомни ана шу ном билан атаганлар. Унинг асосий номи аёллар гармобасидир. Ҳаммомнинг икки паллали юзи қадимий гулмехлар билан куббакорий қилинган, гужум ёғочли дарвозаси қуёшчиқар томонга қараб очилади. Дарвозахона ичкарисини вақтида бошқа тарҳда бўлган. Ҳозирги кўрини-

шини кейинчалик олган. Ичкараси шарафашакл кодок билан безатилган. Бир пас ўтириб нафас ростлайдиган супачалар мавжуд. Асосий хоналарга ўнг қўл томон бурилиб кирилади. Ичкарида катта сахн, тўртбурчак шаклида. Устунлари жуда мустаҳкам. Том қисмининг нақд ўртаси (икки кодок ҳажмида) шишакорий қилинган. Саҳннинг қолган том қисми аркалар билан туташтирилиб, кодоклар¹² ораси вассакорий. Вассалар ихчам, нафис, калта-калта, безаксиз. Безаксиз бўлгани билан барибир кўркам. Асосий ювиниш хоналарига пиллапоя орқали бир метр пастга тушгандан кейин кирилади. Мавжуд еттита хона ичма-ич қурилган. Хоналарнинг хавоси бир-биридан (иссиқ ва совуқлиги билан) ажралиб туради. Биринчи хона пойшўйи (оёқ ювиладиган хона), ҳарорати ўрта, совуқхона ҳам дейилади. Совуқхонанинг девор томонлари мрамартош билан ўтиргич шаклида узун супа қилинган. Фарши эса нафис мрамарлар билан қопланган. Супалар баландлиги ярим метр. Уй томи — гумбаз. Гумбаз ўртасида равзани рост мавжуд. Уйлар ана шундай катта-кичик ҳажмдаги гумбазлар билан бир-бирига туташтириб борилган. Қолган хоналарнинг тузилиши шу тахлитда. Фақат ҳажм жиҳатидан бири иккинчисидан фарқ қилади. Хусусан, чиллахона қурилиши мураккаб. Том қисми катта гумбаз билан ёпилган. Гумбаз равзани каттароқ. Ҳаво айланиб юриши, мўл-қўл ёруғлик тушиб туриши учун жуда қулай. Маълум қисми шишакорий қилинган. Хона сахни айлана. Саҳндан кейин долон¹³ шаклидаги айвонларга ўтилади. Бу ерларда ҳам мрамардан супачалар ясалган. Оёқ ости ҳам мрамаркорий қилинган. Ҳаммом ер ости қисмининг тузилиши минг ўлчаб бир кесилган тадбир. Олдин чуқурлик. Чуқурликда гўлах (оловхона) жойлаштирилган. Кейин иссиқ хаво айланиб юриш йўллари жойлаштирилган. Хоналар пойостонаси иссиқ хаво йўли ва гўлах устида қурилган. Деворлари ғаройиб. Совуқ хаволи хоналар девори бир қаватли. Иссиқхоналар девори эса икки қаватли. Ўртасида ҳавоюрар бўшлиқ мавжуд. Бу тадбир ўта шифобахш бўлиб, ҳаммом хусусиятларини ўн чандон оширган. Чиқинди сувлари тазарлар орқали шаҳардан ташқаридаги захкашларга бориб тушади, қайсиким, захкаш шаҳристон ихота деворидан ташқарида бўлган.

ОЙПОШША БИБИ МАДРАСАСИ

Мазкур мадраса Жўйбори Берун маҳалласида жойлашган. Обида Жўйборий хожаларнинг чевараси, аниқроғи Абдурахим Хожанинг қизи Ойпошша биби меросий мулки маблағи ҳисобидан қурдирилган. Баланд пештоқли мадрасанинг дарвозаси куёшчиқар томонга қараб очилади. Дарвоза рўпарасидаги супадан кейин ихчамгина ҳовуз ҳам бор. Ойпошша биби мадрасаси қурилишида азалий анъанага риоя қилинган. Ҳашаматли пештоқ ичидаги дарвоза орқали Миёнсаройга кирилади. Чап қўлда масжид. Ўнг қўлда томга чиқиладиган пиллапоя ва хужралар тизилмаси. Мадраса бир қаватли. 21 та хужраси бор. Хужралар икки қаватли. Равоқлари кенг. Биринчи қават — ўчоқдон, ўтинхона, қозонхона, иккинчи қават — сандал, дарсхона. Хужралар бир-бири билан том усти гумбазчалари орқали туташтирилган. Кўча ва сахн томонга қаратилган ёруғликкирар гиреҳли панжаралари мавжуд. Мадраса ичкари ҳовлисининг девори безаксиз. Хужралар



юза қисми, эшиклар устига оби гишт кесмалари билан оройиш берилган. Ҳовли ўртасида обрав жойи. Ёмғир, қор сувларининг деворларга зарар етказмасдан пастга тушиб кетиши учун махсус ясалган. Пештоқ чап қанот деворида (ташқаридан) учта хужра мавжуд. Деворларнинг кўча томон юзида аркалар билан безак берилган. Пештоқ икки томонида гулдаста, гулдастада кўшк йўқ. Мадрасанинг безаклари гулнорий рангда кошин билан парчинкорий қилинган. Катибасида ёзувлар бўлган. Бугунги кунга келиб ёзувлардан биронта сўз қолмаган. Пештоқнинг юза қисмида кошинкорийдан намуналар мавжуд.

ЗАНДАНАНИНГ ХОНАҚОҲ, МАСЖИД, МАДРАСА, МИНОРАСИ

Ҳозирги Пешку туманини узоқ ўтмишда Зандана деб атаганлар. Мазкур обидалар Зандананинг Хожа Пешку қишлоғида кўрк бағишлаб турибди. Бу мажмуани Тожиддин Ҳасан экин майдонлари даромади ҳисобидан бино этган. Сабаби, бу қишлоқда ота-боболарининг авлоди, Ҳазрат Алининг Хожа Уббон, Хожа Заъфарон исмли ўғилларидан туғилган хожалар ҳазираси мавжуд. Улар қабри ёнида мазкур бинолар тикланган. Хонақоҳ орқа томон деворининг қибла томонида жуда эски қабристон ҳам бор. Бу ҳам хожалар авлодига дахлдор шахсларнинг мангу хобгоҳи. Қабристоннинг чиллахонаси шундайлигича турибди.

Анъанага кўра хонақоҳ эшиги қуёшчиқар томонга қараб очилади. Гумбази кулоҳий шаклда, жуда маҳобатли. Гумбаз пештоқдан кўра баланд, ёзуви йўқ. Оддий оби гиштардан безак берилган. Хонақоҳ биносининг ташқари уч томон девори устунли айвон билан безатилган. Айвонлар ёзги намозгоҳ вазифасини ўтаган. Ичкарида иккита чиллахона, эшиклари меҳробнинг шимол ва жануб томонларига қараб очилади. Саккизта хужранинг эшиклари ташқари томонга қўйилган.

Минора. У жуда кўркам. Айвоннинг шундоққина пойида жойлашган. Қуёш чиқар-чиқмас унинг илк нурлари минора муқарнасига тушади. Муқарнас¹⁴ икки қатор ҳавзакли шарафа билан безатилган. Даричалари еттита. Даричаларнинг ичкари, ташқари ҳошияларига гишт билан безак берилган. Кошинкорий усули танасининг учта ҳалқасида ҳусн бағишлаб турибди. Минора пиллапоялари сариқ харсангтошлардан қўйилган. Остоналари бухорий гужум ёғочидан. Эшиги ердан бошланади. Айрим минораларга ўхшаб бирор бино томи билан туташтирилмаган. Сабаби, қаватига жуда яқин иморат йўқ. Танаси гўласимон. Пастдан юқорига қараб ингичкалашиб боради. Узунлиги 16 метр. Белидаги айланалари 15 та. Тири жуда мустаҳкам. Оби гишталари махсус хумдонда пиширилган. Шунча йил ўтиши билан зах, туз, ер қимирлашу емирилишлар унга салбий таъсир ўтказмаган. Муқарнасидан бир ҳалқа пастида насталиқ ёзуви билан бир парчагина тарих битилган. Бизнингча, бу тарих кейинчалик ёзилган бўлиши мумкин. Сабаби, ёзув сал хунуқроқ. Ҳаваскор тоштарош ёзиб қолдирган бўлса ажаб эмас.

У ч и н ч и қ и с м

БУХОРОНИНГ ХОС СОҲИБИ

Ким сени ёр этгай ёр бўлгай оқибат,
Ким сени зор этгай зор бўлгай оқибат.
Эй Бухоро! Бу не хикматдир, ажаб,
Ким сени хор этгай хор бўлгай оқибат.

Садриддин Салим Бухорий

Хожа Ислом хокисорлик, фақирликни пеша қилган инсон эди. У ўзини ҳеч кимдан юқори деб ўйламасди. Аксинча, ҳаммани ўзидан баланд кўйишни илоҳий хислат деб тушунарди. Ҳар эрталаб катта қатнов йўлига чиқиб олиб, хоркашлар ўтиб кетишларини кутар, улар ўтиб кетган заҳотиёқ йўлнинг нақ ўртасида чўкка тушиб олиб, хоркашлар оёқ изларини ўпиб, йўл тупроғини пешонасига суртганича шукрона ўқирди: «Булар она Бухоронинг заҳматкаш фарзандлари. Сочларининг учларидан тирноқларининг учигача рағбати поклик ҳукмрон, лафзу комлари пок. Емоқ-у ичмоқлари ҳалолдир. Ҳар солиҳ банда бундайлар хоки пойларини ўпиб шукронасини Оллоҳга қилса саждаси қабул бўлғай. Омин...»

Хожа Ислом ҳаракатларидан кўнгли тўлиб ўрнидан турар, икки кўлини орқасига қилганча бамайлихотир Бухоро шахристонининг Солорҳаж дарвозаси томон кетарди. Дарвозахона ёнидаги сақоҳонада машкоблар тутган муздаккина чоҳ сувидан ичиб, шаҳар айланарди. Ора-ора шахристонининг баланд девори устига чиқиб, шинаклардан бирига ўтириб олиб сураи «Фатҳ», унинг изидан сураи «Ва-с-саффот»ни тиловат қилиб, шахристонининг тўрт томонига қараб «Шиф-ф-ф-о» деб дам соларди. Шу билан кўнгли хотиржам, дарвозалардан бирининг гулдастаси орқали пастга тушиб, Абу Ҳафс Кабир қабрларини зиёрат қилиб «Бухоро шахристонидан бир хабар олай» деган сафарини «қаритиб», уйига — Жўйбори Берунга қайтарди.

— Бухоро кузида боғу чорбоғлар жамоли бўлакча бўлади-да, деб кўнглидан ўтказди Хожа Ислом. Боғи Даштда эртапишар анори дандони уштур¹⁵ ўтказганимга бугун тўрт йил бўлди. Шу хил анорни раҳматли бобом хуш кўрарди. Тановул қила туриб сураи «Вал-фажр»ни зикри жаҳрия қиларди: «Тонгга қасида. Умри иймонга қасида. Холиқи жаҳонга қасида».

Ҳазрат хаёлга чўмди. Ўшанда Хожа Яхё ўнг томонларига ўтириб олиб, у эса зикри хуфияга тушарди: «Бухоронинг олтин тупроғига қасида, Жўйи Зарафшонга қасида, Жўйбори Калонга қасида, Анхори Мўлиёнга қасида,



Мағоқи Атторийга, Абу Бакри Саъд, Фазл, Ҳомид, Тархонга қасида, Ҳазрати Абу Ҳафс Кабирга қасида...»

Зикрлари тизимига бобосининг: «Хожазода, қани энди турдик, бир тегирмондан хабар олайлик-чи, улар эрта тонгда нони хайрия учун ун тортиб қўйдиларми ё йўқ» деган сўзлари нуқта қўярди. Зап ажиб кунлар эди ўша дамлар. Тегирмондан хабар олиб кўнгли тинчиган бобо ва невара оқ уловга миниб Боғи Даштга борардилар. Катта боғ эшигини бобосининг ўзи очарди. Сарҳовузга олиб борувчи йўлакчанинг икки томони қора райхон гуллари. Ажойиб табиатли инсон эди бобоси. Пайғамбарзода номи бору, барча юмушларни эринмай ўзи бажарарди. Қора райхон барглари битта-битта териб, қиш учун сояда қуритиб, дока халтачаларга солиб қўярди. Қуритилган қора райхон барглари тўла дока халтачаларни кўрган бобосининг муридлари: «Пайғамбарзода, бу юмушларни эринмай ўзингиз адо этасизми?» деб сўраганларида, бобоси:

— Бўлмасам-чи, жаннатга кирмоқ ниятида бўлган ҳар бир бандаи мўмин кишин-ёзин димоғини гул ҳиди билан муаттар қилиб турмоғи шарт, — дерди.

Муридлар:

— Ҳазрат, баъзи майда-чуйда ишлар учун фулом тутсангиз бўларми-ди, — дея гап қилардилар. Бобо эса қатъиян:

— Э, азизларим, ўзим Оллоҳ қули бўлсам... менга қул чикора!

Ўшанда бобо-невара Боғи Даштда намози бомдодга қадар қолиб кетардилар. Намози бомдодни катта гужум дарахти тагида ўқиб, бобо сураи «Нур», невара эса «Вал-фажр» қироатига тушардилар.

— Пайғамбарзода, сураи «Вал-фажр» Оллоҳнинг тонгга қасидаси. Бунда ҳикмат кўп. Ҳар бир солиҳ банда тонгда албатта «Вал-фажр»ни қироат қилмоғи даркор. Ахир, Оллоҳнинг беғубор тонгига шукрона қилмай, у яратган неъматларни нўши жон этмоқ ножоиздир. Менинг Сизга насиҳатим «Вал-фажр»ни қироат қилиш амалини қанда қилманг, хўп-ми?

— Албатта шундай қиламан, қиблагох!

Тонг отар-отмас боғ эшигининг зулфини очилар, бобо-невара яна уловларига миниб, Жўйбори Калон гузарига қайтардилар. Гузар бошигача етиб келгач, отдан тушиб, уловга «Ўзинг уйга бор» дегандай лажомини эгар устига ташлаб, тегирмонга ўтардилар. Тегирмончи ҳамма юмушлар адо этилгани-ю, минг дона тайёр нон нонвойхонада тургани хабарини бергач, нонвойхонадан иссиққина бир даста оби нони бухорийни олиб, бобо-невара катта йўл бошига бориб, ўтириб олардилар. Худди шуни кутиб тургандай қуёш чиқар-чиқмас теварак-атроф қишлоқларидан шаҳарга хоркашлар¹⁶ келавардилар. Ана шунда бобосининг юзидаги табассум янада нурироқ бўларди. Янтоқ орқалаб олган дарвешларга иккитадан нони рисқи саҳарини бепул тарқатган бобо йўл четида ўтириб олиб, дуои хайр ўқирди: «Бул жамоанинг юзини кўрмоқ муборақдур. Чунки улар саҳар турадилар ва субҳда бедордирлар, еганлари ҳам халолдир. Бундайлар соясига сажда қилмоқ савобдан бўлак нарса эмас аҳли мўминга».

Тонгги тавофи солиҳдан кейин бобо-невара уйга қайтардилар. Йўлда Хожа Ҳофиздан албатта байт ўқиларди:

*Каманди сайди баҳроми биафкан, жоми Жаъм бардор
Ки ман паймудам ин саҳро на Баҳром асту не гўраш...*

Намози пешиндан кейин Хожа Исломда Боғи Даштга бориш кайфияти туғилди. Уйдагиларга: «4—5 кун боғда қоламан. Мендан хавотир олманглар», — деди-ю, отига миниб йўлга тушди. Кетаётиб йўл-йўлакай катта йўл четидаги дарахтларни санашга тушди. То Боғи Даштгача уларнинг сони уч мингтадан ортиқ чикмади. Афсус чекди: Нега улар беш минг ё олти минг туб эмас? Ахир, Бухорода қанчалик ўрик дарахти кўп бўлса, «йўлда ризқинг тўкилган» ақидаси ана шунча амалий тус олади. Қизига совчи келган хонадон соҳиби совчилардан сўрар экан: «Неча туб зардолу¹⁷ дарахтингиз бор?» Агар уларнинг жавоблари отани қониқтирса, у қудандачиликка розилик берар, бўлмаса... йўқ. Зардолу дарахти бор хонадон ахли ҳеч қачон оч қолмайди-да.

Боғи Дашт эшиги олдида отдан тушган Хожа Ислом мулозаматига тайёр турган боғбондан сўради:

- Ўғлим, боғимизда неча туп ширпайванд зардолу дарахтимиз бор?
- Қандак, пистадона, пайвандилар билан 400 туп.
- Бу жуда оз, — Хожа Ислом синчков назар ташлади боғбонга.
- Анори дандони уштурга кўпроқ жой ажрат, деган эдингиз, ўшанга караб...

— Ҳа, айтгандай, энди хотирамга келди. Биз барибир ўрик дарахтлари сонини кўпайтиришимиз лозим, ўғлим.

Боғ айланиб, ўтган ёзда боғбонга зиқналиги учун танбех берганлари эсига тушди Хожанинг: «Нима эмиш, қўшни қишлоқ болалари ширпайванд ўриклардан бир дўппи, бир дўппи териб олганлари учун уларни Сумитан ариғи лабигача қувиб борганмиш. Эй нодон банда. Ахир ўрик териб еган болалар Хожа Исломунинг Бухороси учун бегонами? Жисму жон-ку! Бугун боғ девори ошиб, ҳавас билан мева териб еган боланинг эртага боғбон бўлиши аниқ. Нега энди уларнинг хайрат кўзига бугун тупроқ сочмоқ керак экан». Ўшанда Хожазода боғбонга қатъий буюрди:

— Хожа Исломнинг ўз қўли билан бунёд этган олтмишта боғу чорбоғ эшиги бухорийлар учун бир куни занжирли бўлса, фаришта ўша эшик юзига соясини ўн кун ташламайди. Икки кун занжирли боғ эшиги фаришта соясидан махрум бўлдими, булбул томоғи оғриб сайрамайди. Агар боғ эшиги йўловчи-ю муриб юзига йигирма кун ёпилдими, Бухоро юзига фаришталар соя ташлашдан чарчар экан, боғбон. Биз пайғамбарзодалар не учун умр сарфлаб Бухоро деб юрибмизу сен боғ эшигини занжирлаб қўясан? Бугундан эътиборан менинг боғларим эшиги занжиру зулфинсиз бўлсин. Қўпориб ташланг ўша кераксиз темирларни. Кунда уч челақ мева териб, эшик олдида чиқориб қўйинг. Ўтган-кетган тановул қилсин. У дунё-ю бу дунё савоби сизга ҳам тегади, ўғлим.

Ҳазратнинг айтган гаплари одат тусига кириб қолди. Кунда уч челақ мева шундоққина боғ эшиги олдида турадиган бўлди.

* * *

Боғи Дашт хавоси Хожа Ислом мижозига мўътадиллик келтирди. Ҳар йили кузда қўзғалиб ортиқча ранж келтирадиган хасталиги боғ хавосидан бир оз енгиллашгандай бўлди. Шоҳ Абдуллахоннинг хос табиби Хожадан





«Бир хабар олай» баҳонасида келди-ю, кўрдик, ҳазрат боғ сайри билан банду баст.

— Менга эҳтиёжлари бўлмаса шаҳристонга қайтай. Эрта-индин шоҳ Қоракўл томонга овга чиқмоқчилар. Менга ҳам ҳамроҳ бўласиз дедилар, — деди.

Хожа Ислом Абдуллахон табибининг бу лутфидан шод:

— Боғда куз охиригача қолсак керак. Шоҳ агар лозим топсалар, йўл усти, бир кириб ўтсинлар. Овлари барори учун дуои хайр қилар эдик, — деди.

Табиб лутфингизни етказираман ишораси таъзимида уловига миниб Бухоро шаҳристонини томон қайтди. Шу куннинг эртаси, шаҳар билан Абдуллахон Боғи Даштга кириб келганида Хожа Ислом олмазор томошаси билан сармаст эди. Кўришдилар.

— Овга чиқаяпман, дуойингизни олиб кетай дедим.

Шоҳ мулозамат кўрсатиб, боғ супаси четига омонат ўтирди. Хожа Ислом Абдуллахонга фотиҳа берди:

— Бирингиз ўн, ўнингиз минг бўлсин. Қаламравингиздаги мамлакатлар осойишталиги барқарор бўлсин-у, бўладиган шикорингиз барорини ўзи ғайбдан берсин, Оллоҳу акбар.

Шоҳ хайр-хўшлаб сафар йўлига тушди. Ҳазрат ўзидан ҳамиша боҳабар ўғли Хожа Саъдни ҳам бир ҳафтадан кейин Жўйбори Берунга юбора туриб:

— Сиз ҳам қайтинг. Лозим топсангиз волидангизни ҳамроҳликка олиб эрта-индин ҳузуримизга келсангиз. Волидангиз кузни Боғи Даштда ўтказиб, қишда Жўйборга қайтсалар хўб иш бўлур, бўтам!

Хожа Ислом чордаранинг иккинчи қаватига кўтарилиб, бутун боғини томоша қилди. Кўнгли янада равшан тортиб, қироатга ўтирди. Олдин зикри хуфия, секин-аста зикри жаҳрияга ўтиб, бор овози билан ҳар бир «Оллоҳ» деганида чордаранинг дарпардалари ҳам осмон қадар кўтарилиб тушарди. «Аъло» сураси тиловатидан кейин яна «Торик» қироатига ўтиб, кўзи ёшга тўлди: «... Осмонга қасам, тунги йўлчига қасам, ҳар бир жоннинг устида унинг қилган барча амалларини ёд олгувчи фаришта бордир. Қайта-қайта ёғгувчи ёмғир эгаси бўлмиш осмонга қасам. Ёмғир сабабли ёриб чиқувчи дон-дун, ўт-ўлан эгаси бўлмиш ерга қасамким...»

Қироат ниҳоя топди, такбир ўқилди. Намози шом адосидан кейин Хожазода Сумитан қишлоғига, боболари қабри бошига бориб келиш ихтиёрида:

— Иккита кажавани мевалардан тўлдилинг. Бизда Сумитанга бориб келиш ихтиёри туғилди. Кечани ўша ерда, қироатда ўтказсак, хуш бўлур, — деди боғбонга.

Боғбон кўрдик, Ҳазратни майлидан қайтариб бўлмайди, мева тўла кажаваларни боғ эшиги ёнига келтириб қўйди-да:

— Ҳазрат, ёмғир томчилаб турибди. Тонгга қадар шиддат олса керак. Эрта эрталаб Сумитанга ўтсангиз бўлармиди? — илтижо ила қаради.

— Йўқ, йўқ, ўғлим, сафар ранжи билан файзли. Ранж топсам, ўзига ниятим қабул бўлғай...

Хожа Ислом Сумитан қишлоғига боргунга қадар «Вал-лайл» сурасини қироат қилиб борди: «Борлиқни ўз зулмати билан ўраб келаётган кечага

қасам. Ёришиб кўринган кундузга қасам. Эркак-аёлни яратган зотга қасамки, ана энди кимки (ўз мол-давлатидаги камбағал бечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақаларни) адо этса ва (Оллоҳдан) қўрқса ҳамда гўзал оқибатли (жаннат бор эканлигини) тасдиқ этса, бас, биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз...!»

Қабристоннинг бир чақирим наридаги «Кавшқаш»ига келганида Хожа Ислом такбир ўқиб, овоз берди:

— Ким бор?

Ҳазратнинг овозини эшитган кавшқаш югуриб чиқиб мулозамат кўрсатди.

— Саломатмисиз? Боғи Даштнинг меваларидан олиб келдим, кишлок аҳлига тарқатинг, кузнинг неъматини, ҳамма еса савоби туманга етади...

— Хўп бўлади, ҳазратим. Бизга хизматлари..., — тавозеъда эди кавшқаш.

— Зиёрату қироатдан бўлак ниёзмандлигимиз йўқ, бўтам.

Хожа Ислом ковушини кавшқашда ечиб, бир чеккага қўйди-да, маҳси-чан йўлга тушди. Хонақоҳда қорилар қироат билан машғул. Уларнинг овозлари бутун қабристон бўйлаб таралар, мадд тортиб, оят ўқишлари киши кўнглида фарах уйғотиб охират умидини мустаҳкамларди. Хожа Ислом хонақоҳ рўпарасида бир дам тўхтаб қорилар қироатига қулоқ солиб турди-да, сўнгра Мозори Дароз орқали Абу Бакр Саъд қабри бошига келди. Олдин пойгакда ўтириб дуойи хайр қилди. Кейин қабрининг қибла томонига ўтиб, чордона ўтирганча «Муззаммил» сураси қироати билан тунги ибодатни бошлади. Қироат... қироат. Елкалар қанот чиқариб учиб кетаётгандай. Лаблар пичирлар. Икки қўл қабр бошини сийлаш билан банд. Ҳазрат ёмғирнинг шариллаб ёғаётганини батамом унутган. Сурадан сурага ўтар, ҳар бир сура бошида овоз чиқариб: «Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан» дерди-ю, оятлар қуйилиб келарди.

«Ихлос», «Фотир» сураси қироатига келганида батамом зикри жаҳрияга ўтиб, акс-садо қабр устида ўсиб чиққан чилонжийда япроқларини ёмғирга қўшилиб ювиб, сўнгра тўрт томон тараларди: «Ҳамду сано осмонлар ва ерни илк яратгувчи ҳамда фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилгувчи Оллоҳ учундир. У зот яратган маҳлуқотида ўзи хоҳлаган нарсани зиёда қилур... Оллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматини очиб қўйса, бас, уни ушлаб, тўсиб қолгувчи бўлмас ва нени ушлаб қолса, бас, ул зотдан сўнг у нарсани бандаларга бирон юборгувчи бўлмас...»

Ҳазрат «Вал-фажр»ни зам қилди-ю, тонг ҳам ота бошлади. Қуёшчиқар томон қизарди ё қизармади чоғи шилп-шилп этган оёқ товуши Хожа Исломни қироатдан тўхтатгандай бўлди. Илкис ортига қаради. Кавшқаш қўлтигида Ҳазратнинг ковушини қистирганча интизор бўлиб турарди. Хожа «Ҳозир тугатаман» ишорасини қилиб такбир ўқиди. Сўнг... сўнг ўрнидан туриши сал оғир бўлди. Кавшқаш югуриб келиб елка тутди. Хожа Ислом ўрнидан турган заҳоти чопони баридан ёмғир томчилари чакар-чакар қилиб пастга оқиб тушди.

— Ҳазрат, ёмғирда қолиб кетдингиз. Пештоқ остида ўтириб... Гап бошлади кавшқаш.

— Йўқ, бўтам. Ҳар бир лутф заҳмати билан қадрли. Мен ёмғир остида риёзат чекиб, қироат қилганимнинг савоби ҳаммага текса, бундан ортиқ солих амал борми? Ана энди қайтамиз Боғи Даштга.





Ҳазрат то кавшқашгача маҳсичан келиб, кавшқашда оёқларига боғбон тутган ковушларини илдию мулозимларнинг «хўл кийим билан шамоллаб қоласиз» деганларига ҳам қарамай, уловига миниб, бўшаб қолган кажаваларни олиб йўлга тушди. То Боғи Даштга етиб келгунга қадар сураи «Вал-фажр»ни қироат қилди. Боғ эшиги олдида Хожани боғбон кутиб олиб, отдан туширди. Чордара ичкарилаган ҳазрат кийимларини алмаштириб яна қироатни бошлади. Бу гал қироат унчалик узоқ чўзилмади. Кеча тонгга қадар ёмғир остида ўтириб чиққанидан бўлса керак, эски касали қўзғади. Олдин бир-иккита, сўнгра эса узун-узун йўтал тутиб, қироат маромига етмади. Ҳазрат тун бўйи бесаранжом, кечга яқин бироз мизғиб ором олгандай бўлди. Туш кўрди: Самарқанднинг Дахбедида, Дарғом қирғоғида турганмиш. Асов дарёнинг тошай-тошай деб турган кунлари. Шу пайт овоз келганмиш. Қараса, пири Махдуми Аъзам Хожаи Косоний. Нариги қирроқ лабида туриб имляптилар:

— Келмайсизми? Мушкулот тушди. Бирга фатво бериб қайтардик. Ўтинг бу ёққа.

Фурсат ўтмай, Махдуми Аъзам ортларига қайтиб, тахтиравонларида ўтирганмишлар. Тўрт мулозим тахтиравонни кўтарганча Махдумни қуёш-ботар томон олиб кетаётганларида изларидан чопиб, Дарғомдан «Ё, пирим» деб бир сакрамоқчи бўлиб:

— Хо, о, о, о, а-а-на, — деди-ю...

Хожа Ислом уйғониб кетди. Пешонаси жикқа терга ботган. Чап кўкрагининг садоси гўёки бутун чордара бўйлаб таралаётгандай: «гуп, гуп, гуп».

— Ё Оллоҳ, Дарғомдан сакрамоқчи бўлдимми? Ҳазратнинг вафотларига 20 йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Шу кунга қадар бирор марта бўлсин тушимга кирмаган эдилар. Бу тун не мурувват бўлдимки, Хожа Исломни оғир хаёл гирдобига тортди. Ёшим 70 дан ошиб қолди... Бу қайтиш хабарими? Унда нега дарёдан сакрамадим? Ажиб ҳолат. Дарғом устидан сакрамоқчи бўлиб, қуш бўлиб қолсам нима бўларди?

Йўтал тутиб хаёли бўлинди. Эски касалининг қўзғалиб, исқанжага олиши билан яна бир ҳафта ўтди. Шоҳ Абдуллахон пирининг оғир бетоблигини эшитиб, хабар олиб қайтди. Хос табибини ортидан юборгани ҳам бу гал унчалик наф бермади. Жўйбори Берундан Боғи Даштга кузни ўтказиш учун келган аёли, Муҳаммад Туман қизини хузурига чорлаб, тайинлади:

— Қорозпўчоқ ёнғоқдан ўз қўлингиз билан териб алоҳида жойга йиғиб қўйинг. Яқин кунлар ичида керак бўлади. Ўшанда қора майиз билан дастурхонга тортасиз. Бу — умрнинг ўн беши қоронғи-ю, ўн беши ёруғлигидан далолат-да, онаси.

Хожа Исломнинг жуфти ҳалоли суҳбатга қулоқ сола туриб хожазодага зимдан қараб, бир «ух» тортди.

— Ҳаммаси бўлди, Сиз хотиржам бўлинг. Боғ-чорбоғларнинг мевалари йиғиштирилаяпти. Катта ўғлингиз мадраса муллабачаларига, тегирмончи-ю чўпон, китобдорларингизга ҳақ чиқариб, баъзиларини олиб бориб бериб ҳам келди. Миробларнинг ўзлари келдилар, ҳақларини олиб кетишга. Айтган ёнғоғингизни уч кун бурун териб қўювдик. Ҳисорий бодом бу йил кам солди. Сал хушқаслиги тутдими? Бухорий бодом жойдорий-да. Мевасидан говсандиқлар¹⁸ тўлиб кетди.

Бу гаплардан ҳазратнинг чехраси бироз ёришди.

— Хўб бўлибди Хожа Саъднинг бу рафторлари. Бир умр ўғлингиздан розилигимиз Оллоҳга ҳам хуш келганини қаранг. Доим бирлари ўнга айлангани айланган. Ўтган қишда тайинланган ҳамма юмушларни боғбонлар билан бирга бекаму кўст бажардилар. Қаранг, қанча мева, дона.

— Ҳа, бодомлар остига, илдизигача, қишда қор кўмиб қўйишми, — кулимсираб ҳазратга қаради аёли.

— Ҳа, ҳа. Ўша тадбирни раҳматли бобом боғларимиздаги бодомларда қўллардилар. Эрта уйғонгувчи дарахтлар остини илдизигача ковлаб қор ташлаб, кўмиб қўйилса, қиш қаттиқ келиб, баҳор вақтлироқ келганда, айёмнинг¹⁹ изғиринлари дарахтга унчалик қор қилмас экан. Қор бодом, эртапишар ўрикнинг уйғониб, айни айёмда гуллашдан сақлаб туради-да, онаси.

— Ҳазратим, бу кеча туш кўрибман. Айтгандай, буғдой ҳам гуллайдими?

— Гуллайди, гуллайди. Нима эди?

Ҳазратни йўтал тутиб, бир тутамгина бўлиб қолди. Елкалари силкина-силкина гоҳ нафас етиб, гоҳ етмай қийналишлари аёлининг кўзига ёш келтирди:

— Табибни чорлаб келсак бўлармиди, ҳазратим?

Ярим соатча вақт ўтмай, йўтал қолгандай бўлди. Ҳазрат касалликдан азият чекаётганлигини унчалик билдирмаслик учун яна гап бошлади.

— Буғдой гуллади, дедингизми, онаси? — овози хириллаб чиқди.

— Ҳа. Тушимда буғдой гулини териб юрган эмишман. Отамнинг меросий ерларида. Уйғониб қарасам — туш.

— Ё ажаб, умрим бино бўлиб буғдой гуллашини эшитувдим, лекин қанақа рангда гуллашини кўз билан кўрганим йўқ. Сиз қай рангда кўрдингиз, онаси?

— Етти рангдамиди ё оқ рангда эдим. Бир ажиб. Бунақасини ҳеч кўрмаганман.

— Қизиқ, буғдойнинг гуллашини онаси тушида кўрибдими, бунда бир каромат бор, — секин пичирлади Хожа Ислоом.

* * *

Кечани талвасада ўтказган хожа тонгга яқин ташқарилади. Ҳали намози бомдодгача ярим соат вақт бор. Шундай тахмин билан боғ айланиб, ўзи хуш кўрган ёнғоқ дарахти тагида бироз тин олиб, ёнғоқнинг тонгдаги салобатини томоша қилгандай бўлиб, анорзор томон ўтди. «Анори дандони уштур. Донаси катта-катта, оппоқ. Шираси ҳам шира-да. Бундай таъм бошқа анорларда учрамайди». Ана шундай ўйлов билан ҳазрат бир дона катта анорни узиб, олмани хидлагандай хидлади. Анордан тонгги салқинликнинг хиди аралаш кузнинг нафаси уфурарди. Хожа яна 4—5 дона анорни узиб, яктагининг ўнг барига солганича чордарага қайтди. Таҳорат олди. Намозга ўтиришдан олдин жойнамознинг меҳроб қисмига анорларини териб қўйиб, тиловатга ўтди. Сажда, сукут, ружу, сукут, сажда, «Фалақ», «Ан-нос» сураларидан сўнг яна бир саждага бориб, рукуда «Вал-



фажр»ни зам қилиб, саждага кетганди ҳамки, ғойибдан нидо келгандай бўлди: «Пай — ғам — бар — зоо — да!»

Хожа саждадан бош кўтармай «Вал-фажр»нинг охирги оятларини зикри хуфия қилди: «Эй, хотиржам ва сокин жон. Сен Оллоҳ ато этган неъматлардан рози бўлинган ҳолда парвардигоринг ҳузурига қайт. Бас, Оллоҳ бандалари қаторига киргин ва менинг жаннатимга кир!!!».

Ҳазрат саждадан бош кўтармай, ғойибдан нидо иккинчи марта янгради: «Пай — ғам — бар — зоо — да!»

Нидога қўшилиб «Вал-фажр» сурасининг охирги ояти такрор янграгандай бўлди: Пар — вар — ди — горнинг ҳузурига қ-а-й-т. Бас, солих бандаларим қаторига киргин ва менинг жаннатимга кирги-и-ин!!!

Нидо учинчи марта янграганда Хожа Ислом саждадан бош кўтарди. Қибла томонга қараб икки қўлини кўкрагига қўйди:

— Лаббай, лаббай, лаббай ...

Ғойибдан нидо очик-ойдин эшитилди:

— «Пайғамбарзода, шажарангизни такрорланг!!!!»

— Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Муҳаммад найғамбар, Фотима бинти Муҳаммад...

— Шукр...

Али ибн Абу Толиб, Имом Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб...

— Шукр...

— Хожа Зайнулобиддин Имом Ҳусайн ўғли, Хожа Абу Бакр Саъд Хожа Зайнулобиддин ўғли...

— Шукр...

— Имом Абу Бакр Аҳмад Хожа Абу Бакр Саъд ўғли...

— Шукр...

— Хожа Заҳириддин имом Абу Бакр Аҳмад ўғли...

— Хожа Мужиддин Хожа Заҳириддин ўғли.. Хожа ...

— Шукр...

— Хожа Алоуддин Хожа Мужиддин ўғли ...

— Хожа Музаффар Хожа Алоуддин ўғли...

— Хожа Тоҳир Музаффар ўғли, Хожа Муҳаммад Ислом Хожа Тоҳир ўғли, Хожа...

— Шукр...

— Хожа Яҳё Хожа Муҳаммад Ислом ўғли...

— Хожа Аҳмад Хожа Яҳё ўғли...

— Хожа Фаҳриддин Ислом Хожа Аҳмад ўғли...

— Шукр. Хожа Фаҳриддин Ислом!

Овоз ваҷоҳатидан ҳазратнинг жони қирқ титрагандай бўлди.

— Лаббай!!!

— Сиз, сиз, сиз!

Нидо шу хил янграб, бир пас тин олди...

— Сиз сафар ойининг 25-жума куни, яъни 12 кундан сўнг Оллоҳ дийдорига мушарраф бўласиз...

БИРИНЧИ КУН

Хожа ўн икки куннинг биринчи тонгини «Вал-фажр» сурасининг тиловати билан бошлади: «Оллоҳга қасам, тонгга қасам, еру осмонга қасам, она Бухорою унинг дарёи Зарафшонига қасам».

Жойнамоз бошида териб қўйилган анорлар қанот чиқариб, қибла томон учиб кетгандай бўлди. Улар ортидан оқ шарбат излари қолдими ё бошқа холат зоҳир бўлдими, унчалик аён бўлмади. Қироат сурадан сурага улашиш билан узун бўлар, ҳазратнинг ўрнидан туришга майли йўқ эди. Қуёш чиқди. Чордарага харир пардалар ортидан қуёшнинг нурлари кирган заҳотиёқ Хожа Ислон нур томонга қараб «Ваш-шамс» сурасини қироат этди. Чошгоҳга яқин «Ваз-зуҳа» сурасини зикр қилди. Эшик томон нигоҳ ташлади. Эшик рўпарасида аёли турарди. У Хожага қараб: «Наҳорийга тушмадингиз», дегандай қўли билан ишора қилди. Хожа «таъбим йўқроқ» жавобини қилди-ю, яна қироатга ўтирди. Ора-ора уни офир хаёл чулғаб оларди: Биз Муҳаммад пайғамбар қизларидан туғилган имом Хусайннинг эвараси, неvara авлодларимиз. Бобом Хожа Яҳёнинг нақл қилишларича, катта бобомиз Абу Бакр Саъднинг Хуросондан Амударё бўйига келишларида катта ҳикмат бор экан. Бу ёқда, жаннатмонанд Бухорода узоқ йиллик холисона хизмат. Бир куни Бухоро шоҳи Хожа Саъдга савол қилибди:

— Пирим, Бухоромиз томон лашкар тортиб, жангда асир тушган ғанимга илми ҳарбнинг қайси амалини қўллаш раводир?

— Душманни шакар билан ўлдириш, Шоҳим (душманро бо шакар куш).

— Бу не маъни? Шоҳ хайрон.

— Уларга озиқ-овқат, янги чопон кийдириб, ўз юртларига жўнатмоқ. Уятда қолган мағлуб аскар иккинчи марта ўзга юрт тупроғини топташдек паст ишга бел боғламайди, Шоҳим.

— Қўлга асир тушган шоҳга не тадбир жоиз? Шоҳ Абу Бакр Саъдга хайрат кўзи билан қараб савол қилибди.

— Сув деса гулоб, қотган нон ўрнида овқат тутинг. Қўли-ю томоғи уятдан шол бўлган асир ўзгаларни ҳам бу йўлдан қайтариш ҳадисини олади, Шоҳим, деб жавоб қайтарган эканлар бобомиз.

Катта мақбара қуришга бел боғлаган шоҳга бобомиз маслаҳат берган эканлар: «Бухоронинг ҳар бир иморати тупроғига туя сути зардобини қўшмоқ шарт. Рух билан узум ачитқисини қамиш кулига қўшиб тупроққа ризқи ҳалол қилинса, тупроқ сархуш бўлади, маст бўлади, белига куч киради. Фишт лойига бу қоришмалар омонат дейилса-ку йўли бўлакча...»

— Бу қандай фатво бўлди, Пирим? — сўрабди Шоҳ.

— Бухоро тупроғида шундай ҳикмат мужассам. «Омонат» деб лафз қилинган мавжудотга ҳатто зах ҳам ўтмайди. Ахир, Сиз қурадиган иморату мақбаралар омонат-да. Биз уни келажак авлод учун қолдирамизку. Модомики шундай экан, омонат дейилган нарсага Бухорода ҳеч ким хиёнат қилган эмас, қилмайдилар ҳам, Шоҳим.





— Булар барчаси каромат кўзи билан Бухоро дийдорига боқиб, унинг сийру асрорини англашдан бўлак хайрат эмас, — чуқур нафас тортди Хожа Ислон. Ўшанда, болалик экан, хадеб бобомдан Сиз кимнинг ўғлисиз, деб сўрар эканман. Жавобда бобом:

— Мен Хожа Муҳаммад Ислон ўғлиман. Сизга отамнинг исмларини бердикким, қарилкда ҳам ота хаёли-ю номи билан кўнгилни шод қилиб юрайлик деб.

— Унда мен кимнинг ўғлиман.

— Сиз Хожа Аҳмад ўғлисиз. Хожа Аҳмад менинг ўғлим.

— Хожа Аҳмад менинг отам. Отам бўлсалар нега уйга келмайдилар. Мен у кишини ҳеч кўрганим йўқ!

Шунда Хожа Яҳё кўзларига ёш олиб, айни хақиқатни пардапўш қилмай нақл қилардилар:

— Отангиз солих амалли одам эди. Қўли гул боғбон, еру боғга кўнгли шунчалик банд эдиким, асти қўяверинг. Унинг иккала қўлини меҳнатга ўргатиб, кўзи-ю кўнглини ростликка тарбия қилиб билмаган эканман. Чоряккорлар билан ҳар йил кузда, ҳосил тақсимоти борасида бир ғурбати бор эди. Бу ҳолат жиддий тус олди. Чоряккорлар билан гапи қочиб, қозибозликгача борди. Пайғамбар зоти бўлгани билан соҳиби меҳнат кучли-да, болам. Деҳқоннинг ризқига кўз олайтириб мени бой қилмоқчи бўлди. Ҳалол меҳнатдан келган бойлигим етмиш пуштимга етишини биларди. Кўз-кўз экан. Сиз туғилишингизнинг иккинчи йили, кузида яна ҳосил тақсимоти устида чоряккорлари билан гапи қочди. Хожа Аҳмадни жаҳл устида бир деҳқон уриб ўлдирган экан. Унинг жонсиз танасини уйга олиб келганларида Ҳазрат Баҳовуддин зиёратида эдим. Қасри Орифондан Жўйбори Калонгача учиб келдимми, югуриб келдимми билганим йўқ. Шуниси эсимдаки, Солорҳаж дарвозаси остонасидан ўтиб йиқилиб, хушдан кетибман. Эҳ, болам, мен ўғлим ўлими учун эмас, Худо олдида уятдан йиғладим. Ўша кунлари икки-уч ҳафта муридларим хузурига чиқолмадим. Бу қандай бузургворлик бўлдиким, унинг ўғли деҳқон ризқига кўз олайтириб, ўлим топса. Тоат, ибодат кўнгил юкини енгиллаштирар экан. Энди Сиз, етимча ҳожазода-ю, биз етимбоқар пайғамбарзода бўлиб юрибмиз, ўғлим.

Бу гаплардан кейин Хожа Яҳё кўз ёшларини артиб саисхонага, уловга кетарди. Сўнгра неvara, бобо отга мингашиб меросий мулклари — Сумитандаги қиблазаминга борардилар. Ҳосиллардан хабар олгандай бўлиб, қабристон томонга, ундан Мозори Дарунга ўтиб, боболари-ю Хожа Аҳмад қабрларини зиёрат қилиб, қайтардилар. Бир куни одатдагидай қиблазаминдан қайтсалар, уйда меҳмон — Хожа Яҳё. Хожа Яҳё Хожа Ҳамзанинг халифалари. Хожа Ҳамза Саййид Мири Кулолнинг ўғли. Хожа Ҳамза равият тахтига ўғилларини, ўғиллари эса васият қилдиларки, мендан кейин равият тахтимга муридим — Хожа Яҳё ўтирсин деб. Адаши — Хожа Яҳё хонадонига тез-тез ташриф буюрар, суҳбатлари тонгга қадар, баъзан эса икки-уч кунлаб чўзилар эди.

Бу сафар ҳам пиру муршид суҳбатлари узоқ чўзилди. Иккала пир кечгача суҳбат қуриб, намози асрни Жўйбори Калон масжидида ўқиб,

уйга қайтдилар. Тонггача тиловат. Тиловатдан сўнг боғ айланиб кўчат сараладилар. Хожа Яҳё лутф кутди: «Пайғамбарзода, Қасри Орифонда боғингиздай бир бўстон яратайликким, аҳли қишлоқ қишин-ёзин ҳўл мева тановул қилиб, дуосини Сизу бизга қилсин». Кўчат танлашлардан кейин уйга қайтдилар. Яна суҳбат...

Хожа Ислон ҳовли юзида ўйин билан банд. Нима бўлди-ю, боболари чақ-чақлашиб ўтирган уй эшиги рўпарасига келиб қолди.

— Кириг, Хожазодам.

Хожа Ислон остона хатлаб, пойгакда тикка туриб, бир уй ичига, бир пойгакда турган ковушларга қараб, тураверди.

У ёқ, бу ёқдан суҳбат кетди. Улар тариқатдан сўзладилар. Тариқатда Оллоҳдан нима сўраш ўринли-ю, нима сўраш кераксиз эканлиги тилга олинди. Вужуди ҳайрат бўлиб, ҳикмат тинглаб ўтирган Хожа Ислон:

— Бобо, биз нега доим Худодан Худони тиламаймиз? — деди.

Боланинг бу саволи иккала суҳбатдошни бармоғи ҳайрат тишлатди. Меҳмон ҳаяжондан ўзини тутолмади:

— Пайғамбарзода, боланинг гапи — каромат. Дарров унга мукофотни бериш лозим. Мукофотни, рози бўлсангиз, биз берайлик!..

Хожа Яҳё ўринларидан даст туриб Хожа Ислоннинг иккала елкасидан ушлаб кўтариб, боши атрофидан уч марта айлантириб ерга қўйди. Тиловат қилиб Хожа Ислоннинг оғзига лабларини қўйиб, уч марта дам солди. Сўнгра Ҳазрат Хожа Яҳёга юзланди:

— Биз пайғамбарзодага зикри «хў»ни ўқиб, дам солдик. Иншооллоҳ, ўғлимиз соҳибкаромат бўлғай. Энди бундан бохабар бўлиб юринг, ҳазрат.

Шу-шу бўлди-ю, Хожа Ислоннинг ҳаракатларида ғаройиб ҳолатлар зоҳир бўладиган бўлди. Кечалари ўзидан-ўзи ғойиб бўлиб, тонгга яқин уйга кириб келадиган одат чиқарди. Бу ҳаракатларини ҳатто ўзи ҳам билмасди. Кейинчалик ухлаб ётган пайти волидаи муҳтарамаси оёғини арқон билан боғлаб қўядиган бўлдилар...

* * *

Маҳдуми Аъзамнинг ажиб одатлари бор эди, — ҳаёл қила кетди Хожа Ислон. Ёшлари етмишдан ошиб саксонга яқинлашгач, тахтиравонда ўтириб, Самарқандни сайр қиладиган бўлдилар. Тўрт нафар хос хизматкор кун бўйи тахтиравонни елкаларида кўтарганча гузарма-гузар юриб, пирни шаҳар айлантирардилар. Баҳорда Дарғом суви тошди-ю, яқин масофадаги қабристонларни сув босди. Шунда Даҳбед халқи Маҳдуми Аъзамга: «Каромат кўрсатиб, Дарғом дарёсини жиловлаб қўйишни» илтижо қилди. Маҳдум буюрдиларки, мироблар дарёнинг саёзроқ жойини аниқлашсин. Миробларнинг уч кунлик ҳаракатлари натижасиз бўлди.

«Дарғом дарёси ҳаддидан ошган, унинг на боши кўринади, на бели. Ҳамма умид Сиздан ҳазрат...» Маҳдуми Аъзам эрталаб тахтиравон келтиришларини айтдилар. Эрта саҳарлаб тахтиравон келтирилди. Пир тахтиравонга ўтириб Дарғом соҳилига бордилар. Тахтиравон кўтарган хос хизматкорлар олдинда, ҳали ўн ёшга тўлмаган Хожа Ислон орқада. Йўл юрдилар, узоқ юрдилар, Дарғом соҳилига етганларидан кейин тахтиравон ерга



қўйилди. Махдуми Аъзам ундан тушиб, соҳилга яқинлашдилар. Кулайроқ жойга ўтириб олиб, узоқ қироат қилдилар. Ҳар бир такбир бандида қўллари соҳил лабига қўйиб «Тинчлан, тинчлан она Дарғом. Ҳамманинг оромини буздинг. Энди бўлди-да», деб секин-секин силагандай бўлардилар. Сўнг ўрниларидан туриб, дарё томонга қараб «Шиффо» деб дам солдилару ортларига, тахтиравонга қайтдилар. Уйга келиб тиловатда ҳам эдиларки, хушxabар келди: «Дарғом тинчланиб асл ҳолига қайтибди. Сув тошқини тамом. Ҳамма унинг хавфидан қутулди». Махдуми Аъзам хабарни эшитиб жилмайдилар: «Бу зикри «хў»нинг каромати, биродарлар. Зикри «хў» шундай қудратга эгаки, ҳатто бу зикр билан ҳаддидан ошган душманнинг ҳам калласини сапчадай узиб ташлаш мумкин...»

Қизик, биринчи марта Махдуми Аъзамни тахтиравонда кўриб Хожа Исломнинг энсаси қотди. Бобоси пинжига кириб қўзига ёш олди:

— Хизматкорларга бу не кўргулик? Кун бўйи Пирни тахтиравонда кўтариб юриш оғир иш эмасми, бобожон?

— Бу ҳам хом сут ичган банданинг бир қусури болам. Баъзилар буни Пирга ҳурмат ҳисобидан ҳазм қилар. Аммо сиз, бобо неварога қараб, энди тушунгандирсиз, тинчланинг, деди-ю Махдуми Аъзамнинг тахтиравондан тушиб, улар томонга келишларини кутди. Ушанда Хожа Ислом энди ўн ёшга қадам қўйган эди. Бобоси Хожа Яхё уни Самарқанднинг Дахбедига, Махдуми Аъзамнинг ҳузурига олиб борди. Махдуми Аъзам бобо-ю неварани хуш қабул қилиб олди. Хожа Исломни муридликка қабул қилиш маросимидан кейин Хожа Яхё Бухорога қайтди-ю, неваро хизматда, Самарқандда қолди.

Ҳар эрталаб қироатдан сўнг тахтиравон келтирардилар. Махдуми Аъзам унда ўтириб, бутун Дахбедни айланишга чиққанларида орқаларидан Хожа Ислом эргашар эди. Ора-ора тахтиравон юки остидаги хос хизматкорлар юзидаги терларни илтифот юзасидан қўлрўмолчаси билан артаётган Хожа Исломнинг қулоғи остида бобосининг ҳикматли гаплари янграрди: «Эҳ, болам. Мен Оллоҳнинг содиқ қулиману менга қул чикора?» Муриду пирликнинг учинчи йили ҳазратдан руҳсат олиб Бухорога дийдорлашиш учун қайтган Хожа Ислом ота-боболари қабри зиёратига борди. Шомга яқин Абу Бакр Фазл қабрлари бошига қайтиб, тунни қироатда ўтказмоқчи бўлди-ю, чиллахонага ўтди. Соат ўтмай хожани ташқарида кимдир чақиргандай бўлди. Чиқиб қаради. Қабрнинг қибла томонида ўсган гужум дарахти остида оппоқ кийинган нуроний чол турарди. Мулозамат кўрсатиб ҳузурларига борди:

— Нима хизматлари бор эди, ҳазратим?

— Бизни танидингизми Хожазода?

Хожа Ислом жилмайиб, боши билан «йўқ» ишорасини қилди.

— Амир ул-мўъминин Шохимардон Муртазо Али Каромуллоҳ важҳадурмиз. Биз Сизнинг катта бобонгиз. Хотиранингизга тушдимиз?

— Оре, оре. Ҳаяжондан Хожа Исломни титроқ босди.

— Яқинроқ келинг, ха, мана шундай.

Али Каромуллоҳ Хожа Исломнинг пешонасидан ўпдилар. Кейин «хў» зикрини талқин қилиб, лабларини Хожа Ислом лабларига қўйиб, уч марта дам солдилар:

— Биз Сизга «хў» зикри билан дам солдик. Бундан кейин Сизда икки

карра соҳибкароматлилик ҳосил бўлғай, бўтам. «Хў» зикри зикри хос ал-хосдир».

Али Каромуллоҳ бу гапларни айта туриб, кўздан ғойиб бўлдилар. Қабр бошидаги тафсилотни эртаси эрталаб Хожа Ислон боболари Хожа Яҳёга айтиб берганида ҳазрат кўзларига ёш олиб, шод бўлдилар.

— Менинг зурриётимдан бўлган зурриёт келажагини руҳлар унутмаганига минг шукр. Али Каромуллоҳ бобонгиз Сизга устози увайсийлик қилибдилар. Бу лутфу карам маҳсулини энди фақат Бухорою унинг халки осойишталигию равнақи йўлида сарф айланг, бўтам!!!

ИККИНЧИ КУН

Ҳазрат хаёлга чўнди: «Убайдуллоҳон подшоҳ бўлди-ю, фурсат ўтмай Нажми Соний Эрондан қизилбошларни бошлаб Бухоро томон ёпирилиб келди. Самарқандни фатҳ этиб Миёнкол, Кармана устидан Фиждувонга қараб келаверди. Фиждувон қалъаси душман қўлида қолди. Шоҳ Жонибек Султон билан маслаҳатлашиб таваккал қилдилар. Бор лашкарни йиғиб жангга отлангирди. Ўша соатда Хожа Ислонга одам юбориб, дарборга чақиртирилди. Хожани шоҳ кўзда ёш билан қаршилади.

— Пайғамбарзода, кароматингизга суяниб қолдик. Душман Фиждувон қалъасига ўрнашиб олган. Эрта-индин Зарангарийни қўлга киритса, у ёни тамом, деяверинг. Биз Бухоросиз қандай яшаймиз?..

Ўртада жимлик чўкди. Фақат шоҳнинг хўрсинишлари жимликни бузиб турарди. Пирнинг боши қаттиқ қизиди. Қўллари муштга айланди:

— Бу қизилбош-авбош, Нажми Соний ҳаддидан ошди. Бухорони бесоҳиб, пирларини кароматсиз санабдилар-да Нажми Соний. Мадомики, вазият шундай экан, урушга қарши урушиш жоиз. Ўнг юзимизга бир тарсаки тортган қизилбошларга чап юзимизга ҳам «тарсаки тушуриг», деб тутмаймиз-ку. Энди ўзларидан кўрсинлар. Бухоро лашкари фаним устидан зафар қозонгунга қадар биз ҳам жангчимиз, Шохим!!!

Хожа Ислон Убайдуллоҳон ҳузуридан чиқиб, тўғри Сумитанга, Абу Бакр Саъд қабри бошига келди. Қабр пойига чўкка тушганча тиловат қилиб пири комиллар руҳидан мадад сўради: «Ёнимда бўлинг, Абу Бакр Саъд. Бугун ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб Бухорони қутқармасак, эртага кеч бўлади. Бу замин тупроғи, ўзингиз айтгандай, нокаслар оёқ изларини ҳазм қилган эмас, қилмайди ҳам».

Ғойибдан нидо келди: — Хожазода, пайғамбарзодалар сабабсиз лутф этмаганлар «Бухоро ҳар куфр бошини ёйди» деб. Бораверинг, ортингизда биз бормиз. Бурқи Сармаст ариғи ўнг қирғоғида ўтириб «хў» зикрини тиловат айланг. Мушкулот ҳосил бўлғай, Оллоҳу акбар!!!

Хожа Ислон саждадан шод бош кўтарди. Кавшқашда суғуриб қўйган ковушини оёққа илиш ҳам хаёлидан кўтарилиб маҳсичан, яёв Фиждувон томон йўлга тушди. Бурқи Сармаст ариғи лабига югуриб келдими, учиб келдими аниғи йўқ. Фақат шунисини эслайдик, ҳамма жойда ур-йикит, душман Фиждувон қалъасидан мўр-малахдай чиқиб Зарангарий қалъаси хужумига отланган. Қалъа девори устидан ҳимоячиларнинг бақириб-чақи-



риб, палаҳмондан душман томон тош отишлари-ю, найзабозликлари натижасиз... Қалъанинг қуёшчиқар томонида, Бурқи Сармаст арифининг ўнг соҳилида, қиблага қараб ўтириб олган Хожа Ислон зикри «хў» тиловатига тушди. Тиловатнинг ҳар такбирида «Бухорони топташ қасдида келган душман завол топиб, шарманда бўлсин, «суф», деб ғаним томон дам сола берди. Орадан 2—3 соат вақт ўтиб қийқириклар, виждувонликларнинг арслондай найзабозликка ўтишлари билан жанг шиддат олди. Зарангарий қалъаси ичкарасидаги баҳодирлар ҳамма дарвозаларни очиб ғаним устига ёпирилиб келиб душман бошларини сапчадай узиб ташлаганларида шох Убайдуллохоннинг ўзи ҳам от суриб, жангга кириб кетди.

Яна такрор-такрор тиловат, «хў» зикрининг талқини. Душман томонга қараб «куффор» деб дам солишлар. Пайғамбарзода терга ботиб кетди. Елкалари ўзидан-ўзи қанот чиқариб, парвоз қилиб тургандай. «Ё, қудратингдан». Кўзига кўриндим, ё ҳақиқатан ҳам шундай бўлдими, рўпарасида ўша саркаш Бурқи Сармаст турарди. Бир оёқда тикка турганча илтижода: «Дўзах, душман юзига юзимиз тушмасин, ё Оллоҳ, ё Оллоҳ». Хожазода ўрнидан югуриб туриб, шу алфозда Бурқи Сармастни тавоф этмоқчи эди... ҳаракатлари зое кетди. У кўздан ғойиб бўлди.

Қуёш ботди. Теварак-атрофни қоронғулик қоплади. Ҳазрат тиловатдан бир дам тўхтаб, телбаваш оқаётган Бурқи Сармаст арифидан кафтида сув олиб ичди. Зилолдай сув шукронасини Оллоҳга қилиб яна зикрга тушди. Қалъани ҳимоя қилиш, душманни ер тишлатиб асир олишлар тонгга қадар давом этди. Ўт-олов ичида ёнаётган Фиждувонга кўзда ёш билан қараган Хожа Ислон «хў» зикрини овоз чиқариб ўқиб такбирда Нажми Соний «Ал-фирот» оятини ўқиб, изига қайтсин, қизилбош, авбошлар асир тушиб шармандаи шармисор бўлсин», деб дам солиб, «куффор» деди-ю, қалъа томонга қаради. Фурсат ўтмай, зафар қийқириклари бутун туманни қоплади. Ур-йиқит оломон орасидан Убайдуллохон бир алфозда югуриб келиб Хожа Ислоннинг рўпарасида отдан туша солиб, уни кучоклаб олди.

— Ҳазратим, биз ғалаба қилдик. Қаранг, қаранг. Душман «Ал-фирот» оятини ўқиб чекинди. Тиланг, тилагингизни!!!

Хожа Ислон ўрнидан турди. Ҳаяжондан кўзига такрор-такрор ёш келди.

— Бизу бухорийлар учун Ватаннинг тинчу осойишталигидан бўлак ўзга тилагимиз йўқ. Зафарингиз барқарор бўлсин, Шоҳим. Энди биз кетдик!!!

Хожазода ғолиб аскарлар орасидан ўтиб, катта йўлга тушди. Изидан меҳр, хайрат, миннатдорчилик кўзлари билан қараб турган шохнинг кўзи Хожа Ислоннинг маҳсичан оёғига тушди. Пир Бухородан маҳсичан келиб, маҳсичан кетяпти. Убайдуллохон бир сакраб Хожа Ислонга етди:

— Ҳазрат, менинг отимда кетинг. Сарпо буюрдим. Ахир маҳсичансиз.

— Ранж тортиб келдик, эвазига зафар топдик. Шуниси бизга кифоя. Ковушимиз Сумитаннинг кавшкашонида қолган. Ҳозир бориб киямизу Жўйбори Калонга ўтамиз. Сиз безовта бўлманг, Шоҳим!

Эрта эрталаб Убайдуллохон жангда ғолибларни тақдирлаш даврасига Хожа Ислонни чорлаб:

— Хизматингиз ер билан осмон қадар тақдирлашга лойиқ. Сизга Фиждувон, Шофиркон томон сара мазралардан 20 жуфти гов ер тухфа этдик, пайғамбарзода.

Хожа Ислон шох рўпарасида кулимсираб туриб «Қоф» сурасининг



иккинчи оятини кироат қилиб, оятни сўзма-сўз шарҳлади: «Бас, ким парвардигорига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин. Ва парвардигорига бандалик қилишда бирор кимсани унга шерик қилмасин. Қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин. Оллоҳу акбар...»

Ҳаракатлари ҳаммани бармоғи хайрат тишлатган хожазода Аркдан бошини баланд кўтариб чиқди. Абу Ҳафс Кабир дарвозасининг гулдастаси орқали шаҳристон девори устига чиқиб Бухоронинг бор жамолини мириқиб томоша қилди. Мағоки Атторий томон қўлини силкитиб, кўзи Жўйи Зарга тушди.

— Бухорони ширин сувдан шодком қилаётган Жўйи Зар, сенга қасам-ким, то жоним бор экан, Бухоро учун хизматдаман, — деди шоду мағрур. Деворни айланиб юриб ҳар бир дарвоза паллалари нақшларига лаб босиб «Фатх» сураси оятларини талқин қилиб, такбир айтди. Шинаклар кўзидан гузарларга қараб: «Ва-с-сафот» сураси оятларини (Саф тортиб турувчиларга қасам) ўқиб дам солди. Дарвозаи Гўриёнда Сиёвуш руҳига тиловат бажо айлаб, минора томон ўтди. Минора белларини қўллари билан сийлаб туриб лаблари пичирлади: «Биз зафар кучдик Минора. Нажми Сонийю қизилбошлар Бухорони мағлуб этиш ҳавасида эдилар. Шикаст топдилар. Нима, уларнинг тахминича, Бухоро бесоҳибми? Мана, хато тахминнинг оқибати. Урушда дорга осилган лашкарбошилар томон қарамадим. Улар густоҳ халқ. Шайтон йўлига кирган нодон банда. Шайтон шериклари башарасига қараш менга рост келмас Минора...» Мағоки Атторий масжидига ўтиб, руҳи кўтарилиб қайтди. Абу Бакр Саъднинг гапи хотирасига келди: «Бухоро шоҳи қаламрави атрофини девор оламиз деб ҳузурига келган ақобирларларга жавоб қилган экан: То мен тирикман, шаҳрим атрофида девор уриш шарт эмас. Бухоронинг етти қават эмас, бундан кейин етмиш қават девори мен бўламан. Сизларга жавоб...»

Елкаси нақ гуллаган бухорий гужум бўлган-да, ўша шоҳнинг, — овоз чиқариб айтди ўзига. Бутун ташвишлар қушдай кўниб, булбул бўлиб сайраган. Бу ҳам илоҳий каромат Бухоро толеъига...

Хожа Ислом Солорҳаж дарвозасига етиб келиб шаҳар девори юзига юзини босди. Деворни тўйиб-тўйиб ҳидлади. Унда сут хиди анқирди. Деворни ўпди, пешонасини деворга қўйиб, сураи «Қамар»ни ўқиб юзига фотиҳа тортди: Деворидан сут хиди анқиган шаҳар тупроғига ғанимнинг оёқ қўйиб киришига рухсат бериш асло мумкин эмас. Худонинг қаҳри келади. Биз эса Ғиждувонда, фатх, зафар йўли билан Оллоҳ юрагига кирдик. Зафар сенга ҳам қуллуқ бўлсин бухорий девор!!!

У Хожа Яҳё ҳузурига қайтиб, шоҳ марҳамати — 20 жуфти гов ерни мукофотга бергани-ю, у бўлса рад этгани хабарини айтганида Хожа Яҳё хотири сал ғуборли бўлди:

— Шоҳ марҳаматини лутфи Оллоҳ дейдилар. Рад этганингиз менга унчалик маъқул келмаяпти. Биздан ортадиган бўлса бева-бечораларга бўлиб берардик. Сизнинг кароматингиз мукофоти улар учун ризқи ҳалол бўлади, болам!

— Қиблагоҳ, унда эрта эрталаб шоҳ ҳузурига қайтиб борсам бўлар-а!

— Бўлади, фақат Ғиждувон, Шофиркон туманларидан эмас, ўзимизнинг Сумитанга туташ ерларимиздан сўранг, ўғлим.

— Хўб бўлади...



Шундан сўнг бобо, неваранинг суҳбатлари — талқини зикри «хў», дам солишлари галаба тўғрисида бўлди. Ҳазрат ўша пайтда Бурқи Сармастинг ўнг оёқда тикка турганини кўриб хайратда қотиб қолганини бобосига нақл қилди:

— Бу не мурувват бўлди менга, қиблагоҳ?

— Бурқи Сармаст Оллоҳнинг эркаси. У нимаики сўраса Оллоҳ бекаму кўст берган экан. Фақат битта айтгани бўлмабди. Бурқи Сармаст бир оёқда қирқ йил тикка туриб, Худодан дўзахни йўқот деб сўраган экан. Зарангарий жангида у ёрдамга келган, хожазодам!

УЧИНЧИ КУН

Тонг билан «Вал-фажр» сурасининг сўнгги оятларини қироат этган Хожа Ислумни хотиралар гирдобига тортди:

— Умрим зое кетмади Бухоро тупроғида. Убайдуллоҳоннинг ўғли Абдуллазизхон подшоҳу биз Қарши чўлининг Фармойиш мавзесида айланиб юрибмиз. Чопар келди. «Бухорога тез қайтар экансиз»...

— Нимага? Яна не савдо? — чопардан сўради Хожа Ислум.

— Сизга огоҳ бўлмадимиз? Бухоро шахристонини атроф хонлари қуршаб олиб, қамал қилдилар. Ягона илинж — Сизнинг кароматингиз. Абдуллазизхон, шуни истаяптилар.

— Бухоро қамалда, — ёқа ушлади Ҳазрат. Густоҳларнинг бундай иш тутишларига қандай ҳадлари сиғди? Наҳот энди белларининг қарсиллаб синишидан қўрқмасалар?

Хожа Ислум қаттиқ хаяжонда уловни ҳам унутиб яёв йўлга тушди. Боши қаттиқ кизиди. Чап кўкрагига зирқ-зирқ оғриқ кирди. Кўзларидан шашқатор оқаётган ёшларни қўл кафти билан артгандай бўлиб, чопиб борарди. Йўқ, балким, учиб бораётгандир. Ахир Бухоро ўт-олов қуршовида бўлса-ю у сайру гашт билан банд. Хожазода оёғи ерга тегиб тегмаслигини ҳис этмас, шамолдай Бухоро томон югурганча бир сўзни такрорларди: «Пирлар башорат қилган: «Бухоро — халқи волиб. Ўрнида ухлаб ётган пайтда ҳам тангри йўлида қиличини қинидан суғурган кишидек — шаҳар. Башорат бу — башорат. У Оллоҳнинг гувоҳлик каломи, нодонлар!!!»

Ортидан от билан етиб келган ҳамроҳлари хожазодани қистаб отга миндирдилар. Қанча вақт ўтди. У англагани йўқ. Фақат Солорҳаж дарвозаси рўпарасида отдан тушганини билади. Тиз чўкканча дарвоза остонасини ўпди, кейин шахристонга кирди. Шахристон ичи тўс-тўполон. Тутун, чанг. Ким қаерга кетаяпти, билиб бўлмасди. Шох чодирига ҳам ўтмай, тўғри Абу Ҳафс Кабир дарвозаси томон ўтди. «Вақт-ғанимат, фурсатни эса бой бермаслик лозим. Она Бухоро бир инграсами, юрагим орқа курагим остидан узилиб чиқиб, нақ итларнинг оғзига тушади-я, бохудо!!!»

Баҳодирлар девор устидан туриб душманга ҳамла қилар эдилар. Хожа Ислум уларнинг ориятлари жавҳарларини оширадиган сўзлар айтиб, шижоатга чорлади:

— Бардам бўлинг, мудом Худодан огоҳу Оллоҳ Сиздан бохабар, бухорийлар. Мана мен, ёнларингиздаман, қанотингиз остида ўтириб, бир жанг қилайки, душманнинг бути йиртилсин, Оллоҳу акбар!

Абу Хафс Кабир дарвозаси гулдастасининг пиллапояси орқали девор устига чиқиб, деворни отдай миниб олди: «Ана энди душман ўзидан кўрсин». Қиблага юз буриб зикри «хў»ни бошлади. Қўллари девор бошини маҳкам тутганча душман томонга қараб ҳар бир «куффор» деганида, гўёки бутун ер титрагандай бўларди. Қуёш тепага келди. Булутлар тарқалди. Шаҳар устидан тутун-чанг узоқлашди. Кун шомга қараб оғди. Ҳазрат деворни от қилиб минганча «хў» зикрини тиловат қилиб, душман томонга дам солиб «куффор» дерди. Зикр такбирида: «Оллоҳ, Оллоҳ, Бухоро душманларининг белларини синдир, улар шарманда бўлсин, Бухоро — ғолиб!!!», — сўзлари янграрди.

Сура сурага зам бўлиб келар, «Ва-с-саффот» сураси ортидан «Зумар», «Зумар» сураси «Ғофир» сурасига уланар, «Духон» сураси ўқилганда тутун камайиб, душман мағлуб бўлиши ойдинлашди. Ҳазрат «Анбиё» сурасини ўқиб, пайғамбару кароматли пирларга илтижо қилди: «Бухоро қуёшдек озоду беғубор қолсин». «Жосия» сураси талқинидан кейин ғанимлар тиз чўкиб, ғалаба нақд бўлди. Бухоро дарвозаларидан шиддат билан чопиб чиққан баҳодирлар душман лашкарларининг урдугоҳига бориб, сардору йўлбошчилари билан бирга бурдалаб ташладилар. Пирнинг кароматлари амалини қилган эди. Лашкар тортиб, Бухорони эгаллаш илинжида кечаларни бедор ўтказган очкўз шоҳлар қарадиларки, Хожа Ислом Бухоро деворини от қилиб миниб олган. Унинг девордан тушиш хаёли йўқ. Тиловат айлаб улар томонга қараб дам соляпти. Пирнинг девор устидан чақиндек овози янгради:

— Эй густоҳ ғанимлар, вақту фурсат борида этакни йиғиштиринг. Бухорода ғаним учун игна сиғарчалик жой йўқ. Бўлмайди ҳам. Бухоро хамиша ғолибу музаффар, қахрамон бўлгай, Оллоҳу акбар!

Баланд девор устида оппоқ кийинган Хожа Ислом узоқдан қанотли фариштадай кўринарди. Унинг бу ҳолатлари шоҳларнинг ҳафсаласини пир қилди. Шоҳлар орқага чекиндилар. Улар ортидан кўтарилган чанг-тўзон бир дам ўтмай тинди-ю, хотиржамлик ҳукмрон бўлди. Хожа Ислом ўрнидан кўзгалди. Девор устидан туриб пастга кўз ташлади. Шаҳар аҳли бир-бирини қутлашу шарафлаш билан сархуш. Шоҳ Хожа Исломни зафар билан қутлаш учун Абу Хафс Кабир дарвозасигача келиб, пайғамбарзоданинг девордан пастга тушишини интизорлик билан кутарди. Ҳазрат қочиб бораётган мағлуб шоҳлар томон сураи «Анкабут» («Ўргимчак»)ни қироат қилиб «куффор» деди-ю шаҳар ичкараси томон юзини қайтариб, сураи «Фатҳ» («Ғалаба»)ни ўқиб, Бухорога дам солди:

— Биз, доим ғолибу ғолибларни раҳмли ва меҳрибон ҳақ қўлласин хамиша... Оллоҳу акбар.

ТўРТИНЧИ КУН

Ўғли Хожа Саъдга буюрди:

— Бизга ҳамроҳ бўлинг. Шаҳар айланамиз.

Тонг билан Боғи Даштдан йўлга тушган Хожа Ислом қуёш даргоҳидан бош кўтарган пайт Абу Хафс Кабир дарвозасидан Бухоро шахристонига кириб Имоми Хожатбарор қабри зиёратига ўтди. Қабристон ёнидаги қадим



Шундан сўнг бобо, неваранинг суҳбатлари — талқини зикри «хў», дам солишлари галаба тўғрисида бўлди. Ҳазрат ўша пайтда Бурқи Сармастинг ўнг оёқда тикка турганини кўриб ҳайратда қотиб қолганини бобосига нақл қилди:

— Бу не мурувват бўлди менга, қиблагох?

— Бурқи Сармаст Оллоҳнинг эркаси. У нимаики сўраса Оллоҳ бекаму кўст берган экан. Фақат битта айтгани бўлмабди. Бурқи Сармаст бир оёқда кирқ йил тикка туриб, Худодан дўзахни йўқот деб сўраган экан. Зарангарий жангида у ёрдамга келган, хожазодам!

УЧИНЧИ КУН

Тонг билан «Вал-фажр» сурасининг сўнгги оятларини қироат этган Хожа Ислумни хотиралар гирдобига тортди:

— Умрим зое кетмади Бухоро тупроғида. Убайдуллоҳоннинг ўғли Абдуллазизхон подшоҳу биз Қарши чўлининг Фармойиш мавзесида айланиб юрибмиз. Чопар келди. «Бухорога тез қайтар экансиз»...

— Нимага? Яна не савдо? — чопардан сўради Хожа Ислум.

— Сизга огоҳ бўлмадимиз? Бухоро шаҳристонини атроф хонлари қуршаб олиб, қамал қилдилар. Ягона илинж — Сизнинг кароматингиз. Абдуллазизхон, шуни истаяптилар.

— Бухоро қамалда, — ёқа ушлади Ҳазрат. Густоҳларнинг бундай иш тутишларига қандай ҳадлари сиғди? Наҳот энди белларининг қарсиллаб синишидан қўрқмасалар?

Хожа Ислум қаттиқ хаяжонда уловни ҳам унутиб яёв йўлга тушди. Боши қаттиқ қизиди. Чап кўкрагига зирқ-зирқ оғриқ кирди. Кўзларидан шашқатор оқаётган ёшларни қўл кафти билан артгандай бўлиб, чопиб борарди. Йўқ, балким, учиб бораётгандир. Ахир Бухоро ўт-олов қуршовида бўлса-ю у сайру гашт билан банд. Хожазода оёғи ерга тегиб тегмаслигини ҳис этмас, шамолдай Бухоро томон югурганча бир сўзни такрорларди: «Пирлар башорат қилган: «Бухоро — халқи ғолиб. Ўрнида ухлаб ётган пайтда ҳам тангри йўлида қиличини кинидан суғурган кишидек — шаҳар. Башорат бу — башорат. У Оллоҳнинг гувоҳлик каломи, нодонлар!!!»

Ортидан от билан етиб келган ҳамроҳлари хожазодани қистаб отга миндирдилар. Қанча вақт ўтди. У англагани йўқ. Фақат Солорҳаж дарвозаси рўпарасида отдан тушганини билади. Тиз чўкканча дарвоза остонасини ўпди, кейин шаҳристонга кирди. Шаҳристон ичи тўс-тўполон. Тутун, чанг. Ким қаерга кетаяпти, билиб бўлмасди. Шоҳ чодирига ҳам ўтмай, тўғри Абу Ҳафс Кабир дарвозаси томон ўтди. «Вақт-ғанيمات, фурсатни эса бой бермаслик лозим. Она Бухоро бир инграсами, юрагим орқа курагим остидан узилиб чиқиб, нақ итларнинг оғзига тушади-я, бохудо!!!»

Баходирлар девор устидан туриб душманга ҳамла қилар эдилар. Хожа Ислум уларнинг орийтлари жавҳарларини оширадиган сўзлар айтиб, шижоатга чорлади:

— Бардам бўлинг, мудом Худодан огоҳу Оллоҳ Сиздан бохабар, бухорийлар. Мана мен, ёнларингиздаман, қанотингиз остида ўтириб, бир жанг қилайки, душманнинг бути йиртилсин, Оллоҳу акбар!



Абу Ҳафс Кабир дарвозаси гулдастасининг пиллапояси орқали девор устига чиқиб, деворни отдай миниб олди: «Ана энди душман ўзидан кўрсин». Қиблага юз буриб зикри «хў»ни бошлади. Қўллари девор бошини маҳкам тутганча душман томонга қараб ҳар бир «куффор» деганида, гўёки бутун ер титрагандай бўларди. Қуёш тепага келди. Булутлар тарқалди. Шаҳар устидан тутун-чанг узоқлашди. Кун шомга қараб оғди. Ҳазрат деворни от қилиб минганча «хў» зикрини тиловат қилиб, душман томонга дам солиб «куффор» дерди. Зикр такбирида: «Оллоҳ, Оллоҳ, Бухоро душманларининг белларини синдир, улар шарманда бўлсин, Бухоро — ғолиб!!!», — сўзлари янграрди.

Сура сурага зам бўлиб келар, «Ва-с-саффот» сураси ортидан «Зумар», «Зумар» сураси «Ғофир» сурасига уланар, «Духон» сураси ўқилганда тутун камайиб, душман мағлуб бўлиши ойдинлашди. Ҳазрат «Анбиё» сурасини ўқиб, пайғамбару кароматли пирларга илтижо қилди: «Бухоро қуёшдек озоду беғубор қолсин». «Жосия» сураси талқинидан кейин ғанимлар тиз чўкиб, ғалаба нақд бўлди. Бухоро дарвозаларидан шиддат билан чопиб чиққан баҳодирлар душман лашкарларининг урдугоҳига бориб, сардору йўлбошчилари билан бирга бурдалаб ташладилар. Пирнинг кароматлари амалини қилган эди. Лашкар тортиб, Бухорони эгаллаш илинжида кечаларни бедор ўтказган очкўз шоҳлар қарадиларки, Хожа Ислон Бухоро деворини от қилиб миниб олган. Унинг девордан тушиш хаёли йўқ. Тиловат айлаб улар томонга қараб дам соляпти. Пирнинг девор устидан чақиндек овози янгради:

— Эй густоҳ ғанимлар, вақту фурсат борида этакни йиғиштиринг. Бухорода ғаним учун игна сифарчалик жой йўқ. Бўлмайди ҳам. Бухоро ҳаминиша ғолибу музаффар, қахрамон бўлмай, Оллоҳу акбар!

Баланд девор устида оппоқ кийинган Хожа Ислон узоқдан қанотли фариштадай кўринарди. Унинг бу ҳолатлари шоҳларнинг ҳафсаласини пир қилди. Шоҳлар орқага чекиндилар. Улар ортидан кўтарилган чанг-тўзон бир дам ўтмай тинди-ю, хотиржамлик ҳукмрон бўлди. Хожа Ислон ўрнидан кўзгалди. Девор устидан туриб пастга кўз ташлади. Шаҳар аҳли бир-бирини қутлашу шарафлаш билан сархуш. Шоҳ Хожа Ислонни зафар билан қутлаш учун Абу Ҳафс Кабир дарвозасигача келиб, пайғамбарзоданинг девордан пастга тушишини интизорлик билан кутарди. Ҳазрат қочиб бораётган мағлуб шоҳлар томон сураи «Анкабут» («Ўргимчак»)ни кироат қилиб «куффор» деди-ю шаҳар ичкараси томон юзини қайтариб, сураи «Фатҳ» («Ғалаба»)ни ўқиб, Бухорога дам солди:

— Биз, доим ғолибу ғолибларни раҳмли ва меҳрибон ҳақ қўлласин ҳаминиша... Оллоҳу акбар.

ТўРТИНЧИ КУН

Ўғли Хожа Саъдга буюрди:

— Бизга ҳамроҳ бўлинг. Шаҳар айланамиз.

Тонг билан Боғи Даштдан йўлга тушган Хожа Ислон қуёш даргоҳидан бош кўтарган пайт Абу Ҳафс Кабир дарвозасидан Бухоро шаҳристониغا кириб Имоми Ҳожатбарор қабри зиёратига ўтди. Қабристон ёнидаги қадим-



мий қудукдан челақда сув тортиб, сопол косага солиб ичди-ю, шукронасини Оллоҳга қилди...

— Бухоро чоҳлари булоқ кўзи устида қурилган, Хожазода. Булоқлар дарахт илдизларига ўхшаркан. Кароматни қарангким, шаҳристонда нечта булоқ бўлса, бир-бири билан занжирдай уланган. Ҳар бир булоқ кўзидан сув ичган одам ажиб таъмин англайди. Она-замин кўкрагидан қайнаб чиқаётган сув рангидаги сут. Қаерларга бориб неча булоғу ариқлардан сув ичмадим дейсиз? Аммо, Бухоро сувининг таъми бўлакча. Бир қултум ичсам бас, ўпкам гуллайди... Хожа Ислом ўғлига мамнун қаради.

Ота-бола шаҳристоннинг гузар, маҳаллаларини бир-бир айланиб Мозори Шариф дарвозасидан Ҳазрат Баҳо-ул ҳақ ва дин зиёратгоҳлари томон юз бурдилар. Ундан Хожа Каъбон Ахбори Вали тавофиға. Тиловатдан кейин сув оғзигача кўпчиб турган чоҳдан сув ичилди.

— Хожа Каъбон Ахбори Вали қудукларида ажиб ҳикмат бор, Хожазода, — деди ерда ўтириб олиб, энди сарғаяётган ажриқлар бошини қўли билан сийлаётган Хожа Ислом. — Ҳар йили Қурбон Ҳайити дамлари, уч кун қаторасига, кечаси соат учдан то тонгга қадар Оби зам-зам қудуғи суви Хожа Каъбон чоҳларига қўйилади. Бу ҳикматдан бохабарлар йид кунларида шу ерга зиёратга келадилар. Бу — ҳаж дегани, ўғлим!

Қудук сувининг каромати тўғрисидаги ҳикматни, балким бугун у юз биринчи марта айтаётган эди. Ҳар сафар шу ҳақда сўз бошласа Хожа Саъд худди биринчи марта эшитаётгандай жон қулоғи билан тинглаб: «Оллоҳ кароматига шукур. Бизни ҳеч бир аъло неъматидан бебаҳра қолдирмаган» дерди. Бу сафар ҳам одатдаги шукронасини айта туриб, ўнг қўлини отаси томон узатди:

— Туринг, қиблагоҳ, кетамиз. Салқин тушиб қолди. Йўлда йўтал тутиб, қийналасиз.

Ота-бола Жўйи Мулиённинг тахтиравондай тўлқинланиб оқишини томоша қила, томоша қила Бухоро шаҳристонига қайтдилар. Пир Жўйбори Берундаги китобхонасидан хабар олди. Ҳар бир китобни қўлга олиб чангини артгандай бўлиб, ўғлига тайинлади:

— Қўлёмалардан бундан кейин ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб турасиз. Биз бормизми, йўқ. Эсингизда бўлсин. Муҳаммад Авфий Бухорийнинг боболарингиз ҳақида битилган китобининг асл нусхаси шу ерда. Қўлёмма йўқолмаслиги керак!

Шу аснода уч кун бурун ғойибдан келган нидо-ю, ўн икки кундан кейин «кетиш» хабари, бугун учинчи кун эканлигини ўғли Хожа Саъдга айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтди. «Хожазодани тўрт кун бурун ғам беришга на хожат».

Шаҳристондан чиқдилар. Боғи Даштга олиб борувчи катта йўлга кирганларида рўпараларидан овчилар чиқди. Улар ўтиб кетгач, ҳазрат отини тўхтатиб, овчилар ортидан узоқ қараб қолди.

— Қиблагоҳ, не бўлди? Хожа Саъд хавотирда.

— А, йўқ, ўғлим, шундайки қарадим...

Йўл давом эттирилди. Хожа Ислом овчиларни кўрганидан кейин бутунлай хомуш тортиб қолди. Йўл узун, болалик хотиралари эса ундан ҳам узун... Ўшанда хожазода ўн саккиз ёшда эди. Ов қилиш баҳонасида Қарши чўлининг «Фармойиш» мавзесида чодир тикди. 3—4 кун ўтгач, ов



бароридан келди. Овчи итларини эргаштириб чиққан Хожа рўпарасидан кийиклар галаси ўтди. Овчи қушларини охулар устига ташлаб, от сурди. Итлар гала ортидан югуриб, фурсат ўтмай қаергадир гумдон бўлдилар. Хожа камондан кийиклар томон тир отди. Хато кетмади. Она кийикнинг чап ён томонига теккан тир уни ерга қулатди. Ўлжа ўрнидан туришга бирикки уриниб, сўнгра юз тубан йиқилдию... Хожа Ислом тўрт томонга қараб, овчи қушни чақирмоқчи бўлди. Бургут йўқ. Ҳамроҳларини чақириб, уларга бақирди: «Қани овчи қушлар, кўзларинг қаерда, ўлжа оёқ остида-ю. Э, саёқ бургутлар».

Ажиб ҳолат. Киприк қоққанчалик фурсат ҳам ўтмади. Охулар галаси ҳам, юз тубан йиқилган она кийик ҳам кўздан ғойиб бўлди. Шундоққина рўпарасида, ёниб турган олов устида ўтириб олиб, исинаётган чол турарди. Хожазода хайрон бўлиб, отдан тушди. Мулозамат кўрсатиб, чол билан кўришди.

— Ўлжангизни йўқотиб кўйдингизми, хожазода? — Фалати чолдан садо чиқди.

— Шундай... Нималар бўлаяпти, англолмаяпман, — Хожа Ислом титраб кетди.

Чол овоз чиқариб кулди-ю, кейин ҳаваскор овчига юзланди:

— Аҳли китоб авлодидансиз, хожазода. Биз олам аҳлининг икки ишидан жуда хайратдамиз. Биринчиси — Қуръонни далирона ўқийдилар. Иккинчиси — ўзлари ва биродарларига тараххум қилмайдилар. Хў ана ўлжангиз, ётибди қонга беланиб. Бориб олинг!

Хожа Ислом ўлжа томон кетмади. Тикка турганича қотиб қолган эди. Фалати чолнинг сўзлари қулоқларига такрор акс садо бериб турарди: «Ўзлари ва биродарларига тараххум қилмайдилар». Ўнг қўли панжалари беихтиёр очилиб, қўлидаги камони ерга сирғалиб тушди, елкасидаги садоқдонни олиб камон устига ташлади-да, ортига қайтди...

Ўшандан буён кўп йиллар ўтди. Қўли Қуръон, ҳадис, кетмон ва гулкайчини кўрди-ю, камону садоқдонни кўргани йўқ.

БЕШИНЧИ КУН

Бешинчи куни саҳарлаб боғ айланди. Кечки олма дарахти шохларидан мева териб, артгандай бўлди-да, тўйиб-тўйиб хидлади. Яна чордарага қайтиб, аёли билан катта ўғлини хузурига чорлади. Улар келиб ўтиргач, тўрт кун олдинги муборак нидо келгани-ю, шу ойнинг 26-жума куни «Худо дийдорига эришиш» хабарини айтиб, ортидан оят тиловат қилди: «Эй жон, парвардигорингни рози қилинган ва ундан рози бўлган ҳолда ўзига қайт».

Аёли, ўғли кўзига ёш олганларини кўриб, таъби хира бўлди:

— Хай, хай, бундай хушxabарга йиғи раво эмас, қувонмоқ даркор. Хожа Ислом—Муҳаммад пайғамбар наслининг зурриёди Худо дийдорига эришади-ю, кўз ёшими? Бу — тўй-ку, таъзия эмас.

Олтинчи кун ҳузурига кўнгил сўрашга келган ақобир, ашраф, азизлар билан суҳбат асносида мулозамат кўрсатди: «Етмиш йил ичида биз ва биз хожазодалар эришган нарсаларнинг барчаси мулкимиз ичидаги ва ташқарисидаги мукамал нарсалар. Ҳаммасини ҳазрат Хожа Калонга буюрдик. Биздан талаб қилган нарсаларингизни шу бугундан эътиборан фарзандимиз ҳазрат Хожа Калондан талаб қилинг. Унинг ошиёни эшиги ҳар доимдагидек Сиз, азизлар учун ҳамиша очик!»

Ақобиру ашроф кетдилару, уларни кузатиб чиққан Хожа Калон қайтиб чордарага кўтарилди. Ҳазрат рўпараларида ўтириб, кўзига ёш олди. Жимлик. Бу сукунатни Хожа Исломнинг хириллаб чиққан овози бузди:

— Хожа Калон, «қайтишим» кунни ўзингизни йўқотиб қўйманг. Укаларингизга ҳам гапим шу. Тадорикларингизни кўринглар. Хожа Исломнинг Оллоҳ дийдорига эришиши кунни катта тўй. Етмиш яшардан етти яшар таъзияхонга янги сарпо кийдириб юборинг. Бизнинг даргоҳимизда ҳамма вақт шоҳу гадо баробар!!!

Кечаси билан тиловат тинмади. Тонгга яқин ҳузурига Хожа Калон кирди.

— Мирзо чақирасизми ё ўзингиз... Хожа Ислом савол назари билан ўғлига қаради.

— Ўзим, қиблагох...

— Қоғоз-қалам олинг.

Хожа Саъд қоғоз ва қалам олиб ҳазратнинг лутфини кутди.

— Ўғлим, ҳар бир инсон ўлим шарбатидан тотгувчидир. Тангри хоҳлаган кишисини кўзининг нури томон йўллайди. Бизлар тангриники ва у томон боргувчилармиз. Бас, шундай экан, Сизнинг кўз ёш тўкиб ўтирингизга ҳожат йўқ. Марҳамат кўрсатиб, жанозахат ёзинг.

Хожа Ислом жанозахат жумлаларини айтиб турди. Хожа Саъд уни ёзди: «Меҳрибон ва ҳамиша раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Қандай бўлмасин, сафар ойининг 25-пайшанба кунини Сумитан деган жойга борсинлар. Тоқим тангрининг раҳмати мукофотини ва яхши жанозанинг савобини топсинлар».

— Бўлдими, ўғлим, овоз чиқариб ўқинг-чи?

Хожа Саъд жанозахатни овоз чиқариб ўқиди.

— Оллоҳга шукр. Энди жанозахатни кўпайтириб бугуннинг ўзида жўнатилинг. Эртагача қолса, кеч бўлар. Чорлаганлар етиб келолмасликлари мумкин.

— Ҳўп бўлади, қиблагох.

Ўғли ортидан миннатдор қараб қолган Пири Шастий кўзларидан қувонч, фарзанд дийдоридан ҳеч тўймаслик ёшлари оқиб тушаверди. Хожа ўзи билан ўзи гапирарди. «Қайнотамиз Муҳаммад Туман катта илтифот кўрсатдилар. Биринчи ўғлимиз туғилганида «невара кўрди»га Хуросондаги ерларини муҳрлаб, меросий бобо мулк қилиб бизга бердилар. Биринчи ўғлимиз пешонамизга сифмади... Муҳаммад Туман қизлари биздан хафагазак бўлиб юрдилар.

...Орадан бир йил ўтиб, унинг юрагини қувонч излаб келди. Муҳаммад Туман манғитнинг қизи яна ўғил туғди.

— Оллоҳ мени унутмади. Дастурхон бошида сутчой ича туриб шод бўлди ҳазрат, — ўғил дийдори бизга насиб бўлди!

Янги туғилган фарзандини Самарқандга, пири Махдуми Косоний хузурига олиб борди:

— Пирим, фарзандимизга ўзингиз исм қўйиб берсангиз. У менинг Бухором учун саодатманд ўғил бўлсин!

Махдуми Аъзам халифаси зурриёдининг пешонасидан ўпиб, икки елкасидан ушлаб, боши атрофидан уч марта айлантириб:

— Тахаллус қўйиш важидан дунё ва охиратда бу киши Хожа Калондирлар. Исми шарифлари Хожа Саъд. Бухоро учун албатта саодатманд ўғлон бўлгай, Оллоҳу акбар.

Махдуми Аъзам пирининг башоратлари ижобат бўлди...

ЕТТИНЧИ КУН

Кўзларини уйқу тарк этди. Юз рангида сариқлик, елкалари кичрайиб, оёқ-қўлларида мадор оз. Еттинчи куни Бухоро кузининг тонгги намчил хиди димоғига урилгач, ўрнидан қўзғалди. Ярим очик эшик ёнига келиб, ташқарига, сўнгра осмонга тикилди. Юлдузли осмон. Санасанг адашмайсан. «Беш кундан кейин кўзларим Бухоро осмони юлдузларини санашдан қолади. Эй, Оллоҳ, Сенга ширк бўлмасин-у, ато этган нафсинг-ку ширин, Бухоро жамолидан жудо бўлмоқ аччиқдан ҳам аччиқ экан. Мендан Бухоро учун икки киши ёдгор қолди. Биринчиси Хожа Калон — зоҳирлик ва ботинликда мартабага етиб, ақл ва фосихлик топди. Иккинчиси — Абдуллахон. Хожазоданинг лаблари эмас, юраги овоз чиқариб гапираётгандай. Башорат оят ўлчагичидаги хилқат. Қуёш нурини қудукда қамраб бўлмаганидай, башоратнинг ҳам илоҳий қолибини ҳеч қайси бир куч бузиб билмас экан. Абдуллахон биринчи дафъа қизилбош, авбошлар билан жангга отланганида фотиҳа сўраб хузуримга келди. Фотиҳа бериб футаимизни белимиздан ечиб, шаҳзода белига боғладик. «Фатҳ» сурасини ўқиб, икки елкасига дам солдик. Ғалабага ҳамиша мушарраф бўлди. Бухоро қаламравини душманлардан тозалаб осойишталик ўрнатди. Бир қултум сутни ҳам бизнинг ризолигимизсиз ичган эмас шаҳзода. Унинг қўл остидаги халқ ана шу яқинликни билиб, хонга айтиш учун илож, йўл, имконияти жуда мушкул муаммоларни мактуб орқали каминага билдириб, фатво сўрайдилар. Эҳ, бу мактублар, арзномалар! Камина ҳар куни тиловат қиладиган суралар оятидан ҳам кўп бўлса керак. Аммо, ҳаммаси муносиб жавобини олди. Эрта-индин мен Мавло хузурда бир томчи сутдай бўлиб турсам кошки эди...

Хожа яна хон, мактублар, фатво, йўл кўрсатишларга хаёлини бурди: Абдуллоҳ Баҳодирхон амакисининг қизи Махв Авлиё Султонимга уйланида ҳам совчиликка Хожа Саъд Калон Хожани Қаршига, келин зодгоҳига юборган эдик. Тўй ҳам тўйдайд бўлди. Қирқта безатилган отга сарполарини юклаб йўлга тушганимизда бутун шаҳар олқишу томошага чикди. Ҳатто ортимиздан болалар шаҳри Ислон қалъасигача бориб сўнгра ортга қайтдилар. Уйланди, фарзанд кўриб элга ош берди. Оқ фотиҳа сўраб:



«Ўзингиз ўғлим учун янги бешик ясашни буюринг» деганларида 60 та боғни айланиб чиқиб, бенуқсон қора тол дарахтини излаганим ҳамон эсимда. Хар куни хат, мактублар. Навбатдаги хат Сулаймон Султоннинг ўғли Маҳмуд Султондан келди. Лифофани очиб қарасам, арзнома: «Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан... Нур қишлоғида каминанинг онасига тегишли икки кориздан иборат мулки бўлиб, то ҳозиргача илгариги хонлар ва султонлар бу мулкни даҳуду солиғидан озод қилиб келган эди. Энди маълум бўладики, Олийҳазрат хоқон Нур қишлоғига келиб ўша мулкга даҳуду солиғи солиш тўғрисида амр қилдилар. Ҳатто Самарқанд, Тошқент ҳокимлари биз Балхга жўнаб кетганимизда ҳам бу мулкни даҳуду солиғидан озод қилганлар. Шу сабабдан камина одобсизлик қилиб Сизга мурожаат этадики, мурувват кўрсатиб, олий ҳазратларига камина ҳақида эслатиб қўйсангиз ҳамда ҳимоя қилсангиз. Бу — фақирларни сийлаш ва уларга ҳомийликнинг рамзи бўлур эди. ...Эҳтиром ила қулингиз Маҳмуд Султон Сулаймон Султон ўғли».

Орадан кун ўтмай Хожа Исломга Маҳмуд Султондан иккинчи мактуб келди. Мактубни ўқиб Хожа хавотирга тушди. Хусусан, номадаги «...Ҳуши Бий оталиқ этиб тайинланганларидан сўнг... Олий ҳазратларига маълум бўлсинким, биз давлат ишларида иштирок этишдан четлаштирилганмиз... Пошшоҳ деворига тегишли нимаики бўлса, ўз тасарруфига олиб, муқаррарий, ихрожат, ғаллот, мол ва бошқа солиқлар... девонга тушиши керак эди. Оқибатда вилоят тангликка юз тутди... Аҳвол шу ерга бориб етдики, бу кишилар мени Сизга шикоят ила мурожаат этишга мажбур қилдилар. Олий ҳазратлари оталиқнинг ножўя ишларини билиб қўйишлари керак...» деган жумлаларига тоқат қила олмай, ўғлига маслаҳат солди. Пир билан Маҳдумзодаи Оламиённинг фикри бир жойдан чиқди. Абдуллахонни кечқурун бир пиёла чойга таклиф этиб, суҳбат асносида ҳамма мактубларни қўлига тутқазди. Мактубларни ўқиб чиққан хоннинг икки чаккасидан совуқ тер чиқди:

— Ё Оллоҳ, наҳотки мен шунча саҳвликка йўл қўйган бўлсам, кўзим қаерда экан, пирим?

Хон қизариб, ҳазратга кўз тикди.

— Абдуллахон бўтам, киши кўзини сурат адаштиради, сийрат эмас. Хушбий оталиққа ўхшаган хушбичим йигитларнинг сохта такаллуфлари Сизни оз бўлса ҳам адаштирган бўлиши мумкин. Саҳвликни тушуниб унинг ислоҳи учун киришиш солиҳлик белгисидир. Онадан фарзандга қолган меросий мулкка солиқ солишда сал хушёрроқ бўлиш жоиз. Биз уларнинг кўкракларидан сут ичиб, оёққа турамиз. Қарздормиз. Яна даҳуду солиғи солишинг нимаси. Бесабаб бобомиз Муҳаммад пайғамбар: «Жаннат эшикларининг калити оналар оёғи остидадур» демаганлар-да, ўғлим.

Келишиб қилинган «Як пиёла чой хожагон» суҳбати пиру муршид ўртасида ҳар ҳафтада бўлиб турар, Хожа Ислом номига келган арзнома-лар шу ернинг ўзида хон билан бамаслаҳат ечимини топарди.

— Умрим зое кетмади, — боғ айланиб кўнглидан ўтказди ҳазрат.

САККИЗИНЧИ КУН

Саккизинчи кунга ўтар кечаси ҳазрат ҳаммани чорлаб, дийдорлашди:

— Эрта эрталаб Сумитанга борамиз. Бобомиз Абу Бакр Саъд қабрлари ёнидан хок жойи буюриб хонақоҳга ўтамиз. Баҳо-ул Ҳақ-вал-миллат валдин пиримиз ҳам Дарвозаи Об карвонсаройига бетоб бўлиб ҳужралардан бирида жон таслим қилганлар. Биз ҳам Сумитандаги хонақоҳда ғарибона оламдан ўтишни ихтиёр этдик. Бу ёғи Оллоҳ майли...

Ярим кечаси хожазода ҳеч кимга билдирмай Сумитанга қараб яёв йўлга тушди. Кузнинг кечки салқин туни, шамолнинг ярим яланғоч дарахтлар новдалари орасидан ўтиб шовуллаши юракда бошқача маҳзунлик уйғотарди. Йўлнинг ярмига етганида ҳазрат нафас ростлади. Кўзи йўлнинг у четидаги эгри ўсган дарахтга тушди. Ўтирган жойидан туриб секин-аста дарахтга яқинлашди:

— Ҳорманг Бухоронинг мева бериб бели толиққан хилқати. Қани, қаддингизни бир кўтаринг-чи. Бухорода одам бели тугул ҳатто дарахтларнинг ҳам қомати ҳам бўлмаслиги даркор. Ҳа, ҳа, ҳа, яна, яна... Ҳа, ана шундай.

Хожа Ислом ўнг қўлини дарахт белига қўйиб икки-уч кучангандай бўлди. Сўнгра ортига қайтиб, уч қадам ташламай дарахт новдалари қаттиқ силкиниб сал ғалатироқ овоз чиқарди. Яна беш-етти, тўққизгача санаб, орқасига, дарахтга қаради: «Ё кудратингдан». Қаддини тик тутган дарахт новдалари осмонга тегиб кетаётгандай. Энди кўнглимиз Сиздан ҳам тинчиди. Хайр, биз кетдик. Эй омборанг хилқат. Омон бўлинг.

У «Ал-исро» сурасини тиловат қилиб йўлга тушди. Сумитан қишлоғига бир чақирим қолганда йўл четидаги ўрик дарахти остида ўтириб нафас ростлади. Ҳассасини дарахтга суяб қўйиб хаёлга ботди. Хаёлида, ё Оллоҳ амри шундай бўлдими, ўрик дарахти сураи «Муҳаммад»нинг ўн бешинчи оятини қироат қилгандай бўлди: «Такво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли сифати будур: «Унда айнимаган сутдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам, ичгувчилар учун лаззатли майдан бўлган дарёлар ҳам, мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир. Парвардигорлари томонидан махфират бордир».

Пир вужуди кулоққа айланиб қироатни тинглаб, овоз чиқариб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға сақлаб чуқур нафас тортди. Дарахтнинг қироат охиридаги такбири бутунлай бўлакча эшитилди: «Япроқларимиз кафтида фаришталар, данагимиз ичида пайғамбар ухлаганидай, тунги соямизда нафас ростлаётган Пири Шастий, ортидан остонаси оятли Бухоро қолади. Оллоҳу акбар...».

Хожа Ислом кўзларидан икки томчи қайноқ ёш чиқиб рухсори бутун вужудини куйдириб юборди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КУН

Сумитанга етиб келиб, ковушини кавшкашонда суғуриб, узоқ тиловатга ўтирди. Кейин гўрковларни чорлаб, хок жойи буюрди. Хок жойи тайёр бўлгани хабарини олиб келган бола билан секин-аста қабр бошига борди. Сўнги макони тайёр эди. Кўрди. Қабр кўнглидагидек, ичига қуёш нури тушган, лаҳатгача ёруғ эди.





— Оллоҳ дийдорига етишнинг йўлбоши, — ерга чўкка тушиб ўтирди. Юзи қуёшботар томонга.

«Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Тангрининг шукрини жойига келтир, огоҳ бўл. Албатта, тангрига яқин бўлганларга ўлимдан қўрқиш ва на хафа бўлиш йўқдир. Биз тангри бандалари ва у томонга кетгувчилармиз. Эй жон, парвардигор рози бўлганида ва парвардигорни рози қилган ҳолда ўзига қайт, Эй жон, парвардигорнинг рози бўлганида ўзига қайт, Оллоҳу акбар». Юзига фотиҳа тортиб ўрнидан бемадор турди. Гўрковларнинг меҳнат ҳақларини тўлаб, бобоси ва тўрт кундан кейин ўзининг ҳам жасади ана шу ерга қўйиладиган қабр бошидан хонақоҳга қайтди. Куннинг қолганини-ю тунни тиловатда ўтказди.

ЎНИНЧИ КУН

Чошгоҳга яқин хушидан кетди. Ўзига келиб, хонақоҳ гумбази остига қаради. Равзандан нур тушар, осмоннинг бир парчаси кўриниб турарди. Тиниқ, тоза, беғубор ташқарида эса қушлар овози. Кўзини хотиржам ёпиб, фикрлашга тушди: Ўша куни ҳам осмон тиниқ, қушлар боғда сайраб бири-бирини чорлаган палла. Ҳазратга ғойибдан нидо келгандай бўлди: «Пайғамбарзода Самарқанд томон йўлга отланинг. Пирингиз омонатни холиқи ҳаққа топшириш майлидалар... Ё Оллоҳ, Махдуми Аъзам пиримиз бетобларми?» Ҳамма юмушларини жой-жойига қўйиб сафар бошини тутди. Ярим кечаси уловга миниб, чошгоҳ деганда Кармана работида отдан тушди. Эндигина қурилган сардобанинг муздаккина сувидан ичиб, юз қўлини ювди. Таҳорат олиб адои намозга ўтирди. Такбирда: «Эй меҳрибон, раҳмли Оллоҳ, ўзинг мадад кўрсат, пиримни тириклигида яна бир кўрай», — дедию юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Саройбон отини келтириб меҳнат ҳақини олиб ортига қайт-ди-ю, у Самарқанд томон йўлга тушди. Миёнкол худудига етганда тун ярмидин ошган, ахён-ахёнда отларнинг кишнаганларидан бўлак сас эшитилмас эди. Шу яқин орадаги работда отдан тушиб сув ичди. Отини суғориб ўтлантирди. Хуржундан охори кийим-бош олиб кийинди-да, овқатлангандай бўлиб, яна йўлига тушди. Бу сафар отга минмади. От арқонини қўлига тутганича пири ҳузурига яёв боришни ихтиёр этди. Тонг отар-отмас Даҳбедга кириб келиб, Махдуми Аъзам гузари томон бурилганда ортидан кимдир чақиргандай бўлди. Қайрилиб қаради. Ҳамсабоғи, пирининг ишончли шогирди Мавлоно Поянда Хожа Ислон томон қучоқ очиқ келаяпти.

— Шукр, шукр, Мавлоно Поянда. Сизни ҳам кўрар кунни қаранг...

Улар қучоқлашиб кўришдилар. Мавлоно Поянда Хожа Ислон кўнглидаги шоиртабиат халифа эди. Улар Махдуми Аъзам Хожа Косонийдан тариқат сабоғини олган паллаларида шеърлар машқ қилиб, бир-бирларига кўрсатиб ҳам турардилар.

— Қалай, Хожа Ислон, шеърлар ҳам ёзилаяптими? Девон тузибсиз. Эшитдим. Девони муборакларини қачон ўқиймиз? — Мавлоно Поянда Хожага гал бермай гапирар. Гапи тамом бўлмас эди.

— Ўзиям зап шеърларингиз борда пайғамбарзода. Сизни кўриб, битик-

ларингизни ўқисам бошқа дунёга парвоз қилиб юргандай бўламан. Ўша шеърини лутфу карам билан биз, фақирларнинг кўнглини яна қачон обод қиладилар ҳазратим? — Мавлоно Поянда ҳамсабоғига ҳавас тўла кўз билан қараб турар эди.

— Мавлоно Поянда, Сизни учратиб руҳим енгил тортди. Шеър бўлса шеърда дўстим. Хўш, айтинг-чи, пиримизнинг сихатлари қалай, саломат-милар?

Мавлоно Поянда сал жиддийлашди. У ёқ бу ёққа қараб, гап бошлади:

— Пиримизнинг сихатлари Оллоҳ иродаси билан ёмонлашди. Мен ҳам тонг саҳарлаб хабар олай деб чиқувдим уйдан, юринг-чи, гап билан Сизни ҳам сал чарчатдим чоғи.

Улар олдинма-кейин Махдуми Аъзам ҳовлиларига кириб борганларида пешвозларига пирнинг катта ўғиллари Муҳаммад Аминхожа чиқди. Муҳаммад Аминхожа Хожа Исломнинг этакларини юзига суртиб кўришгач, уларни отаси ётган уйга бошлади. Махдуми Аъзам ўлим тўшагида ётар, овзига пахтани хўллаб сув томизаётган дақиқаларида эшикдан кириб борган халаф-ул-хулафоларига кўзи тушди. Пири Хожага овоз чиқариб гапиролмади. Фақат миннатдор бир қараб қўйди-ю, тамом...

Таъзияга тумонат одам йиғилди. Тобуткашларнинг боши, учи кўринмасди. То ҳок жойигача Хожа Ислом пирининг тобути поғонасини уч марта кўтаришга улгурди, етти марта кўтаришни ният қилувди, илож бўлмади. Уни бир дақиқада тобутга қараб интилаётганлар чеккага чиқариб қўйдилар. Ортга қаради, ҳаммадан кейин жуда қартайиб қолган эски таниши — Махдуми Аъзамнинг тахтиравонбардори. У шу куни ҳам эгасиз, энди кераксиз матоҳ бўлиб қолган тахтиравонни олиб келар, ҳар замон, ҳар замонда Махдуми Аъзам тобутига қараб кўз ёшини тўхтата олмас эди.

Таъзия маросимининг учинчи куни самарқандча «аза бурон» маросими ўтказилди. Хожа Ислом пирининг ўғилларини маърака тўрига ўтқазиб, ўзи пойгакда ўтирди. Таъзия либосларини ечишда пирнинг ўғлига мулозамат кўрсатди. Пиру муршидлик асносида Махдуми Аъзам ўринларига катта ўғли Муҳаммад Аминхон қоим мақом эди. Хожа Ислом маърака аҳлининг диққатини ўзига тортиб, қоим мақомни эълон қилиб, махдумзодага юзланди.

— Махдумзода, нима истайдилар?


Йигирма беш, йигирма олти яшар ўта камтарин, шоиртабиат махдумзода устози Хожа Исломга марҳамат кўрсатарди:

— Отам ҳаммамизнинг устоз-пиримиз эдилар. Бугун давраимизда у киши йўқлар. Сиз отамнинг халаф-ул-хулафоларисиз. Ўринларига Сиз иршод тахтига ўтиришингиз керак.

Хожа Ислом ўзининг биринчи шогирди илтифотидан қаттиқ ҳаяжонга тушди. Шогирди томонидан устозига бу меҳр-мурувват, садоқат эди.

— Йўқ, йўқ. Махдумзода Махдуми Аъзам устозимиз Сизга «Рухсати кулли» бериб, «Мендан нима талаб қилсангиз Хожа Калондан ҳам талаб қилинглар» деб карам кўрсатганлар. Бизнинг ҳаммамизни Сизга топшириб, байъат буюрган эдилар. Сиз иноят қилиб, тариқат тахтига ўтиринг. Биз хизматингизда бўлайлик. Махдумзодамиз ҳам, пошшоҳу пиримиз ҳам Сиздурсиз. Бобонгизнинг нисбатларини фақат Сиз талаб қилишингиз ўринли. Валлоҳким, ул зотнинг шариф нисбатлари менда йўқдир. Мулло Лут-





фуллода ҳам, Муллои Хурд, Мавлоно Поянда ва ҳамма халифаларда ҳам йўқдир. Махдумзода, келинг, тариқат тахтимизга ўтириб, раҳнамолик килинг, деди Хожа Ислом.

Давра аҳли жим. Ҳамманинг вужуди жуфт кўзга айланиб Муҳаммад Амин Хожага қаратилган. Улар ҳозир «Махдумзода розилик билдириб, иршод тахтига ўтириш либосини кияди», деган тахминда эдилар. Муҳаммад Аминхожа Хожа Исломга нисбатан шогирдлик тузини оқлади. Барча илтифотларини раъд қилиб, устози Хожа Исломга юз бурди:

— Мен Сизнинг халаф-ул-хулафойингиз бўлай. Мендан қўл олинг. Иршод тахтига ўтириб, раъиятга раҳнамолик килинг. Отам ўринларида қоим мақом ҳаққимни сизга топширдим, Пирим.

Иршод тахтига ўтириш вақтида Хожа Ислом 50 дан ошган эди. Йигирма йилдан ошиқроқ вақт тариқат тахтида ўтириб, барча вилоятлар ҳукмдору оддий фуқаросини раъият йўли билан бошқариб фатво берди. Шоҳу гадони бир кўзда кўрди. Лекин, саҳвликка йўл қўйгани йўқ.

Узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бу фикрларни кўнглидан ўтказиб турган онларида қалбига ғойибдан нидо келди.

— Хожаи Жўйборий?

Ҳазрат ялт этиб қибла томонга қаради.

— Сиз, севимли ватанингиз тупроғи Бухорода тўққизинчи пирсиз. Абдулҳолик Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саид Мири Кулол, Хожа Баҳо-ул-Ҳақ вал миллат-вал-дин, Махдуми Аъзам Хожа Косонийдан кейин Сиз, Хожа Фаҳриддин Муҳаммад Ислом...

— Шукрия, шукрия, шукрия!

Хожа Ислом ўзининг севимли оятини такрор-такрор тиловат қилди: «Бас, ким парвардигорга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва парвардигорга бандалик қилишда бирор кимсани унга шерик қилмасин. Қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин».

ЎН БИРИНЧИ КУН

Яна ҳушидан кетиб алаҳсиради. Оғир алаҳсираш. Ўзига келганида боши устида ўғли Хожа Саъд турарди. Кўзи гирён.

— Нима гапингиз бор, ўғлим?

— Сизга муносиб хизмат қилиш менга муяссар бўлмади. Шу жиҳатдан армондаман, қиблагоҳ?

— Асло ундай эмас, Махдумзодаи оламиён. Фарзандлик ва хизматкорлик шарти юзасидан Сиз томондан бизга нисбатан зоҳир бўлган тақаллуф ҳалигача бирор-бир фарзанд томонидан ўз волидига нисбатан воқе бўлмабдур. Биз Сиздан рози, Худо рози бўлсин!

Яна ҳушидан кетиб, алаҳсиради. Алаҳсирашу ҳушидан кетиш... Тонгга яқин ўзига келди. Кўзини очиб сув сўради. Бор кучини бир жойга жамлаб икки қўлига суянганча туриб ўтирди. Сув тўла косани титроқ қўллари билан лабларига тутиб, коса ичига қаради. Сув мавжланиб турарди. Бир

култум сув ичгандай бўлди ҳамки, косадаги сув қалқиб, хира туман орасидан бир чехра кўрингандай бўлди.

Жон ҳолатда иккинчи култумни ютди. Яна ўша тасвир. У худдики сувнинг ҳаммасини ютиб юборса гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай турган чехра очиқ-ойдин бўладигандай. Учинчи култум... Ўша манзара бир кўриниб кейин, кейин, мавҳумлик томон ғойиб урди.

— Шукр, Оллоҳга шукр, — косани ўғлига қайтара туриб калимасини қайтарди, — хабар келди, бир дамдан кейин қайтамиз. Яна нима гапингиз бор Махдумзодаи оламиён? Сўранг!

Овози жуда узокдан эшитилаётгандай қийналиб, зўрға чикди.

— Сизнинг Бухоройингиз бандалари бўлган ёрон ва хизматкорларингиз илтимослари шулким, уларнинг билиб-билмай зоҳир этган гуноҳларини кечирсангиз. Ҳазрат жилмайишга уринди.

— Барча айб ва гуноҳларидан ўтдим. Авф этдим, ўғлим!

Хонақоҳ бўйлаб куз тонгининг намчил хиди ёйилди. Ҳазрат омонатгина бошини ёстикқа ташлаб, сўнгги марта хонақоҳ гумбази равзанидан Бухоро осмонига қаради. Қаради-ю, чуқур нафас олди. Боши устида чўкка тушиб ўтирган ўғли қўлини пайпаслаб топиб, ўнг қўли билан сийлагандай ушлаб туриб, лаблари пичирлади:

— Эй, Оллоҳ, Бухоро-ю унинг фарзандларини ҳамиша омонликда сақлагайсан. Сендан ягона илинжим шу. Махдумзодаи оламиён, Сиз энди бизнинг ўрнимизда қоим мақомсиз. «Ёсин» сурасини овоз чиқариб қироат қилинг. Жоним боргоҳига қайтаётган пайт охирги марта роҳат олсин.

Хожа Саъд ичидаги бор қайғусини сурага қўшиб қироатга тушди: Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан «Ё син! Ё син!! Ё син!!! Ё син!!!! ... Сиз фақат эргашган ва ғойибда туриб, Раҳмондан кўрққан кишиларнигина огоҳлантира олурсиз. Бас, ўшаларга махфират ва улўф жаннат хуш-хабарини беринг. Албатта, биз ўзимизгина ўликларни тирилтиурмиз. Қилган амаллари ва қолдирган изларини ёзиб кўюрмиз. Барча нарсани биз Лавҳул Махфузда қўйгандурмиз... Бас, барча нарсанинг эгалиги ўз қўлида бўлган пок зотдир. Ёлғиз Оллоҳгагина қайтарурсизлар.

«Ёсин» сураси учинчи бор такрор қироат қилинганида Бухоронинг катта минорасидан азони муборак янгради. Тўрт муқаббир баравар айтилаётган азонга Бухоронинг узок-яқинда қурилган минораларидан азон янграб бир-бирига қўшилиб кетди. Гўёки, Бухоро болариларининг уяси: «Оллоҳу акбар...» «Ғ-ув-у-в...» «Оллоҳу акбар...» «Ғ-ув-ув-ув...»

Ҳазрат кўзини «ярқ» этиб очиб, эшик томонга қаради. Худдики, бир олам боларилар Хожа Ислом изларини излаб, хонақоҳ эшиги остонасига келиб, беқарор қўнгандай: «Ғ-у-у-у-в...» «Оллоҳу акбар...» «Боларилар» садоси тинар экан, лаблари пичирлади: «Эй жон, парвардигор рози бўлганида ва рози қилинган ҳолда ўзига қайт». Севимли «Вал-фажр» сурасининг охирги оятини тиловат қила туриб, юзини бир Бухоро шахристонига томонга қайтариб, кўзини очди. Хонақоҳ эшигидан тонг нурига фарқ Бухоро осмони-ю дарахтлар, узун, катта йўл жилваланиб кўринди.

— Шукр, минг бора шукр Бухоро, тонг нурдан сармаст, қушлар овозини тинглаяпти. Оллоҳ, ягона илтижойим — уни абадул-абад шу жамолидан жудо қилма!!!

Жони чиқар-чикмас юзини ўзи бир умр сажда қилиб, интилган қибла-





си томон қайтариб, охирги марта оят ўқиди: «Эй жон, парвардигоринг рози бўлганида... қайт, қайт».

Хожа Исломнинг бир умр она Бухороси учун ошуфта жони муаққат жойидан азалий масканига кўчди.

ЎН ИККИНЧИ КУН

Сафар ойининг 26-жума куни. Жанозага тумонат одам йиғилди. Сумитан қишлоғи боларихонанинг ўзи. Шох Абдуллахон Хожа Ислом жанозасини хонақоҳ ёнидаги намозгоҳда ўқишни амр этди. Жаноза ўқилди, тобут ердан кўтарилди. Оппоқ тобут. Худдики, қанот чиқариб учиб кетаётган ҳаққуш. Елкалар, бошлар, қўллар устидан Оллоҳи томон қанот чиқариб, учиб бораётган ҳаққуш...

Бухоронинг тўққизинчи пирини тупроққа топширдилар. Бобоси Абу Бакр Саъд қабрининг қибла томонига. Пайғамбарзода бошини бобосининг кўкрагига қўйиб, ўзи васият қилганидай абадий, тинч, ором уйқуга кетди.

* * *


Кун шом томон оғанда Сумитан бир дам тин олгандай бўлди. Ҳамма одатдаги турмуш ташвишлари билан банд. Фақат бундан тўрт кун олдин Хожа Муҳаммад Ислом кавшканининг бир чеккагинасида олма дарахти остида беозоргина суғуриб қўйган нимдошгина ковуши оғзини осмонга қаратиб «ланг» очганича эгасини махтал кутиб турарди. Юзида Бухоро йўлларининг чанг, гард, ғубори. Осмоннинг кўзи ковуш юзидаги чанг, ғуборга тушди-ю, йиғлаб юборди. Бухоро кузи осмонининг заҳматкаш ёмғирлари Хожа Ислом ковушидаги чанг, ғуборини олдин ялаб, кейин ювиб Худодан Худони тилади. Дарахт мукофотни ёмғирга эмас, ковушга берди. Баланд шохда ҳил-ҳил пишган, уруғи тўқ бир жуфт жайдари олма бандидан «ширт» этиб узилиб, «тўп» этиб оғзи «ланг» очик жуфт ковушининг ичига тушди.

Тўртинчи қисм

ЧОР БАКР МАЖМУИ ВА УНДАГИ ДАҲМА, ХАЗИРАЛАР ТАРИХИ

«Ул ҳазрат (Абдуллахоннинг) олийҳиммат меъмори, ислом ва мусулмонлар шайхи, миллат ва диннинг бахти, Абу Бакр Саъднинг, унга Тангрининг розилиги бўлсин, нурлари файзлик сармазориға қурган мадраса, масжид, хонақоҳ (ва) бошқа олий биноларнинг баёни». Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» китобида ана шундай ном билан алоҳида мақола берилган. Мақолада Сумитан қишлоғида Хожа Абу Бакр Саъд мазори бошида Абдуллахоннинг мадраса, масжид, хонақоҳ қурдирганлигининг тарихи ҳамда унда кимлар мударрис этиб тайинланганликларига оид аниқ фактлар мавжуд. Фактларга эътибор қаратилган ҳолда иншо этиш ўринлики, Абдуллахон бутун Мовароуннаҳр султони бўлганидан кейин 1557 – 1558 йилларда катта бинокорлик ишларини бошлаб юборди. Бухоро шаҳристони ичида Кўчаи Сарбаста, Бозори Шаб, Бозори Шаб растаси ичида бешта тоқ қурдирди. Булар Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Орд ва Тоқи Хўржин. Бир қанча мадраса, масжид, сардоба, тим, ҳаммом, карвонсарой, ховузлар ҳам қурдики, бу шоҳ номининг абадий қолиб кетишидан нишонадир. Абу Бакр Саъд Яманий авлодаждодига ҳурмат бажо келтириб, унинг қабри бошида хонақоҳ, ҳашаматли масжид ва баланд пештоқли мадраса бино этгани ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Сегона шаклидаги мажмуа ўн йил ичида қуриб битказилади. Унинг атрофида боғ-роғ, шаҳардан то Сумитангача катта, қайроқ йўл чиқариб, йўлнинг икки томонига оқар сув ариқлари қаздирди. Ариқлар бўйида эса мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказдилар. Мажмуанинг рўпарасида тақрибан бир юз эллик метр шарқ томонда Ҳарамсарой ҳам тикланган. Ана шу биноларнинг ҳаммаси учун Абдуллахон етмиш минг тилла танга сарфлаган.

«Йиллар, ойлар ва кунлар ўтиб, андак замонда, тахминан ўн йил ичида шундай (бир мухташам) бино Искандарфаржом шаҳриёрнинг зўр аҳамият бериши билан қурилиб битдики, (унинг) каримлар ҳимматининг фазоси каби кенг сахнини турли мевали дарахтлар билан безатдилар. Унинг ўртасига ғоят тоза ва тиниқликда офтоб чашмаси каби ярақлаган, Кавсар мисол ховуз ҳам қурдилар. Тўғриси, (у) шундай олий бино бўлдики, андиша муҳандиси ҳеч қандай муболағасиз ва лофсиз у баланд бионинг суратини чизишдан, табиат наққоши бу кенг мавзуларнинг мисолларини тасвир қилишдан ожизлик қилади. У кўнгил очадиган бинолардан ҳар бири баланд пештоқларни ва кенг равоқларни (ўз) ичига олиб, қутли



асар усталар, мохир наққошлар уларнинг юзига олтин ва ҳал билан ажиб нақшлар ва суратлар солиб беаганлар; (уни) бениҳоят латиф ва зебо қилиб, турлича тақаллуфлар билан қошигарлик қилганлар», — деб ёзади Ҳофиз Таниш ал-Бухорий («Абдуллонома». Биринчи китоб, 157-бет).

ХОНАҚОҲ

«Хонақоҳ» сўзига «Ғиёс ул-луғот» китобида дарвиш ва машойихларнинг маскани, мажлисгоҳ, деб шарҳ берилган. Маъносига қараб уни аҳли тариқат, машойихларнинг хоҳлаган пайтларида йиғиладиган зикру самоъ ва суҳбатлар ўтказадиган ҳамда истиқомат этадиган масканлари дейиш ўринли. Хонақоҳда уч томондан икки паллали катта эшик қурилган. Қибла томон девори осма шарафали меҳроб билан безатилган. Бино пештоқи уч қаватли, хужралар иккинчи ҳамда пештоқ қисмида ҳам (иккита хужра) мавжуд. Бинонинг шимол ва жануб томонидаги хужралар бурч гулдастаси билан туташтирилганлиги учун жуда чиройли кўринади. Олди айвонли. Гумбаз Арки дузи усулида қилинган. Ичкари қисмининг тарҳи жуда мураккаб. Кўндалангига кесувчи икки равоқ ҳам безак, ҳам гумбаз таянчи ҳисобланади. Пештоқ ягона нусхада, икки ён юзи безакли. Қошинқорий қилинган. Юзасидаги катибадан пастда осма шарафа, осма шарафа пастда оқ ранглар билан кўк ҳошияда сулс хати билан бино тарихи, ким томонидан қурдирилгани тўғрисида қимматли маълумотлар битилган. Мана ўша матн: «Ушбу бинони қуришга ва уни қуриб битказишда ёрдам берган осмон остидаги қудратли, юқори даражали, мисли кўрилмаган одил, ҳукмрон ҳокимиятга келган, Одиллик қуроли юқори сифатлар... Ғалаба ва адолат байроғи. Одамзот ишончи, ҳокимият кийими намунаси дунёни забт этувчи жасорат эгаси, дунёни бошқарувчи — қуёш, дунёнинг ёруғ оғи, янги чиққан ёруғлик ... ва уфқ амири ўз даврининг амири. Адолат тахтига чиққан... Авом халқининг (сахийлиги билан қўллайдиган) дарвишлар ва халқнинг мурувватли ёрдамчиси, мамлакат ҳукмрони, Оллоҳнинг адолати ва муруввати билан салтанат тахтининг қонуний ва ҳақиқий меросхўри Абдул-Ғозий Искандар Баҳодирхондир. У бошқараётган давлат байроғи осмон нуқтасига кўтарилсин. Унинг буюклиги эса осмон сатҳи мисол бўлсин. Идрис хон дўстим ўғли... Халқ тинчлиги унинг соясидир. Унинг ғамхўрлиги доимо халқни қўллашдир. Унинг қалби эзгуликка тўлсин. Ушбу ёзув 970 йилда халифа Қул Неъмат ул ... томонидан ёзиб тугатилди».


Пештоқнинг (хонақоҳнинг) катиба қисмида «Бақара» сурасининг 61 — 62-оятлари битилган. Оятлар таржимаси билан танишамиз: «Эсланг: «Эй, Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорга дуо қил. Бизга ерда униб-ўсадиган сабзавотлардан, бодринг, саримсоқ, мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин», деганингизда, у: «Яхши нарса-ни паст нарсага алмаштиришни истайсизларми? Қайси шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?», — деди. (Ношукурликлари сабаб) уларга хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Оллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб итоат қил-

май тажовузкор бўлганларидир. Албатта, иймон келтирган зотлар, яхудий бўлганлар, насронийлар ва собиийлар (фаришталарга сифинувчилар) — (улардан) қайсилари (аввал қайси динда бўлганларидан катъи назар, иймонга келиб, ёлғиз) Оллоҳга, охират кунига ишонса ва яхши амаллар қилса, ўшаларга Парвардигорлари ҳузурида ажр бордир ва улар учун хавфу хатар, ғам-андух йўқдир».

Хонаҳоқ пештоқининг баландлиги 20 метр. Пойдевори ер остида бўлиб, 12 метрни ташкил этади. Эни икки метр. Пойостонадан кейин деворнинг ер юза қисмида қамиш кесмалари қўйилган. Гумбаз баландлиги 22 метр, айланаси 17 метр бўлиб, айлана юзасида Калимаи Тойиба кошинкорий билан ёзилган. Пастаида эса райҳоний рангда ислимий нақшлар берилган. Қуёш чиқиши билан у кун бўйи товланиб туради.

Оби ғиштлар таркиби жуда қимматли. Пишиқ ғишт лойига қамиш кули, рух, сурма, сут ачитқиси ва узум шарбатининг ачитқиси қўшилган. Оби ғиштлар Сумитаннинг ўзида, Шамсиябону қадамжойидан тақрибан ярим километр узоқликдаги ерда хумдон қуриб пиширилган. Шу сабабли ерлик аҳоли бу жойни Замини Сангзор дейди. Ҳозир ҳам ўша ер 50 сантиметр чуқурликда қовланса оби ғишт, кул қолдиқлари чиқади.

Оби ғишт пиширишда фақат гуллаган янтоқдан фойдаланганлар. Гуллаган янтоқ таркибида кимёвий моддалар кўп бўлиб, у лой таркибида тузнинг камайишига катта таъсир қилади. Яна бир гап: оби ғишт қўйиладиган тупроқ «хок тапур» йўллардан тўрваларда йиғиб олиб келинган. Йиғиб олиб келинган сурмадай майин тупроқ олдиндан тайёрлаб қўйилган катта ҳовузга тўпланган. Жамланган тупроқ элаклангандан кейин шўрини кеткизиш учун кетма-кет уч ҳовузга ювилиб, сўнгра таркибига юқорида айтилган кимёларни қўшиб, тайёр бўлган лой асосий майдонларда чиқариб қолипларда солинган:



Тайёр бўлган оби ғиштлар араваларда пешма-пеш келтирилиб бино қурилиши учун ишлатилган.

МАДРАСА

Мадраса пештоқи ҳашаматли, ҳужралари кўп. Олд қисмини эса намозгоҳ майдони ташкил этган, қўриниши жуда чиройли. Чор Бакр мадрасаси Бухоро мадрасаларининг олий тоифасига киритилган. Пештоқи уч қават-





ли. Учинчи қаватида ҳам хужралар мавжуд. Хофиз Таниш ал-Бухорийнинг маълумот беришича, пештоқ катибасида сурадан оят нақш этилган экан. Лекин у бизнинг давримизгача етиб келмаганлиги учун бу ҳақда бирор жўяли фикр айта олмаймиз. Мадраса пештоқи 1950, 1971 йилларда ва ундан кейин ҳам таъмирланган. 1999 йилги таъмиригача пештоқдан умуман бир парча ҳам қолмаган эди. Усталар унинг пойдеворига қараб ўзини қайта тикладилар. Оби гиштларнинг таркиби хонақоҳ гиштлири таркибидек бир хил. Улар юқорида номи зикр этилган хумдонда пиширилган. «Шарафномаи шоҳий»да таъкидланганидек, бу ерда илк марта «Унинг мадрасасида машхур олим ва фозиллардан бири муаллимлик маснадида ўлтириб, зарурий ва диний илмларни ўқитарди ҳамда (мадрасага берилган) вақфлардан тўла ҳиссадор эди. У жойда ўқувчилар ҳам яхши маош билан таъминланиб, хамиша хотиржамлик билан мутолаа қилишга киришардилар» (Ўша китоб, 157-бет).

Мадраса пойдевори ва деворларининг ҳар жой, ҳар жойида қамиши кўфта, бўйра, ёзиб қўйилган. Хужралар ичкарасини тиклашда кўпинча усули арки дузи²⁰ ишлатилган. Муллабачаларга қулай шароит яратиш мақсадида хужра ичкарасида ўчоқ вазифасини бажарувчи ҳамда қиш фаслида уйни иситувчи восита сифатида ўчоқдон, сандал жойи, китоблар учун ҳам равоқлар қурилган. Юқори қисмида жойлашган хужраларга махсус пиллапоя орқали чиқилади. Пиллапоя жуда мустаҳкам, сарғиш рангли қалин мрамартошдан ясалган. Ҳозиргача асл ҳолида турибди. Таъмиртаб эмас.

МАСЖИД

Масжид биноси жуда ҳашаматли. Иккинчи қаватида ҳамда пештоқ қисмида шинамгина хужралар мавжуд. Гумбази ҳам жуда кўркам. Ичкари қисми арки дузи усулида ясалган. Масжид пештоқининг катибаси билан икки ёнига «Ал-исро» сурасининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи оятлари битилган. Ёзувлар сулс хатида бўлиб, гиштликорий, кошинкорий усулида безатилган. Мана ўша кароматли суранинг тўрт ояти (таржимаси):

1. («Оллоҳ) бир кеча ўз бандаси (Муҳаммадни) унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун Масжид ал-Ҳаромдан биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган пок зотдир. Дарҳақиқат, у эшитувчи ва кўргувчи зотдир».

2. «Биз Мусога китоб ато этдик ва у Бани Исроил учун хидоят қилиб дедик: «Сизлар мендан ўзгани вакил қилиб олманглар».

3. «Эй, биз фарқ бўлишдан қутқариб Нух билан бирга кемада кўтариб, нажот берган кишиларнинг зурриётлари. Сизлар ҳам Нух йўлини тутинглар, зеро, у доимо шукур қилгувчи банд эди».

4. «Биз Бани Исроилга у китобда Сизлар албатта (Шом) заминида икки марта бузғунчилик қилурсизлар ва катта туғёнга тушурсизлар, деб хабар бердик».

Оятлар шарҳи тубандагича: Муҳаммад пайғамбарни фаришта Жаброил Оллоҳ масканига, Аршга олиб чиқади ва Оллоҳ пайғамбарга шундай кало-

ми муборак иншо қилади: «Бу бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намознинг ҳар бирига ўн намоз савобини ато қилурман». Демак, беш вақт намоз ўқиган кишига эллик вақт намоз савоби ёзилур.

Масжид пештоқининг баландлиги 20—30 метр. Пойдеворининг ер сатҳидаги қисми 12 метр. Бино пойдеворининг синч қисмида қамиш кесмалари қўйилган. Қамишнинг қалинлиги 50 сантиметрни ташкил қилади. Қамиш қўйишдан мақсад шуки, у зах, намнинг юқорига ўтишига монелик қилади, ишқаланишни сақлайди ва ҳаво ўтказгич воситаси бўлиб, бинони нураб кетишдан сақлаш учун хизмат қилади. Бино ичкарисининг меҳроб қисми осма шарафа билан безатилган. Уч томондан икки табақали эшик қўйилган. Эшиклар ва остона қисми жуда мустаҳкам бўлиб, у Бухоронинг қайрағоч дарахти ёғочидан ишланган.

МИНОРА

Уч ҳашаматли бинонинг шундоқ рўпарасида минора ҳам қурдирилган. Минора 1890 йилда Мирзо Ҳожи Жўйборий томонидан тикланган бўлиб, унчалик баланд эмас. Тахминимизча, бу минора олдинги миноранинг пойдевори устига қурилган бўлиши ҳам мумкин.

ҲАРАМСАРОЙ

Хон ўзи учун масжид, мадраса, хонақоҳнинг рўпарасида, қуёшчиқар томон дарвозаси билан бақамти ҳарамсарой ҳам қурдирган. Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг таъкидлашича: «Жамият мартабали хоқон дилкушо бу боғда ором олиш учун гоҳ-гоҳ (у ерга) бориб, айшу ишрат ва (шоду) хуррамлик айвонида, шавқу завқ палосида яйраб, хурсандлик ва беғамлик ниҳолини руҳни ўстирадиган шодлик суви билан парвариш қиларди: хурсандлик гулини хушдиллик насими билан очарди» (Ўша китоб, 158-бет).

Нега Абдуллахон бошқа жойда ҳарамсарой қурмай айнан Чор Бакр мажмуасининг рўпарасида уни тиклади? Чунки Сумитан қишлоғи баҳаво, шифобахш булоғи бор, ери беҳиштмонанд бўлиб, ҳар хил мевали, манзарали дарахтлар парвариш қилиш учун жуда қулай эди. Шаҳардан 5,5 километр масофада жойлашган Чор Бакр зиёратгоҳида ҳар ҳафта жума куни келган хон тавофдан сўнг хос ҳарамсаройда дам олиб, хотирини шод этиб, яна давлат ишларини бажаришга киришган.

«Ҳарамсарой» махсус оромгоҳ, маҳрам жой демакдир. Ҳарамсаройда фақат подшоҳнинг хос одамлари-ю аҳли аёли яшаган. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, ҳар ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари хон ва зодагон аёлларининг зиёрат куни деб эълон қилиниб, шу куни шаҳардан то Сумитан қишлоғи марказигача бўлган йўлнинг икки томонида соқчилар қўйиш одат тусига кирган. Ҳарамсаройнинг шарқ томонидаги бошланиш девори ёнида «Кавшкашон» жойи бўлган. Зиёратга келувчилар отлиқ, аравада



бўлса, от-аравадан кавшкаш жойида тушиб, ковушларини ечиб, кадамжой-гача пиёда кетганлар. Бу ҳолат пирлар руҳига юксак ҳурмат нишонаси эди. Ҳарамсарой биноси боғнинг ўртасида жойлашган. Икки қаватли, биринчи ва иккинчи қавати ҳам чордара шаклида бўлиб, бинонинг тўрт томонидан шинам эшиги бўлган. Эшиклардан ёзнинг иссиқ кунларида шамол айланиб, муаттар гуллар уфорини тўрт томонга сочиб турганда жуда дилкушо манзара ҳосил бўлган. Бинонинг рўпарасида суви тиниқликда шишадек ҳовуз, сал четроғида тўрт томони айлана супанинг нақ ёнидаги ариқ лабларида олма дарахти экилган. Олма дарахти иссиқ ҳавони салқин қилиб туришга ёрдам берган. Ҳарамсаройнинг ташқари ва ичкари томонлари нақши кундалий билан безатилгани боис у куёш нурида товланиб, кўз қамашгудек, малоҳатли кўринган. Ҳарамсарой атрофи етти қават кунгурадор девор билан ўралган. Деворнинг шундоқ ёнгинаси билан ариқ ўтган, ариқнинг девор томон қирғоқларида сафедори самарқандий дарахти ўтказилган. Бу чорбоғчилик анъанасига риоя қилинганлик белгисидир. Ариқнинг боғ тараф қирғоғида гулсафсар, кейин яна йўлак. Буни Гулгашт десак ҳам бўлади. Яна оқар ариқ, ариқ қирғоқларида ўрик дарахти. Ҳар икки ўрик дарахти оралиғида шафтоли дарахти, кейин яна оқ ширпайванд ўриклар бўлган. Ҳовузга қараб борадиган ариқлар лабларида гули ҳамиша баҳор, савсани расмий, ханжарий ўстирилган бўлса ажаб эмас. Чордара атрофидаги ерларда «чаҳорчаман» усулида боғ қилинган. Чунончи, биринчи боғ — анорзор, иккинчи боғ — беҳизор, учинчи боғ — шафтолизор, тўртинчи боғ — нокзор бўлган.

Чаҳорчамандан сўнг гул боғчалари бошланган. Биринчи боғчада гули раъно, гули шашмоҳа, нилуфар, иккинчи боғчада боғ лоласи, дардари кокули²¹, дардари гўш, тоғ лоласи, учинчи боғчада бинафшаи зар, ёсуман, арғуни зар, лолаи ду табақа, насрин, бағдодий, қазли ўстирилган. Тўртинчи боғчада бинафшаи кабўт, савсан, зебогул, бешинчи боғчада шаб бодўстон, чаманафрўз, хатми хитойи, бўстонафрўз каби гуллар экилиб парвариш қилинган. Бу гуллар кетма-кет очилиб, боғчалар ҳар доим яшнаб турган. Ҳарамсарой биноси атрофида чинор, тол, тут дарахти ўсган. Шарқ томонда олуболу, ғарб томонда гилос, улар оралиғида қизил арғун яшнаб турган.

Айни кунда Ҳарамсаройдан бирор-бир нишона қолмаган. Жойи фақат тепалик ва қамишзор бўлиб турибди, холос. Бино пойдеворини тупроқтўда остидан кавлаб кўришга тўғри келди. Пойдеворининг ғарб томонида қабр ҳам бор. Биз қабрдаги мрамартошга ўйилган битикларни бақадри ҳол ўқиб чиқдик. Улар қуйидагилардир:

1. Маряи ифбатпаноҳ, Исмағ олим подшоҳ.
2. Бинти Шерғозихонки ёби (?) дастгоҳ.
3. Офтоби давлаташ дар буржи «Қосими иқлими Бухор».
4. Буд то дар килки ҳасти аз баландиҳои бахт.
5. Рўй хуршидаш ғуломи шаби нима буд моҳ.
6. Аз камоли иқтидори ақлаш бут он покдил.
7. Дод аз дасти он аҳли моҳ гардуни эҳтимол. Аз пур тахти баландаш кард зери хок.
8. Инчунинг олий нишонери ба хок афкандий.
9. Ҳамчун моҳи фалак режа шитофт.
10. Тафти ҳокими набзи ў ёфт роҳ андар санг.

11. Хостам гўям нишони давлати ў сири хирад.
12. Бо салотин раҳнамо-ю бо раият хайрухоҳ.
13. Гуфт тарихи вафоташ: подшоҳ.
14. Тарих: бистуми шаҳри рабби ул-аввал будки, аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намудан (1170 ҳиж.).
15. Гуфт тарихи вафоташ кард зийнати подшоҳ (Сулаймон ҳамият Шерғозихон).
16. Мулки даврон бо хислати ҳазрат Латифабону хоним биби бинти...?

Таржимаси:

1. Пошино ойим Марям иффатли аёл эди.
2. У Шерғозихон қизи.
3. Давлат куёши «Қосим иқлими Бухор» буржида сўнди (ўлган куни яширилган).
4. У борлиқ дунёсида баланд бахт соҳиби эди.
5. 15 кунлик ой унинг куёшдек юзининг ғуломи эди.
6. У ақлининг камолидан кўнгли пок эди.
7. Дод, ўша ойлар сардори дастиданки, бахтдан тула тахтидан тупроқ остига солди.
8. У олийнасабни тупроқ билан битта қилди.
9. Фалакдаги ботаётган ой каби жуда эрта кетди.
10. Унинг соғ қон томири қабр тошидан йўл топди.
11. Унинг давлатининг нишони хирад чироғи эди.
12. Салтанат аҳлига йўл кўрсатувчи, оддий фуқарога хайрхоҳ эди. Вафоти тарихи «подшоҳ» сўзида яширинган.
13. Тарих: Рабби-ул-аввал ойининг 20-санасида.
14. Иффатпаноҳ олеҳа дорулфанодан дорулбақога ўтиб кетди (1170 ҳиж. йилда).
15. Вафоти тарихи (Сулаймон ҳамият Шерғозихон).
16. Даврон мулки ҳазратнинг хислати билан Латифабону хоним биби бинти ... (қизи).

Савол туғилади: нега Чор Бакр мажмуи шу кунга қадар эсон-омон етиб келди-ю, Ҳарамсаройдан атиги ярим чала девор ҳам қолгани йўқ? Айтиш ўринлики, Ҳарамсарой ер ости пойдевори унчалик чуқур, қалин ва кенг эмас экан. Кейин, бино боғ ўртасида жойлашган. Турли суғоришлар унинг тезда нураб кетишига сабаб бўлган. Қаровсиз қолиб, қулаб кетган Ҳарамсарой биноси жойи ва чорбоғларини ерли аҳоли ўзлаштириб, ўрнига уй-жой қилган. Шу ерда яна 4—5 та қабр борлиги учун бино пойдевори қисми ўзлаштирилмай қолган. Айни кунда ҳам у ерга қабристон деб қараяпти.

ХАЗИРА ВА ДАҲМАЛАР

Қадамжойнинг умумий майдони 40 гектар. Қабристон қисми эса 12 гектарлик кенгликни ташкил этади. Абу Бакр Саъд вафотидан олдин вақф ерлари — Сумитан бағридаги боғида жасадини қўйишни васият қилиб, башорат қилган эканки, «жаннатнинг етти эшиги бўлиб, еттинчиси ана шу



ердан очилади». Хожа Саъд хазира, даҳмасининг киравериш эшиги чап томонида гиреҳ панжарали мармар белги ҳам бор.

«Жаннатнинг еттинчи эшиги шу ердан очилади» ақидасига кўра бошқа хожалар ҳам унинг шу ердаги вақф майдонларидан қисман сотиб олиб, авлод-аждоди учун гўрхоналар қуриб, эшигини махфий сақлаганлар. Шунга кўра мазкур қабристонда подшоҳ авлодлари, хожаларнинг аҳли аёли, ўғил-неваралари олдиндан тайёрланган даҳма — гўрхоналарда қўйилган.

«Даҳма» сўзига «Фиёс ул-луғот» китобида «Даҳма — он тағхона, ки куффори Аъжам мурдагонро дар он нигоҳ медоштану» (яъни, «Даҳма тағхонадирки, куффори Аъжам мулки аҳли ўликларни унда сақлардилар»), деб шарҳ берилади.

Хазира — «хазон» сўзидан келиб чиққан, хазониён маъносида, яъни хазон бўлганлар, вафот этганлар маскани мазмунига эга. Яна бир шакли «хазира» хобидагон (яъни, абадий уйкуга кетганлар уйи) шаклига рост келади.

СОҒОНА

Соғона — соғон сўз таркибининг шаҳобчаси, «чуқурлик» дегани. Қабр — форс тилидан келиб қўшилган сўз. «Фарҳанги забони тожики» луғатида «Жоеки мурдаро дар он гўр мекунанд» (ўлик кўмадиган асосий жой) деб маълумот берилган. Хазираларда қабр, айримлари соғона, баъзиларида эса даҳма усулидан фойдаланганлар.

САЪДУЛЛА ХОЖА ХАЗИРАСИ

Бу хазира хонақоҳдан жануб томонда жойлашган. Олд кўриниши жуда кўркам. Киравериш дарвозасининг икки ён томонида учтадан олтита хужра қурилган. Бу хужралар чиллахона вазифасини ҳам ўтаган. Шунга кўра у «чиллахонаи равшанд» сирасига киради. Эшиклари 1986 йилги таъмирда янгидан ясалган. Ўзининг эшиклари дарвоза билан бир рангда бўлиб, гужум ёғочидан қилинган. Юзи куббакорий, кандакорий билан безатилган. Хазирага кириш дарвозаси икки табақали, ён томони безакли, анъанавий усти ёпиқ ярим уштургарданлар²² билан безатилган. Уштургарданлар ичида эса осма шарафалар мавжуд. Хазира ичкарасида соғона ҳамда қабрлар бор. Бу — асосий жиҳоз ҳисобланади. Ичкари қисм, шарқ томонда, седара усулидаги айвон, унинг орқа томони хазиранинг умумий девори билан ихоталанган. Том қисми иккита гумбаз билан безатилган. Гумбазлар жуда оддий, юзида кошинкорий белгилари кўринмайди, оби фишдан безак сифатида фойдаланилган. Ичкари айвонни шартли равишда ёзги тиловатхона деб айтиш ўринли. Чунки, Саъдулла Хожа хазирасида Қуръондан тиловат қилиб турувчи қориларни вақф ерлари даромадидан моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Эрталаб азондан то кун ботгунга қадар иккита қори тиловатда бўлган. Хазира ичидаги қабрлар сони 110 та. Айрим соғо-

налардан иккинчи марта фойдаланганлар. Иккита супа шаклидаги соғонада тошбитиклар мавжуд. Аммо, битикларни ўқиш қийинчилик туғдирди. Йиллар шамоли, жала-ёмғирлар тош ёзувларига ўз таъсирини ўтказмай қўймаган. Тошбитиклар форс тилида, оятлар эса араб тилида айнан кўчириб ёзилган. Киравериш эшиги рўпарасидаги соғона ёғочи атрофида ёзувлар бор, улар ёмон сақланган. Араб ёзувида «Оллоҳ кечиримли, раҳмдил» сўзлари бор. Иккита қабрда тош битикли соғона ёзувлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Биринчи қабрдаги тошбитик таржимаси (форс тилидан):

1. Бу эзгуликка йўғрилган мунаввар қабр.
2. Яхшилик гултожи покиза, соф Нурчучук пошша.
3. Эшон Султон ҳожи Додхон қизи.
4. Унинг асл насаби ҳазрат Махдуми Аъзамгача етиб боради.
5. Юқори мартабали онаси томонидан эса...
6. Эшон Саъдулла Хожа Жўйборий қизи Олиҳа Гавҳарбону Султоним.

Мазкур тошбитикдан маълум бўладики, қабрга Нурчучук пошша қўйилган. У Гавҳарбону Султоним қизи. Саъдулла Хожа Жўйборийнинг қиз томон невараси, ота томонидан эса Махдуми Аъзам авлодига тегишли. Демак, Саъдулла Хожа Жўйборий Гавҳарбону исмли қизини катта бобосининг Пири Махдуми Аъзам Косоний чевараларига никоҳлаб берган. Ундан Нурчучук пошша туғилган.

Иккинчи қабрдаги тошбитик таржимаси (форс тилидан):

1. О ҳожи, менинг қабрим ёнидан ўтсанг дуойи фотиҳа ўқи.
2. Менинг насл-насабим ажойиб Ҳайдардан келиб чиққан (Али ибни Толиб лақаби — С.Ҳ.).
3. Менинг сўнгги дурдонамни ер остига кўмдилар.
4. Унинг ўлим санасини билмоқ майли туғилса.
5. Тубандаги сўзларда мужассам: «Махтуми Аъзам наслининг дурдонаси менинг суюнчим».

Мазкур қабрда битилган марсия (Ўлим ҳақида шеър):

1. Олам мунаввардир сенинг шон-шуҳратинг чироғидан.
2. Сенинг фазилатингдан ёруғдир хона.
3. (Олам) фазилатларинг фаройиблигидан кўркамдир.
4. ...фалокат йўқ улар эгаларига.
5. «Жаннатга»...
6. ...хур эди.
7. Вафоти тарихини билмоқчи бўлсанг «бахтли юлдуз» сўзидан «син» ҳарфини олиб ташланг (Ситораи бахт — С.Ҳ.).

Шарҳ: «Ситораи бахт» иборасидан «С» олиб ташланса «Итораи бахт» ибораси 1858 йилни беради. Мархум 1858 йили вафот этган.

Саъдулла Хожа ҳазирасининг тўрт томони девор билан ўралган. Пештоқ катибасида безак бор, ёзув йўқ.



АКОБИР ХОЖА ХАЗИРАСИ

Бу ҳазира хонақоҳнинг шундоқ рўпарасида, майдончадан шарқ томонда жойлашган. Пештоқи унчалик муҳташам эмас. Ихчамгина икки табақали дарвозаси гужум ёғочидан қилинган. Супадан иккита хужрага кирилади. Ичкари қисмда тиловат қилувчилар учун жой, икки томони очиқ айвон. Ҳазиранинг жиҳозлари — қабрлар, мрамар тошлари йўқ. Шу сабабли бу ҳазирада кимлар дафн этилганлигини аниқлаш имконияти бўлмади. Киравериш эшигининг чап томонида Аҳмади Тахтабози Жўйборий матфани²³ мавжуд. Марҳумнинг васиятига кўра, жасадини ҳазирадан ташқарига кўмганлар. Раҳматли: «Ҳар ўтган-кетган ҳақимга дуойи фотиҳа ўқисин», деган экан.

НАСРИДДИИ ХОЖА ХАЗИРАСИ

Бу ҳазира мадраса, масжид, хонақоҳ рўпарасидаги оралиқ майдоннинг шарқ томонида жойлашган. Унинг ёнида катта чилонжийда бор. Киравериш эшигининг икки томонида учтадан олтига хужра мавжуд. Учта хужранинг эшиги ташқарига, қолган учтасининг эшиги ҳазира ичкарисига очилади. Олди айвонли. Ташқари хужралар чиллахонаи равшанд. Ичкари хужралар ҳам чиллахонаи торик, ҳам тиловатхона вазифасини ўтаган. Ҳазира жиҳозлари якка қабрлар бўлиб, улардан иккитасида битиклар ёзилган. Қабрлар супали. Соғона шаклида, устида оқ мрамартош қўйилган. Мрамартошнинг тўрт томони ёзувсиз, фақат юқори қисми ярим ҳавзаклар билан шарафа усулида безатилган. Тошнинг уст қисми юзасида насталиқ ёзувида чиройли қилиб «Такводорлар гултожи ифбатли Зебо Воҳидабону Султоним — Эшон Наср ад-дин хожи қизи. Вафоти 1233 (1812) йил» сўзлари ёзилган. Насриддин Хожа ҳазирасининг шарқ томонида яна иккита мазор мавжуд. Унинг биринчиси эркак, иккинчиси аёл кишига тааллуқли. Аёл қабри бош томонида таъзия шеър ёки оят матни учрамайди. Фақат устки қисмида лўнда қилиб «Ушбу соғона Солиҳа Бону Султонимга тегишли. Эшон Абд ал-Вақил Хожа ал-Ҳусайн қизи» сўзлари битилган. Иккинчи соғона атрофига қўйилган ёғоч юзасида қуйидаги сўзлар битилган: «Эшон Абд ал-Воҳид Хожи мазори. Вафоти 1294 ҳижрий йил».

АБДУАЗИЗ ХОЖА ХАЗИРАСИ

Ҳазирага кириш эшиги ён томонида биттадан хужра мавжуд, пойдевори унчалик катта эмас. Шу сабабли мақбара пештоқи нисбатан паст қурилган. Дарвозаси гужум ёғочидан қилинган. Юзи кандакорий қилинган. Обий усулидаги ҳавзаклар дарвоза юза қисмининг безаклари ҳисобланади. Ичкари айвон тиловат учун қурилган бўлиши мумкин. Қабрлар устида мар-

мартош битиклар йўқ. Бўлган бўлиши ҳам мумкин. Улар ё ўғирлаб кетилган, ё бошқа қабрлар учун иккинчи марта ишлатилган. Биз унчалигини билмадик. Наршахий айтгандай: «Яна Худо билимдонроқдир». Ҳазиранинг тўрт томони девор билан ўралган, усти очик.

АТОУЛЛО ХОЖА ХАЗИРАСИ

Атоулло Хожа хазираси бошқа хазиралардан хашаматдорлиги билан ажралиб туради. Пойдевори ердан олти қават сарғиш харсангтош билан терилган. Сўнгра синж қўйилган. Синж гужум ёғочидан. Ёғочдан олдин қамиш кесмалари тўшалгани шундоқ билиниб турибди. Пештоқ юза қисми безакли, шарафаи авезон, ичкари эса ярим ҳавзаклар билан орошланган. Ичкарига олти пиллапоядан юқорига кўтарилади. Икки паллали дарвозаси жуда мустаҳкам гужум ёғочидан қилинган. Дарвоза юзи гулмеҳи қадимийлар билан безалган. Ичкарида чиллахонаи равшанд (тиловатхона вазифасини ўтаган). Дарвозадан шундоқ ичкарида тўртта мрамртош турибди. Атрофи безакли, усти юза қисмида ёзувлар йўқ. Бундан кўринадики, мрамртошлардан ё иккинчи марта фойдаланилган, ё унинг ёзувлари емирилиб кетган. Дарвоза билан қабрлар оралиғида шартли равишда қўйилган девордан ичкарида олти мрамртош мавжуд. Улар олти супали соғона устига қўйилган. Соғоналар атрофи қора мрамр бўлаклари билан мустаҳкамланган. Ҳазиранинг тўрт томони баланд девор билан ўралган, усти ёпиқ эмас. Деворнинг юза қисми чиройли қилиб кошинкорий қилинган. Айни кунда ундан нишона учрамайди. Тошбитиклар маълумотларига қараб, бу қабрлар тақводор аёллар абадий маскани деб ҳисоблаш мумкин.

Биринчи соғона тошбитиклари

Тош ҳар хил шаклларда ясалган ён томонларига оройиш берилган. Оллоҳнинг исмлари, «Оятул курси» ояти ўйиб ишланган. Форсча, арабча сўзлар билан қабрнинг кимга мансублиги ўйиб ишланган.

1. Ҳазал марқадил — мунаввара махфура исматпаноҳ Ҳалима Султоним бинти Ҳазрати Тожиддин Ҳасан Хожа ибн Ҳазрати Хожа Саъд машхур ба Хожа Калон ибни Ҳазрати Хожа Ислом машхур ба ҳазрати Хожаи Жўйборий алайхи раҳмати варризвон.

Рўзи сеюми шаҳри Рабби ул сони, якшанба

Аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намунанд.

Бу соғона тақводор, авф этилган (Оллоҳ томонидан) Ҳалима Султонимга тегишли.

2. Ҳазрат Тож ад-дин Ҳасан қизи.

3. Хожа Саъд ўғли. У Хожа Калон номи билан танилган. Хожа Муҳаммад Ислом ўғли.

4. Ҳазрат Хожа Жўйборий номи билан машхур. Оллоҳ улардан рози бўлсин.

5. Рабби ул сони ойининг учинчисида, якшанба куни.
6. Фоний дунёдан боқий дунёга ўтди. 1090 (22.10.1679) йил.

Иккинчи соғона тошбитиклари

Мармартош сарғиш рангда. Тошда «Оятул курси» ояти ҳамда мотам марсияси битилган:

Жони худ бидихаму жони ман ивази шумо

Ба тарихи санаи 24-ўми шаввол, дар...

Соли ҳамдуна дар ҳазору наваду як буд, аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намуданд.

Таржимаси: Жонимни Сиз учун нисор айлаб, Сизни бор қилай.

1. Бу ёруғ қабрда авф этилган (Оллоҳ томонидан) беозор, тақводор, ҳазрат Муҳаммад Сиддиқ Хожанинг қизи Бону Султоним кўмилган.

2. Хожа Абдурахим хожи Хожа Саъд ўғли. Хожа Калон номи билан танилган.

3. Ҳазрат Муҳаммад Ислом Хожа ўғли. Оллоҳ раҳмат айласин.

«Матлаб ут-толибин» китобида маълумот берилишича, Ҳалимабону Султоним Тождиддин Ҳасан қизи бўлган. У Сиддиқ Хожага турмушга чиққан. Улардан Бону Султоним туғилган. Ҳалимабону Султоним ёш вафот этган. Бону Султоним онасининг қазосидан бир йил ўтгач, оламдан ўтган. Сиддиқ Хожа ёш хазон бўлган хотини ва қизининг хотираси учун бутун мол-мулкининг ярмини ҳазира қуриш учун сарфлаган. Тиловатчиларга вақф ер ажратиб, ҳужжатлаштириб берган. Қабрларга доимий қараб туриш учун хизматчи ҳам ёллаган.

Учинчи соғона тошбитиклари

Соғона супали бўлиб, ҳазира деворининг шундоқ ёнгинасида жойлашган. Устида катта қора мармартош. Бу мармартошнинг безаклари бошқа қабрларда қўйилган тошларга мутлақо ўхшамайди.

Қабртошда қуйидаги сўзлар битилган: «Ин марқади мунаввараи иф-фатпаноҳ исмат дастгоҳ моҳ Фотима бону Султоним бинти Муҳаммад Аббос Хожа. Ба тарихи рўзи сешанбе 15-ўми шаҳри шаъбони муаззам 1125 ҳижрий будки аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намуданд».

Таржимаси: «Бу ёруғ соғона иф-фатли, домони пок моҳ Фотима бону Султоним бинти Муҳаммад Аббос Хожа. Муаззам шаъбон ойининг 15-сешанба кунида дорулфанодан дорулбақога рихлат этди».

Тошбитикдан маълум бўладики, моҳ Фотима бону Султоним Муҳаммад Толиб Хожанинг невараси.

Тўртинчи соғона тошбитиклари

Қабр устидаги тошдан олдин бир марта фойдаланилган. Биринчи ёзувдан тошда қолдиқлар борлиги шундан далолат беради. «Бахт ҳокимликда эмас...» Қолган сўзлар ўчиб кетган. Тошнинг кимга тегишлилиги баёни:



«Тарихи интиқоли Нодирабону Султоним дар охири 15-ўми шахри жумодул аввал 1146. Бинти Муҳаммад Обид ибни Солих Хожа ибни Хожа Саъд. Жони худро доди ба бод...»

Таржимаси: Нодирабону Султоним Муҳаммад Обид кизи, Муҳаммад Обид Солих Хожа ўғли, Солих Хожа Саъд ўғли. 1146 йил, ҳижрий, жумодул аввал ойининг 15-кунида вафот этган. Ўз жонингни шамолда совурдинг.

Бешинчи соғона тошбитиклари

Тошбитик уст қисмида «Илоҳо, оқибат хайр бод» (Оқибати хайрли бўлсин) жумласи ёзилган.

Тошнинг кимга мансублиги тўғрисида қуйидаги сўзлар битилган: «Агар пурсанд олий марқат, бигуфт: Шарифабону. Дар тарихи 1035. Биби Шарифабону Султоним бинти Муҳаммад Толиб».

Таржимаси: «Сўрасаларким, бу олий қабр кимга тегишли деб, айтдим: Шарифабону Султоним Муҳаммад Толиб қизи, вафоти 1035 йил ҳижрий».

Тошдаги марсия матни:


*Зебу зийнати модарон Биби Шарифабону
Чи гўям васфи он дури яғона.
Ки буд аз ҳазрати Толиб нишона
Ба иззат хурўши айни даврон...
Ба ҳиммати Ҳотами Той аз Фуломон
Ба руҳ бузругон худ равон шуд
Забони пайпакони авлофи жаҳон шуд
Ба тоат умри худ бигузaronиду
Дар охир жон ба ҳақ сипорид.*

Таржимаси:

*Оналарнинг зебу зийнати Биби Шарифабону
У яғона дур васфи ҳақида нима ҳам дейин.
Ҳазрат Толиб Хожадан нишона эди,
Умрининг гуллаган даврида...
Камбағаллар учун Ҳотамтой мисоли эди.
Бузруклар руҳи кетган жойга равона бўлди.
Тили ...
Умрини тоат-ибодатда ўтказди
Охирида жонини Оллоҳга топширди.*

ЗАЙНАБ СУЛТОН ХОНИМ ХАЗИРАСИ

Зайнаб Султон Хоним хазирасига Имомат хазирасининг киравериш эшиги орқали кирилган. Учта ичма-ич чиллахонадан кейин асосий хазира биносига кирилади. Унинг тўрт томони баланд девор билан ўралган, пой-девори ер сатҳида жуда чуқур ўрнатилган. Тахминан уч метр бўлса керак. Деворнинг ер юза қисми тўрт қават сариқ харсангтош билан кўтарилиб,



сўнгра оби гишт билан девор олинган. Хазира деворлари хайратланарли даражада кошинкорийдан чиқарилган. Безаклар усули ислимий бўлиб, кўпроқ унда райхоний ранг мавжуд. Айни кунда гулбарглари, гулкосаларининг парчинлари тушиб, йўқолган. Қолипларининг жойи мавжуд. Бирор марта бўлсин, тўрт девор таъмир юзини кўрмаган. Бундай безакли хазира девори Бухоронинг бошқа қадамжойларида умуман учрамайди. Оби гишт билан харсангтош ораллигига қалингина қилиб қамиш қўйилган. Қамиш кўп йиллик кўринади. Мустаҳкамлигидан шу кунга қадар унинг найча усулидаги поя тешиклари ёпилмаган. Бу ўсимликнинг ўта қаттиқлигидан далолатдир. Мавжуд тўрт девор шунчалик мустаҳкам кўтарилганки, зилзила, қор, ёмғир таъсири уни жойидан қулатиш қудратига эга бўлмаганлиги кўриниб турибди. Хазира ичидаги супали соғона устида иккита ёзувли тош бор. Улар билан ёнма-ён соғоналар турибди. Соғоналар устида ёзувли мрамартошлар йўқ. Аслида бор бўлган, лекин бизнинг кунларгача етиб келмаган. Улар ё ўғирланган, ё бошқа қабрлар учун иккинчи марта ишлатиб юборилган.

Биринчи соғона тошбитиги

Соғонадаги мрамартошдан такрор фойдаланилганга ўхшайди. Тошнинг юқори ва ён томон нақшлари жуда чиройли, ёзувлари насталиқда. Биринчи ёзувларидан айрим сўзлар қолган.

Янги ёзувларининг шарҳи

1. Бу хазира авф этилган диндор.
2. Ҳазратлар шодаси муқаддас Зайнаб Султон Хонимга тегишли. У Мухаммад Мирзо қизи. Оллоҳ уларни раҳмат айлаган бўлсин. Вафоти санаси: Ражаб ойи, хижрий 1080 йил (мил. 1680).

Иккинчи соғона битиклари

Биринчи соғонага ёнма-ён турибди. Бизнингча, бу соғонанинг ҳам мрамартоши иккинчи марта ишлатилганга ўхшайди. Сабаби, биринчи нусхасидан айрим белгилар қолган. Тошнинг йўнилган жойида иккинчи марта марсия шеър битилган:

*Зи чўп тобут созанду бимонанд туро
Гарчи бисёр молу давлату дунё
Жойи рафтанад лаҳати тор
Ту мешави тўғмаи каждуму мор
Дар дунёси ҳасти чун гул узор дори
Зи кўчаи марг рўзе гузор дори
Кори неку хуби худ бидон
Умр гарчи дори сажда... (?)
Дар ин дунё зи-кори хуб гиранд жаннат*

Дар ин дунё пиёда, савора раванд жаннат
Накун коре ки рости Оллоҳ наояд
Ки рӯзе пеши Ҳақ шарм орад
Чу гузор афтад пеши марқад, ёд созем
Чун умр гузарад равон, боз хок ёбем.
Садоқат баҳри ғойиб гаштагон
Пештар биёю сари қабрам фотиҳа хон
Гулҳо хазон гардан афсус
Жавони айёми беғамист
Зи имкони зиндаги ёб гуҳар.

Таржимаси:

Мартабанг қанча улуг бўлмасин,
Барибир қабринг узра тиконлар ўсгай.
Бир кун и узун ёғочдан ясалган тобутда сени қўялар.
Хазинанг ва кўплаб ҳимоячиларинг бўлса ҳам
Борар жойинг қоронғи лаҳат.
Тананг чаён ва илонларга ем бўлади.
Ёруғ дунё бағрида гунча янглиғ очилиб юрсанг ҳам
Ўлим кўчасидан албатта ўтишинг бор.
Яхши-ёмон ишларингни, дўстим, ажрата бил.
Қилинган саждалар...
Бу оламда жаннатни эзгу ишлар билан эгаллайдилар.
Бу яёв дунёда жаннатга ҳамма отлиқда кетадилар.
Оллоҳга хуш келмаган ишларни қилмангиз.
Ҳамма нарса уятга айланади.
Соғона ёнидан пиёда ўтганлар
Вафот этганларни ёд айласинлар.
Кўнгул очар, вақти чоғликлар берилган бандаларни
Оллоҳ ер қаърига узатди.
Биз ғойиб бўлганларга, садоқатли бўл.
Ўта туриб мазорим ёнидан яқин келиб дуо ўқи.
Гуллар сўнгай, афсус...
Ёшлик бепарволикдир доим.
Тириклик имкониятларидан фойдаланиш шарт.

ОБИД ХОЖА ХАЗИРАСИ

Хазирага Мозори Дароз дарвозасига қарама-қарши бўлган шинамгина эшикдан кириб борилади. Пештоқди дарвоза юза қисмларига ганжкорий усули билан безак берилган. Тўғри йўлакдан бориб Хожа Саъд мақбарасидан ўтилгандан кейин ўнг девори билан ёнма-ён Обид Хожа мақбараси эшигидан кирилади. Тўрт томони баланд девор билан ўралган бўлган. Шимол томонда чиллахона. Усти гумбазли, олди устунли айвон. Икки ён томонидан — шарқ ва жануб томонга очиладиган эшиги ҳам бор. Барча мақбарадагилардай анъана давом эттирилиб чироқпоя ясалган. Ҳозир у йўқ, аммо жойи бор. Пойдевори кўриниб турибди. Атроф деворлари 1999 йилги таъмиргача қулаб йўқолиб кетган. Таъмир пайтида ер ости пойдеворига қараб 1,5 метр баландликда девор кўтарилган. Хазирада қабрлар мавжуд. Битикли мрамартошлар қўйилган. Айрим мрамартошлардан иккинчи, учинчи марта фойдаланилганлиги билиниб турибди.

Биринчи қабрнинг тошбитиги

«Ин марқади мунаввара диндор Фахрия бону Султоним бинти Ҳазрати эшон ибни Муҳаммад Обид Хожа. Моҳи муҳаррам санаи 1170 (1755 милодий). Вақте буд, ки Бону Султоним аз дорулфано бар дорулбақо рихлат намуданд».

*Ду байтам жигар кард рези кабоб
Ки мегуфт хонанда бо рубоб:
Даригоки бинамо баче рӯзгор
Бирӯяд гулу бишукуфат навбаҳор
Касе наравад аз мову
... Ҷрди бихишит ...
Биед ки мо хок бошему хишт
Тафаррух кунун бар ҳою ҳавас
Гузошт сар ба хок бисёр кас.
Сад вовайло ӯ рафт зи ҳаёт
Зери булут монд дурахшон офтоб.*

Таржимаси: «Бу мунаввар қабр диндор Фахрия бону бинти Ҳазрати Эшон ибни Муҳаммад Обид Хожаники. У 1170 ҳижрий йилнинг (милодий 1755) муҳаррам ойида вафот этган. Дорулфанодан дорулбақога рихлат қилдилар».

*Икки байтим жигарни айлади кабоб
Ки ҳофиз айтарди қўшиқ қўлда рубоб:
Даригоким, кўрсат тириклик жамолин
Ки очилсун гуллару яшнасин навбаҳор
Ҳеч ким маҳрумлар ёнидан қайтмагай
... Ҷрдибехишт ... (ойнинг форсча номи)
Келиб кўрсалар биз хоку гиштга айланганмиз
Умр ӯтказиб ҳою ҳавас билан
Кўп киши тупроққа айланди, минг афсус, у ҳаётдан кетди
Булут остида қолди қуёши.*

Иккинчи тошдаги битиклар

«Ин марқади мунаввара мансуби Шамсиябону Султоним бо номи Биби Жўйборий машхур».

*Сад афсус зи ҳаёт рафт,
Монд зери булут офтобаш.
Рӯзи иди Қурбон рафт зи ҳаёт
Бурд чароғи равшанаши бар жаннат
Дил набанд ба дунёю ибрат гир
Зирӯзи марг касе хабардор нест
Зи дунёи жавони набоши тайёр бар олами гайб
Чун Зулайхо зири хок шави банди
Шинанд зери дарахти тубо дар жаннат*

Марсиянинг давоми ана шундай мисралар билан давом эттирилган.

Таржимаси: «Бу мунаввар соғона Шамсиябону Султонимга тегишли. У Биби Жўйборий номи билан машҳур».

*Минг афсуслар, у ҳаётдан кетди
Булут остида қолди қуёши
Дунёдан ўтди ийди Қурбон кунлари
Жаннатга чирогини олиб кетди.
Дунёга кўнгил боғлама, ибрат ол.
Улим кунидан ҳеч ким хабардор эмас
Ёшлик дунёсидан бошқа дунёга саёҳатга тайёр бўлмасанг
Зулайхо мисол ер остида банди бўласан.
Ҳамма ҳам абадий дунёга кетар, ёшлар ҳам
Барча кетар афсус, надомат билан
Бошқалар тубо дарахти остида ўлтирарлар.
Ҳамма ҳам навбати билан ер остини макон қиларлар.
Ҳазрат Биби ўз даврининг олийжаноби,
Биби Жўйборий машҳур хоним.
Санги турбат мозорида абадий бўлсин
Вафоти тўғрисида донишмандлар юз бор деди.
Бутун шаҳар унга меҳр-муҳаббат қўйди.*

Тўртинчи тошбитик

Қабртошдаги ёзувлар унчалик аниқ эмас, кўп қисмлари ейилиб кетган. Шундай бўлса ҳам қабртошнинг Азиза Пошша Биби Муҳаммад Қосим Хожа қизига мансублиги аниқланди. Қабр тошида таъзия шеъри мавжуд:

«Чун зи олам ў шаҳиду пок рафт».

Таржимаси: «У оламдан шаҳиду пок кетди».

Изоҳ: Аёл кишига «шаҳид кетди» дейиш баъзида шубҳа уйғотиши мумкин. Биз аниқлик киритиб айтишимиз ўринлики, агар аёл киши енгил бўлаётган пайтида вафот этса, у шарият қонун-қоидасига кўра, «шаҳид кетди» дейилади. Шу сабабли Азиза Пошша Биби Муҳаммад Қосим қизи фарзанд кўраётган пайтида вафот этганлиги учун унинг қабри тошида «У оламдан шаҳиду пок кетди» деб битилган.

Бешинчи қабртош битиглари

Ёзув насталиқ хатида. Тошнинг жанубий, шимолий тарафларида қуйидаги ёзувлар бор:

1. Бу ёруғ соғона Оллоҳ бандаси
2. Биби Фархунда Абдул-Оллоҳ қизи
3. ... Ой санаси ... чоршанба куни
4. Мангуликка 1131 йили кетди (1719 милодий).

Тошдаги марсия:

1. ... Ажойиб
2. ... Мозор устида ёзилган (?)
3. ... Хозирча нафас олаяпмиз.

4. ... Кўзлар (?)

5. ... Рўзғор

Марсиянинг эътиборга молик мисралари йўқ. Ҳаммаси одатдаги гаплар. Шу сабабли ҳам охиригача таржима қилмадик. Фархунда — арабча сўз бўлиб, «хурсанд, бахтли» маъносида келган.

ПОШШООЙИМ ХАЗИРАСИ

Ойпошшоойим хазираси бошқа хазиралардан безакдорлиги, кўркамлиги-ю ихчамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чор Бакр мажмуалари ҳовлисининг нақ ўртасига келгандан кейин шимол томонга қараган кишининг кўзи дарров Ойпошшоойим хазираси пештоқига тушади. Пештоқ пойдеворининг ер сатҳи олти метр чуқурликда жойлашган. Пойдеворнинг ер юза қисми сариқ харсангтошлар билан олти қават қилиб терилган. Шундан сўнг оби фишт, оби фишт қўйишдан олдин синж билан харсангтош орасида қалингина қилиб қамиши кўфта ташланган. Хазирага еттита пиллапоядан юқорига кўтарилади. Юқорида иккита ичма-ич қорихона мавжуд. Қорихонанинг олдингиси билан шарқ томон эшигидан асосий соғоналар қўйилган катта хазирага кирилади. Қабрларнинг шимол, бош қисмида чироқпоя ўрнатилган. У ҳозир жуда нураган. Фақат тархи турибди, холос. Шу туришида ҳам вақтида у жуда гўзал, чиройли қилиб ясалган, деган фикрга бориш мумкин. Чироқпоя ғарб томон юзида кошинкорийдан парча қолган. У райҳоний рангда. Хазиранинг асосий жиҳозлари бир кишилиқ соғоналар. Пештоқ безаклари-ю катибаси тўғрисида фикримиз жуда рангдор. Пештоқнинг икки ён томонига парчинкорий усули билан нақши ислимий ясалган. Пештоқнинг катиба қисмида эса Қуръони Карим «Зумар» сурасининг эллик учинчи ояти ёзилган (таржимасини «Қуръони Карим» китобидан иқтибос қилдик): «Менинг ўз жонларига қасд қилган бандаларимга айтинг: Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз, албатта, Оллоҳ барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, унинг ўзигина мағфиратли, меҳрибондир».

Катиба ояти атрофига кошинорий, парчинкорий билан гўзал қилиб, нақши ислимий солинган. Ажабланарлиси шундаки, гулларнинг бус-бутун ранги заъфароний. Шундай сариқликки, қараган кишининг кўзидан беихтиёр ёш оқади. Хўш, нега заъфароний ранг пештоқ борлигида хукмрон? Бу ранг хазирада ётган аёллар тақдирининг пештоқдаги мунгли аксидир, балким. Нега бундай дейсизми? Сабаби, хазира қабрларида ётган аёллар тақдирлари (агар улар хонзода бўлсалар ҳам) маҳзун эди.

Мисол тариқасида «Матлаб ут-толибин» китобида келтирилган бир фактни сизнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз. Пошшоойим хазирасида хоки турбат бўлиб ётганлардан бири Бибижон хоним бўлади. У ўттиз ёшга кирмай хазон бўлган хон қизи. Бибижон хоним Жонибек Султоннинг қизи. Хожа Саъд Абдуҳожи исмли ўғлига Бибижон хонимни келин қилиб туширган эди. Абдуҳожи Бибижон хонимдан уч фарзанд кўрди. Бир қиз ва икки ўғил. Биринчи ўғли балоғатга етмай вафот этди. Бибижон хоним эрта хазон бўлган ўғли тақдирига қанчалиқ куймасин, унинг

кейинги ҳаёти бундан ҳам аянчли эканлигини биз воқеалар тафсилоти-дан билиб оламиз. Буни қарангки, Абдухожи Боқий Муҳаммадхон дарборида катта мансаб эгаси эди. Нима бўлди-ю, қайнака билан куёв ўртасида гап ўтади. Аниқроғи Абдухожи қайнакасини унчалик назарга илмай қўяди. Сабаби, Абдухожи жуда ёш, ҳарб сирини мукамал билган, абжир хожазода эди. Унинг атрофида мухлислари жуда кўп, хонга эса бу нарсани унча ёқмади. Бундан жуда ҳадиксираган шохнинг Абдухожи билан гапи қочди. Жаҳл отига минган Бибижон хонимнинг акаси отаси Жонибек Султонга буюрди: «Ота, синглимни мол-мулки, болалари билан Абдухожининг уйидан олиб келинг. Менинг қарорим қатъий». Ота Бибижон хоним ҳузурига келиб ўғлининг муддаосини айтди. Бу можародан олдин хабари бўлган Бибижон хоним йиғлаб отасидан ўтиниб сўради: «Менинг ҳаётимга аралашманглар». Отаси қизининг аҳволини тушуниб, келган йўлига қайтиб кетди. Буни эшитган хон катта акасига шарт қўйди: «Синглимни Хожа уйидан олиб келмасанг калланг кетади». Икки ўт орасида қолган ака Бибижон хоним уйига келди. Ва уни болалари билан отасининг уйига олиб кетдилар. Абдухожининг мол-мулки эса хон томонидан хатга олинди. Ўртага Хожа Саъднинг ўғиллари тушиб, хондан Абдухожи гуноҳини кечириб ва мол-мулкини қайтариб беришни сўрадилар. Катта мавқега эга бўлган Тожиддин Ҳасан бу аччиқ можаро ўртасига тушганидан кейин хон қаҳрдан тушди. Синглисини болалари билан Абдухожининг уйига қайтариб юборди. Лекин, қайсар Абдухожи шаштидан тушмаган эди. У хондан қасд олиш ва унга тажовуз қилиш раини тутди. Куёвининг хатти-ҳаракатларидан қаттиқ хафа бўлган хон уни Бухоро шаҳристонида бадарға қилиб юборди ва Ҳиндистонга сургун қилиш фармони берди. Ҳиндистон томон йўлга отланган Абдухожи отининг оёғига аёли Бибижон хоним ўзини ташлаб зор-зор йиғлади. Аммо, қайсар эрини тавба қилиш оstonасигача келтириб бўлмади. Хотин-болаларини Бухорода ташлаб, Ҳиндистонга сургун қилинган Абдухожи бобурийлар авлодидан бўлмиш Шох Акбар дарборига бориб жойлашиб олди. Тақдирни қарангки, оз фурсат ўтмай, у унчалик аён бўлмаган айрим сабабларга кўра, оламдан кўз юмди. Хожа вафотининг хабари бутун Бухорога тарқалди. Уч боласи билан бева қолган Бибижон хонимни қайнакаси Абдурахимхожа ўзига никоҳлаб олди. Бундай никоҳдан мақсад, меросий мол-мулкнинг бўлинмаслигидир. Ора йўлда қолган Бибижон хоним Абдухожининг акаси Абдурахимхожадан қиз фарзанд кўрди. Қизи тувилгач, ўзи оз фурсат ўтмай, номаълум сабабларга кўра, қазо тузоғига оёқ қўйди...

Ҳазирага кирган заҳоти кишининг кўзи оддий қора мрамартошга тушади. У шунчалик оддийки... Бу Бибижон хонимнинг супа шаклидаги соғонаси. Бу ерда Бибижон хоним ва унинг Абдухожидан туғилган, ёш хазон бўлган қизи қўйилган.

Бибижон хоним қабри устига қўйилган мрамар тошбитиклар таржимаси: «Бу ёруғ даҳма Оллоҳ томонидан кечирилган тақводор ҳамда соф, эзгулик ниҳоли Бибижон хоним Жонибек Султон қизи. Ҳижрий 1017 йилнинг Муҳаррам ал-аҳрам шаҳри (ойида) вафот этган (1608 милодий йил)».

Шарҳ: Бибижон хонимнинг иккинчи эри Абдурахимхожадан туғилган





қизи Нодирмухаммадхоннинг келини бўлган. Кейинчалик уни Пошшабиби номи билан атаганлар. Жумладан, мазкур ҳазира ҳам унинг номида.

Пошшабиби қабридаги тошлар қора рангда бўлиб, ёзувлари насталиқ хати билан чиройли қилиб ўйиб ишланган. Ундаги марсиялар форс тилида ёзилган:

1. «Оҳ, аз мастураи соҳибкарам».

Изоҳ: «Оҳ, соҳибкарам мастураси» иборасида мархуманинг вафот йили яширилган.

2. Эй, ой Пошшабиби бинти Абдурахимхожаи Жўйборий (Эҳ, Пошшабиби бинти Абдурахим Хожаи Жўйборий қизи).

3. Чун гулбонги ... Бишнавид.

Аз сара бўстони пур... (ўқиб бўлмади. — С. Ҳ.).

Оқибат аз фирори маснади жо

Кард оҳанги коҳ зери замин.

Он олияи нажоди олийқад. Иффатандеш, оқибатойим.

Онки пайваста монади исмат

Дошт аз файзи маъдумаш...

Таржимаси: Бу оламдан поклик фариштаси жуда ёш кетди. Чунки у ўлим қуши хабарини эшитиб, яхши бўстондан кетди. Оқибат шу бўлдики, сомондек сариқлик (ғам-оқибат) уни ер остига олиб кетди. У жуда юқори мартабали, бошқаларга жуда марҳаматли, андишали, оқибатли аёл эди. У ҳамиша поклик билан пайваста эди. Ана шу покликнинг файзидан у ҳамиша баҳравар эди.

Даҳмалардаги учта тошда ёзув йўқ. Соғонанинг кимга тегишлилиги ёзилмаган. Тўртинчи мрамартошда икки мисра марсия шеъри мавжуд:

Жони ширини маний


Дилки зи жон ширинтар.

Яна бир тошда тубандаги мазмунда (форс тилида) марсияхат мавжуд: «Бу, афсус, кўҳна дунёдан хожалар подшоси, хуш табиат тўсатдан сабрбардош саройида лой ва гиштдан ясалган тепаликка айланиб қолди. Оллоҳ таоло хузурига учиб кетди. Заминда сархуш юрма. Оёғинг остида ажиб инсонлар ётибдилар, бу дунёда бизлардан олдин кўплаб кишилар яшарди. Улар ҳам кетди. Кўз юмиб... Оёғинг остида юзлаб холлар бор. Кўмилганлар юзларида эди у».

Бешинчи соғона битиклари

Бу қабр софлик хазинаси... Хоним номлари, саййидлар қизи. Ҳазратлар сардори, Абдухожи (1606 йил санасида)...

Шарҳ: Қабртошда битилган қисқа шажарадан маълум бўладики, соғона эгаси Ҳиндистонда вафот этган Абдухожи Жўйборийнинг Бибижон хонимдан туғилган қизи экан.



Сақохона.



Пошшоойим хазирасининг пештоки (ўртада).



Чиллахона. Хожа Ислом хазираси пештоки (жануб томондан тасвири).



Мозори Дароз йўлаги.



Гумбаз, фасад, дархоналар (жануб томондан кўриниши).



Масжиднинг кулоҳий гумбази.



Икки хазира орасидаги йўлак.



Чор Бакр.]



лохий гумбазлар.



Чор Бакр. Асосий обидаларнинг умумий кўриниши.



Чор Бакр. Мозори Дароз, Хожа Саъд, Абдулло Хожа, Ойпошша биби, Насриддин Хожа хазиралари. Сақоҳона.



Чор Бакр. Умумий кўриниш.



Хожа Саъд Калонхожа обидалари мажмуи. Мадраса. Минора.



Хожа Тождин Ҳасан обидалари мажмуи. Зандана. Хонақоҳ. Минора.



Ойпошша Биби мадрасаси. Умумий кўриниш.



Жўйбори Берун маҳалласи.



Ойпошша Биби мадрасаси пештоқи.



Жўйбори Берун маҳалласининг Жўйи Мулиён томони.



Жўйбори Берун маҳалласи қалъа деворининг шинаги.

Олтинчи соғонадаги битиклар

Айрим сўзлари ўчган. Қолган сўзлардан шу нарса маълум бўладики, бу қабр эгаси Ширинхоним исмли аёл экан. Шажараси йўқ. Фақат вафот куни, 1691 йил, ражаб ойи экани аниқланди. Қабртошдаги марсия шеъри эса ошиқона мазмунга эга:

*Лабонат зи даҳонат ширин аст
Даҳонат зи забонат ширин аст
Ханда ширин, сухан зи вай ширин
Гуфтори ту аз гуфтори тўти ширин
Лафзи ту, зи лафзи ширинтар ширин.*

Марсия шеър ана шундай давом эттирилади.

Пошшоойим хазирасида яна иккита қабр қўйилган. Улар кичик қорихона (тиловатхона)га чиқарилган. Устида мрамртошлар бор. Лекин, ёзувлари йўқ. Хазиранинг тўрт томон ички девори сариқ ранг билан ислимий нақш солиб, парчинкорий қилинган. Айни кунда ундан бир парчагина (жануб деворининг шарқ томон бурчагида) қолган, холос.

МОҲ СУЛТОНИМ

«Қирққизлар» номи билан айтиладиган хазирани шартли равишда Моҳ Султоним хазираси деб номладик. Моҳ Султоним Нишопур саййидлари Хожа Ҳошим қизи бўлиб, Чор Бакрларнинг чеваралари, машҳур пир Хожа Саъд (Калон Хожа)нинг умр йўлдоши бўлган. Мозори Дароз дарвозасининг рўпарасидаги пештоқли дарвозадан кириб, чап томонга бурилгандан кейин кичик пиллапоя билан Моҳ Султоним хазирасига кириб борилади. Шимол, жануб йўналишида иккита қорихона бор, улардан хазирага кириш учун шарқ томондан эшик қўйилган. Хазира биносининг ер устки қисми олти қават сариқ харсангтош билан кўтарилган. Ер ости пойдевори тақрибан икки ярим метр. Сариқ харсангтошлардан кейин қамиши кўфта солиниб, сўнгра гужум ёғочидан бўлган синч ётқизилган. Синчлар гулмеҳи қадимий билан банду-баст қилинганлиги сабабли жуда ҳам мустаҳкам. Деворининг ташқи юза қисми безаксиз. Оби ғиштлири жуда пишиқ бўлиб, шу кунга қадар кўркамлигини йўқотган эмас. Терилган оби ғишт юзасига балки пиллаи пухта суви юритилгандир. Шундан бўлса керак, девор жилдорлик касб этиб турибди. Хазира деворларининг ичкари юза қисмига кошинкорий билан безак берилган. Бугунги кунгача ундан айрим парчалар сақланиб қолган. Ранги кўпинча райҳоний кўринишда. Хазира қабрларида йигирма беш киши қўйилган. Ҳар бир қабрда иккита кишининг жасади мавжуд. Супали қабрлар атрофи силлиқ тарошланган безакли мрамртошлар билан қопланган. Шимол томон девор ёнгинасида жуда кўркам чироқпоя қўйилган. Аммо, ҳозир чироқпоя йўқ, фақат пойостонаси мавжуд.

Биринчи соғона тошёзувлари

«Ушбу соғона олиҳа шоҳ Мунаввар Бону Султонимга тегишли». Тошбитикдаги шажараси: отаси — Раҳматуллоҳ Хожа ўғли, онаси — ифбатли Орифа Бону Султоним.

Ота томон шажараси Раҳматуллоҳ Хожа Эшон Муҳаммад Атоуллоҳ Хожа ўғлига, Атоуллоҳ Муҳаммад Обидхўжа ўғли эса Обид Хожа Эшон Муҳаммад Солиҳ Хожа ўғлига бориб уланади.

Она томон шажараси: Шоҳ Мунаввар Орифа Бону қизи — Орифа Бону Саид Абдулфайз Муҳаммад Баҳодирхон қизи — Абдулфайз Муҳаммад Саид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхон ўғлига бориб тақалади.

Мунаввар Султонимнинг вафот йили — ҳижрий 1184 йил.

Соғонада яна қуйидаги ёзувлар мавжуд:

Хонаи Арш гашт хароб,

Ашк аз дидаҳои пурнам рафт.

Таржимаси:

Арш уйи хароб бўлди (унинг ўлиmidан кейин)

Ёшли кўзлардан томчилар оқди.

Изоҳ: Иккинчи соғонанинг битиги ўчган, ўқиб бўлмади.

Учинчи соғона тошбитиги

Кимга мансублиги, вафот санаси ўчган ёки ёзилмаган. Фақат марсия матни мавжуд. Бундан билинадикки, марҳум ёш қиз бўлган. Марсиядан парчалар: «... нима хавфли ... жигарга...из... Менинг азиз суюкли болам, юзи қуёш, қошлари ёйсимон, кўплардан сўрадим сўроғини, жавоб йўқ...»

Тўртинчи соғона тошбитиклари

Кимнинг қабри, вафот этган йилини аниқлаб бўлмади. Фақат тошнинг юқори қисмида марсия мисралари мавжуд: «Сўхтачун шамъ рўзу шаб ба ёди васли ў. Доғи ҳасрат бар дил хунваш гардид».

Таржимаси: «Унинг дийдори васли умидида кеча-кундуз шамъ янглиғ ёндим. Ҳасрат доғи юрагимда қон рангини олди».

Бешинчи соғона мрамртошидаги битиклар

«Бу ёруғ қабр Моҳбону Султонимга тегишли. Отасининг тошбитикдаги шажараси Асадуллоҳ Хожа қизи. Асадуллоҳ Муҳаммад ўғли... Эшон ўғли, Муҳаммад Толиб Хожа Тожиддин Ҳасан ўғли, Оллоҳ уларни раҳмат айласин. Вафот тарихи, ҳижрий 1110 йил (1698 милодий йил).

Мазкур қабртошдаги марсия матнидан мисралар: Соғона Оллоҳ томонидан кечирилган макон. Ўрни хушбўй жаннатда бўлсин. Олий зотли

Моҳбону. Унинг авлоди икки томондан олий зотларга боғланади. Асадуллоҳ Хожанинг азиз қизи. Унинг сочлари ердан сумбул мисол ўсиб чиқди.

Моҳбону ўлими тўғрисидаги марсия тошнинг ён томонларига ҳам давом этирилган: «Биби Зайнаб ўлими ҳақида йиғлаб Асадуллоҳ Хожа бу соғонани кўрди. Умид боғидан бирорта ҳам гул узманг». Бу мисралардан аён бўладики, Зайнаббону бу ёруғ оламдан ёш кетган. Отаси унга қабр ясаган. Бу ҳам маҳзунликнинг тошга сиғмас белгисидир.

Олтинчи соғона тошбитиклари емирилган, уларни ўқишнинг иложи бўлмади.

Еттинчи соғона тошбитиклари

Соғона устида қўйилган мрамртош иккинчи марта ишлатилганга ўхшайди. Олдинги ёзувлардан сўзлар мавжуд. Аёл эканлиги «бинти» (қизи) сўздан билиниб турибди. Тахминан 70 йилча олдин мазкур тош аёл қабри бошига қўйилган бўлган. Тош қайта ишлов берилиб, юзининг ён томонларига марсия ёзилиб, Оллоҳ номи ҳамда Гавҳаршодбону номи ўйилиб ишланган. Марсияда уни Чингизлар наслдан деб кўрсатилган. Хулоса шуки, Гавҳаршодбону Жўйборий хожалар келини бўлган.

Саккизинчи соғона тошбитиклари

Бу соғонанинг мрамртоши иккинчи марта ишлатилган. Олдинги ёзувларидан нишона бор. «Оят ал-курси» тошнинг устки юза қисмида жойлаштирилган. Иккинчи марта насталиқ ёзуви билан ишланган. Ёзув унчалик чиройли эмас. Унда фақат «Султоним» сўзи бор.

Тўққизинчи, ўнинчи соғоналар устига қўйилган тошлар ёзувларини ўқиб бўлмади.

Ўн биринчи соғонанинг марсия мисраларидан қабрнинг Хадичабону Султонимга мансублигини билдирувчи ёзув қолган. Хадичабону Султонимнинг ота-она томон шажараси йўқ. Тошнинг кесма томонида «як ҳазору як саду наваду шаш Бону... ин дунёро тарк кард» (Бону... бу дунёни бир минг бир юз тўқсон олтида тарк этди) жумласи бор, холос. Милодий йил ҳисобида бу 1781 йилга тўғри келади.

Ўнинчи қабр ёзувлари

Ёзувлар насталиқ хатида битилган, қабртошнинг юқори ва ён томон ёзувлари, шимол ва жануб қисм битикларида марҳума шажараси, унинг васфига битилган қимматли марсия мавжуд. Соғонада Иззатбону Султонимнинг отаси Убайдуллоҳ Хожа, онаси Субҳонқулихоннинг Саидабону хоним





номли кизидир. Марсиянинг ҳамма мисраларини бу ерга келтиришни лозим топмадик. Фақат вафотига тегишли жойини мисол тариқасида келтирамиз: «Бандаи бегуноҳ бар боғи худойи — бар дорулбақо равона шуд. Руҳи поки ў Моҳи Рамазон рўзи якшанбе ба боғи абадий парвоз кард».

Таржимаси: Гуноҳсиз банда абадий дунёга, айрилиқ боғига равона бўлди. Рўза ойининг якшанба кунда руҳи абадийлик боғига учиб кетди.

Ўн учинчи, ўн тўртинчи қабрлар устига қўйилган мрамртошлар битикларини ўқиб бўлмади. Сабаби ёзувларнинг фақат изи бор, холос. Ҳарфлар кўринмайди. **Ўн бешинчи** даҳма қабр тошида: «... Бону Султоним Хожа қизи» сўзини ўқиб бўлди (Бону Султоним бинти Хожа) ... Вафоти йили тахминан ҳижрий йилнинг 1058 да (бу милодий йилнинг 1648 санасига тўғри келади).

Ўн олтинчи қабртош битиклари фақат чет қисмларида қолган. Марсиянинг айрим сўзларини, тош кўринишига қараб, XVII асрга мансуб санъат дейиш ўринли.

Ўн еттинчи даҳма қабртоши битиклари

Супали даҳма чироқпоя ёнида жойлашган. Тош безаклари жуда пишиқ ишланган. Ёзувларда Қуръони Каримдан оят ҳамда марҳумнинг иккала томон шажараси берилган. Қабр эгаси Мастура Султоним.

Ҳошимия шажарасининг баёни:

1. Хушбўй ўрин Моҳ Султонимга мансуб. Мартабаси улуғ, шуҳрат эгаси, ҳазрат Абу ал-Мўъиза Саййид Ҳошим Хожи қизи. Абдул Хожи ўғли, Саййид Хожа Муртазо ўғли, Саййид Муҳаммад ўғли Саййид, Абд ал-Мўъиза ўғли Маҳмуд.

2. Саид Мажид Саййид ўғли. Саййид Закрия Саййид Ҳисом ад-дин ўғли. Саййид Мир Ҳайдар Саййид Али ўғли. Саййид Маъмур Саййид Муҳаммад ўғли, Саййид Абдул Ҳусайн Саййид Ҳошим ўғли. Саййид Аҳмад ибн Саййид Убайдуллоҳ ас-Сағир ибн Али ибн Саййид Убайдуллоҳ ... Ал Ҳусайн ас-Сағир ибн Имом Зайн ул-Обиддин ибн Али ўғли. Абдуллоҳ ал-шаҳид Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб.

Мазкур насабнома жўйборийлар шажарасидан фарқ қилади. Чунки, хошимия шажараси Нишопур саййидларига мансуб бўлиб, улар шаҳид Ҳусайннинг Зайнулобиддин ўғли наслидан. Мастура (Моҳойим) Султонимларнинг невараси. Хожа Ислом ўз ўғли Хожа Саъдга Мастура Моҳойимни никоҳлаб берган. Хожа Саъд аёли — Мастура Моҳбону Султоним қабри бошидаги марсияни тўлиқ келтирамиз: «Ҳошимия наслидаги софлик тимсоли. Беғубор Каъба кетди. Ёруғлик гулини йўқотган дунё ғамдан булутли бўлди. Вафот йили «Пайғамбар уйининг фаҳри» сўзига мужассам. Бу дунёнинг ранжу аламидан қутулиб кетди. Жўйборийлар наслу насаби жаннат дарахтидан унган».

Моҳ Султоним қабртоши мақбарадаги кўркам, энг яхши сақланган битикли қабртошлардан. Қолган бошқа қабртошлар ёзмаларини ўқишнинг иложи бўлмади. Улар ёмғир, дўл, шамол таъсирида ўчиб кетган.

ХОЖА САЪД ХАЗИРАСИ



Мох Султоним мақбарасининг шарқ томон девори билан бақамти Хожа Саъд хазираси девори қурилган. Хазирага пештоқ эшигидан кирилади. Узун йўлакдан кейин чап томонга бурилиш йўлакчаси бор. Хазира қурилган вақтда атрофи девор билан ўраб олинган. Киравериш эшиги пештоғи, пиллапоялар билан юқорига кўтарилган. Зиёратчилар қироатхона, чиллахонаи торик, чиллахонаи равшанда ўтириб, муродлари ҳосил бўлгач, қайтганлар. Бухороликлар, балки Мовароуннаҳр аҳли ихлос қўйган пир Хожа Саъд Носириддин жасади тағхонага, даҳма ичкарасига қўйилгандир. Устида эса қироатхона, чиллахона, олди айвонли қорихона ҳам қурилган. Хожа Саъд қабрини белгиловчи мрамартош бўлган. Айни пайтда у йўқ. Балки, 1589 йилдан то бугунга қадар шўрланган. Юқорига кўтарилган тупроқ, емирилган девор остида қолиб кўзга кўринмасдан қолгандир. Лекин, ҳазира устида учта қора мрамартош ҳали ҳам бор. Тошлардаги битиклар Хожа шахсиятини белгиламайди. Битикларда бу ҳақда ҳеч қандай фактни учратмадик.

Биринчи қабртош

Мрамартош юзасида «Ал-курси» ояти ёзилган. Тошнинг атрофида Оллоҳнинг 99 та сифати ўйиб битилган. Марҳумнинг шахсияти — Қудратул-ла Хожа ибн Абди Хожа.

Шарҳ: Марҳум исмидан аниқки, у Бибижон хонимнинг 14 ёшга етмай вафот этган ўғли Хожа Саъднинг Абдуҳожи исмли ўғилларидан туғилган фарзанд қабри. У бобосининг даҳмаси ичкарасига қўйилган.

Иккинчи тошбитик

Бу мрамартошда марҳумнинг исми шарифи учрамайди. Фақат вафот этган оғи туғрисида маълумот берилган: «Тарихи шахри ал-муборак». Бундан ташқари форс тилида битилган марсия ҳам мавжуд:

*«Ҳам чунин айёми гулҳо
Чанд рўзе буд меҳмон.
Тундбодде баромад биафканд
Навиди наҳли бўстони навниҳол».*

Таржимаси:

*Гуллар очилар айёмидек
Бир неча кун меҳмон бўлди.
Изғирин шамол туриб (ўлим)
Бузиб ташлади ҳаёт бўстонининг навниҳолини.*

ЖОНКЕЛДИБИЙ ВА УНИНГ ОТА-БОБОЛАРИ ДАХМАСИ



Пошшооим мақбарасидан ўнг қўл томонда яна иккита пештоқли даҳма мавжуд. Тўғри, бу даҳмалар хожалар авлодига мансуб эмас. Лекин, Жўйбор хожаларига хурматлари, эътибор ва садоқатлари бетимсол эканлиги туфайли шу жойдан ер сотиб олиб, даҳма қурганлар. Булар Жонкелдибий ва унинг ота-боболаридирлар. Жонкелдибий ким деган савол туғилиши шубҳасиз. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ўзининг «Абдуллонома» китобида Сумитан қишлоғидаги мадраса, масжид, хонақоҳ атрофини ҳамда унинг шарқ томонидаги Харамсаройни боғу бўстонга айлантиришда катта ҳисса қўшган Жонкелдибийни алоҳида хурмат билан тилга олган. Мана ўша асардан парча: «Иқтидорли амир Жонкелдибий ва эътиборли амирзода Валижон мирзо ҳамда Жултойбий боғ ва гулзорларни файзасар мазорнинг атрофига шу тартибда зийнат ва такаллуф билан экдилар» («Абдуллонома». Биринчи китоб, 158-бет.).

Амир Жонкелдибий қурдирган даҳмада битикли мрамартошлар мавжуд. Аммо унинг ота-боболари ҳазирасида битикли тошлар умуман учрамайди. Бундан олдин бор бўлган, кейинчалик улар бошқа қабрлар учун ишлатиб юборилган. Ё умуман бўлмаган, нима бўлса ҳам, Наршахий айтгандай, «Худо билимдонроқдир». Яна бир гап. Жонкелдибийга тегишли даҳма боболари ҳазирасидан қурилиши жиҳатидан фарқ қилади. Жонкелдибий даҳмаси даҳлиз, алоҳида мадонли (учта). Даҳма ичкарисининг баландлиги 2 метр, уччала майдонларининг баландлиги ана шунча. Узунлиги тахминан 6 метр, мадонлар эни икки метр. Узунлиги тахминан тўрт метр. Даҳлиз билан қўшиб ҳисоблаганда 6 метрли ташкил этади. Даҳма ичкарисига махфий эшик орқали бемалол кириб, айланиб юриш мумкин. Ота-боболарининг ҳазираси эса яққа қабрлар шаклига эга. Унда битикли мрамартошлар йўқ. Ҳазира деворининг қибла томон уштургарданида бир парчагина олдинги беағидан нишона қолган, холос.

Энди Жонкелдибий даҳмасига қўйилган тошбитиклар борасида гапирадиган бўлсак, тошлар ўн тўрттани ташкил этади. Бундан маълум бўладики, ё битикли тошлар иккинчи марта ишлатилаётган пайтида биринчи ёзувларини тошдан обдон учирмаганлар ёки даҳмада 1494 йилдан бошлаб майит қўйилган. Мавжуд 14 та ёзувли мрамартошларнинг кўпчилигида ёзувлар ўчиб кетган. Ўқиб, таржима қилишнинг иложи бўлмади. Қибла томон деворининг шундоқ ёнгинасида қора мрамартош турибди. Устида чиройли битикли лавҳ. Лавҳда сулс ёзуви билан калимаи «Тавҳид» битилган, яна Қуръондан оят берилган. Лавҳда қабртош кимга тегишлилиги ҳам ёзиб қўйилган: «Бу қабртош амир Миржонкелдибий Ойсин Келдибий ўғлига тегишли. Вафот санаси 999 йил (ҳижрий)». Мазкур лавҳда «Оят ал-курси» ҳам чиройли қилиб, ўйиб битилган. Ундаги шарафлар ҳам ҳалигача кўркини йўқотгани йўқ.

Иккинчи мрамартошда ҳам битиклар мавжуд, бироқ улар ёмон сақланган. Айрим жойларини ўқиб бўлмади:

1. Бу ...
2. Шодлик ... шон-шуҳрат ...
3. 12-ойнинг чоршанба куни вафот этди.

4. ... 930 ... (1533 милодий)

Матнлардан англаш мумкинки, қабртош эгаси бой-бадавлат аслзода бўлган.

Учинчи тошдаги ёзувлар

Мазкур ёзувлар сулс хатида битилган. Бизлар ёзувни мутахассислар ёрдамида ўқиганимизда уларнинг Қуръони Каримдан оятлар эканлиги аниқланди:

1. Кечирилган банда ...

2,3-қаторларини ўқиб бўлмади, вафоти ҳижрий 1010 йил, рамазон ойи ... (милодий 1602 йил).

Тўртинчи тошбитик

Мармартош атрофи шарафаи ду қатора билан безатилган. Кейинчалик ўчирилган. Шу сабабли ҳам бу мармартош иккинчи марта ишлатилганга ўхшайди. Ён томонларидаги ёзувлар ўрни билиниб турибди. Устки қатламида тош кимнинг қабрига қўйилганлиги тўғрисида ёзув мавжуд:

1. Нажмибий Оталиқ (Нажмиддинбий бўлса керак — С. Х.).

2. Бобо Мухаммад ўғли.

Шеър — марсия сулс ёзувида. Қуръони Каримдан оят ҳам мавжуд.

Бешинчи тошбитик

Тошнинг кўриниши жуда чиройли. Ундаги безаклар бошқа мармартошлардан фарқ қилади. Ёзувларнинг ҳаммаси яхши сақланмаган. Сақланган жойларидаги ёзувларнинг таржимаси қуйидагича:

1. Амир Аҳмад Саид Шамсиддин ўғли, Мироншоҳ ўғли (яъни амир Аҳмад Саййид Шамсиддин ўғли, Саййид Шамсиддин Саййид Мироншоҳ ўғли — С. Х.).

2. Жавоб бериш вақтида итоатли жонини Оллоҳига топширди.

3. Охирзамон табиби — Оллоҳдан кечирим сўрайдирман.

4. ... Ҳатто рамақижон ҳам қаттиқ инграйди.

5. Унинг афғони қумри сайрашидан паст овоздадир.

Олтинчи тошбитик

Ёзувлари яхши сақланмаган. Тошда сўздан белги қолган. «Марҳаматли Оллоҳ номи билан» сўздан кейин Қуръоннинг иккинчи сурасидан оят мавжуд.

Еттинчи тошбитик

Насталиқ ёзуви билан қабртошнинг кимга тегишлилиги ёзилган: «Худойқули Додхоҳ Мехмонбий ўғли».

Саккизинчи тошбитик

Ёзувларини ўқиб бўлмади. Тошдан иккинчи марта фойдаланилганлиги билиниб турибди. Иккинчи марта ёзилган сўзлардан фақат «йилнинг ойда 1021(1616)» ибораси мавжуд.

Тўққизинчи тошбитик

Бу мармартош ҳажм жиҳатидан катта. Тўрт томони шарафаи ду қатора билан безатилган ва Оллоҳнинг 99 сифати сулс ёзувида ўйиб битилган.



ХОЖА ИСЛОМНИНГ МАНГУ МАСКАНИ



Мозори Дарозга киравериш дарвозасидан қибла томонга қараб тақрибан 20—25 метр юрилгандан кейин чиллахонаи равшан эшиги рўпарасидан ўнг томонга қайрилади. Пештоқли дарвоза. Дарвозанинг чап қўл қибла томон девори юзида чирехдан безак берилган панжара — белги қўйилган. Шу ерлик аҳолининг айтишларига қараганда, қачон жаннат эшиклари очиладиган кун келса, унинг саккизинчи эшиги шу ердан очилар экан. Бу сўзлар, балки, умидли башоратнома гапдир. Бизнинг тахминимизча, бу ўша машҳур Абу Бакр Саъд даҳмасига кириш махфий эшигининг белгисидир. Нима бўлганда ҳам панжара жуда чиройли ва киши диққатини ўзига қаратиб олиш кўркамлигига эга. Пештоқнинг ўнг томон чеккасида кошинкорийдан бугун бир парча қолган. Қолган парчага қараб айтиш мумкинки, дарвозанинг пештоқи кошинкорий қилинган бўлиб, у жуда гўзал бўлган.

Дарвозадан ҳазира майдонига кирган заҳоти киши кўзи якка қабрларга тушади. Бу ерда битикли мрамртошлар умуман йўқ. Археологларнинг изланишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, киравериш эшигидан чап қўлда турган иккита катта-катта қабрларнинг биринчиси Абу Бакр Саъд ва иккинчиси Имомнинг невараси Хожа Ислом хоки турбатлари ҳисобланади. Бу қабрлардан бошқа яна 4—5 та қабр мавжуд. Аммо бу қабрларнинг кимга тегишлилиги маълум эмас. Сабаби уларнинг мрамрли тошбитиклари йўқ. Ҳазиранинг қибла деворида меҳроб, меҳроб пештоқ билан ихоталанган. Кўркам пештоқнинг бир чеккасидагина кошинкорий қилинган уштургардандан 10—15 сантиметр ҳажмда парча қолган. Кошинкорий парчасига қараб айтиш ўринлики, пештоқ замонасида райхоний ранглар билан кошинкорий қилинган.

Хожа Муҳаммад Ислом хоки турбат бўлиб ётган ҳазиранинг қибла томон деворида пештоқнинг шимол қисми билан дарча очилган. Шу дарча орқали навбатдаги даҳмага кирилади. Бу ерда 6—7 та қора мрамртош мавжуд. Тошларда вақтида ёзувлар бўлган. Қуёш таъсири натижасида ёзувлар ўқиб бўлмас даражада хиралашиб қолган. Ёзувларни ўқиб, шарҳлашнинг иложи топилмади. Шу ерлик аҳолининг гувоҳлик беришича, у Тожиддин Ҳасаннинг ҳазираси бўлиб, тепаликда жойлашган. Бизнингча, бу алоҳида қабрли ҳазира эмас, умумий гўрхонали даҳма бўлса керак. Одатдаги қабристон еридан супадай қилиб кўтарилган. Махфий эшиги қибла томонидан қўйилган бўлиши эҳтимоли бор.

Бешинчи қисм

«ЎЗБЕК ТОМ МАЪНОДАГИ БУНЁДКОРДИР»

«Маънавият ва маърифат, тарих, меъморчилик, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса, маданий мерос билан бирга янгила-наётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун моҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир».

Ислом КАРИМОВ

Буюк донишмандлар башорат қилган эканки: «Халқнинг бахт калити унинг бошида соябон бўлиб турган доно, одил подшоҳи кўлида-ю Оллоҳ томонидан юборилган илоҳий китобида» деб. Биз ўзбеклар, «ўта бахтли халқ» деб тан олинган буюк аждодлар ворисларимиз. Ота-боболаримиз боши устида Амир Темур, Улуғбек, Бобур Мирзо, Жалолиддин Мангуберди, Қурбонжон Додхо-ю Тўмарис соябон бўлиб, ҳақу ҳақиқат йўлини кўрсатиб, ушбу йўл орқали узоқ тарихий ўтмишни босиб ўтиб, шу кунга етиб келган бўлсалар не ажаб. Биз узоқни кўра билувчи, халқи учун ҳамма нарсага тайёр доно Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асрлар оша орзуга айланиб келаётган мустақилликка эришдик. Дунё хавас қилса арзигулик муваффақиятларни оз фурсат ичида қўлга киритдик. Янги-янги довлардан ошишни кўзлаб турибмиз. Шу сабабли ҳам Ислом Каримов қатъият билан «Ўзбек том маънодаги бунёдкордир» деб айтдилар. Бу сўзлар шакл жиҳатидан бошқа бўлса ҳам, мазмунан «Қуръони Карим» «Нахл» (Асалари) сурасининг 30-оятига жуда яқин: «Чиройли амал қилган зотлар учун бу дунёда ҳам чиройли мукофотлар бўлур». Бу дунёда биз — ўзбек халқининг энг чиройли мукофоти — ғамхўр Президентимизнинг ана шундай бебаҳо гапларидир.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари нишонланди. Тарихий нишонлаш 2 кунда, бирин-кетин ўтказилиб, халқ кўнгли шод этилди. Бухоро вилоятида ҳам бу катта тарихий воқеани нишонлаш учун жуда кўп ишлар амалга оширилди. Бухоро шахристони (12 километрлик қадимий девор ичкарасида жойлашган) бағрида қад кўтарган тарихий-меъморий обидалар таъмирланди, консервация қилинди. Ана шу ерда кўнглимизга қувончининг минг хил рангларини олиб кириб бошимизни осмон қадар кўтарган бир воқеани айтмасдан ўтсам, бўлмайди. Бу — Бухоро, унинг тарихсевар халқи учун яна бир рангли тарих саҳифаси бўлиб



қолгани учун ҳам жуда қадрлидир. Воқеа мана бундай бошланди. Биз Бухоро шахристониинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан барча тарихий-меъморий обидаларнинг таъмирланиши лозим бўлган том, девор, пешток, гумбаз, арка, фарш, йўлак, дарвоза, шарафа, нақшиқундалиий, чаҳорчаман, ҳовуз, шохрудларни рўйхатга олдик. Мутахассислар маслаҳати билан рўйхатга тушган жойлар қарич-қаричигача камера орқали тасвирга туширилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Катта маслаҳат кенгашида кўриб чиқилиб, бўладиган сарф-харажатлар сарҳисоб қилинди. Ғамхўрликни қарангки, Республика Президенти Ислом Каримов Бухоро шахристонидаги таъмирталаб обидалар қадини тиклаб, уларга иккинчи умр бахш этиш учун чиқарилган қарорга имзо қўйди. Қарор ҳам фаройиб қарор бўлди. Биргина Масжиди Калон таъмири учун 540 миллион сўм маблағ ажратишнинг ўзи катта тарихий воқеалар сирасига кирди. Бу жасоратга фақат эл-юрти, жонажон Ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғини жон қадар севган чин раҳбаргина қўл уриши мумкин эди. Ишлар бошланиб кетди. Рўйхатга кирган барча обидалар қатори Масжиди Калон ва унинг атрофидаги обидалар ҳам иқтисодий, маънавий мадад орқали кўнгилдагидек таъмирланди. Абу Ҳафс Кабир каби буюк файласуф олим, замонасида ҳар куни беш минг кишига тўрт муқаббир орқали сабоқ берган масжиднинг ичкари сахни барча долончалари-ю, устун, арка, катиба, меҳробу пештоқлари шу даражада гўзал қилиб таъмирландики... Мазкур муқаддас масканда илк савод чиқариб, кейин ислом олами дунёсида муҳаддислар шоҳи деб тан олинган буюк Имом ал-Бухорий ҳам тирилиб, келиб қараса, балки, танимай қолармиди! Оллоҳ каломи муборакида айтган эканким: «Мен дунёни китобга киритиш учун яратганман». Буни қарангким, Оллоҳ яратган дунёни бўйи-басти билан китобга киритган буюклар қадами муборақлари теккан пойостона ҳамиша муқаддасу, бу ерда юз берган воқеалар ҳам «муқаддас ҳодисотлар» таркибига кириб кетганини билмай қолар экан киши. Гап Масжиди Калон таъмири борасида кетаётган эди. Мўлжалдаги ҳамма ишлар ўринлаштирилди. Қутлуғ тўй кунларида И. Каримов Бухорога ташриф буюриб, шаҳар томошасига чиқди. Масжиди Калонда ҳам бўлиб, сахни хайрат-қувонч билан томоша қилиб, пештоқ томон юз бурди. Мадрасаи Мири араб билан Масжиди Калон пештоқи бир-бирига қараб турарди. Бу такрорланмас гўзаллик эди. Масжиди Калон пештоқидаги катибалар ёзуви билан Ислом Каримов қизиқиб, кўзи дарвоза чап ён томонидаги мрамар катибага тушди. Катиба ёзувлари, мрамари ҳам эски, шу билан бирга жозибали. И. Каримов менга қараб:

— Бу лавҳда ҳам илоҳий оят ёзилгандирда-а? — деди.

Мен Масжиди Калон имом-хатибига қараб, «Ўзингиз тушунтиринг» ишорасини қилдим. Имом-хатиб ҳам шуни кутиб тургандай гапни энг чиройли жойидан бошлади:

— Ислом ака, бу лавҳ-катибада тарихий воқеа ёзилганки, уни энг муқаддас оятлар қатори кўзга суртсак арзийди. Чингизхон 648 ҳижрий йили Бухоро халқини 48 минг тилло танга товон тўлашга мажбур қилган экан. Шу қарз то Абдуллазизхон ҳукмдорлиги давригача бухороликларнинг бўйнида турган. Абдуллазизхоннинг тахтга ўтириб, биринчи қилган хайрли иши ана шу 48 минг тилло танга қарзни халқ бўйнидан олиб ташлаш бўлган. Бу хайрли ишни ҳеч ким ҳеч қачон унутмасин дегандай

Абдуллазизхон уни мармар лавҳда ёздириб, Масжиди Калоннинг мана шу ерига ёпиштириб қўйган. Бу катиба XV асрнинг иккинчи ярмидан бери ана шу жойда турибди. Таъмир пайтида ҳам унга ҳеч ким қўл теккизгани йўқ. Хайрли иш — амали солиҳ... Катиба-лавҳ бухорийзодалар учун жуда қадри...

— Амали солиҳ, амали солиҳ денг, — тўлқинланиб кетди Ислом Каримов. — Унда биз ҳам амир Абдуллазизхон амали солиҳларига яна бир солиҳ амал қўшамиз. Масжиди Калон таъмири учун кетган 540 миллион сўмлик маблағни биз ҳам ҳар бир яхши нарсанинг қадрига етадиган бухороликлар учун ҳадя қилдик!!!

Ислом Каримовнинг бу саховатлари бухороликларнинг қалбида туғён урди: «Солиҳ амал йиллар оша ўзгалар учун ҳам ибрат йўли бўлиши лозим. Уни мармарда нақш этиб тарихий катиба ёнига қўйиш ўринли. Тоқим намозу ниёзу саёҳат, зиёрат учун келган ҳар бир бухоролик, сайёҳ, меҳмон уни кўриб, дилдан ҳис этсинким, бу дунё яхшиликлар пойдевори устида мустаҳкам турибди».

Ана шундан кейин Масжиди Калон дарвозасининг ўнг қўл қаноти устига оқ мармарда битилган катиба қўйилди. Янги катибага мана бу жумлалар нақш этилди: **«Мазкур Калон Масжиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан имзоланган Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 майдаги 207/1-сонли қарорига мувофиқ уста ва мутахассислар томонидан таъмирланиб, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфига ўтказилди».**

Тан олиб айтиш керакки, ана шу маъракада Арк, Зиндон, Болои Ҳовуз масжиди (минораси билан), Жомеъ масжиди, Пой Калон, Мир Араб мадрасалари, Мағоки Атторий, Ҳаммоми Корд, Сарой Нўғай, Саройи се бародарон, Пой Остона масжиди, шунингдек, кўчалар, гузарлар, ҳовузлар таъмирланди. Яна такрор айтиш ўринлики, булар фақат Бухоронинг қадимий шахристони ичкарасида жойлашган тарихий обидалардир.

Хўш, Бухоро шахристонидан ташқарида-чи? Энди бу бошқа рангли дунё. Айтиб адо қилиб бўлмайдиган жуда ғаройиб, ҳайратланарли, кама-лакранг маъво. Вилоят ҳудудида тузилиши жуда кўркам, гўзал тарихий-меъморий обидалар мавжудким, уларни бир, икки, уч йил ичида таъмирлаб, поёнига етказиб бўлмайди. Сабабсиз Йўлбошчимиз севимли халқига қарата «...доно, меҳнатқаш, сабр-қаноатли халқимиз оқ билан қорани ажрата олиш фазилатига эга. Энг муҳими унга тўғри йўл кўрсатилса бас, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар», деб айтмаганлар-да!

Бухоронинг 2500 йиллик тўйи ўтказилиб, халққа ҳар бир парча девору эшигу зулфинларини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, келажак авлодга қолдириш йўли кўрсатилди. Мажлисона гап қиладиган бўлсак: «Бу ёғига олға!» дейилди. Улуғ йўл кўрсатишлардан кейин вилоят миқёсидаги тарихий-меъморий обидалар таъмирига қайтадан қўл урилди. Пири дастгир, Эшони Имло, Хожа Исмаи қадимжойлари ҳамда Занданадаги хонақоҳ, масжид, минора таъмирланди.

Вилоятнинг ҳар 40 километр оралиқдаги работлар ёнида қад ростлаган сон-саноксиз сардобалардан бугунги кунда атиги 5 таси қолган. Мазкур





табий сув иншоотлари таъмирланди. Булар — Эшони Имло, Халифа Худойдод, Бедахайин, Бўзачи, Қоровулбозор. Хожа Ўббон, Хожа Заъфарон қадамжойларидаги сардобаларни эса тиклашнинг иложи бўлмади. Лекин, табий ер ости сув йўлининг кўзини очиб, фойдаланиш учун имконият яратиб қўйилгани ҳам яхши бўлди. Айтмасдан қолмаслиги ўринлики, бу сардобалар суви ўта шифобахш бўлиб, минг дардга даволиги исботланган.

Навбат Чор Бакр тарихий-меъморий обидалар таъмирига етди. Бу катта маънавий кучни талаб этарди. Оддий куч эмас, илохий куч шарт, зарур эди. Сабаби, қилинадиган иш кўлами жуда катта. Вилоятда эса иқтисодий имконият даражаси қарич билан баробар. Хўш, қандай йўл тутиш ўринли эди? Шундай йўл тутиш тақозо қилиняптики: «Ҳам лаъл ба даст ояду ҳам ёр наранжад» («ҳам лаъл қўлга киритилсину, ҳам ёр ранжимасин»).

Бу ишга қўл уриш тарихи жуда қизиқ бўлди. Вилоят радиосидан тарихий обидалар тўғрисида радиоочерк берилаётиб, Чор Бакр ҳақида сухандон тубандаги жумлаларни ўқиганда ҳайратга тушмай илож йўқ эди: «Сиз кўзингизни кипригигача илохий нурдан тўлдириш қутлуғ ниятида бўлсангиз, вақт ғаниматида, ётган бўлсангиз туринг, турган бўлсангиз югуринг, Чор Бакр тарихий-меъморий обидалар пойига бориб тиз чўкинг. Зотан, илохий нур сарчашмаси қайнаб чиққан табаррук тупроқ пойига тиз чўкмоқ шартдирким, инсон иймонига тиргак бўлган маъво борлиғига елка тутмоқ жуда керак! У бугун «бор» тақдирини қўлида ушлаб турибди. Эртага, эртага эса унинг пешонасига «тўкилиб кетиш» битиги ёзилаётган бўлса ажаб эмас. «Тўкилиб кетиш» битигини Чор Бакр пешонасидан «артиб олиш» сиз билан бизнинг қўлимиздан келадиган амали солиҳ-ку, азизлар!»

Бундай кучли ҳаяжон ичра айтилган сўзларни бамайлихотир тинглаб бўлмас эди. Етмиш йил ичида Чор Бакр тарихий-меъморий обидаларининг нураб кетаётганини кўриб бутун вилоят аҳли оёққа турди. Ҳафта ўтмай вилоят телевидениесида «Чор Бакрга бораман» деб номланган ярим соатлик кўрсатув намойиш этилди. Унда Чор Бакр тарихий-меъморий обидалар тарихи, ноёб даҳмалар тузилиши, хонақоҳ, масжид, мадраса, намозгоҳларнинг асл кўринишлари (архив расмларидан фойдаланган ҳолда), археологик қазишмалар натижалари, бугунги кунга келиб ноёб тарихий обидаларнинг хароба ҳолига келиб қолгани, агар тез орада обидалар мажмуига бутун диққат-эътибор қаратилмаса ноёб мерос «йўқлик саҳроси» мулки бўлиб қолиши ҳеч гап эмаслиги аниқ равшан баён этилди. Эртаси куни Чор Бакрда бўлдик. Кўрсатувда намойиш этилган ҳамма далиллар тўғри бўлиб чиқди. Шу кундан бошлаб бутун вилоят халқининг диққат марказида Чор Бакр обидаларини қандай йўл билан бўлмасин тиклаб, аслига қайтариш муаммоси бўлди. Сумитан қишлоғи одамлар, зиёратчилар, оқсоқолу раҳбарлар билан гавжум бўлиб қолди. Бизга йўлда, далада, шаҳар йиғингоҳларида бу борада гап очиб, йўл-йўрик, нажот сўрайдиганларнинг аксарияти фидойилар бўлиб чиқди. Ҳамма-ҳаммининг фикру хаёлида фақат тез орада Чор Бакрни таъмирлаш бўлди. Ажабо, бир куни чет эл сайёҳлари билан шаҳар айланиб, Чор Бакрга кириб бордик. Бухоро шаҳристонини ҳайрат кўзи билан томоша қилиб тинчлигини йўқотган хорижий меҳмонлар Чор Бакр обидалари бағрига кириб борганимизда бар-



моғи ҳайрат тишлаб қолдилар. Меҳмонлар ҳаяжонларини яширолмай: «Ана, ана энди биз Бухоронинг яна бир ҳақиқий жамолини томоша қилишга мушарраф бўляпмиз. Фақат харобага айлангани ёмон-да», деб ҳар бир пешток, шарафа, ҳафзаку кошинкорий, парчинкорий қилинган деворларга ҳавас, ҳайрат кўзи билан боқардилар. Ичкари пиллапояларидан юқори қаватга кўтарилганимизда шундоққина гумбазнинг рўпарасидан чиқиб қолдик. «Ана гумбазу, мана гумбаз». Меҳмонларнинг тилидан янграган илк сўз ана шу бўлди. Лекин, тимсоли ҳеч қаерда йўқ гумбаз XVI асрдан бери куёш остида ҳамманинг кўзини яшнатиб (тарс-тарс ёрилганига қарамай), яна ҳам мафтункор эди. Юқори қават хужраларининг гиштлари худдики, ўтган куни хумдондан олиниб, бугун териб қўйилгандай, бенуқсон. Гумбаз белига қўлини сийлаганнамо юргизиб турган меҳмон гап қотди: «Бу чиройли гумбаз жуда таъмирталаб. Шундай тураверадими?» Илоҳий қудрат таъсири остида қад кўтарган маъво рўпарасида турган одамнинг тилида илоҳий ният келар экан. Беихтиёр: «Биз яқинда ноёб меросимиз қаддини тиклаб, келажак авлодга бекаму кўст топшириш ниятимиз бор», дедик. Шу-шу гап бўлди-ю вилоят оқсоқолларини чорлаб, Сумитанда катта йиғин ўтказдик. Корхона, ташкилот, жамоа, ширкат, туман раҳбарларидан иборат 400 киши йиғилди. Бу 1999 йилнинг апрель ойи эди. Йиғилганларга такрор бўлса ҳам Чор Бакр ёдгорликлари тарихи ҳақида маълумот берилди. Оқсоқолларнинг фикрлари тингланди. Сўзга чиққан шоир, ёзувчи, архитектор, жамғарма бошлиқлари, туман ҳокимлари, қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг фикри бир жойдан чиқди. Фақат ва фақат, иқтисодий танглик ҳисобга олинмаган ҳолда, Чор Бакр обидаларини тез фурсатда, ҳашар йўли билан, хайрия қилиш маблағлари ҳисобидан таъмирлаш таклифи ўртага ташланди. Уни Баҳовуддин Нақшбанд, Саид Мири Кулол хилхоналаридай обод, кўклик дунёсига айлантириб, сайёҳу зиёратчилар ихтиёрига топшириш нияти қилинди. Йиғилиш охирида Чор Бакр обидаларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини йўналтириб турувчи махсус жамоатчилик асосида иш юритадиган дирекция тузилди. Маслаҳат йиғини ҳақидаги ахборот вилоят газеталари ҳамда радио, телевидениеси орқали эълон қилинди. Биринчи апрелдан 13 майгача таъмирлаш, ободонлаштириш учун нималар қилиш керак? Иқтисодий тайёргарликлар обдон кўриб чиқилди. Мутахассислар билан маслаҳатлашилган ҳолда таъмирлаш, ободонлаштириш ва консервациялаш тадбирларини ўтказиш учун обидалар мажмуи 62 нуқтага бўлинди. Тажрибали қурувчи, архитектор, бош уста, махсус таъмирловчилар бу ишга жалб қилинди. Уларнинг энг қимматли фикрларига таянилган ҳолда Бухоро вилоят ҳокимлигининг махсус қарори эълон қилинди.

1999 йил 13 май куни Сумитан қишлоғида катта маслаҳат йиғини ўтказилди. Йиғин қатнашчилари вилоят ҳокимлиги қарорининг тўла матни билан таништирилди. Ҳамма бир овоздан қарорни тасдиқлади. 11 минг 487 та корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари, ширкат, туман ҳокимликларидан келган вакиллар бир ёқадан бош чиқариб, тарихий-меъморий обидалар мажмуининг ҳашар йўли билан таъмирланишига рози эканликларини билдирдилар. Шу билан бирга 1999 йил 22 май куни вилоят миқёсида шанбалик ўтказилишига, ундан тушган маблағлар эса таъмирлаш ишларига сарф этилишига ҳам келишиб олдилар. Маслаҳат мажлисида Самарқанд, Қарши,



Шахрисабз шаҳарларидан келган меҳмонлар ҳам иштирок этиб, иқтисодий кўмак қўлини чўздилар. Эътиқод, бир-бирини қўллашни қарангки, шу ернинг ўзида самарқандлик меҳмонлар 300 минг сўм, Қарши шаҳридан келганлар 50 минг сўм, шахрисабзлик биродарларимиз 50 минг сўм маблағ хайрия қилдилар. Хайрия қилувчилар аввал ҳурматли Президентимиз Ислам Каримовнинг: «Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир» сўзларини айтиб, кейин хайрия қутиларига яқинлашдилар. Бу катта ҳамжиҳатлик намунаси эмасми! Йиғинда Чор Бакрдаги мадраса, масжид, намозгоҳ, хонақоҳ каби энг катта ва асосий иш кўламини талаб этадиган обидалар давлат иқтисод захираси ҳисобидан таъмирланадиган бўлди. Даҳма, ҳазира, қабр, йўлак, пештоқ, девор ҳамда ҳовуз, боғ-чорбоғлар учун камида 400 миллион сўм маблағ лозимлиги айтилди. Бу маблағни тўплашнинг иложи ҳам топилди. Ана шу ерда раҳбаримизнинг «Кўриниб турибдики, бизнинг мақсад, вазифамиз, асло кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Уларни амалга ошириш учун бутун халқимиз, жамоатчиликнинг куч ва саъй-ҳаракатини бирлаштириш зарур» деган сўзлари асосий ишларимизнинг дастуруламаларига айланди. Вилоят телевидениеси орқали иккинчи марта бадиий, тарихий, ижтимоий мазмунга эга бўлган ярим соатлик кўрсатув намойиш этилди. Кўрсатувда даҳмалар тарихи, қабртошдаги битиклар шарҳи, шажаралар, хожа, Чор Бакрларнинг бугунги кунда ҳаёт бўлган авлод-аждодлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилди. Табиий булоқ кўзи устида қазилган қадимий ҳовуз ўтмиши, беш ярим километрлик масофани ўз ичига олган катта ҳажмдаги боғ, кўркам Ҳарамсарой тарҳи-ю, тарихи. Унинг тикланиши ҳақида гапирилганда эртаси кун Чор Бакрга одамлар оқиб келавердилар. Уларнинг Чор Бакрни таъмирлаш учун қилган хайрия маблағлари тўғридан-тўғри махсус ҳисоб-рақамига туширилиб, таъмирлаш ишлари учун харажат қилинаверди. 17 май кун Вилоят телевидениеси орқали хашарга, ҳамжиҳатликка, Чор Бакрни таъмирлаш, уни асраб-авайлашга чорловчи реклама-чақирув эфирга узатилди. Шу кундан бошлаб, то ноябрь ойининг охиригача реклама-чақирув ҳафтада олти марта такрор қўйилди. Ҳаммани бир ёқадан бош чиқаришга чорловчи реклама-чақирув матнини қарийб ҳамма ёд олди. У қуйидаги мазмунда эди: «Чор Бакр... Дунё яралишида тўрт асосий унсур — ер, сув, ҳаво ва қуёш омил бўлган. Бухородаги Чор Бакр эса ер, сув, ҳаво ва қуёшнинг ердаги бир жойда жам этилган жамоли. Жуда гўзал, мафтункор ва хилқат. XVI аср архитектураси ноёб маҳсули бўлмиш Чор Бакрда қадимий қабристон, хонақоҳ, намозгоҳ, мадраса, масжид ва 20 дан ортиқ даҳма, ҳазиралар қад тиклаган. Вақтида тимсоли ҳеч қаерда йўқ райҳоний, гулнорий, заъфароний, кофурий каби тўрт фасл жамолини ўзида мужассам этган бетакрор обида бугунги кунда тўкилай-тўкилай деб турибди. Чор Бакр тарихий-меъморий обидалари таъмири ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари бошланди. Азиз бухорийзодалар! Сиз Шариф шаҳрингиз жавоҳирлари қаддини тикламоқ, буюк пиру муршидлар руҳини шод этмоқ ва буюк туронликлар фарзандиман деган фахр-ифтихор туйғусини яна бир бор дилдан туймоқ ниятида бўлсангиз, ободонлаштириш, таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш тадбирларига ҳиссаи муборакингизни қўшинг. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Бухорои Шариф» жамғармасининг ҳисоб рақами: 20212000202006874001 МФО 00084. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқти-

содий миллий баъкининг Бухоро бўлими. Код ИНН 202275940. Шошилинг, хайрли ишдан четда қолманг саховатпешалар!»

Бутун саъй-ҳаракатларимиз илк меваларини бера бошлади. Жамғарма ҳисоб-рақамига саховатпешалардан хайрия маблағлари баҳор ёмғирларидай ёға бошлади. Кичик хусусий корхоналар, фермер жамоалари, акциядорлик компаниялари, вакилликлар, жамоатчилик асосида иш юритаётган дирекция хонасига кириб ҳисоб-рақами битилган ҳужжат қоғозларини олиб кетиб, эртаси куни маблағ ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатни бизга қайтарардилар. Чор Бакр хонақосининг шундоқ рўпарасида, катта саҳн ўртасида, иккита хайрия қутиси қўйилди. Хайрия қутиси ҳар ҳафтанинг жума куни тушликдан кейин очилиб, тушган маблағлар ҳисоб-рақамига ўтказилаверди. Шундай талаб-истак билдирилдики, таъмирлаш ишлари кетаётган бўлса ҳам, вилоят намозхон оқсоқоллари шу ерга келиб намози жума фарзини адо этсинлар. Биз бу таклифни маъқулладик. Транспортлар тайинланди. Отаонахонлар учун махсус қироат адо этадиган жой тайёрланиб, уларнинг кўнглини овлаш имконияти яратилди. Куннинг эртаси ҳали намози жумага уч кун бору худойи қилиш учун қўй, қўчқор келтирганлар сони ўн кишидан ошди. Иш юритувчи дирекция саховатпеша одамларнинг Чор Бакрга азали бухороча мадад қўлини чўзиш, иктисодий кўмак бериш саъй-ҳаракатларига қараб, тadbир тузди. Ҳар ҳафта жума куни зиёратчи-ю намозхонлар учун бухороча оши софи дамлаш йўлга қўйилди. Бу давра одат тусига айланаётганида ажиб ҳолат юз берди. Чор Бакр дирекцияси ҳузурига беш, олти нафар онахон (уларнинг ёнларида чол ҳам бор) келдилар. Мақсадларини билдирдилар. Сал кўпроқ суммада хайрия қилмоқчи эканлар. Банк муомаласи-ю пулни қандай кўчиртириш муаммоси уларни сал зериктираётган экан. Қоғозу ҳисоб-рақамларини излаб юришга майиллари йўқроғдай. Жуда бўлмаса, қўлларидаги маблағларини таъмирлаш ишларида қатнашаётган усталар қўлига бериб, кўнгилларини хотиржам қилиб, қишлоқларига қайтишларини билдирдилар. Уларга жуда осон йўл кўрсатилди:

— Мана хайрия қутиларимиз, хонақоҳ рўпарасида турибди. Пулларингизни қуттига ташлашларингиз мумкин.

— Бу пулларни кейин ким олади? Бегоналар қўлига тушмайдимиз, — чуғурлашиб, савол беришга тушди аёллар.

— Йўқ, асло. Яшиқларни ҳафтанинг жума куни махсус гуруҳ аъзолари очиб, тушган пулларни Чор Бакр ҳисоб-рақамига ўзимиз топширамиз, — жавоб қайтарди иш бошқарувчи.

Бу тушунтиришлар уларга маъқул келди чоғи, хуш кайфиятда хазираларни зиёрат қилишга ўтдилар. Оз фурсатдан кейин онахонлар йўлбошчилари — чол билан хайрия қуттиси ёнида ҳозир бўлдилар. Фаройиб ҳолат. Қария хайрия қуттисига яқин, қиблага қараб ўтириб, тиловат бошлади. Аёллар орасидан биттаси ажралиб чиқиб, хайрия қуттиси атрофида айланишга тушди. Қироат, қутти атрофида ҳафсала билан айланиш... Онахон хайрия қуттиси атрофида етти марта айланиб, чол ёнига келиб чўкка тушиб ўтириб, дуога қўл очди. Унинг ортидан бошқа ҳамроҳ аёллар ҳам дуога қўшилдилар. Бизнинг уларга қараб, кўзларимиздан қувонч ёшлари оқарди. Хайриячилар ўринларидан хотиржам туриб, қўлларидаги пулларини қуттига ташлаб, бамайлихотир катта дарвоза томон йўналдилар. Фурсатдан фойдаланиб, биз отахонни суҳбатга тортдик:





— Нега онахон хайрия куттиси атрофида етти марта айландилар. Сиз эса сура тиловат қилиб турдингиз. Бунда не хикмат мужассам?

— Бу йил болаларимиз онаси Умрага бориш ниятида эди. Шунга яраша озроқ маблағ тўплаб кўювдик. Телевидение, радиодан Чор Бакр зиёратгоҳини таъмирлашини эшитиб, Умрага бориш ниятидан қайтди. Кичик ҳажга сарфланиши лозим бўлган пулни ана шу ерга хайрия қилишга оиламиз билан келишиб олдик. Уйда товугимиз, асалари, сигир, иссиқхонамиз бор. Шулар ҳисобидан йиғган эдик, ҳозир хайрия қилган пулимизни. Бугун кўнглимиз тинчиди... Энди кишлоққа, уйга қайтамиз, болам.

Ҳазрати Иброҳим Адҳам ҳаж ниятида йўлга тушиб кетаётсалар рўпараларидан бир деҳқон чиқибди. Деҳқон: «Авлиё Иброҳим Адҳам қаерга кетаяпсиз» деб сўрабди. Иброҳим Адҳам «Ҳажга кетаяпман» дебдилар. Шунда бояги деҳқон: «Эй Иброҳим Адҳам, кўлингизда қанча пулингиз бор», — деб сўрабди. Иброҳим Адҳам айтибдиларки, «Минг танга». Деҳқон ўйлаб туриб, сўнгра минг истиҳола билан гап бошлабди: «Авлиё Иброҳим Адҳам. Сиз ҳақга етишган одамсиз. Оқ билан қора фарқига боришни биз Сиздан ўрганганмиз. Менинг уйимда етти нафар фарзандим бор. Топганларимни уларнинг еб-ичишлари учун зўрға етказдирыпман. Бир ҳамият қилиб юборсангиз. Келинг, менинг атрофимда етти марта айланиб, ҳаж йўлига сарфланадиган ўша пулни менга ҳадя қилсангиз. Оилам, болаларимнинг оёққа туриши учун сарфлардим, Сиз берган пулларни. Шу ҳам савобга киради-ку». Авлиё деҳқон сўзларини тинглаб туриб, аёлманд оилани иқтисодий танглиқдан олиб чиқиб, улар кўнглини шод этмоқ Маккага бориб зиёрат қилиб қайтмоқ савобидан ҳам ортиқ эканлигини англади. У деҳқон чол атрофида етти марта айланиб, минг тангани унинг кўлига тутқазиб орқасига, уйига қайтиб кетган экан. Биз-ҳам бугун авлиё Иброҳим Адҳам қилган амали солихни бажардик. Аянгиз хайрия куттиси атрофида айланавердилар, мен эса «Нур» сурасининг «Огоҳ бўлингизким, осмонлар ва ердаги барча нарсалар шак-шубҳасиз Оллоҳникидир» оятини тиловат қилиб турдим, болам...

Ҳиммати баланд зиёратчилар орқаларидан қараб туриб Президентимиз Ислон Каримовнинг: «Шундай одамлар, шундай халқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳис этиб, кучимга куч қўшилади», деган пайғамбарона сўзлари бизнинг юрагимиз қат-қатидан садо бериб тургандай бўлди.

«Нур нурни чорлайди» деганларидай ташаббус ташаббусни чорлаб келаверди. Бухоро шахрининг ҳар бир гузар, маҳалла, хонадони иқтисодий имкониятларидан келиб чиққани ҳолда бизга кўмак бериб турди. Ҳафта-нинг жума куни эрталаб дирекция хонасига бир онахон кириб келдилар. Бир пиёла чой тутдик. «Ҳазрати Чор Бакр зиёратгоҳи учун ўн минг сўм пул тўплаган эдим, нафақаларимдан. Шу пулни кимга топширай», — сўради онахон.

— Марҳабо, дирекция раиси, ё муовинларига ҳам топширсангиз бўлади. Яхшиси хайрия куттисига ташланг. Шу ердан олиб ишлатаверамиз, жавоб қилдик биз.

Аёл оппоқ рўмолчага ўроғлик пулни чиқариб, дастурхоннинг бир чеккагинасига қўйди. Туриш учун дуои хайр қилди.

— Мен энди қайтай. Яна озроқ пулим бор. Ҳазрати Қизбиби қадам-жойи учун деб олиб юрибман...

— Ҳазрати Қизбиби қадамжойи учун йиғиб юрган пулларингизни ўша жойнинг ўзига топширасиз. Одамлар бор, таъмирлаш ишлари билан шуғулланаяптилар. Ҳар бир нарсанинг ўз эгасига бориб етгани маъқулроқ. Чор Бакр учун қилган хайриянгизни биз қабул қилиб олдик. Оллоҳ сизнинг умрингизга яна умр қўшиб берсин, Оллоҳу акбар...

Онахон умидвор қараб турардилар. Нимадир сўрамоқчи-ю...

— Невараларим ёнига қайтаман. Чор Бакрга келиб хайриямни топшириб қайтганимни уларга айтаман. Балким, улар ишонмас-а? Менга бирор қоғоз-поғоз бермайсизларми? Ҳаммага кўрсатиб.... Эртага мушкулкушод маъракаси бор гузарда. Хабар қилган эдилар. Шу ерга ҳам олиб бориб бошқа кампирларга кўрсатардим. Уларнинг бир хаваслари келсин. Жон болаларим. Шу мушкуллимни осон қилинглар!

Онахоннинг гапларидан кейин биз англаб етдикким, ҳар бир ҳиммат қўлини чўзган одамга «Ташаккурнома» билдирилган мактуб ташкил қилишимиз керак экан. Биз шундай ҳам қилдик. Натижа эса кутилганидан ҳам ортиқча бўлди. Вилоят нафақахўрлари жамғармасидан «Мухтасар баённома» ҳамда «Бухорои Шариф» жамғармасидаги Чор Бакр ҳисоб-рақамига маблағ ўтказилганлигини тасдиқловчи банк қоғози келди. Нафақахўрларнинг мактубларида, жумладан, шундай ёзилган эди: «Биз ёшларимизнинг дуои жонларини қилиб, улар бажараётган ишлар натижасидан шод, қарилик гаштини суриб юрган бир гуруҳ нафақахўрлар сизлар бошлаган солиҳ амалдан хурсанд бўлдик. Ота-боболаримиз меросини жон қадар қадрлаб таъмир этиб, эвара-невараларимизга етказишимиз шарт. Бу ишлар бошида ғайратли, ўта ишчан, тарихий-диний саводи мукаммал, илиги тўқ вилоят раҳбарлари турган эканлар бир фахримизга минг фахр қўшилди. Ўтган замон донишмандлари айтган эканларким, бошинг устига турган раҳбар сандан кўра юз марта саводли-ю, доно бўлса бемалол янги боғ барпо қилиб, мевасини кут. Чунки, юртда омонлик бўлиши билан бирга гуллаш даври ҳам ана шу бўлади. Мустақиллигимиз ана шу гуллаш даври келганидан далолатдир. Биз Президентимиз сўзларини келтирмоқчимиз: «...давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз кимлигини билишимиз керакми, йўқми?» Ислом Каримовнинг «...Кимлигимизни билишимиз керакми, йўқми?» деган сўзларига қўшилиб, айтамикки, биз бугун ёшларимизга ота-боболаримиз ўтмиши-ю, улардан қолган бебаҳо мерос, енгилмас авлодимиз шан-шукуҳини тушунтирсак, кўрсатиб бермасак, эртага кеч бўлади».

Файз барака изини босиб келади, деганларидек қарияларимизнинг кўнгилни ёғдудан тўлдирувчи хабарномаларидан кейин «Бухорои Шариф» жамғармаси ҳисоб-рақамига 1 миллион 120 минг сўм маблағ тушгани маълум бўлди. Уста Ширин Муродов номидаги архитектура ва тарихий обидаларни таъмирлаш идораси бошлиғи Тошкент шаҳридан беш тонна темир қувурлар олиб келди. Махсус мослама масжид гумбазининг ички қисмини таъмирлаш учун ускуна тиклаш мақсадида ишлатилди. Хонақоҳ гумбази ичкари қисмини ҳам таъмирлаш учун яна телефон орқали саховатпешалар маълумотига қараб машина юборилди ва керакли ускуналар ташиб келти-



рилиб, энг асосий таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Зиёратчилар, ишни кузатувчилар, мадад қўлини чўзувчи, хашарчи-ю ҳамиятчиларнинг кети узилмасди. Гиждувон туманидан бир ҳафта давомида юз киши келиб ободончилик, кўкаламзорлаштириш ҳамда таъмирлаш ишларига қатнашди. Когон туманидан юз нафар уста келиб пештоқлар таъмири учун ускуна хавозаларни тиклаб, Қизилтепа гишт заводидан келтирилган оби гиштларни ишлатиш учун махсус мосламада суфта қилиб қўйдилар. Улар ортларидан Гиждувон тумани оқсоқоллари келиб зиёрат қилиб, кўнгилларига туғиб қўйган маблағларини хайрия сифатида топшириб, ният қилдилар: «Тумандаги тарихий обидаларни тиклаш ишлари илоҳо Чор Бакрдай бўлиб Абдухолик Гиждувоний зиёратгоҳи ҳам барчанинг диққат-марказида бўлсин». Буюк пирлар Ар-Ревгарий, Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний ватанидан келган нуронийлар ҳам ана шундай ният қилдилар.

Шанбалик ўтказилишига ҳали икки кун бору, келиб шу ерда тозалик ишларида қатнашиб, савоб олиб қайтиш ниятида бўлганларнинг сони жуда кўпайди. Улар ичида мактаб ўқувчилари, лицей талабалари, олий ўқув юрти талабалари кўпчиликини ташкил қилди. Дирекция ва вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳафтада бир марта шу ернинг ўзида штаб ўтказиладиган бўлди. Штаб ҳар ҳафта пайшанба куни ишдан кейин ўтказилди. Оллоҳ бераман деса, эрта-кеч демас экан. Донолар айтганларидек: «Миллатнинг, халқнинг ҳамжихатлилиги — тараққиёт гаровидир». 22 май куни вилоят газетаси, радио ва телевидениеси орқали ҳаммани шанбаликка даъват қилувчи чақириқлар эълон қилинди. Шанбалик ўтказиш ғояси аслида вилоят нуронийларидан чиққан эди. Вилоят нуронийлари бунга бошқош бўлдилар.

Ўтказилган шанбалик катта байрамга айланиб кетди. Кимдир бир кунлик, яна кимдир икки кунлик меҳнат ҳақини ўтказишдан ташқари Сумитанга келиб ободончилик ишларида ҳам қатнашди. Шу куни 600 киши учун оши софи қилинди. Қамиш кесмаларини узоқ-узоқ жойлардан машиналарда ташиб келтирган ким, бегона ўтларни қабрлар устидан чопаетган ким, хонақоҳ, намозгоҳ, масжид хужраларини супуриб, сидириб, чангу ғуборлардан тозалаб, таъмирлашга тайёрлаб қўйган ким, саноғи йўқ эди. Тушликка яқин Пешку туманидан бир деҳқон чол невараси билан кўчат келтирди:

— Пешкунинг мевали боғларига руҳи пир кетган. Майизи оби жўшини еган одам қирқ йил хасталик юзини кўрмас экан. Унинг оқ тутлари ҳам хасталикка даво-ю, ҳам ердан захни тортиб олади. Шунга кўра балхий тут кўчатларидан олиб келдик. Обидалар атрофида ўтказилса, зах камаяди, тузни тортиб олади, соя, кўклик бўлади, болам.

Бобонинг гапларига неварга ҳам кўшилди:

— Бир туп тут дарахти бир кеча-кундузда 300 литр сувни тортиб олиш хусусиятига эга экан. «Ботаника» китобимизда ёзилган...

Бундай саховат, ғамхўрлик, узоқни кўра билишни кўриб, қувонмай бўладими? Ана шу ерда доно йўлбошчимизнинг шиорга айланиб кетган гаплари такрор-такрор янгради: «Шу азиз ватан барчамизники. Унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир».

Шанбаликдан кейин ҳисоб-рақамига маблағ тушиш суръати тезлашди.



Катта-катта корхоналар 3—4 миллиондан, хусусий фирмалар эса кам деганда 150—200 минг сўмдан пул ўтказиб, меросхўрлик бурчларини бекаму кўст бажардилар. Иш хажми кенгайди. Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларидан уста таъмирловчилар келиб, кўмакка тушиб кетдилар.

Одатдаги кунларнинг бирида 400 киши учун тушликка худойи қилиб бераман деган ҳомий ташкилот оши софи учун маҳсулотларини келтириб, маҳалладан каттароқ қозон топиш учун кетди-ю, 120 кишилиқ мактаб ўқувчилари кириб келдилар. Улар 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари эканлар. Кичик ёрдамчилар дирекция аъзолари ҳузурларига кириб, шанбалик куни бу ерга келиш учун уларга навбат етмагани, бугун меҳнат дарслари борлиги, дарсдан ташқари боғда ишлаш соатлари фурсатидан фойдаланиб, кўмакка келганликларини изҳор этдилар. Иш жойини кўрсатсак бас, у ёғини ўзлари эплар эканлар. Дирекция уларнинг тушликлари учун бош қотириши шарт эмас экан. Тушликларини ўзлари билан олиб келган эканлар.

Дирекция аъзолари ўқувчи-ю ўқитувчилар гапларини тинглаб туриб, хурсанд бўлдилар. Лекин уларнинг бугун обидалар мажмуида ўқувчилар бажарадиган юмушлар қолмаганлиги, бир ҳафтадан кейин хабар олсалар, тозалик, супуриб-сидириш ишларига кўмак беришлари мумкин, деганларига ҳам қарамай ўқувчилар изларига қайтиб кетишмади. Улар бири олиб, бири қўйиб, чуғурлашганлари чуғурлашган эди:

— Биз ҳам бу катта ишда ҳиссамиз қўшилишини истаймиз.

— Эрта бирор киши биздан Чор Бакр учун нима қилдинглар деса, қандай жавоб қайтарамиз?

— Бобожон, сиз ҳам энди бизларни қайтариб юборманг-да, сизларбоб ишлар йўқ деб, оби фишт олиб берамиз усталарга.

Иш юритувчилар тушунтиришдан чарчадилару ҳашарга келганлар фақат бир гапни такрорлашдан чарчамасдилар: «Бизнинг ҳам ҳиссамиз қўшилиши керак-да Чор Бакрга!»

Жуда қизиқ бўлди. Қабр, ҳазиралар устидан чопиб ташланган қамиш, янтоқ, чангалларни бир телешкага юклаган таъмирловчилар уни чиқариб ташлаш учун тракторга улаб, энди дарвозадан чиқаман, деб турганларида болаларнинг кўзи хас-хашакларга тушди. Улар ўқитувчиларидан сўрадилар:

— Қаерга олиб кетаяптилар мана бу янтоқларни, куйдиришгами, ё ахлатхонага ташлаш учунми?

— Биз, болаларим, бу чиқиндиларни ахлатхонага ташлаймиз, — суҳбатга аралашди Субҳиддин ака. Сизга ўхшаган лицей болалари ҳув чеккадаги ҳазираларда ишляптилар. Шулар юклаб юборган буларни!

— Чор Бакр ҳақидаги кўрсатувда ўзларингиз айтдингизлар-ку, ангез ишларига қамиш кули қўшамиз, деб. Ана қамиш, олиб куйдиришлар, то чиқариб ташлагунча. Узоқ жойдан қамиш чопиб келтиришга унчалик ҳам ҳожат қолмайди...

«Ана холос... Боланинг кўзи ўтқир, деб шуни айтсалар керакда».

Мактаб ўқувчилари ўзлари учун ўзлари мароқли иш топдилар. Чопиб ташланган қамиш, янтоқ, чангаллар алоҳида-алоҳида қилиб куйдирилди. Тушликдан кейин яна кул тайёрлаш амаллари поёнига етказилганидан кейин ҳиммати баланд, ўз ихтиёри билан келиб, ўзига иш топиб, уни аъло даражада бажарган кичик ёрдамчиларга руҳсат берилди. Албатта, «Раҳматнома» қоғози билан...



Ўқувчилар қайтар маҳаллари:

— Хўш, хашар қалай ўтди, зиёрат-чи? Чор Бакр обидалари жамоли камалакнинг ердаги саккизинчи рангими? — сўрадилар иш юритувчилар.

Ҳаммалари бир йўла жавоб беришга тушдилар:

— Буюк алломалар: «Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас», — деганлар. Биз ўзлигимизни тўла англаш учун Чор Бакр зиёратига келдик. Яна келамиз. Бир кунда Чор Бакр томошасидан кўз тўймайди-да.

Биз ҳам болалар жавобига ҳадисона сўзлар билан жавоб қайтаришга уриниб, маънавий бойлик моддий бойликдан минг карра устун туришини яна бир бор таъкидладик.

* * *

Кўз очиб юмгунча бир талай ишлар бажарилди. Муаммо бўлиб турган ширин сув масаласи ҳам ҳал этилди. Вилоят «Иссиқ сув манбаи» корхонаси ўн метр куб сув сифимига эга темир сув ҳавзаси ҳада этди. Биз ҳар куни тонна-тонна ширин ичимлик сувини сақлаш имкониятига эга бўлдик. Ҳар куни сув ташиш транспорти билан Дамхожа ичимлик суви ҳавзасидан ширин сув келтирилиб, таъмирлаш ишлари учун ишлатилди. Қоришмалар тайёрлашда, ташиб келтирилган оби гиштларни ишлатишдан олдин бир кун сувга солиб қўйиш учун ҳам, ана шу ширин сувдан фойдаландик. Бир йўла ишчиларни кунда уч марта овқатлантириш учун тўла имкониятга эга ҳам бўлдик. Бу сарф-харажатларнинг ҳаммаси худойи йўли билан қопланиши юкимизни енгиллаштирди. Одамларнинг хайр-саховат қилиш кўлами тобора кенгайди.

Узум-сабзавотлар, яна қўй тўпланди. Қўйларга вақтинча қараб туриш учун чўпон ҳам топилди. Ота-боболари Чор Бакрлар авлодидан бўлган 5-синф ўқувчиси таътили кунларида қўйларни боқиш истагини билдирди. Одатдаги кунларнинг бирида катта юк машинасида олма, пиёз, карам, помидор келтирилди. Биз бу сабзавотлар сотиш учун бўлса керак, деб тахмин қилдик. Тахминимиз ўринсиз чиқди. Боғдорчилик, мева-сабзавотчилик жамоа ширкат хўжаликларидан бирининг боғбони ижарага олган беш гектарлик боғидан кўп ҳосил олиб, шартномани бажарибди. Қолган ҳосил унинг ихтиёрида. Бозорга чиқармай таъмирловчилар учун олиб келибди.

— Катта юк машинасида келтирилган мева-сабзавотлар таъмирловчиларимиз учун кўплик қилади. Бир ҳафтага деб олиб қўйсак эскиради. Яхшиси, биз керакли миқдорини оламиз. Қолганини бозорга олиб чиқинг, десак ҳам деҳқон йигит кўнмади. Хайрия, саховат, худойи қайтариб олиб кетилмаслиги керак, деб сўзида туриб олди деҳқон. Ҳамиша сариштакору ингичкани йўғон қиладиган имом-хатиб меваларнинг бир қисмини сақлаб, қолганини бутун Сумитан қишлоғига тарқатиб чиқди.

* * *

Таъмирлаш, янги биноларнинг қурилиши билан шуғулланувчи хусусий фирмалар «Истакнома» ёзиб, Чор Бакр таъмирида қатнашиш рухсатини кўлга киритдилар. «Олим Аҳад» (11 киши), «Тахтбин» (18 киши), «Фар-

рух-Феруз» (6 киши), «Қумработ» (14 киши) каби хусусий фирмаларнинг қўли гул усталари ишга киришиб, кўп диққат талаб қиладиган, кошинкорий ҳамда ангез амалларини жуда чиройли қилиб бажардилар. «Чор Бакр» жамоа хўжалиги далаларида ишлаётган аёллар ангез ишларини бажараётган усталарга бир кунда 33 қоп қамиш кули тайёрлаб берганлари ҳаммани қувонтирди. Биз аёллар билан суҳбатда бўлиб, «Ҳамма кул таркиби бир хил бўлса керак. Ҳафтада, албатта, нон ёпиш учун тандир ёқасизлар. Тандирдаги тайёр кулдан ҳам тўплаб келтирсангизлар бўларди», деганимизда улар: «Йўқ, ҳар бир ишни таомилига қараб бажариш ўринли. Отабоболаримиз лой таркибига қамиш кули қўшиб, сўнгра уни бинокорлик учун ишлатган эканлар. Эски захкаш уйимизга бир қадам. У ерда 2—3 йиллик қамишлар бор. Ана шуларни ўриб, бир фурсатда шунча кул тайёрладик. Бунинг ҳеч қийинчилик жойи бўлгани йўқ. Чор Бакр, боболар учун мададимиз текса, бизга ҳам савоби тегади», дедилар.

Дамхожа суви солинган сунъий темир ҳовуз иш жойининг нақ ўртасида. Сал чеккароқда жойлашган иншоотларнинг усталари сувни шу ердан ташиб, қоришма тайёрлашда, оби гиштарни ивитиб қўйиш учун ишлатардилар. Лекин, яна шуниси ҳам бор эдики, уларга сунъий темир ҳовуздан кўра Сумитан ариғи жуда яқин... Бир куни дирекция хонасига шу кишлоқлик чол кириб келди. Саломлашдик.

— Менга бош иш юритувчи керак эдилар. Мен кўнглимдаги гапимни фақат ўзларига айтаман. Катталар жон куйдириб, таъмирлаш ишларида сохтакорлик бўлмасин, деб турган бир пайтда мана бу болалар сувни эски ҳовуздан олиб, қоришма тайёраш учун ишлатаптилар. Ахир, у зах сувику. Ҳовуз тагидан чиққан...

Чолни тинчлантириб, таъмирловчи усталар иш жойига бордик. Қариянинг даъвоси ҳақ бўлиб чиқди. Тийнати бутун деҳқон-да. Ҳар куни эски ҳовузга яқин хазирада ишлаётган усталар ишларини кузатиб, кўзи бу ҳолга тушган. Усталарнинг сал эътиборсизликларини кўнглига сиғдиролмай, бизга мурожаат қилганлари яхши бўлди. Тезликда бу сохтакорлик олди олинди.

* * *

Қизилтепа, Каттақўрғон оби гишт заводларидан вагон-вагон олиб келинган қурилиш материалларининг сифатлигидан кўнглимиз тўлгани учун таъмирда ишлатдик. Бу гап билан Бухоро гишт заводлари сифатсиз маҳсулот чиқаради, демоқчи эмасмиз. Лекин, барибир иқлим, тупроқ шароитига қараганда, бизнинг еримизда туздорлик даражаси сал баланд. Самарқанд, Навоий вилоятидаги дўстларимиз кум, ювилган шағал, оҳактошдан кўмаклашишда ҳиммат кўрсатдилар. Девор билан синч ўртасида қамиши кўфта қўйиш учун Замонбобо кўли қамишларидан кўп миқдорда фойдаланилди. Замонбобо кўли бўйларида ўсган қамишлар кўп йиллик бўлиб, айнан ана шу тадбир учун қўллашда рисолага тўғри келарди. Яна бир гап. Усталар таъмирлаётган иншоотларини олдинги андозаси, қурилиш материали ҳамда тиклаш усулига қараб фаолият юритар эдилар. Қайси хазира ё даҳмада пойдевори остига буйра тўшалган бўлса, шу жой таъмирида худди ана



шундай ашё қўйилди. Яна қайси бино девори билан синчи оралигида қамиш кесмалари қўйилган бўлса, биз ҳам шу тадбирни қўлладик. Чунки, боболаримиз тиклаб кетган бинолар қурилишида албатта бир илохий сир мужассам бўлган. Бугунги кунга келиб ана шу сир изини ўчириб юбормаслик лозим.

Намозгоҳ таъмири

Намозгоҳни (мадраса) таъмирлаш 25 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Қурбон Абдурашидов гуруҳи усталарига топширилди. Бу усталар бундан олдин эски ҳаммом, тоқ, масжиди Пойи Калон таъмирида фаолият кўрсатиб, катта тажриба тўплаганлари боис, ўта муҳим ва жуда инжиқ, қийин, аммо шарафли ишни ўз зиммаларига олишга рози бўлдилар. Гап шундаки, Намозгоҳ пештоқидан ном-нишон йўқ эди. Партави, олд ҳужраларининг эшик томон девори қаттиқ куч билан тортиш натижасида ўпирилиб кетган. Фақат ярим бузуқ ҳужралари-ю ер ости пойдевори қолган эди, холос. Қурбон Абдурашидов ишни ер ости пойдеворини очиб, тарҳини обдон ўрганиб, асосий хулоса чиқаришдан бошлади. Ярим девор, ярим партав, ярим ҳужралардан чиққан бутун, синган ғиштларнинг ҳаммаси ўта эҳтиёткорлик билан йиғиб олиниб, таъмир пайтида ўша жойнинг ўзида ишлатилди. Тиклаш пайтида, вақтида қилинганидек, девор устун орасига тупроқ ташланмади. Ўзидан чиққан оби ғишт синиқларини ташлаб, ораларига қирпеч қўйиб, андова қилинди. Агар олдингисидек, яна девор ораси тупроқ билан тўлдирилганида эди ичкари нам тортишлардан оғир бўлиб, тез орада бир томонлама «қорин» уриши мумкин эди. Пештоқ қисмини тиклашда яна ўзининг эски оби ғишлари суфта қилиниб, сўнгра ишлатилди. Усталарнинг айтишларича, Бухоронинг XVI аср хумдонларида пишган оби ғиштлар яна ана шунча йил хизмат қилиш қудратига эга экан. Илоҳо шундай бўлсин.

Масжид таъмири

Масжид таъмирида олдин пештоқ шарафалари тикланди. Иккинчи қаватдаги йўлак, иккинчи, учинчи қаватларда жойлашган ҳужралар тўла таъмирланди. Ангез, қоришма ишларида ганч, қамиш кули, ювилган қум, Дамхожа сувидан ишлатилди. Тайёр бўлган юза қисмига пиллакашлик корхонаси чиқинди сувидан келтириб суртилди. Лекин, бу тадбирга олдингисидай жилодорлик бериб бўлмади. Пештоқ катибасининг («Ал-исро» сурасининг) фақат эшик ўнг томонларигина консервация қилинди. Юқори қисми кўп талафот кўргани, айрим кошинкорий қисми тушиб кетганлиги боис, супуриб ташлаб, суранинг қолган сўзлари кошинкорий билан ёзиб қўйилди. Икки паллалари нақшинкор эшик, гужум ёғочидан бўлган остона, занжир-зулфинлари ўзгартирилмади. Гумбазнинг том уст қисми ва ичкариси тўла таъмирланди. Безаклари эса тикланди. Меҳроб ҳам ўз шаклига эга бўлди. Намозхонларнинг кечалари келиб қироат қилишлари учун қимматбаҳо кандил осиб қўйилди. Чироқ, шам, китоблар қўйиладиган равоқлар

хажми ўзгартирилмади. Юқоридаги раван ўз ҳолича қолдирилди. Ер ости пойдевори билан юза қисм синч орасидаги қамишлар маълум миқдорда бир томонга қараб силжиганлиги сабабли ўта эҳтиёткорлик билан янги қамиш кесмалари ўринлаштирилди. Икки ён томон (шимолӣ, жанубӣ), икки қаватли айвон таъмирланди. Безакларининг олдинги асл нусхаси йўқолиб кетганлиги учун сохтакорликка йўл қўйилмади. Миноранинг шарафа қисми узилиб тушганди. Жануб томонга қараб оғанлиги ҳам кўзга ташланиб турарди. Ер силкиниши натижасида тири атрофидаги ичкари пиллапоя вазифасини ўтаган қавати дарз кетган эди. Бу ишларни бажариш сал мураккаблиги учун минора таъмирига нафақадаги уста Мубин бобо таклиф этилди. Уста Мубин бобо қўшмадраса, Хон, Модарихон, Ҳаммоми саррофон, Кўкалдош мадрасаларини тиклашда кўзи пишган одам. Ўфиллари, жиянлари билан келиб, бир ҳафта ичида минорани биз айтгандай таъмирлади, охирида қўй сўйиб, худойи қилиб, ҳамма усталар бир пиёла чой устида суҳбат қуриб, сўнгра бошқа юмушларига қайтиб кетдилар. Уста Мубин бобо минора шарафасини таъмирлашда асосан ўша давр эски минораларидан чиққан фиштардан фойдаланди. Ангез ишларига эса Модарихон мадрасаларида қўлланилган усул қўл келди. Биз уста Мубинга: «Иш ҳаққингизни олиб кетинг» таклифини қилдик. Уста: «Мен иш ҳаққини Оллоҳдан савобга айлантириб оламан, болаларим, ташвишга ҳожат йўқ», деди.

Хонақоҳ

Хонақоҳ таъмирида жуда катта куч ва маблағ сарфланди. Ўта тажрибали усталар ишга жалб этилди. Шимол ва жануб томон ташқари икки қаватнинг айвонлари бутунлай вайрона ҳолатига келиб қолган эди. Пештоқнинг жануб томон билан иккинчи қават хужраларини эрта-индин тўкилар даражасига келтирган нарса бу — катта дарз кетганлиги эди. Сурункали ёмғир ва қор сувлари тушиб, деворнинг ичкари қисмларига ҳам катта салбий таъсир кўрсатганлиги боис, бу иш ўта эҳтиёткорликни талаб қилди. Шимол томон фасадини таъмирлаётганимизда эски безакларнинг кошинкорӣ қилинган нусхаси чиқиб қолди. Безаклар ана шу андозага қараб тикланди. Пештоқ, шарафанинг айрим қисмлари ҳам тикланди. Қолган парчалари консервация қилинди. Катиба билан шарафа орасидаги яшил ҳошияли белбоғдаги тарихий ёзув шундайлигича қолдирилди. Куфӣ хат билан битилган, бугунга келиб тўкилиб кетган айрим сўзларни қайта ёзишнинг иложи бўлмади. Чунки, у шеър ё сурадаги оят эмаски, нусхаси қайтиб қўйилса. У — тарих. Тушиб кетган ана шу жойида қайси сўз ёзилган, билиб бўлмайди.

Айтиш ўринлики, хонақоҳ пештоқи тикланишида кўпроқ консервацияга эътибор қаратилди. Катибадаги «Бақара» сурасидан иқтибос қилинган оятларнинг фақатгина икки, уч сўзи қолдирилди, асл нусхаси сифатида бошқа қисми таъмирланди. Бу ишларга Тошкентдаги хусусий кошинкорӣ фирмаси ва улар билан ҳамкорликда ишлайдиган арабшунос олимлар таклиф этилди. Олиму уста кошинкорларнинг ҳамжихатликда ишлаганларидан кўнглимиз тўлди. Катиба таъмири айтганимиздай бўлди. Райҳонӣ





усулидаги безак беришлар ўз ҳолича қўйилди. Икки паллали эшик, зулфин, занжирлари, остона, болодарий, бидингдарийга қўл текизилмади. Чунки, биз ундаги кандакорий усулида гиреҳ орқали безак бериш, қадимий гулмехларни яна тиклаш имкониятига ҳозирча эга эмасмиз. Хонақоҳ ичкарасидаги гумбаз ости жуда эҳтиёткорлик билан қайта тикланди. Чунки, том қисмидаги катта ўпирилишнинг таъсири кучли бўлиб, равзандан тортиб шимол томон эшик устигача ёрилиш чўзилган бўлганлиги сабабли кўп иш талаб қилди. Иккинчи қаватда жойлашган ҳужралар, йўлак таъмирланиб, мутахассислар иштирокида бажарилган иш қабул қилиб олинди. У ердаги сандал, оташдон, катибалар қайта қурилди. Шу билан бирга уларнинг қадимийлиги сақлаб қолинди. Ҳаво айланиб туриши учун махсус қурилган кичик шаҳобчалар кўзи очилди. Хонақоҳ гумбази таъмирига келганда дирекция билан усталар фикри бир жойдан чиқмай қолди. Нима эмиш, гумбази дуостаранинг устки кошинкорий қилинган беаги бутунлай олиб ташланиб, ўрнига янги кошинкорий қопланмоғи зарур экан. Биз бу фикрга қарши турдик. Ҳар бир нарсада шажара, илдизларни боғловчи ип турмоғи лозим бўлганидай гумбаз кошинкорийсида ҳам маълум жойнинг асл нусхаси қолдирилмоғи шарт. Майли, жуда тўкилиб кетган жойларининг олиб ташланишига розимиз. Аммо, бутунлай супуриб ташланишига мутлақо қаршимиз. Эрта-индин бизнинг болаларимиз ўз кўзи билан кўриши керак, унинг боболари, Абдуллахондай буюк зотлар биноларга безак беришда қандай усул ва таркиблардан унумли истифода қилган эканлар. Фикримиз инобатга олинди. Ўзининг қадимий нусхасидан андоза олинди. Кошинкорий ишлари билан шуғулланувчи усталар олимлар билан маслахатлашдилар. Гумбаз таъмирланди. Лекин, консервация учун беш метр жой қолдирилди. Биринчи астар билан иккинчи астар оралиғидаги бўшлиқ (шамолгард) тозаланди, ёғочлари янгиланди. Айрим битиб қолган равзаларининг кўзи очилди.

Янги Сумитан захкаши

Хонақоҳ пештоқининг шундоқ ўнг ёнидан ер ости зах сувларининг кўтарилиши ё пасайишини аниқлаш мақсадида хандақ қазилди. Хандақ чуқурлиги 2 метрга етмасдан сув чиқди. Бу зах сувларининг кўтарилишидан нишона эди. Шунга қараб янги захкаш зарурати туғилди. Шу ўртада янги Сумитан захкаши чиқаришга мутахассислар жалб этилди. Сумитан захкаши обидаларнинг юқори шимол томонидан ғарбга қараб чиқарилди. Шамсиябону қадамжойидан тақрибан 40 метр наридан оқиб ўтувчи эски захкашнинг сарбаст бўлиб қолган қисми очиб ташланиб, янги Сумитан захкаши унга уланди. Охири эса жануб, шарқ томондан тақрибан 1 километр узоқликдан оқиб ўтувчи эски захкашга пайваст қилинди. Янги Сумитан захкашининг узунлиги 3 километр. Бир ҳафта ўтмай захнинг кўтарилиш сатҳи ўлчангач, тушиб кетганлиги аниқланди. Ҳаммамиз қувондик. Чунки, биз оз фурсат ичида ўта устамонлик билан иш тутиб, кўтарилиб келаётган туз қуюнининг олдини олишга мушарраф бўлдик. Захкаш чиқаришда ишчилар кеча-кундуз тиним билмай меҳнат қилдилар. Бошқа туманлардан техник ёрдам келиб қўшилди. Бир ҳафта кўчма уй-вагончалар-

да навбатма-навбат тунаб, тупроқ ишларини бажарган экскаваторчилар Чор Бакрдагилар билан хайрлаша туриб қўй сўйиб, худойи қилиш ҳамда иқтисодий кўмак беришни ҳам унутмадилар.

Саъдулла Хожа хазираси

Кўп изланишлардан кейин усталарнинг минг ўлчаб бир кесганлари яхшиликка олиб келди. Ичкари седара шаклидаги айвон, қироатхона пойдевори тарҳига қараб чиройли қилиб қурилди. Пештоқ, дарвоза ичкариларидаги уштургарданларнинг шарафалари тикланди. Якка қабрлар — Гавҳарбону Султоним, Нурчучук Пошша қабрларига оройиш берилди. Шарқ омон қулаб кетган девори кўтарилди.

Акобир Хожа хазираси

Дарвоза ўнг томонидаги хужраи берун, ичкари қисмлари бира-тўла тикланиб, кичкинагина гумбаз кўтарилди. Дарвоза олдидаги супалар кўтарилди. Аҳмади тахтабоз қабри очиб кўрилди. Оддий лаҳатгўр шаклидаги қабр бўлиб чиқди. Ёнида яна бир қабр ҳам бор. Ёшроқ одам қабрига ўхшайди. Аммо, иккала қабрда ҳам битиклар йўқ. Қабрлар қайта тикланди. Кўзга яққол ташланадиган ҳолатга келтирилди. Мутахассислар назорати остида деворларига ангез тадбири ўтказилди.


Насриддин Хожа хазираси

Обида таъмирланишида дарвоза, остона, пешайвонларига тегилмади. Асли жуда кўркам. Бундан кўнглимиз тўлганлиги учун болта тегишини лозим кўрмадик. Ичкари ва ташқари томон чиллахоналари қайта тиклашга муҳтожлиги учун ўзгартирилди. Насриддин Хожа хазираси билан Атоулло Хожа хазираси орасидаги ҳовуз томонга кетадиган узун йўлакда тупроқ ишлари бажарилди. Тушиб кетган девори тикланди. Фарши эса оби гишт билан кўтарилди. Аслида бу йўлак орқали асосий майдондан ҳовуз томонда жойлашган хазирага ўтилган. Биз яна ана шу имкониятни тиклаб, эски услубда даричаи сарбаста ҳам қурдик.

Атоулло Хожа хазираси учун ўта эҳтиёткорлик зарур эди. Сабаби, хазира вақтида жуда мустаҳкам қурилган бўлиб, пойдеворининг ер уст қисми, пиллапоялар, дарвозахона, эшик остоналари унчалик шикаст кўрмаган. Фақат ичма-ич қурилган чиллахоналарнинг томи йўқ. Деворларининг ичкари қисм ангез ишлари тушиб кетган. Қабрлар атрофи, тошбитиклар қўйилган супалар тўкилиб кетган. Бу ишларнинг ҳаммаси тартибга келтирилди. Вақтида жуда чиройли бўлган Атоулло Хожа хазирасининг иккинчи умри бошланди. Шунинг учун десалар керакда, асли чиройли, тўкис бўлган Худо неъматининг иккинчи умри ҳам кўркам бўлади деб.



Зайнаб Султон Пошша хазираси таъмири хусусида



Олдин Зайнаб Султон Пошша хазирасига седара шаклидаги кўшкдан кирилади, деган фикрда эдик. Тахминимиз хато бўлиб чикди. Ер ости пойдеворларини ковлаб, синчиклаб текширишлардан кейин аниқ бўлдики, биз кўшк деб тахмин қилган седара шаклидаги ихчамгина уй сақохона экан. Сақохонада қишин-ёзин ичимлик суви турган. Зиёратчилар, қори-ю шу ерлик аҳоли келиб кетиши учун хумларда сув бўлган. Мешкоблар ҳар куни сақохонадаги хумларни сувдан тўлдиришлари учун ҳам ҳақ олиб турганлар. Зайнаб Султон Пошша хазирасига киравериш хусусига келсак, унинг эшиги Хожа Саъд хазирасига бориладиган катта дарвоза орқали бўлган экан. Киравериш йўлагидан то ичма-ич чиллахонагача жой бўлиб, бу ерда ҳам қабрлар мавжуд. Дарвозадан кириб ўнг қўлга қайрилса пиллапоя, кейин қабрлар, қабрлар орасидан ўтиб, чиллахона, тиловатхонага, ундан кейин эса Зайнаб Султон Пошша хазирасига кирилган. Таъмирловчилар хазирага тегишли ҳамма жиҳозларни таъмирлаб чикдилар, фақат деворларга тегилмади. Хазиранинг ичкари тўрт девори қандай турган бўлса, шундайлигича консервация қилинди. Қорихоналар бошдан охир тикланиб, электр шаҳобчаси ўтказилди. Қабрлар атрофи тикланди. Парчинкорий қилинган деворлари вақтида жуда чиройли бўлган. Деворни бугунга келиб «таъмирлаймиз», деб бузиб қўйишдан ҳадиксираб, ҳеч ким тузатишга журъат қила олмади. Сабаби, девор шунча талафот кўргани билан барибир кўзга мафтункор бўлиб кўриниб турибди. Парчинкорий қилинган жойининг парчинлари тушиб кетган бўлса ҳам ҳанузгача сақланган қолипнинг чиройлилигини айтмайсизми...

* * *

Обид Хожа хазираси тикланишида Тошкент илмий-тадқиқот институтидан тарҳ келтирилди. Тарҳга қараб фаолият юритмоқчи бўлган усталар иккиландилар. Деворларнинг ер ости қисми чикқандан кейин тарҳнинг сохтакорлик билан чизилгани маълум бўлди. Шунга кўра биноларни тиклашда ер ости пойдеворига қараб иш тутилди. Хазира атрофи девор билан ўралди. Шимол томондан гумбазли қироатхона, уч томондан эшик қўйилди. У аслида ҳам шундай бўлган экан. Шарқ томон деворини кўтариш пайтида янги қурилган соғонани олиб ташлашга тўғри келди. Маълум бўлишича, янги соғона эски деворнинг нақ устига тушган бўлиб, соғона-созлар бунинг унчалик фарқига бормаган эканлар. Соғона ичига майита қўйилмаганлиги сабабли бузиб ташланди. Ана шундан кейин катта можаро бошланди. Сумитан қишлоғига яқин қишлоқларнинг бирида яшайдиган отахон даъвога келди:

— Ўзим учун ясаб қўйган қабрни бузибсизлар. Менинг ота-бобом ана шу ерда кўмилган. Эрта-индин мен ҳам шу ерда ётишим лозим, бу Оллоҳнинг буюргани бўлса керак. Девор-певорларингни билмайман. Тиклаб берасизлар. Қўлимда ота-боболарим шахсиятини тасдиқловчи ҳужжат бор. Мана у!

Отахон ён чўнтагидан найча қилиб ўралган сарғиш қоғоз чиқардилар.

Қоғозни очиб кўриб, хайратга тушдик. Жуда чиройли, нафис, эски чағбутдан бўлган қоғозда битилган шажара. Бу шажара билан шу ҳазирадаги тошбитикларда ёзилган шажара бир хил эди. Ҳам қувондик, ҳам афсусландик. Отахон шунча вақтдан бери шажара қоғозини асраб-авайлаб келиб, ўзи, аёли учун олдиндан қабр ясаб қўйишни билибди-ю ота-боболарининг ҳазираси девори, чиллахонаси қайси томонда эканлигини унутибди. Етмиш йил ичида уни яширинча асраб-авайлаб, тиклаш мумкин эдику. Бугунги кунда қабр жойини даъво қилиб ўтиришлари киши кўзига фақат ёш келтирарди. Меросий мулк бу — меросий мулк. Унинг қолипини бузишга ҳеч кимнинг қурби етмайди. Қўлида шажараси бор отахонга ҳазира ичкарасидан жой ажратиб, деворни эски изи билан кўтариб, кўнглимиз тинчиди.

* * *

Пошшоойим мақбарасининг пештоқ қисмида ангез, пардевор тикланди. Ичкари чиллахоналарига безак берилди. Тушиб кетган томи ёпилди. Қабрлар атрофи ўзидай қилиб қўйилди. Деворнинг ташқари томон ангез ишлари ҳам ўринлаштирилди. Моҳ Султоним мақбараси билан Пошшоойим мақбараси оралиғидан шарқ томонга қараб борувчи йўлакда тупроқ ишлари амалга оширилди. Бир метрдан ортиқ чиқинди, хас-хашак, кўтарилган тупроқ олиб ташланди. Шўрланган тупроқ кўтарилиб, иккала ҳазира деворининг нақ белигача нам кўтарилишига сабаб бўлган. Ана шунинг учун ҳам деворларнинг нураши тезлашган. Йўлак тозалангандан кейин навбатдаги ҳазирага ҳам равон йўл очилди. Ўша ҳазиранинг атроф деворлари тушиб кетган, қабр жойлари бор, тошбитиклари йўқ. Шундай бўлса ҳам усталар шимол, шарқ томон деворини кўтариб, ҳазирани ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялашга эришдилар. Пошшоойим мақбараси пештоқ қисмидаги ислимий нақшларнинг ҳамда катиба қисмидаги «Зумар» сурасидан иқтибос қилинган эллик учинчи оятнинг 3—4 сўзи консервация қилинди. Қолган сўзлар супуриб ташланиб, янги кошинкорий қилинган шакли қирпеч билан ёпиштирилди.

... Пошшоойим мақбараси пештоқида ишлаётган усталар тушликка чиқдилар. Ҳазиралар атрофида ҳеч ким йўқ. Фақат мақбара ёнида саксондан ошган қария ... Қария ерга ўтириб олганча яктагининг барига пештоқнинг катиба қисмидан супуриб ташланган кошинлар бўлакларини битта-битта териш билан банд. Чолга яқинлашиб, ҳаракатларини кузатиб турдик. Қўллари титраб, кўзларидан ёш оқарди. Ҳар бир парча кошинни «пуф, пуф»лаб яктаги барига соларди. Биз ҳам ерга ўтирганча чиқиндилар ичидан парчинларни териб, отахонга ёрдамлашгандай бўлдик. Юзи қуёш, шамол, ёмғир таъсиридан тарс-тарс ёрилган парчинлар шунча йил ўтишига қарамай барибир чиройли, қуёшда ялтирар, қўлингизга олсангиз қушдай енгил эди. Яктак бари парчин майдаларидан тўлди. Ҳаммасини териб олишимиз билан чол ўрнидан туриб, шундай деди:

— Ана энди бўлди. Бундай ноёб гавҳарни ахлатга қўшиб бўлмайди-да, болам. Энди Пошшоойимдай аёл тирилмайди. У давр усталари ҳам қайтмас бўлиб кетдилар. Улардан қолган тирноқчалик нарсани ҳам асраб-





авайлаш лозим. Чунки, у эртага керак бўлади. Буларни уйга олиб бориб, сандиққа солиб қўяман. Неварам кошинкорий хунарини ўрганаяпти. Эртаиндин қўли келиб қолса, ана буларнинг таркибларини ўрганиб, бобо-невара хумдон ясармиз, балким.

Бу гапларни айтиб бўлиб, чол қишлоқ томон кетди. Ортидан бутун Чор Бакр бўйлаб Йўлбошчимизнинг оятдай, ҳамма ёдлаб олса арзийдиган мана бу гаплари янграб тургандай бўлди: «Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни хушёрлика ўргатади».

* * *

Моҳ Султоним, Хожа Саъд, Обид Хожа, Зайнаб Султон Пошша, Имомат ва яна иккита (кимга тегишлилиги маълум бўлмади, тошбитиклари йўқ) ҳазирага битта пештоқли дарвозадан кириб чиқилган. Дарвоза икки табақали, гужум ёғочидан қилинган. Юзи нақшинкорий қилинган. Зулфин, занжир гулмехлари ҳам. Аммо, таъмир кунларида ишга яроксиз бўлиб қолганлиги боис олиб қўйиб, ўрнига янги дарвоза ўрнатилди. Пештоқ, шарафа, катиба гулдастаси таъмирдан чиқарилди. Бу тикланишларда бизга қаршилик дўстлар кўмаклашдилар. Ҳамма ишлар бўлди. Эски дарвозанинг иккала табақасини ҳам яқин орадаги Зайнаб Султон Пошша ҳазирасининг чиллахонаи торикига киритиб қўйдик. Эртаиндин мозийгоҳ ходимлари келиб олиб кетишлари керак эди. Орадан бир ҳафта ўтиб, янги қурилган дарвоза ёнида 13—14 яшар ўғил бола пайдо бўлди. У олдин биз ўрнатган дарвозага қараб турди-да, кейин азиз нарсасини йўқотиб қўйган кишидай бесаранжом тўрт томонни қараб чиқишга киришди. Хожа Саъд ҳазирасигача борди. Обид Хожа ҳазирасининг девор орқа қисмини кўздан кечирди. Ундан янги қурилган қорихонага ўтиб, у ердан ҳам шамолдай қайтиб чиқди. Моҳ Султоним ҳазирасига кириб, қорихоналарни обдон текшириб, яна дарвоза ёнига келиб, бир дам хаёл суриб турди. Зайнаб Султон Пошша хилхонасига ўтди. Фақат шу ердаги чиллахонаи торикка кирмади. Сабаби, у чиллахона кундуз куни ҳам қоп-қоронғу. Бир ўзи ҳадиксиради чоғи. Қайтиб келиб янги қурилган дарвоза остонасига ўтириб олиб кўз ёши қилишга тушди. Унинг ҳаракатларини кузатиб туриб олдин таажжубландик, кейин сўрашга мажбур бўлдик:

— Ўғлим, сенга нима бўлди. Нега йиғлаяпсан?

— Дарвозани янгилабсизлар, эскиси қани? Нега уни янгисининг ёнига қўймадиларингиз? У эски бўлса ҳам кўзга чиройли кўринади. Бунақа дарвоза ҳеч қаерда йўқ-ку. Уни ким олиб кетди. Айтинг, мен уни бугун топиб олмасам, қўймайман!!!

— Ўғлим, кўз ёш тўкишингизга ҳожат йўқ. Сиз севиб ардоқлаган дарвозанинг паллалари шу ерда. Биз уни сизга шу захотиёқ топиб берамиз. Фақат айтинг, эски дарвоза паллалари сизга нима учун керак бўлиб қолди?

— Биз бу дарвоза паллаларини ҳар куни акам билан томоша қилишга келамиз. Унинг ҳамма жойига гиреҳи сарбаст билан безак берилган. Бу усул шунчалик мураккабки, уста ишни қаердан бошлаб қаерга келиб

тугатганлигини билиб бўлмайди. Бу кандакорий ҳунарида сири сарбаст дейилади. Акам билан уни ўрганиб, тугунини ечаётган эдик. Энди у йўк...

Бундан йигирма дақиқа олдин боланинг кўзидан ҳасрат ёшлари оқаётган бўлса, энди эса бизнинг кўзимиздан қувонч ёшлари оқарди. Ахир бизнинг ҳали атиги саккиз йиллик мустақиллигимиз куртаклари ичида «ўзлигини сақлаб қолиш» йўлида шунчалик қалқон бўлиш исёни. Бу манзара узоқни аниқ кўра билган Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг: «Бошқача қилиб айтганда биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз», деганларининг меваси эди. Биз «дарвоза мураккаб гиреҳининг мафтун» — ўғлонни чиллаҳонаи торикка олиб бориб, энг севган бобомерос дарвозаси паллаларини кўрсатиб:

— Ота-боболаримиздан қолган дарвоза табақалари сизга мерос, олинг, оши ҳалолингиз бўлсин. Биз буни мана бу чиллаҳонага қўямиз. Бу ерда электр чироғи ҳам ўрнатдик. Ҳар куни акангиз билан келиб, томоша қилиб, пухта ўрганинг, кейин бундан ҳам зўрини ясаб берасиз, хўпми, дедик.

Бола жуда хурсанд бўлди. Биз билан қуюққина хайрлашиб қишлоғи томон кетди-ю, биз унинг ортидан кўнгил тўла фахр билан қараб қолдик...

* * *

Моҳ Султоним, Жонкелдибий, ота-боболари хазиралари, Мозори Дароз, унинг икки ён томонларида жойлашган хазиралар, Моҳ Султоним хазирасининг икки қироатхонаси қайта тикланди. Чироқпоясини эса тиклашнинг иложи топилмади. Хожа Саъд (Калон Хожа) хазираси тарҳи йўк эди. Шундайки, тепалик бўлиб қолган. Қамишлар орасидан иккита битикли қора мрамртош топиб олдик, холос. Ҳаммамиз фикрлашиб, чуқурроқ хандақ қазиб, ер ости пойдеворини топиб олишга эришдик. Маълум бўлишича, бу даҳма эмас, хазира экан. Шимол ва жануб томонларидан (девордан ташқари) ҳимоя воситасини ўтавчи қабрлар чиқди. Ҳамма нарса жой-жойига қўйилди. Вақтида хазирада қандай девору бинолар қад кўтарган бўлса, биз ҳам худди ана шундай қилиб тиклашга эришдик.

Жонкелдибий даҳмасининг ер остидаги (икки метрлик чуқурликда жойлашган) махфий киравериш эшигини собиқ СССР даврида сохта «даҳма-шунослар» «бу ерда бойлик, олтин кўмилган бўлса керак» деб очиб, ҳеч вақо топмай, эшигини эса ёпишни ҳам насиёга қолдириб кетган эканлар. Шу ерлик қариялар кечаси яширинча эшикни омонатгина ёпиб, фишт билан шундайин кўздан яшириш учун ҳимоя ясаган экан. Таъмирлаш кунларида бу нарсага алоҳида эътибор қаратилди. Шинамгина шамолкирар панжара ўрнатилди. Эшик олди майдони оби фишт билан фарш қилиниб, ангез ишлари ўтказилди.





Ота-боболаримиз қолипи-қолип. Унинг тарҳини бузмаслигимиз лозим! Обидалар атрофини боғ-роғ қилишда биз ҳам ана шу анъанага содиқ қолган ҳолда амал қилдик. Шарқ томон киравериш дарвозасининг икки ёни билан то Сумитан ариғи лабигача бўлган гулгашт жойда йиллар ўтиши билан шу ерлик аҳоли рухсатсиз уй-жой қуриб яшаётган эди. Булар ҳаммаси бўлиб 32 хонадон. Ихчамгина қишлоқча ҳисобига кирарди. Ҳар бир хонадон аъзоси билан суҳбатлашдик. Уларнинг майл-истак, кўрсатмаларига қараб янги Сумитан қишлоғини тиклашга қарор қилдик. Янги Сумитан қишлоқчаси Чор Бакр обидаларининг шарқ томонида, ярим километр узоқликда қад тикланадиган бўлди. Маслаҳатли кенгаш тарқамас деганларидай, тўрт ой давомида янги Сумитан қишлоғи тикланди. 32 хонадон янги уй-жойларга кўчиб, уй тўйларини ўтказди. 1932 йилдан бери улар яшаб келаётган ҳовлилар ўрнида янги боғ барпо қилинди. Қадимий ҳовуз ўша жойида қолдирилди, тарҳи бузилгани йўқ, фақат обдон таъмирланди. Абдуллахон, Хожа Ислом тириклик чоғларида қазилган тошқудуқ кўзини бузиб ташланган уйлар пойдевори остидан топиб олдик. Меҳр, меҳнат, садоқат ҳамиша эзгуликлар ҳаёт кўзини очганидай, тошқудуқ кўзи ҳам 78 йилдан кейин очилди. Тошқудуқ чанқоқ дилларни шодком қилиш каби азалий саховатпешалигига қайтди.

Янги боғ гулгашт тусини олди. Мевали дарахтлар ораси билан қатнов йўлакчалари чиқарилди. Сайёҳу зиёратчилар учун бир лаҳзалик ҳордиқ чиқариш жойлари ҳам тахт қилиб қўйилди. Бухоро шахристонидан то Чор Бакргача бўлган беш ярим километрлик эски йўл янгиланди, мумфарш қилинди. Икки ёни билан мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Фақат, қадимий Ҳарамсаройни тиклашнинг иложи бўлмади. Ҳар эҳтимолга қарши қабр жойлари ихоталанди. Битикли сарғиш мрамартошлари ҳам ўз жойида қолдирилди. Бу — тарих. Биз уни келажак авлод учун қўйдик. Борди-ю, уларда Ҳарамсаройни пойдевори асосида қуриш нияти туғилса, марҳабо. Жойи аниқ ... Файласуфлар айтганларидай: «Ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак». Чор Бакр тарихий-меъморий обидаларига қайта умр бағишлашда биз ана шу ҳақ гапга амал қилдик.

Балким, бу янгиликдай туюлару, лекин қадимийлигига шубҳамиз йўқ. Тарихий китобларда бу борада жўяли гап ёзилмаган. Бизнинг тахминимизча, хонақоҳ, намозгоҳ, масжид рўпарасида, миноранинг шундоқ ёнгинасида ихчамгина сарҳовуз бўлган. Чунки, сув сувни кесади, зах захни тортиб кетади деганларидай, ер ости зах сувларини тортиш учун Жўйборий хожалар ҳовуз қурган бўлишлари ҳақиқат. Биз ҳам мутахассис, қурувчилар таклифига қараб, ихчамгина ҳовуз қурдик. Пиллапоялари мрамартошдан қўйилди. Сувкирар, сувчиқар йўли катта ҳовуз тарнов йўли билан туташтирилди. Бу усул иккала сув маҳзанини сув билан таъминлаб туришда қўл келади.

Энди дарвозалар хусусида. Шарқий катта дарвоза умуман ўзгартирилмади, фақат диққат билан таъмирланди. Юқори, иккинчи қаватга чиқиш йўлаклари тузатилди. Дарвозадан то хонақоҳгача бўлган йўлак юзасига мрамартош ётқизилди. Хонақоҳнинг жануб томонида ошхона, саллоҳхона (кушқушхона) жойи ҳамда ҳожатхона ҳам қурилиб фойдаланишга топши-


рилди. Фарб томон киравериш жойида эса янги дарвозахона ҳам тикланди. Бу яна бир гўзаллик тимсоли бўлди. Нуроний, иш кўрган раҳбарлару юрагида ўти бор бутун вилоят аҳли билан оз фурсат ичида шундай улкан иш амалга оширилди. Бу хайрли иш айнан мустақиллигимизнинг энг ширин меваларидан бири бўлди десак, ҳақ бўлиб чиқамиз.

* * *

Таъмир ишлари поёнига етди. Бажарилган амаллардан кўнглимиз сув ичгандай бўлди. Кейин бир нарса хотирамга етдики, таъмирда қатнашган усталар исми-шарифларини қаламга олмай ўтибмиз. Бу нарсани бир хорижий сайёҳ хотирамизга солди. Унинг «шундай мураккаб таъмир ишларини бухоролик усталарнинг ўзлари бажардиларми, улар билан танишсам бўладими», дегани бизни сал хижолатга солиб қўйди. Сайёҳнинг хайратланишига, қойил қолишига ўрин бор эди. У ишонмаган эди, бу ишларнинг ҳаммасини ёш усталар бажарганликларига. Биз бухороча «умри узоқ иморат қурмоқчи бўлсанг, уста Ширин Муродов шогирдларига шогирд тушиб, уста бўлганларни ишга чорланг» ақидасига амал қилиб, Чор Бакр мажмуини таъмирлаш ишларига фақат гулдаст Уста Ширин Муродов шогирдларига шогирд тушганларни чорлаган эдик. Талабгорлар кўп бўлди. Лекин, танлов ўз ҳукмини ўтказди. Масжид таъмири ишлари учун Жўракул Фаттоҳов шогирдлари билан иш бошлади. Хонақоҳ ва гумбази таъмирини донғи кетган Ибодулло Маҳмудов ўғил-жиянлари билан удалашни бўйнига олди. Намозгоҳни ер ости пойдеворига қараб қайта тиклаган Уста Курбоннинг маҳоратига ҳамма тасаннолар айтди. Ана шундай қилиб, барча ҳазира, даҳма, йўлак, сақоҳона, пештоқу чиллахоналарни таъмир, консервация қилишда Музаффар Мирзаев, Акбар Обиддинов, Карим Толибов, Олим Абдуллаев, Шариф Рахимов, Азғор ва Исҳоқ Обиддиновлар, Бахшулла Маърупов, Аҳмад Боймуродов кабилар иштирок этдилар.

Яна бир тарих. Улуғбек мадрасаси таъмири ишларида Уста Ширин Муродов маслаҳатчи қилиб чақирилган экан. Уста Ширин иш жойига келибди-ю, усталар бажараётган ишларни кўриб, кўзига ёш келибди... Сабаби, шарафай авезонни ўрнатиш учун хавоза устига чиққан устанинг қўли бу ишга ҳеч ёпишмаётганлигидан экан. Уста Ширин жуда зерикибди. «Бу аҳволнинг рангини бошқачароқ қилиш керак» деб ўзи, охириги пайтда маймоқ бўлиб қолганига қарамай, хавоза устига чиқиб, шарафай авезонни маҳкам ўрнатган. Кейин бир неча кун ўнта устага энг мураккаб амалларни обдон ўргатиб, сўнгра бамайлихотир уйига қайтган экан. Усталар Чор Бакрда энг мураккаб амалларни бажараётган пайтларида бизнинг кўзимиз ўнгида шарафай авезонни ҳавсала билан ўрнига ёпиштираётган Уста Ширин Муродов ҳаракатлари ҳеч нари кетмади. Ҳамма юмушлар айтгандай адо этилгандан кейин ... Қарадикки, ҳар бир таъмир ишида Уста Ширин Муродов қўли ҳаракатларининг бетакрор излари бор экан. Илоҳо, Ўзбекистоннинг «Шу Ватан барчамизнинг муқаддас саждагоҳимиз» деб меҳнат қилаётган чин шогирдлари ўз устозларининг амали солиҳларини бекаму кўст адо этаверсинлар.





Абу Бакрлар хазираси йўлаги пештоқи. Ғарбий кўриниш (1982 йил).



Абу Бакр Саъд хазираси йўлаги пештоқи. Шарқий кўриниш (1982 йил).

* Суратлар Таъмиршунослик лойиҳа институти архивидан олинди.




Шимоли-ғарбий обидалар мажмуи. Масжид тоmidан кўриниши (1930 йил).



Шимоли-ғарбий обидалар мажмуасининг масжид тоmidан кўриниши (1981 йил).



Абу Бакр Саъд хазираси айвонининг орқа томондан кўриниши (1981 йил).



Абу Бакр Саъд хазираси айвонининг шимоли-шарқдан кўриниши (1981 йил).



Пошшойим хазираси пештоқининг жануб томондан кўриниши (1930 йил).



Ақобир Хожа хазираси (1982 йил).





Ҳаммом ва мактабнинг шимоли-шарқдан кўриниши (1982 йил).



Ҳаммомнинг шимоли-ғарбдан кўриниши (1982 йил).



Саъдулла Хожа хазирасининг ички кўриниши
(1982 йил).




Жонкелдибий боболари хазираси (1953 йил).



Жонкелдибий хазирасининг кириш қисми (1955 йил).



Мактаб ва ҳаммомнинг жануб томондан кўриниши (1982 йил).



Жонкелдибий боболари хазирасининг жануби-шарқдан кўриниши (1982 йил).



Саъдулла Хожа хазираси дарвозахонаси (меҳроб) (1981 йил).





Чиллахонанинг шимоли-шарқдан кўриниши (1981 йил).



Абу Бакр Саъд хазираси пештоқи (1930 йил).

ЧОР БАКРЛАР ШУКУҶИ АСРЛАР НАЗМУ НАСРИДА

Исо ибн Мусо ал-Ғунжорий катта ҳиммат кўрсатди. Ўзининг маълумотларга бой қимматли «Тарихи Ғунжорий» китобида Чор Бакрларнинг зикри ҳоли тўғрисида кенг тўхталиб ўтди. Муҳаддис олим бу нурли амали орқали бошқа тарихчиларнинг Чор Бакрлар ҳақидаги ёзилажак асарларига катта хазина яратиб қўйди. Кейинчалик Муҳаммад Авфий Бухорий Исо ибн Мусо ал-Ғунжорий изидан бориб, ўзининг «Жамоъ ул-хикоят» асарида Абу Бакр Фазл, Абу Бакр Саъд, Тархону Хомидлар тўғрисида нодир хикоялар ёзди.

Муҳаммад Наршахийнинг бу борадаги хизматларининг ранги сал бошқачароқ. Наршахий пайғамбарзодаларнинг Бухорога келишлари сабабларига тарих кўзи билан қараб, қалам тебратди. Исо ибн Мусо, Муҳаммад Авфий Бухорий ҳамда Наршахийдан кейин ҳам Чор Бакрларнинг фан, ҳуқуқ, муҳаддислик соҳасида қўшган улушлари ва кароматпеша ҳамда тараққийпарварликлари рисоласида кўп ёзилди. Мазкур асарлар муаллифларига «Тарихи Ғунжорий», «Жамоъ ул-хикоят», «Бухоро тарихи» каби муқаддаслик ҳукмидаги китоблар асосий таянч нуқтаси бўлди. Бу ҳақиқат исботини «Муллазода» китоби саҳифаларидан аниқ кўриш мумкин.

Ҳаёт давомдорлиги тинимсиз меҳнат, фарзанд, неvara-чеваралар билан рангли. Чор Бакрларнинг янги авлоди Жўйбор хожалари номи билан тарих саҳифаларига кириб келди. Жўйбор хожалари ҳақида янги китоб ёзиб, тарих саҳифасини бойитишлар бошланди. Ташаббусни биринчи бўлиб Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ўз қўлига олди. У «Шарафномаи шоҳий» китоби орқали Жўйборий хожалар, уларнинг замондошлари ҳаётининг энг маҳсулдор даврларини назму насрда тасвирлашга эришди. Таҳсинларнинг энг кўпини Ҳофиз Таниш ал-Бухорийга айтиш ўринли. Чунки, у ҳам наср битди, ҳам назм. Тимсолсиз хизмати орқали тарих рангини минг чандон қуюқлаштиришга эришгани — Оллоҳ берган барокотдан бўлса ажаб эмас.

Биз Абул Фазл Алломийнинг «Акбарнома»сини, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» китобини, Ниёзқулибек Насафийнинг «Тухфат ул-хоний» асарини ҳам варақлаб чиқиб, кўнглимиз тўлди. Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих» асари ҳам Жўйбор хожалари ҳаётига оид қимматли маълумотларга эга. Аммо уларнинг ҳаммасидан ҳам Абул Аббос Муҳаммад Толиб Хожа ўтиб тушди. У ўзининг минг машаққат ила ёзган «Матлаб ут-толибин» биографик асари орқали энг кўркам мафок²⁴ шаклидаги бу хайрат дунёсига нурдай кириб келди ва тўлалигича ёритишга эришди. Биз бу орада Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон», Ҳасан Сарахсийнинг «Маноқиб Саъдийа», Амир Дониёлбийнинг маноқиб шаклидаги «Гулшан ул-мулук» тарихий асарлари қадрини авроқдан олиб тоқчага қўйганимиз йўқ. Гап шундаки, Абул Аббос



Муҳаммад Толиб Жўйбор хожалари хонадонининг фарзанди. У шу дунё кўкрагидан сут ичиб, чорбоғда ўсган азим ёнғоқ дарахтидай кенгу мул канот ёзган эрқаваш қалам соҳиби. Абул Аббос Муҳаммад Толиб Жўйбор хожалари иқтисодий ҳаётидан тортиб хайру саховат, аразу қасд, каромату бир ота авлодлари ўртасида ўзаро никоҳ қилишлар, қабристон, ҳазира, даҳмаларга қарашли вақфлару қайси экин майдонлари кимнинг онасидан отасига меросий мулк сифатида ўтганлиги, доришунослик, китобхоналардаги китоблар сонигача аниқлаб, ҳисоблаб чиқиб, ўз кўзи билан кўриб, сўнгра ёзишга жазм қилган ижодкор. Биз ҳамиша ишончли маълумотлар мафтуни бўлиб келганмиз. Фаройиб бир маълумот келтираммиз. Сабаби, бу маълумот бизнинг хайратимизни минг чандон оширди. Жўйбор хожалари ҳаётини ўрганиш онларида «Тарихи Хайдарий» китобини ҳам варақлаб чиқишга тўғри келди. Китобнинг «Достон» аталмиш бобида Абдулла Баҳодирхон II даҳмаси зикри баёнида шундай маълумотга кўзимиз тушди: «Ровий айтади: Амир (Хайдар) даҳма юқорисига чиқди ва кўрдик даҳманинг том тўсини устида пўлат қалам билан бир неча сатр ёзилган лавҳ ўрнатилган. Амир буйруғига биноан Мирзо Содик келди ва (уни) ўқиди: (Бу ерда қуйидагилар ёзилган эди) «Эй, бу лавҳани кўрувчи. Бунинг таги Абдуллахон даҳмасидир. Агар уни кўрмоқчи бўлсанг, офтоб (шарқ томон) томонга шу лавҳадан беш қадам юр ва пастда тош тахтани топасан». Амир беш қадам юрди, (сўнг) темир тахтани кўриб уни кўтаришга амр қилди. Пастга олиб тушувчи зина пайдо бўлди. Қоп-қоронғи бўлганлиги учун шамълар қўлга олинди. (Амир Хайдар) Мирзо Содик ҳамроҳлигида пастга беш, олти поғона тушдилар. Улар мрамартошдан (қурилган) тўрт бурчакли хонани кўрдилар. Хона ўртасида бир тахт турарди. Тахт устига қабр суратли (тош) қўйилган. Унинг бош тарафида лавҳ ўрнатилган. Мирзо Содик лавҳ ёзувини ўқиди: «Эй, бу ерга келган киши, огоҳ бўлиб, қадам қўй. Мен ўз вақтида номи байроқ бўлган кишиман. Подшоҳлик вақтимда ... остин-устун қилдим. Унинг ... Бухорога .. келдим. Катта тим, яна Чорсу ва Заргарон ва Саррофон ва Тиргаронни бино этдим. Тошдан бошқа хайрия биноларни қурдим. Охирида тор гўрни маскан этдим (мана у)». Бехосдан сардор ва уламолар йиғлаб юбордилар. Сўнг улар чиқиб (даҳмадан) бошқа равзаларга кирдиларким, бу ерда Абдуллахоннинг барча фарзандлари ва яқинлари дафн этилган эдилар».

Бу ёзишмалар — тарих. Аммо, ибрат олса арзийдиган тарих. Муаллиф ўзи воқеага гувоҳ бўлиб, сўнгра қаламга олган тарих. Абул Аббос Муҳаммад Толибнинг «Матлаб ут-толибин» асарини ҳам ана шундай тарихий асарлар сирасига киритиш мумкин.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Жўйбор хожаларининг тарихий мавқеи рус олимлари В. Л. Вяткин, П. П. Ивановлар диққатини ҳам ўзига жалб қилди. Бу иккала олим жўйборийларнинг ер, мол-мулклари микдорию хўжалик дафтарларида бор ёзишмаларга эътиборни қаратиш билан чегараланиб қолдилар. О. Сухарева Бухоро маҳаллалари, гузар мавзелари тарихини ўрганиб, илмий асар ёзиш вақтида Жўйбор хожаларига даҳлдор иморатлар тарихини ўрганиб, шу орқали хожалар шахсиятларига бир қарагандай бўлди-ю, тамом... Яна Америка Қўшма Штатлари ҳамда Германия мамлакатларидан Роберт Мккч, Ф. Шварц

каби таниқли олимларнинг Чор Бакрлар тўғрисидаги илмий мақолаларини айтиб ўтиш ўринли.

Академик Бўрибой Аҳмедов «Тарихдан сабоқлар» китобида Жўйбор хожалари ҳаёти, иқтисодий фаолиятини аниқроқ қилиб ёритишда муваффақиятга эришган. Бухоролик олим Ҳалим Тўраевнинг 10 га яқин илмий-тарихий мақолалари ҳам шу борада. Шоир Бахшулло Ражабов «Чор Бакр» рисоласини ёзиб, уни китобча ҳолида нашр эттирди. Самарқандлик олим Комилхон Каттаевнинг «Махдуми Аъзам ва Дахбед» илмий рисоласида Хожа Ислои Жўйборий тўғрисида мақола мавжуд. Айтиш ўринлики, булар ҳаммаси наср, тарихий-илмий мақолалар. Назмда-чи? Шоир Тошпўлат Аҳмад Чор Бакр тарихий-меъморий обидалар таъмири пайтида «Чор Бакр» достонини ёзди. Достон китоб ҳолида чоп этилди.

Шоир, таржимон Самандар Воҳидовнинг «Чор Бакр» шеъри бадиий мукамаллиги билан юқори баҳога лойиқ. Қуйида ушбу шеър китобхонлар эътиборига ҳавола этилади:

ЧОР БАКР

*Табаррук боболар муқаддас ҳоки,
Безавол руҳию иймони поки,
Сен ила фахр этар дунё бор токи —
Пири комилга бой Мовароуннаҳр,
Улуғ Чор Бакр!*

*Не-не хонлар ўтди, султонлар ўтди,
Турфа-турфа давру давронлар ўтди,
Бошингдан баҳору тўфонлар ўтди,
Сен ҳамон ўшасан муслимга — фахр,
Қутлуғ Чор Бакр!*

*Сен тангри нигоҳи тушган даргоҳсан,
Юракка покликдан қўчган зиёсан,
Муслмон аҳлига зиёратгоҳсан,
Бағрига ирмоқлар талпинган наҳр,
Суюк Чор Бакр!*

*Қўйнингдан жой олмиш не-не фозиллар,
Эътиқод устуни бўлган оқиллар,
Оллоҳга азизу ардоқли диллар,
Эй, Ислои динидан баҳрабар баҳр,
Буюк Чор Бакр!*

*Қўлланг авлодларни, эй боқий руҳлар,
Тўлсин юртимизга файзу шукуҳлар,
Пирлар қўллаганни худо ҳам қўллар,
Бош эгиб келганга саждагоҳ бағр —
Улуғ Чор Бакр!*

Заҳматкаш шоир Фулом Шомуродов Бухородаги тарихий-меъморий обидалар васфида достон ёзиб, айниқса Чор Бакр обидаларига алоҳида эҳтиром кўрсатгани шеърхонларни қувонтирди.

МУЪЖИЗА

*Шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийнинг Чор Бакр ёдгорликлари
мажмуида бўлиб айтганлари*

*Гарчи мен ҳозирда кекса ёшдаман,
Кездим ва кезаяпман бу олам аро.
Бу сафар не баҳру уммонлар оша,
Зиёратингга келдим, гўзал Бухоро.*

*Ислом оламининг эй шариф шаҳри,
Муслим аҳли учун сен қутлуг даргоҳ.
Хокингда яшаган буюк пирларнинг
Рухлари бошингда уйгоқ ва огоҳ.*

*Мен бу гал бағрингда узоқроқ бўлиб,
Барча гўшаларинг этдим саёҳат.
Юрагим гуруру фахрга тўлиб,
Айладим етти пир қабрин зиёрат.*

*Барча қадамжолар не бахтки обод,
Пирларнинг руҳидай нурли, мунаввар.
Азиз авлиёлар қалбингизда ёд,
Бунинг учун ажри савоб муқаррар.*

*О, мана Чор Бакр!
Ушбу оламда
Бундай бир муъжиза топилади кам.
Қалашиб ётибди ўтган одамлар,
Масжиду мадраса, Миноралар — жам.*

*Жамланмиш бу ерда ислом тарихи,
Наинки тарих бу,
Бу — гўзал санъат.
Бунда бор исломнинг барча таърифиди,
Шариат, тариқат ҳамда ҳақиқат.*

*Ҳолбуки, дунёнинг қай бурчагида,
Баъзи бир ёдгорлик бўлмоқда горат.
Барбодлик келтирмас шуҳрат ҳеч кимга
Жоҳилларга ўқир авлодлар лаънат.*

*Ота-боболарнинг хоку тупрогин,
Шундай эъзозлаган ўзбек бор бўлсин.
Эли обод бўлсин, йўллари ёруғ,
Уни кўролмаган душман хор бўлсин.*

*Иншоолло, ният ижобат бўлгай,
Бу элга ёғилар файзу фазилат.
Ушбу эзгу ишга раҳнамо бўлган,
Юртнинг раҳбарига офарин, раҳмат!*

ИЗОҲЛАР



1. Фитрифий — пул бирлиги; Фитриф ибн Ато ҳукмронлиги даврида зарб этилган биринчи танга.
2. Мужохид — «Қуръон», «Ҳадис» китоблари орқали қонун чиқаришга ҳуқуқли инсон.
3. Ромитон — қўлэзмада бу сўз хато ёзилган. Аслида Ромитон тумани эмас, Сумитан қишлоғи бўлган.
5. Шарафа — косачалардан ташкил топган безак бериш тури.
6. Кулоҳий — гумбаз шакли. Қалпоқ қўринишида бўлгани учун кулоҳий дейилган.
7. Равзан — равшани зан; ёруғлик тушадиган йўл.
8. Гирех — геометрик накшлар номи.
9. Обрав — чиқинди сувлари тушиб кетадиган йўл.
10. Гулнорий — баҳор гуллари рангидай безак бериш санъати.
11. Катиба — бинонинг ёзувли безак қисми.
12. Кодок — усти берк узун йўлак.
13. Долон — кодокнинг бир тури.
14. Муқарнас — равоқли косалардан иборат мураккаб безак хили.
15. Анори дандони уштур — туя тишидай донаси оппоқ анор тури.
16. Хоркашлар — янтоқ ташувчи деҳқонлар.
17. Зардолу — ўрик.
18. Говсандик — ҳажми катталиги учун шундай номланган сандик.
19. Айём — 21 февраль билан 21 март орасида бўлиб ўтадиган совук, изғирин кунлар.
20. Арки дузи — ичи бўш бинокорлик усули.
21. Дардари гўш, дардари коқули — чорбоғчиликда экиладиган гул тури.
22. Уштургардан — туя бўйнидай эгри безак бериш хили.
23. Матфан — майита қўйиладиган маҳсус жой.
24. Мағоқ — чуқурликда бино этилган иморат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. «Қуръони Карим». Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1992.
2. *Ислом Каримов*. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» (1-жилд).
3. *Ислом Каримов*. «Биздан обод ва озод Ватан қолсин» (2-жилд). Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
4. *Ислом Каримов*. «Бунёдкорлик йўлидан» (4-жилд). Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
5. *Ислом Каримов*. «Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қураемиз». Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
6. *Ислом Каримов*. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда». Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
7. *Муҳаммад ан-Наршахий*. «Бухоро тарихи». Тошкент, «Фан», 1966.
8. *Муҳаммад Авфий Бухорий*. «Нодир ҳикоятлар тўплами». Тошкент, «Чўлпон», 1966.
9. *Муҳаммад Гиёсиддин ибн Жалолиддин Ромпурий*. «Гиёс-ул-луғот». Душанбе, «Адиб» нашриёти, 1987.
10. *Ҳофиз Таниш ал-Бухорий*. «Абдуллонома» (Биринчи китоб). Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1997.
11. *Ҳофиз Таниш ал-Бухорий*. «Абдуллонома» (Иккинчи китоб). Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа, концерни Бош таҳририяти, 1999.
12. *Ҳасан ас-Сарахсий*. «Маноқиби Саъдийа» (қўлёзма нусхаси).
13. *Абул Аббос Муҳаммад Толиб*. «Матлаб ут-толибин» (қўлёзма нусхаси).
14. *Бадриддин Кашмирий*. «Равзат ар-ризвон ва ҳадикат ал-ғилмон» (қўлёзма нусхаси).
15. *Низомий Арузий Самарқандий*. «Нодир ҳикоятлар». Тошкент, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
16. *Исмоил ал-Бухорий*. «Ҳадис» (1-жилд). Тошкент, «Қомуслар бош таҳририяти», 1997.
17. *Исмоил ал-Бухорий*. «Ҳадис» (2-жилд). Тошкент, «Қомуслар бош таҳририяти», 1997.
18. *Юсуф Хос Ҳожиб*. «Қутадғу билиг». Тошкент, «Юлдузча», 1990.
19. *Маҳмуд Кошғарий*. «Девону луғотит турк». Тошкент, «Фан», 1966.
20. *И. Абдуллаев*. «Бухоронинг арабийнавис шоирлари». Тошкент, «Фан», 1965.
21. *Абул Фазл Алломий*. Акбарнома (қўлёзма нусхаси).
22. *Мир Муҳаммад Амин Бухорий*. Убайдуллонома (қўлёзма нусхаси).
23. *Ниезқулибек Насафий*. Тухфат ул-хоний (қўлёзма нусхаси).
24. *Б. Аҳмедов*. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992.

МУНДАРИЖА

<i>Тикланаётган руҳият (Н. Комилов)</i>	4
Биринчи қисм. Чор Бакрлар	8
Хожа Саъд	12
Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд	13
Абу Бакр Фазл	13
Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид	15
Имом Абу Бакр Тархон	16
Абул Ҳасан Али	16
Иккинчи қисм. Нур изини нур босар	18
Жўйбор хожалари шажараси	18
Хожа Абу Бакр Саъд ва унинг авлоди	20
Фаҳриддин Хожа Муҳаммад Ислом	20
Хожа Исломнинг молк-мулк ва ерлари	32
Хожа Саъдиддин – Калонхожа	32
Хожа Тожиддин Ҳасан ибн Хожа Саъдиддин	39
Абул Аббос Муҳаммад Толиб ва унинг «Матлаб ут-толибин» асари	42
Хожа Ҳошим Жўйборий	43
Жўйбор хожалари бино этган иморатлар	45
Учинчи қисм. Бухоронинг хос соҳиби	47
Биринчи кун	57
Иккинчи кун	61
Учинчи кун	64
Тўртинчи кун	65
Бешинчи кун	67
Олтинчи кун	68
Еттинчи кун	69
Саккизинчи кун	71
Тўққизинчи кун	71
Ўнинчи кун	72
Ўн биринчи кун	74
Ўн иккинчи кун	76
Тўртинчи қисм. Чор Бакр мажмуи ва ундаги даҳма, хазиралар тарихи	77
Хонақоҳ	78
Мадраса	79
Масжид	80
Минора	81
Ҳарамсарой	81
Ҳазира ва даҳмалар	83
Соғона	84
Саъдулла Хожа хазираси	84
Акобир Хожа хазираси	86
Насриддин Хожа хазираси	86
Абдуазиз Хожа хазираси	86
Атоулло Хожа хазираси	87





Зайнаб Султон Хоним ҳазираси	89
Обид Хожа ҳазираси	91
Пошшоойим ҳазираси	94
Моҳ Султоним ҳазираси	97
Хожа Саъд ҳазираси	101
Жонқелдибий ва унинг ота-боболари даҳмаси	102
Хожа Ислоннинг мангу маскани	104
Бешинчи қисм. «Ўзбек том маънодаги бунёдкордир»	105
Намозгоҳ таъмири	118
Масжид таъмири	118
Хонақоҳ	119
Янги Сумитан захкаши	120
Саъдулла Хожа ҳазираси	121
Акобир Хожа ҳазираси	121
Насриддин Хожа ҳазираси	121
Зайнаб Султон Пошша ҳазираси таъмири хусусида	122
Чор Бакр мажмуаси тарих нигоҳида	128
Чор Бакрлар шукуҳи асрлар назму насрида	137
<i>Изоҳлар</i>	<i>141</i>
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	<i>142</i>

САМОВИДДИН ҲУСЕНОВ, ИБОДАТ РАЖАБОВА

ЧОР БАКР

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Мухаррирлар: *Ибодулла Шоймардонов, Омон Мухторов*
Бадий муҳаррир: *Михаил Самойлов*
Техник муҳаррир: *Диана Габдрахмонова*
Мусахҳих: *Юлдуз Бизаатова*

Теришга берилди 2.04.2001. Босишга рухсат этилди 7.05.2001. Бичими 84x108¹/₁₆. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 15,12. Нашриёт ҳисоб табағи 11,1. Адади 5000 дона. Буюртма №1856. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

